


Исҳоқжон НИШОНОВ



АФФОН

2

ШАДЛОҚИ

Исҳоқжон НИШОНОВ

**АФҒОН
ШАМОЛИ**

ИККИНЧИ КИТОБ

ҚАСАМ

Детектив роман

**«Фаргона» нашриёти
2009 йил.**

Асар Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланади.

Ҳадисда бир гап бор: «Ватанни севмоқ иймондандир». Киндик қонимиз томган Ватандан азиз, мўътабар нарса бўлмаса керак. Инсоният дунёга келибди-ки, она каби ардоқли бўлган юртни кўз қорачигидай асрайди, ёвдан ҳимоя қилади. Керак бўлса, жонини фидо қилади. Инсон қалбига Ватан меҳри она сути билан киради. Шу сабаб уни шарафлайди. Ватан ҳақида кўплаб асарлар ёзилган, шарафланган, улугланган. Асли касби мактаб ўқитувчиси бўлган Исҳоқжон Нишоновнинг «Афгон шамоли» сериалига кирувчи барча асарларида жонажон диёримиз мадҳ этилади. Тараққиётимизга гов бўлаётган галамиз кимсаларнинг мақсадлари очиб берилади. Сарҳадларимизни қўриқлаётган ўғлонларимиз, осойишталигимиз посбонлари бўлган ички ишлар, ҳамда, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг қаҳрамонлик ва жасоратлари очиб берилади.

И. Нишонов

Афгон шамоли // Қасам

«Фарғона» нашриёти – 2009. – 248 б.

ISBN - 978-9943-347-59-5

© «Фарғона» нашриёти – 2009 йил.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Энг олий мақсадим — халқимнинг омонлиги.

И. КАРИМОВ.

Мамлакатимиз юртбошимизнинг раҳбарлиги ва раҳнамолигида мустақилликнинг ўн саккизинчи йилига қадам қўйди. Бу тарих учун узок вақт эмас. Қисқа фурсат ичида кўзни қувонтирадиган, оламни ҳайратга соладиган жаҳоншумул ишлар амалга оширилди. Эришаётган ютуқларимиз жонажон юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фахри ва гуруридир. Биз бугун дадил одим ташлаб, дунёга танилиб, ривожланиб, тараққий этиб бормоқдамиз. Жаҳон аҳлини лол қолдирган буюк ўзгаришлар осонликча қўлга киритилмади. Танлаган йўлимизга гов бўлган, ўзларининг гоёлари билан тарих гилдирагини ўтмишга буришни истаган, ёшларимиз онгини захарламоқчи бўлган, тараққиётимиздан ичи ёнган мақсади бузиқ, кўнгли қаро кимсалар ҳам чиқиб қолди. Улар мамлакатимиздаги тинчликка, миллат ва элатлар ўртасидаги асрий дўстлик, ҳамда, ҳамжиҳатликка раҳна солишга уринишди. Ўзларининг ғараз мақсадлари йўлида қўлларига қурол олишди, бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди. Бироқ халқимиз юртбошимиз танлаган йўлдан қайтмади.

*Асар Ватанимиз мустақиллигининг 18 йил-
лигига бағишланади.*

Ҳадисда бир гап бор: «Ватанни севмоқ иймондандир». Киндик қонимиз томган Ватандан азиз, мўътабар нарса бўлмаса керак. Инсоният дунёга келибди-ки, она каби ардоқли бўлган юртни кўз қорачигидай асрайди, ёвдан ҳимоя қилади. Керак бўлса, жонини фидо қилади. Инсон қалбига Ватан меҳри она сути билан киради. Шу сабаб уни шарафлайди. Ватан ҳақида кўплаб асарлар ёзилган, шарафланган, улугланган. Асли касби мактаб ўқитувчи-си бўлган Исҳоқжон Нишоновнинг «Афгон шамоли» сериалига кирувчи барча асарларида жонажон диёримиз мадҳ этилади. Тараққиётимизга гов бўлаётган галамиз кимсаларнинг мақсадлари очиб берилади. Сарҳадлари-мизни қўриқлаётган ўғлонларимиз, осойишталигимиз посбонлари бўлган ички ишлар, ҳамда, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг қаҳрамонлик ва жасоратлари очиб берилади.

И. Нишонов

Афгон шамоли // Қасам

«Фаргона» нашриёти — 2009. — 248 б.

ISBN - 978-9943-347-59-5

© «Фаргона» нашриёти — 2009 йил.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Энг олий мақсадим — халқимнинг омонлиги.

И. КАРИМОВ.

Мамлакатимиз юртбошимизнинг раҳбарлиги ва раҳнамолигида мустақилликнинг ўн саккизинчи йилига қадам қўйди. Бу тарих учун узоқ вақт эмас. Қисқа фурсат ичида кўзни қувонтирадиган, оламни ҳайратга соладиган жаҳоншумул ишлар амалга оширилди. Эришаётган ютуқларимиз жонажон юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг фахри ва гуруридир. Биз бугун дадил одим ташлаб, дунёга танилиб, ривожланиб, тараққий этиб бормоқдамиз. Жаҳон аҳлини лол қолдирган буюк ўзгаришлар осонликча қўлга киритилмади. Танлаган йўлимизга ғов бўлган, ўзларининг гоёлари билан тарих гилдирагини ўтмишга буришни истаган, ёшларимиз онгини захарламоқчи бўлган, тараққиётимиздан ичи ёнган мақсади бузиқ, кўнгли қаро кимсалар ҳам чиқиб қолди. Улар мамлакатимиздаги тинчликка, миллат ва элатлар ўртасидаги асрий дўстлик, ҳамда, ҳамжиҳатликка раҳна солишга уринишди. Ўзларининг гараз мақсадлари йўлида қўлларига қурол олишди, бегуноҳ одамларнинг қони тўкилди. Бироқ халқимиз юртбошимиз танлаган йўлдан қайтмади.

Мустақиллигимизни кўз қорачигидай асраш, тинчлигимизни сақлаш йўлида куну тун хизмат бурчини бажариб келаётган ички ишлар идоралари ходимлари, Ватан сарҳадларини қўриқлаётган мард ўғлонларимиз ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари билан халқимиз фахрланади. Улар орасида мустақиллигимиз ва тинчлигимизни сақлашда ширин жонларини фидо қилган мард ўғлонларимиз бор. Улар бизнинг фахримиз ва гуруримиздир. Қурбон бўлганларнинг номлари қалбимизда мангу яшайди. Юртбошимизнинг таъбирлари билан айтганда, «Она-Ватан ҳимояси, юртимизнинг тинчлиги йўлида ўз жонини фидо қилган аскарларимизнинг номлари барчамиз учун мардлик ва жасорат, фахру гурур тимсоли бўлиб қолади».

Исҳоқжон Нишоновнинг «Афгон шамоли» романида ўзларининг муқаддас, шарафли бурчларини адо этиб келаётган, она-Ватан байрогини ўпиб ичган қасамёдларига содиқ қолаётган мард ўғлонларимизнинг диний экстремистик гуруҳларга, қора мақсадли ғаламисларга қарши курашдаги жасорати акс эттирилади. Милиция ва халқнинг яқдиллиги очиб берилади. Бу роман ўзбек милицияси ҳақидаги дастлабки йирик асардир.

**Баҳодир РАҲМОНОВ,
Наманган вилоят Ички ишлар
бошқармаси бошлигининг ўринбосари.**

МАЪЛУМОТНОМАДАН

Мирюнус Охунов 1948 йилда туғилган. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси. Миллати ўзбек, ҳунарманд оиласида туғилган ва ўзи ҳам ҳунармандчилик билан шуғулланиб келган. 1990 йилда Тожикистонда Қобулий домланинг қўлида таълим олган. 1994 йили Эргашбой Одиловнинг гуруҳига қўшилган. Ўзи яшаб турган қишлоқ ва туманда диний экстремизм ғояларини тарғиб қилиб келган. 1994 йилнинг июл ойида ўз хотини Олима Эргашеванинг бошига оғир тан жароҳати етказиб, воқеа жойидан ғойиб бўлган. 1995 йилнинг июн ойидан август ойига қадар Олма-ота шаҳрида савдогар ниқоби остидаги Одилов тарафдорлари сафида жазодан, қочиб юрган. Август ойи охирида ун нафар диний-экстремистик гуруҳ аъзолари билан Чеченистон республикасига ўтиб кетган. Усама бин Лоденнинг содиқ одамларидан бири, таниқли террорчи Хаттоб гуруҳи таркибига қўшилиб, ҳукумат қўшинларига қарши жанговар ҳаракатларда иштирок этган. Асирлар ва тутқунларни қийнаб, азоблаб ўлдиришда алоҳида «намуна» кўрсатган. Грозний шаҳрида бўлиб ўтган отишма чоғида қаттиқ яраланган Хаттобни жанг майдонидан олиб чиққан. Хаттоб томонидан унга Азиз номи берилган ва террорчининг арзандасига айланган. 1997 йили Грозний шаҳри ҳукумат қўшинлари томонидан ишғол этилгач, Мирюнус санокли одамлар билан Эрон орқали Афғонистонга—Эргашбой Одилов сафига келиб қўшилган. Айни пайтда унга нисбатан қидирув ишлари олиб борилмоқда.

БИРИНЧИ ҚИСМ

-1-

Айтилган муддат етиб келганди. Бўрибойнинг қотили топилмади. Туркон хоним Одиловнинг хонасида унутиб қолдирган матоҳини олиб кетиш учун қайтиб келмади. Унинг сўзлари магнитофон тасмачасига ёзилибгина қолмай, бу ўйинчоқни унга ишониб топширган кимсанинг сўзлари ҳам тушиб қолганди. Туркон хоним қандай қилиб бўлса-да, Одиловни Баширнинг топшириғини бажармасликка кўндириши лозим эди. Самарқанду Бухорони ўз раҳнамоларига инъом этмасликни илтимос қилган бу одамлар нега ўзлари келишмайди? Маслаҳат ва йўл-йўриқ кўрсатишмайди? Боши қотиб турган кунларда ёрдам қўлини уза тишмайди? Кимсасиз адирларда ағғон шамолига юз кўзларини ялатиб, очлик ва ташналик азобларини бошидан ўтказиб турганда кўнглига далда бермайди? Ахир бу ерларда у кимнингдир далдасига, маслаҳатига зор бўлиб яшаяпти-ку! Демак, улар Эргашбойни ҳамаша кузатиб юришган. Босган қадамидан, қилаётган ишларидан воқиф. Қўл остидаги йигитлар ичида уларнинг одами бўлса-я!

Тасмадаги ёзувларни эшитган Эргашбой Туркон хонимни бу ерга жўнатган кимсаларни ўзининг яқин дўстлари, деб қабул қилди. Бироқ, улар Башир билан бўлган учрашувни кимдан эшитишди? Ким уларни бу сирдан воқиф қилди? Ҳа, уларнинг бу ерда одами бор. Хуфялар тинимсиз ишляпти!

«Хуфия» сўзи хаёлига келганда Одиловнинг бадани жимирлаб кетди. Бўрибойнинг ваҳшийларча ўлдирилганига ҳам бир ҳафта бўлди. Шу кунга қадар қотил топилгани йўқ. Кўпчилик олдида Содиққа айтган сўзлари қулоғи остида жаранглайди. Ухлаганида Бў-

рибойнинг танасидан узилган боши кўз олдида намоён бўлади. Хуфияларни қанчалик қисти-қафасга олмасин, қотилни топишолмаяпти... Бўрибойнинг ўлими Эргашбойни таҳликага солиб қўйганди. Атрофидаги одамларга бўлган ишончи сўнди. Эргашбой ўйлаб-ўйлаб охири йигитлари орасида давлатнинг одами бор, деган қарорга келди. Қотил бир эмас, балки бир неча киши бўлиши мумкин. Улар топилмаса, Одилов бу ерда тинч ва хотиржам яшаёлмайди. Истаган пайтда чавақлаб кетишлари мумкин. Шунинг учун у аввало чодир атрофига садоқатли ва ишончли йигитларини соқчиликка қўйди. Улар туну кун ухламай ўз раҳнамоларини кўриқлашарди. Одилов ташқарида ҳам эмин-эркин юролмайдиган бўлиб қолди. Унинг уйқусиз тунлари бошланганди.

Эрталаб барвақт уйғонган Эргашбой Содиқни чақиртирди.

— Айбдорни топдингми? — бундан икки кун аввал кўришганларида ҳам у ҳудди шу саволни берганди.

— Гумонларим бор..., — кўрқа-писа жавоб қайтарди Содиқ.

— Менга гумонинг керак эмас, сендан аниқ жавоб кутяпман!

— Ҳаракат қияпман, хўжайин, аммо...

— Сенга берилган муддат тугади, — Содиқнинг сўзини бўлиб, ўшқирди хўжайин.

— Яна бир ҳафта муҳлат беринг, амирим, — Содиқ ўзини қандай жазо кутаётганини яхши биларди. Нима қилиб бўлса-да, хўжайиннинг меҳрини қозониши, уни аҳдидан қайтариши, гумон килинувчини тополмаган тақдирда кўзига хунук кўринган, аввалдан қасдлашиб келган бирор кимсани кўрсатиш учун фурсат лозим эди.

— Мен бир сўзли одамман, айтганимнинг урдасидан чиқиб келганман. Йигитларим олдида бебурд бўлишни хоҳламайман!

Содиқ олов ичида қолгандек типирчилади. У хўжа-

йиннинг феълени яхши тушунарди. Қўрс одамлиги ҳаммадан унга кўпроқ маълум. Бир вақтлар қўшни бўлиб яшашган. Болалигидан танийди. Ўртоқлари билан уришиб ёки жанжаллашиб қолса, гина-кудуратни узоқ вақт юрагида сақлаб юрарди. Пана жойларда рақибини пойлаб, кесак ёки тош отиб, буринини қонатмагунча тинчимасди. Унинг бу одати катта бўлганда ҳам қолмади. Шуни эслаб Содикнинг вужуди безгак тутгандек қалтираб кетди. Ерга тиз чўкди. Бошидаги сала Одиловнинг оёғи остига юмлаб тушди. Ўпкаси шишиб, йиғлаб юборди.

— Бола-чақаларимни ташлаб, орқангиздан эргашиб келганман, хўжайин. Раҳмингиз келсин. Бегона юртда ўлиб кетсам, гўдакларим чирқираб қолади. Ўйламай айтган гапим учун бир қошиқ қонимдан кечинг, жон хўжайин. Илоҳим, ниятларингизга етинг, юртнинг пошшоси бўлинг. Доимо хизматингизни қилиб юрай!

Одилов қўрқоқ ва юраксиз йигитларни ёқтирмасди. Бироқ шаънига айтилган мақтовлар унинг тош юрагини бироз эритди. Ўз мақсади йўлида Содикдан фойдаланиш мумкинлигини ўйлади.

— Тур ўрнингдан, — аччиқ нарса чайнаб олгандек афтини буриштирди хўжайин. — Хотин кишига ўхшаб оёғим остида кўз — ёш тўкма. Сенда фурур борми?!

Содик хўжайиннинг бу гапидан гуноҳидан ўтганлигини тушунди. Юраги ёришди.

— Бир қошиқ қонимдан ўтишингизни билардим, хўжайин, — деди ялтоқланиб. — Илоҳим, ниятингизга етинг!

— Сен боп топшириқ бор, — ўйчан кўзларини ерга қадаб сўз қотди Эргашбой.

— Буюринг!

— Вақти келганда айтаман, — деди тўдабоши. Унинг юзида заҳарханда кулгу жиъва қилди. Бу ним табассум қачондир ўз бошига оғир мусибат солишини Содик ҳали тушуниб етмай «бош устига амирим», деган жавобни қилди.

Мирюнуснинг келиши Одиловни қувонтириб юборди. Унинг ташрифи қайғу ғамга ботган, қолаверса кўрқув ҳамда гумонлардан безиллаган юрагига бироз бўлса-да, далда бўлди. Қайғуларини унутди. Ўша кеча икки дўст узоқ суҳбатлашиб тонг оттиришди. Одилов бундан кейин тўдани бошқаришни Мирюнуснинг зиммасига топширди. Ўзи Покистонга жўнашини маълум қилди. Яқин кунларда Башир жаноблари Одилов билан Қобулда учрашишни режалаштириб қўйганди. Душанбедаги учрашувдан унинг кўнгли тўлмаганди. Одиловдан аниқ жавоб ололмаганидан афсусланиб юрганди. Разведка ва диверсия ишлари бошлиғи нима қилиб бўлса-да, Одиловни ўз шартига кўндирishi ва қўлидаги бир варақдан иборат шартномага имзо чектириб олишни ўйларди. Унга ваъда қилинган қурол-аслаҳа, озиқ-овқат ва кийим-кечакларни жўнатишни ортга суриб келаётганлигининг сабаби шунда эди. Буни Одиловнинг ўзи ҳам сезарди. Кутилмаганда Тожикистондаги вазиятнинг издан чиқиб кетиши, Одиловнинг юрагидаги орзу-истакларни саробга айлантирган ва ўзининг ғалабасига бўлган ишончни сўндирганди. Яшаши ва одамларини сақлаб қолиши учун барча қабиҳ ишларни бажаришга тайёр эди. Ақидапарастларнинг мағлубияти чин бўлса, уларнинг бу ерга бостириб келиши тайин эди. Чунки ҳукуматга қарши курашган кучларнинг кўпи ашадий жангариларни ташкил қиларди. Улар бегуноҳ одамларни азоблаб ўлдирган, ҳукумат қўшинларидан қочиб шу ерда паноҳ топган каллакесарлар эди. Улар бу ерда ҳам тинч юришмади. Вақти-вақти билан қишлоқларга ҳужум уюштириб туришди. Одамларнинг мол-қўйларини, дон-дунларини, кийим кечакларини олиб кетишар, қаршилик кўрсатганларни тириклай бўғизлашарди. Қишлоқ одамлари ҳукумат қўшинларини бу ерда тартиб ўрнатишини истарди,

улардан ёрдам кутишарди. Ҳукумат тоғда яшириниб юрган жангариларни қўлга олиш учун қўшинларни Бадахшонга жўнатди. Одиловни ташвишга солган нарса шу эди. Мабодо улар бу ерга келиб, босқинчиларга қарши ҳужум бошлайдиган бўлса, Одиловнинг ҳоли нима кечади? Одамлари қаерга қочади? Ахир, улар ҳам жангарилар сафида туриб, тинч аҳоли бошига қирғин ва офатларни солмаганмиди? Ҳукумат тарафдорларини, милиция ходимларини ваҳшийларча ўлдиришда иштирак этмаганмиди? Шундай бўлгач, ҳукумат уни ҳам унутмаган. Қилган жиноятлари учун жазо тайинлайди. Одилов шундан қўрқарди. Нима қилганда ҳам бегона юрт, бегона одамлар даврасида. Қилган гуноҳлари унинг зиммасига оғир жазони юклайди. Мен айбдор эмасман, деб кимни ишонтиради? Мана шундай таҳликали кунларда Мирюнус кириб келди.

— Энди биз бу ерга ҳам сифмайдиганга ўхшаймиз, — деди Одилов чуқур хўрсиниб. — Вазиятни ҳукумат қўшинлари ўз қўлига олмоқда. Кечаги хабарга кўра ҳукумат ўзининг элик кишидан иборат аскарини Бадахшонни жангарилардан тозалаш ва аҳолини қўриқлаш учун жўнатибди. Улар, албатта, бизларни бу ерда яшириниб ётганимиздан хабар топишган. Бугун бўлмаса эртага ҳужумга ўтишади. Шу сабабли ҳар дақиқада хушёр туришимиз лозим.

— Йигитларимиз қўлида етарли ўқ-дорилар бор. Ўзимизни ҳимоя қилишга кучимиз етади, — деди Мирюнус кўр бошининг кўнглидаги ваҳимани кўтариш ниятида.

— Бировларнинг юртида яшаётганимизни унутманг! Биз билан ош-қатик бўлиб юрган ҳамкорларимиз ҳам ўзларини ҳукуматга яхши кўрсатиш мақсадида қилган гуноҳларини менинг зиммамга афдаришлари мумкин. Йигитларимиз қўрқувга тушиб қолган!

— Одамларингни кўпчилиги ёшлар. Алдовларга ишониб қолади. Ким қаёққа судраса кетиши мумкин. Ўшалардан эҳтиёт бўлиш керак.

— Бу ерга келаётганимизда уларнинг айримлари қочишга ҳам уринди.

— Қочоқларни аяб ўтириш яхшиликка олиб келмайди. Уларни энг қаттиқ жазолар билан жазолаш ва қўрқитиш лозим. Қочоқларга меҳрибонлик ёки раҳмдиллик қилсак, бошларида қонли қилични айлантириб турмасак улар биздан қўрқмайдиган бўлиб қолишади. Хатто сен билан менга суиқасд қилишгача боришади.

— Бу ердаги тартиб-интизомни ўз қўлингизга оласиз. Мен чарчадим. Асабларим ишдан чиқди. Имкон топсам, беш-ўн кунга Покистонга ўтиб келаман. У ердан ўзимиз учун ҳомийлар топаман. Тинч ва осуда ҳаёт кечирадиган жойларга кўчиб ўтмасак, бу ерда узоқ қолмаймиз. Бизни тутиб олишади, Ўзбекистонга топширишади.

Мирюнус ўйга ўлди. Бошлиқ этиб тайинланиши ўзига ҳам маъқул келди.

— Эшитишимча, сен Афғон ҳукуматининг бошлиқлари билан музокара қилганмишсан?

Эргашбой ялт этиб Мирюнусга қаради. Унинг кўзларига термудди.

— Буни кимдан эшитдингиз? — ҳайратомуз сўради у.

— «Би-би-си» радиостанциясидан.

Одилов Башир билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат сирлигича қолишига ишонганди. Уни радио орқали жаҳонга овоза қилишларини ақлига сиғдирмаганди.

— Сен Покистонга дам олиш учун бормоқчимисан? Одиловнинг руҳини кўтариш учун гапни бошқа мавзуга айлантирди Мирюнус.

— Бу ердаги аҳволни кўриб, дам олиш кўнглимга сиғармиди, йигитлар бизни ташлаб, қочиб кетгудек бўлса, ўзимизнинг бошимизни сақлайдиган бирор бошпана топиш илинжида бормоқчиман!

— Ўз одамларингдан бунчалик хавотирланмасанг! Ахир улар сени деб, сенга ишониб ортингдан эргашиб келишган...

— Хабарингиз борми-йўқми билмадим, бундан бир

неча ҳафта илгари мен Душанбега кетганимда кимдир Бўрибойни чавақлабди. Шундан бери юрагим ғаш. Назаримда ичимизда ҳукуматнинг айғоқчилари борга ўхшайди.

— Топилмадими?

— Хуфияларни ишга солдим. Ҳамманинг юрагига қўл солиб кўришди. Аммо бирор шубҳали одамни топишолмади.

Улар жим қолишди. Сукунатни бузиб қаердадир автоматнинг тариллаган овози эшитилди. Қарши томондан иккинчи автомат сайради. Яна аввалгидек жимжитлик чўқди.

— Сен шубҳаланаётган хоинни топишни менга қўйиб бер. Эртагаёқ бу ишга киришаман. Топиб шундай, қийноқларга солайки, ҳукуматнинг агентларидан бирортаси иккинчи бор сенинг одамларинг сафига қўшилмайдиган бўлиб қолсин. Бизнинг изимизга тушадиган одам энди бу ерга ўйлаб қадам босади.

— Лекин бундан кўпчиликни бездириб қўймаслик керак!

— Хотиржам бўл, мен қўлимни қонга беламайман. Аксинча, сен билан бизни сотмоқчи бўлган кимсаларнинг қўли билан бир-бирларини қираман. Қўрқоқ ва юраксиз одамлар бу борада бизга қўл келади.

— Ундай одамлардан орамизда бор, — деди Одилов ёрдамчисининг таклифидан руҳланиб. — Ичимизда Содик деган йигит бор. Мен билан бир маҳаллада яшаб, катта бўлган. Палакат менга эргашиб келган. Ўлимдан кўрқади. Шундан гумоним бор.

— Эртагаёқ унинг бошига ит азобини соламан!

— Шошманг, уни ўлдириш қочмайди. Аксинча унинг қўли билан душманларимиздан ўч оламиз.

Эртаси куни Одилов Покистонга кетди. Лагердаги йигитларни бошқариш Мирюнуснинг зиммасида қолди.

-3-

Бир парча нонни пешонасига қўйиб, «сендан қасос олмасам эркак эмасман», деб қасам ичган Ҳамид ўз йигитлари орасидан иккитасини танлаб олди. Улар гуруҳга яқинда келиб қўшилган, жисмоний жиҳатдан бақувват ва чайир йигитлар эди. Спорт билан шуғулланиб, номзодлик унвонини олишганди. Ҳамид йигитларини кўпчиликка танитишни истамасди. Улар жангарилар орасида ўзларини сездириб қўймаслигига ишонганди. Шу йигитларини Одиловнинг тўдасига киритишга қарор қилди.

Ҳамид ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бу соҳада маслаҳатлашишни лозим топмади. Бу унинг хатоси эди. Йигитларига қандай йўл билан бўлса-да, Бўрибой ва Насриддинларни ўз раҳнамоларига қўшиб тинчитиш вазифасини топширди. Йигитлар топшириқни олиб, шаҳардаги мардикор бозоридаги бир гуруҳ ёш-ялангларга қўшилиб Тожикистонга йўл олишди. Улар лагерга келган кунларидан бошлаб Эргашбой, Бўрибой ва Насриддинларнинг изига тушишди. Одилов камдан-кам ҳолда ташқарига чиқар, кун бўйи кулбасига қамалиб, яқинлари билан айш-ишрат қилиб, ўтирарди. Унинг торгина кулбасини бир неча қуроли соқчилар қўриқларди. Бегона одам тугул чумоли ҳам уларнинг орасини ёриб ўтолмасди. Соқчилар Эргашбой ташқарига чиққанда дик этиб ўринларидан туриб, атрофини ўраб, ортидан кузатишар, хавфсизлигини таъминлашарди. Ҳамиднинг йигитлари Одиловдан қасос олишга пайт пойларди. Ўзларининг ошкора хатти-ҳаракатлари билан кўпчиликнинг эътиборига тушиб қолишни хаёлларига келтиришмасди. Бўрибой билан эса улар юзма-юз бўлишди. Ўшанда у Абдурасулни тириклай чуқурга кўмдириб юбораётганда, йигитлардан бири ўзини босолмай бақриб

юборишига бир баҳя қолганди. Одилов Душанбега жўнаб кетган куни эса улар ухламай Бўрибойни чодирдан чиқишини пойлашди. Соқчилар раҳнамонинг пойтахтга тушиб кетганидан фойдаланиб атроф-теваракни қаровсиз қолдиришганди. Улар тун ярмига бормай донг қотиб ухлаб қолишди. Ҳамиднинг йигитларига шу қўл келди. Улардан бири муштдек нашани овқатга ташлади. Шусиз ҳам кун бўйи наша чекиб, кайф-сафо қилиб, бақириб-қийқириб юрган жангарилар маст эдилар. Улар овқатланиб бўлишгач, маст туядек бўкиришиб, тез орада дуч келган жойда чўзилиб, хуррак отиб ухлаб қолишди. Бўрибой чарчаганди, кечки овқатни ҳам тановвул қилмай ухлаб қолди. Эшик очилиб Ҳамиднинг йигитлари кирганини сезмади. Йигитлар унинг оғиз-бурнига латта босишди. Бўрибой бир-икки типирчилади, бироқ йигитларнинг қўлларидан чиқиб кетолмади. Қўлга тушганини англади. Хийла ишлатишга уста бўлган Бўрибой уларга жилмайиб боқди.

— Нима гап, тинчликми, йигитлар? — деди. Унинг юзига зўрма-зўраки табассум ёйилгани сезилиб турарди. Кўзлари вужудидаги қўрқувни ошкор қиларди.

— Буни сендан сўрамоқчимиз, Бўрибой, — деди йигитлардан бири унинг бош томонига ўтиб. — Синфдош дўстингни ўлдириб, тананг яйрадимми?

— У сотқин-ку, бизларни ментларга топширмоқчи бўлди даюс. Ўлдирмаганимда эрта-индин ҳаммамизни биттама-битта милитцияга тутиб берарди...

— Сен-чи, сен хоин эмасмисан? Ҳамидхоннинг бошига қандай тухмат тошларини ёғдирдинг. Қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни ўлдирдинг! Бу хоинлик эмасми, Бўрибой? Ёки ўз айбингни ўзгаларга ағдариб, мардлик қилдингми?

— Сенлар ўзи кимсан? Ким томондасанлар? Нега мени тергов қияпсанлар?

— Биз сендек қонхўр, Ватан хоинидан ўч олгани келган қасоскорлармиз.

Бўрибой юрагини чангаллади. Оғриқ тургандек букилиб, инграр экан қўлини беихтиёр ёстик остига чўзди. Қуролнинг совуқ дастасидан тутди-ю, суғириб олишга улгурмади. Йигитлардан бири унинг кўксига ханжар санчди. Бўрибой инграб, тўлғониб, ниҳоят тинчиди. Қасоскорлар жасадни ўзи ётган кўрпага ўраб, ташқарига олиб чиқишди. Жангарилар уйғониб, кўзлари кўрсин, деган мақсадда мурдани яйлов ўртасига ташлашди. Жасадни ўтқазиб, «Топганим шу», деган мақсадда қўлига бир ҳовуч ахлатни ушлатиб қўйишди. Бу қасоскорлар эришган дастлабки ғалаба бўлиши билан бирга йўл қўйилган катта хато ҳам эди...

Бу қотилликка фақат кўқдаги ой гувоҳ эди. Мудраб ётган она табиат шоҳид эди. Бирорта тирик жон бу қотилликка гувоҳ бўлмади, янги келган икки йигитни Бўрибойнинг қотили, деб гумонсирайдиган одам ҳам топилмади.

- 4 -

Бадахшон тоғларига қор тушди. Қорнинг изғирини қиру адирларга оқиб келди. Ер бағирлаб эсаётган шамол чодирларнинг ўнгиридан тортиб, уларда алами бордек юлқирди. Ҳали ўтин ғамлашга улгиришмаганди. Овқат пишириш учун бир дона чўп топиш амри маҳол эди. Четдан ваъда қилинган кийим-кечак ва иссиқ тўшаклардан дарак йўқ эди. Кутилмаганда келган совуқ жангариларнинг юрагига ғулғула ва қўрқув солганди. Айрим ёшлар қочиб кетишга аҳд қилди. Улар бошлиқ орзу қилган улуғ ва қутлуғ қунларга етиш орзуси хом хаёл эканлигини фаҳмлаб етишганди. Янги келган йигитлардан бир нечтаси қочиш тўғрисида режа тузди. Ярим тунда бирин-кетин ўзгаларга сездирмай ташқарига чиқишди. Осмон шу қадар тиниқ эдики, тиккага келган ойни бир сакраб узиб олса бўладигандек эди. Одиловнинг чодирини олди-

да турган қўриқчиларнинг ғўнғир-ғўнғир овози қулоққа чалиниб турарди. Йигитлар оёқ учида юриб, пастликка тушишди. Катта харсанг тош ортига ўтиб бир-бирларини кутишди. Тўпланиб бўлишгач, тоғ томон юришди. Улар сўқмоқ йўллар қаёққа олиб чиқишидан беҳабар эдилар. Қочоқлар дуч келган сўқмоқни танлашди. Ҳали тоққа яқинлашишмасдан автоматлардан отилган ўқ овозлари тун сукунاتини бузиб, борлиқни ларзага солди. Милтиқлар қишлоқ томондан отилганди. Кўп ўтмай одамларнинг қий-чув, дод-фарёди милтиқлар овозига қўшилиб кетди. Худди қиёмат-қойим бўлаётгандек борлиқ тўс-тўполон ичида қолди. Лагер томонда ҳам автоматларнинг овози янгради. Қий-чув, бақир-чақирлар кучайди. Қочоқлар талмовсираб қолишди. Қаёққа юришни ҳам билишмасди. Жангарилар уларнинг қочганини билишса, тутиб олишлари мумкин эди. Қочоқлар тоғ ёнбағридаги сўқмоқдан тикка юришди. Бу пайтда тун чодирини кўтариб, теварак-атрофга фира-шира ёруғлик тушганди. Қояга тирмашиб чиқаётган қочоқлар бот-бот пастга қараб қўйишарди. Уйи бузилган чумолилардек лагерда чопқилаб юрган жангарилар шерикларининг қочганини ҳали билишмасди. Одилов билан Мирюнус бақир-чақир ва милтиқлар овозидан чўчиб уйғониб, ташқарига чиқишди. Улар қўлларидаги автоматнинг дастасидан маҳкам тутганча тўрт томонга меровланиб боқишар, бироқ кўзларига ўз одамларидан ўзга ҳеч ким кўринмасди. Одилов ҳаминша ёнида олиб юрадиган эски дурбин билан атрофни кузатар экан, бирдан нигоҳи баландликка тирмашиб чиқаётган қочоқларга тушди. Булар ўз одамлари эканлигини эгниларидаги кийимларидан таниб қолди.

— Шокир! — овозининг борича қичқирди Одилов. Хўжайиннинг орқа томонида турган мўйловли йигит сергак тортди.

— Лаббай ака!

— Ановилар кимлар! — дурбиндан кўзини олмай сўради Одиллов.

Шокир хўжайин тикилиб турган томонга қаради. Чўққига тирмашаётган йигитлар унинг кўзига жуда кичкина бўлиб кўринди.

— Кўрмаяпман, хўжайин! — деди томоғига аччиқ нарса тикилгандек.

— Яхшилаб қара! — деди Одиллов дурбинни Шокирнинг қўлига тутқазиб. Дурбин йигитларни унинг кўз олдига яқин келтириб қўйди. Шокир янги келган йигитларни яхши танирди. Кийимларидан ажратиб олди.

— Ўзимизникилар, хўжайин, — деди титроқ овозда.

— Ўзингникилар у ерда пўх еб юрибдимиз?! Қочирдингми, тўнғиз?! Ортидан чоп! Биттасини ҳам қочирмай, тутиб кел! — буюрди Одиллов.

Шокир ўн човли йигитларни эргаштириб, тоғ томон отда чопиб кетди. Улар йўл-йўлакай автоматлардан ўқ узиб, бақириб-чақиритиб боришарди. Қочоқлар яқин йўл қолиб, айланма сўқмоқ билан юришганди. Шокир эса ёнидаги йигитларни қисқа йўлга бошлади. Чўққига тирмашиб чиқаётган йигитлар пастга қарашди ва ортидан қувиб келаётган бир тўда жангариларни кўришди. Улар толиқиб, ҳансираб қолганди. Қочоқларнинг йўллари унмас, бунинг устига қўл-оёқлари, баданлари ўнқир-чўнқир тошларга урилиб, тилиниб, шилиниб кетганди. Жангарилар бир неча дақиқадаёқ қочоқларга етиб олишди. Уларни тутиш қийинчилик туғдирмади. Қочоқлар ҳам уларга қаршилиқ кўрсатишмади. Чунки уларнинг қуроли йўқ эди. Жангарилар қочоқларни халқа шаклида ўраб олишди-да, худди қўй ҳайдагандай пастга ҳайдаб кетишди. Буларнинг ҳаммасини Одиллов ва Мирюнус дурбинда кўриб туришди. Жангарилар қочоқларни гоҳ бўйинларига автомат қўндоғи билан уриб, гоҳ этиклари билан тепиб

яйловга олиб тушишди. Одиловнинг оёғи остига тиз чўктиришди. Тўдабоши уларга бўридек ўқрайиб қаради. Очлик ва йўқчилик, камситиш, хўрлаш ва таҳқирлаш бу йигитларнинг жонига текканини у яхши биларди. Атрофни ўраб олган жангарилар нафасларини ютганча Одиловнинг амрини кутишарди. Унинг кўзларидан раҳм-шафқат қилиши мумкин эмаслигини билиш қийин эмасди.

— Буларнинг қўлларини боғла! — буюрди хўжайин ёнида турган югурдаklarига. Уч-тўрт йигит қочоқларнинг тепасига борди. Кимдир чилвир топиб келди. Ўткир тифли пичоқ билан чилвирни бўлакларга бўлиб, уларнинг қўлларига тутқазиб турди. Одиловнинг кўзи панароқда турган Содиққа тушди. Нигоҳлар тўқнашиши биланоқ Содиқ ўзини қўйгани жой тополмай қолди.

— Содиқ! — ўшқирди тўдабоши хаёлига келган фикрдан дили ёришиб. Содиқ йигитлар орасини ёриб чиқди-да, бошлиқнинг ёнига борди.

— Лаббай, хўжайин! — деди қўлларини қўксига қўйиб.

Тўдабоши унинг кўкарган юзига боқиб, «ортимдан юр», дегандек боши билан ишора қилиб, чодир томон бошлади. Содиқ ва Мирюнус унинг ортидан эргашишди. Ичкарига киришганда Одилов сигаретга наша ўраб тутатди. Бир-икки тортиб Содиққа узатди.

— Чуқур-чуқур торт! — буюрди тўдабоши унинг қалтироқ қўлига сигаретани тутқазар экан. Содиқ нашани ичига тортди. Бир зумда кўзи қизарди.

— Менга берган ваъданг ёдингдами? — сўради бошлиқ.

— Ёдимда, — деди Содиқ тутунни ичига тортар экан. Хўжайиннинг қўлидан дори чекиш унга куч бағишлаганди.

— Бугун сен имтиҳондан ўтадиган кун. Қочоқларнинг жазосини ўзинг берасан!

— Бир оғиз буйруғингиз, хўжайин. Қандай жазо-лашни айтсангиз, бас!

Одилов чўнтагидан икки қиррали ханжарни олиб стол устига санчди.

Содиқнинг ранги ўчди. У хўжайининг мақсадини тушуниб етганди. Кайфи тумандек тарқаб кетди.

— Қўрқаяпсанми? — жилмайиб деди тўдабоши.
— Эшитишимча, сен ҳам ановилар билан бирга қочишга келишиб олган экансан...

Содиқ хушидан кетаёзди. Қўлидаги сигарета ерга тушиб кетди. Хўжайиндан бундай ноҳақликни кутмаганди. Вужудини титратаётган қўрқувни бошлиққа сездирмаслик учун жилмайди ва унинг қорайиб кетган юзига тикилиб:

— Нега қўрқай, хўжайин, ахир сиз ёнимдасиз-ку... — деди.

— Чуқур-чуқур торт, — буюрди тўдабоши, — дадил бўласан!

Ташқарида жангариларнинг кулгуси, бақир-чақирлари эшитилди. Ҳамма қочоқларга қандай жазо берилишини кутарди. Бир қўлида ханжар тутган Содиқ чодирдан чиқиб келганда, қочоқларни масхаралаётган йигитлар нафасларини ичига ютишди. Негадир Одилов ва Мирюнус кўринмасди. Чодирнинг кун чиқиш томонига қаратилган кичкинагина туйнукдан уларни кўриш мумкин эди. Ҳар иккиси туйнукка яқин келиб, Содиққа топширилган вазифанинг ижросини кутишарди. Ерга тиз чўктирилган, оёқларига тошлар ботиб оғритаётган қочоқлар Содиқнинг қўлидаги ханжарни кўришганда, нафаслари ичига тушиб кетди. Кўзлари худди соққасидан ирғиб чиққудек бир-бирларига жавдираб боқишди. Аммо уларнинг бирортаси бақирмади, Одиловнинг раҳм-шафқат қилишини ҳам сўрашмади. Қонлари тоғу тошларга тўкилишини, туғилиб ўсган юртларини, ота-оналарини, опа-сингилларини, ака-укаларини, дўсту биродарларини кўриш қиёматга қолганини тушунишди.

Содиқ қочоқлар олдига келди. Қўлидаги ҳанжарни тош устига қўйиб, пахталик пуфайкасини ечди. Юпқа кўйлаги эпкиндан ҳилпирарди. У кўйлагининг енгларини тирсагигача шимарди. Ҳаманинг кўзи Содиққа қадалганди. Ҳар бир хатти-ҳаракати атрофдагиларнинг эътиборидан четда қолмади. Содиқ вазмин қадам ташлади ва биринчи сафда турган йигитнинг пешонасига тушиб турган қўнғир сочидан чангаллаб, бошини орқага қайирди. Қочоқнинг нигоҳи беғубор осмонга тушди. Осмон шу қадар кенг ва тиниқлигини у илк бор кўриб тургандек эди.

— Сизларнинг юзларингизни қаро қилдим. Мени кечиринглар, отажон, онажон!! — Овозининг борича қичқирди қочоқ. У ўз сўзини тутатолмади. Кекирдигига қадалган пичоқнинг тиғи бўйинини кесиб юборди. Қип-қизил қон вашиллаб отилди. Йигит ерга қулади.

Содиқ иккинчи йигитнинг иягидан маҳкам чангаллаб, унинг ҳам бошини орқага қайирди. Йигит озғин эди. Бўйин томирлари шу заҳотиёқ ирғиб чиқди. Қонли пичоқ бўғзига келиб қадалгунча, шу сўзларни айтишга улгурди:

— Сендек қонхўрларга минг лаънатлар бўлсин!! Оғаниларим, албатта сенлардан қасос олади. Билиб қўй, сенлар ҳеч қачон халқнинг нафратидан, қарғишидан қочиб қутилолмайсанлар... Қучоқлай деса байроғи йўқ, фахрланиб айтай деса мадҳияси йўқ, Ватансиз маҳлуқсанлар! Ватанни қўмсаб ит каби ўласанлар!

Сафнинг учинчи қаторида турган норғул йигит Ҳамиднинг одамларидан бири эди. Шу йигитларни жангарилар тузоғидан олиб чиқиш учун ҳаракат қилганди. Бошлиғининг топшириғи билан у орқага қайтиши лозим эди. Тутқуннинг шериги эса жангарилардан орқароқда турарди. Ҳар эҳтимолга қарши автоматни отишга шайлаб олганди. Содиқнинг қонли пичоғи шеригининг бўғзига қадалганда, у нигоҳини яширди. Бадани жимирлаб, танасидан олов чиқиб кетгандек бўлди. Йўқ, шериги уни сотмади, бир оғиз ҳам гап

айтмади. Бўйнига пичоқ қадалгунча осмонга тикилиб турди. Товуш чиқармай, ўзини жаллоднинг қўлига топширди.

Ўша куни тўрт йигитнинг қони тўкилди. Тошлар устида иссиқ қонлар оқди. Танадан узилган бошлар копток мисоли атроф-теварақда думалаб ётарди. Олам гўзаллигига тўймаган кўзлар мангуга очиқ кетди. Бир гўзал ишқида ёнмаган юраклар мангуга сўнди. Аламлардан юрак ўртанди. Қалблар туғёнга келди. Ваҳшийликни кўриб пинҳона кўз-ёш тўкканлар бўлди. Кимдир ҳушдан кетди. Кимдир ғазаб ва нафратини яширолмай бақириб юборди. Йигитларнинг жасади шундай қолди. Уларни кўмишга ҳеч ким журъат этолмади. Бу мудҳиш воқеа ўша куни дунёга ёйилди. Миллионлаб инсонларнинг қалбида нафрат ва ғазаб уйғотди.

Одиловнинг амри билан қотилликдан сўнг барча жангариларга героин улашилди. Алам ва нафратга тўлган юракларга таскин бериш ҳамда қўрқувни унутиш мақсадида жангарилар бир-бирларининг қон томирига дори юбордилар. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, бу воқеани унутишди. Қий-чув, тўполон кўтаришди. Ҳамма ўз иши билан ўзи андармон бўлиб, даҳшатли фожеа ёдларидан кўтарилди...

Содиқ ўша тун ухлаёлмади. Қўлларини қайта-қайта совунлаб ювмасин, қон кетса-да, ҳиди кетмади. Кўз олдига қочоқ йигитларнинг жасади тураверди... Хаёлида бўғзига пичоқ тортаётган лаҳзалар гавдаланаверди-гавдаланаверди. Ўзи сезмаган ҳолда Одиловнинг кулбаси олдига келиб қолганини ҳам пайқамасди. Қўриқчилар бир-икки бор уни чодирдан четлатишди. Содиқнинг оёқлари яна Одиловнинг кулбасига судраб келди. Шундан сўнг тўдабошининг шахсан ўзи унга ўн грамм героин тутқазди. Содиқ дорини олиб пастга тушди. Одамлар унинг ортидан ажабсиниб, айримлар қўрқув ва даҳшатла қараб қолишди. Кўпчилик унга яқин келишга қўрқарди. Содиқ кимдир улоқтириб ташлаган шприцни топиб олди.

Унинг ичига героинни тўлдириб, қон томирга кетмакет ҳайдади. Дорининг кучи ўша заҳоти таъсир қилмади. Кейин бадани қизиб, кўзлари атрофини туман қоплаб, боши айлана бошлади. Ердан оёғи узилган одамдек ўзини енгил ҳис этди. Юрагига азоб бераётган қўрқув кўтарилди. Кайф таъсирида ухлаб қолди. Эрталаб боши карахт бўлиб уйғонди. Кўнгли айнирди. Бадани оловда қолган чармдек тортишиб ачиштирарди. Дори қабул қилмаса, ўлиб қоладигандек ҳис этарди ўзини. Телбалардек яна Одиловнинг чодирини олдида пайдо бўлди. Унинг ранги оқариб кетганди. Безгак тутаётгандек қалтирарди.

Икки йигит уни кўтариб, ахлат тўкиладиган чуқурга улоқтириб ташлади. Шу ерда узок ётди. Кўзига қуёш нури тушиб уйғонганда вақт пешин бўлганди. Дори уни ўзига оҳанрабодек тортарди. Яна ўрнидан турди. Ерга тираниб, эмаклаб чодир томон юрди. Бу пайтда жангарилар машқ ўтаётган эди. Ҳамманинг кўзи Содикқа тушди. Мирюнус унинг ёнига борди. Оёғи билан елкасидан босди. Содикнинг бағри тошга тегди. Шундан кейин Мирюнус унинг боши устига сассиқ ис уфуриб турган этигини босди.

— Келган жойига олиб бориб ташланглар! — буюрди бошлиқ одамларига. — Қайтиб бу ерга келмасин. Шу заҳотиёқ тўрт жангари унинг кўл-оёқларидан кўтариб, яна ахлат тўкиладиган чуқурга ирғитишди. Содик шу ётганича қайтиб турмади. Эртаси куни шериклари унинг жони узилганини бошлиққа маълум қилишди. «Тегманглар», деди тўдабоши. Ўша кеча тоғдан тушган қашқирлар саҳаргача ув тортиб чиқишди. Тунда навбатчилик қилган йигитлардан бири Одиловга жасадни бўрилар еб кетганини маълум қилди...

- 5 -

Қачондир Умар иккимиз ўртамизда мен кутаётган тўқнашув бўлишига ишонардим. Одилов ҳалигача уни

ўзига яқин йўлатмасди. Умар аламзада ва тушкун кайфиятга берилиб кетганди. Жангариларга қўшилмасди. Худо туртганни бандаси уради, деганларидек кўпчилик уни ёнларига йўлатмай қўйди. Бу ерда йигитнинг кўнгли тортиб суҳбатлашадиган, дардлашадиган, қалбидаги қайғуларини, ҳасратларини тинглайдиган одам йўқ эди. Назаримда у мендан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилмасди. Унинг кўзларидан, ҳаракатларидан, ортимдан пинҳона кузатиб юришидан, менга ниманидир айтмоқчи бўлаётганини сезардим. Бироқ, ўзи оғиз очмагунча унга сўз айтишга ботинолмадим. Бир пайтлар Умарни безовта қилган, оромини ўғирлаган Зори Бозор қишлоғидаги қабристонда қолиб кетган бойликларни ҳам энди ўйламасди. Уни олган билан қаёққа қочади? Чор томонда Одиловнинг одамлари, толибонлар уяси бузилган арилардек изғиб юришган бўлса. Хазина билан қўлга тушса, жони омон қолмаслигини яхши тушунарди. Бошлиқларни ташвишга солган нарса Тавилдарага Маъсуд Шоҳ ва Абдурашид Дўстум аскарларининг яқин келиб қолишгани эди. Мазори Шарифни эгаллаб олишса, жонларини сақлайдиган жой қолмаслигини Одилов тушунарди. Ўртада уруш бошланса, жангарилар дуч келган томонга қочиб кетиши мумкин. Буни Умар ҳам биларди.

Марказнинг топшириғига биноан Одиловнинг қўшни мамлакатлардаги одамларининг руйхатини, улар билан кимлар алоқага чиқишини, мақсад ва режаларини аниқлаб, маълумот жўнатишим лозим эди. Бунинг учун Одиловнинг сир-синоатидан хабардор одам топишим зарур эди. Синалмаган одамга оғиз очиш ўз бўйнига арқон солиш билан баробар. Назаримда менга энг яқин одам бу Умар эди. У Эргашбойнинг четдаги одамларини яхши билади, деб ўйлардим. Умар билан суҳбатлашиш хатарли эди. Гапимизни кимдир эшитиб қолишидан қўрқардим.

Ўша куни сувни барвақт олиб келдим. Аравани жойида қолдириб, пастга тушдим. Ортимдан Умар эргашди. Мен билан суҳбатлашгиси келаётганини билдим. Аммо гапирмади. Ўзим офиз очдим.

— Азизбек, — дедим паст овозда ва унинг ҳақиқий исмини айтганимдан сўнг Умарда қандай ўзгариш бўлишини кутдим. Умар бошига таёқ тушган одамдек қалқиб кетди. Кўзларини катта-катта очиб, менга ҳам ҳайрат, ҳам ажабланиш билан боқди. Бироқ индамади.

— Исмингни хато айтмадимми? — сўрадим унинг кўзларидан нигоҳимни узмай.

— Менинг отимни қаердан биласан? — ажабланди у, кейин паст овозда сўзида давом этди: — Сени давлатнинг одами эканлигингни сезгандим. Ботирни қочирганингни, Фотхуллохонни даволатганингни кўриб шубҳаларим тўғри эканлигига ишонгандим.

— Мен ҳам сенинг ёмон одам эмаслигингни билардим, — дедим унинг кўнглини кўтариш мақсадида.

— Ўшанда уларнинг ҳаммасини отиб ташлагим келганди. Бироқ ўз жонимни қаерда сақлашни билмасдим. Ахир бу ерга ўз ихтиёрим билан келмаганман-ку!

— Сен жиноятчи эмассан, фақат жиноятчилар ва мана бу одамлар сени алдашган, қўрқитишган!

— Сен шундай деб ўйлайсан-да. Икки йилдан бери мени орган ходимлари қидириб юрганмиш.

— Фақат қариндошларингни илтимоси билан, бедарак йўқолган, деб қидирув эълон қилишган.

Умар менга ялт этиб ўтрилди. Унинг ич-ичига ботган кўзларида ёш кўрдим.

— Ўз юртимга қайтсам мени Ватан хоини деб қамаб қўйишмайдими? Одамлар мендан нафратланиб, юзимга тупиришмайдими? Шаънимга тавқилаънат ёғдиришмайдими?

— Бу томонларидан хотиржам бўл. Ватан ва халқнинг олдида сен ҳеч қандай гуноҳ иш қилмагансан. Виждонинг пок. Аксинча икки Ватанфурушни отиб ўлдир-

динг. Улар қилган гуноҳлари учун муносиб жазо олди, — йигитнинг ғам-андуҳ яралаган кўнглини кўтаришга, таскин беришга ҳаракат қилдим.

— Унда юртимга кетишим учун ёрдам бер. Дўзахдек қақшаб ётган бу ерда, манави қонхўрлар, ватанфуришлар ичида яшаш жонимга тегди. Бир-икки бор ўз жонимга қасд қилмоқчи ҳам бўлдим. Қўлим бормади. Мени шу куйга солган одамлардан қасос олмасдан ўлиб кетишни истамадим!

— Сен халқнинг ишончини оқлашинг лозим. Ватанмизнинг тинчини бузган, бахтли ва фаровон кунимизга раҳна солишга интилаётган жангариларга қарши курашинг лозим.

— Қандай қилиб?

— Бу борада менга ёрдам берсанг бас!

— Ватан мени кечирса бўлди. Охирги нафасимни ватан учун беришга тайёрман!

Умарнинг қўлини қисдим.

— Сени нима қизиқтиради? Қандай ёрдамим керак? — сўради у кўзлари ёниб.

— Эргашбойнинг Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа қўшни республикалардаги одамларининг исми шарифи, уларни қаерда яшаши, кимлар билан учрашиб туриши. Эргашбойнинг уларга берган топшириқлари — шуларни билишим керак!

Умар жим қолди. Қошлари остидаги юмалоқ кўзларини юмди-да, хаёлга толди.

— Илгари булардан хабардор эдим, Эргашбой мени ўзидан четлатиб қўйгач, четдаги одамлари олдига кимлар бориб келишидан беҳабарман. Олма-ота, Бишкек, Москва каби шаҳарлардаги одамлари савдогар, тижоратчи, тадбиркор ниқоби остида иш юритишади. Бу ердан жўнатилган хабарчилар уларнинг олдига ҳам ҳудди шу ниқоб остида боришади. Гўёки ўзларини иш юзасидан шартнома тузмоқчи, юк олмақчи бўлган кимса қилиб кўрсатишади. Уларнинг олдига ҳаммани

ҳам жўнатишавермайди. Ўта садоқатли ва оғзига маҳкам кимсаларгина боришади.

— Ўша одамларни сен танийсанми?

— Мен таниган одамларнинг кўпи бедарак йўқолиб кетди. Айримлар Одилов томонидан жўнатилган пулларни ўзлаштириб, қочиб юришибди.

— Яна бир бор ўйлаб кўр. Уларнинг исми-шарифини, қаерда яшашини эсла. Бу жуда муҳим. Қўлингда яна қандай маълумотлар бор?

— Илгарироқ айтмабсанда, Абдуғаффор ўлгандан сўнг Эргашбойнинг четдаги одамларининг рўйхати қўлимда сақланарди. Кейин уларни ёқиб юборганман. Ахир мен уни нима ҳам қилардим. Бу рўйхат сени қизиқтириши хаёлимга келибдими? Эшитишимча Одилов бу ерга келгач, ўз одамларининг яшаш жойларини ўзгартирган. Агар сени бундай маълумотлар қизиқтирса, Эргашбойга яқинлаштирадиган баҳона ўйлаб топаман, ишончига киришга уринаман!

— У сенга ишонармикин?

— Ишонади, назаримда у кимларнингдир ёлгон гапига учиб мени ўзидан четлатиб қўйди.

Ўйланиб қолдим. Нима қилиб бўлсада, Умарни бошлиққа яқинлаштириш, ишончига киритиш лозим эди. Кутилмаганда Зори Бозордаги хазина хаёлимга келди. Балки Умар бу ҳақда Одиловга айтса, гапига ишонар, ўзига яқин олиши ҳам мумкиндир.

— Бир пайтлар сени Зори Бозордаги хазина қизиқтирганди. Ёдингдами? — сўрадим Умардан.

— Ахир мен унинг қаерга яширилганини билмайман-ку.

— Мен биламан, бу ҳақда бошлиққа бемалол айтишинг мумкин...

— Шундай де... — Умар бошини эгиб жим қолди. — Ваъда беролмайман аммо уриниб кўраман.

Эртаси куни сув олиб лагерга қайтганимда Умар олдимга келди.

— Суюнчи бер, — деди қулоғим остида шивирлаб.
— Хўжайин билан ярашиб олдим. Хазина ҳақида қизиқиб қолди.

— 6 —

Раис бува ўзига келганда тепасида қўлини қовуштириб, кўзларини ёшлаб турган хизматкорини кўрди.

— Сув... — сув... — дея пичирлади. Холмат уйга чопди. Хўжайинни хушига келганидан, ўлиб қолмаганидан мамнун эди. Бир коса сув келтирди.

Раис бува сувни қултумлаб ичди. Кўзларини очиб атрофга аланглади. Боши тиниқлашди. Эндигина ёришиб келаётган тонг кўзига қандайдир қаронғулик ичидан чиқиб келаётган нур мисоли кўринди.

— Анови аблаҳ қани, қаерга кетди? — паст овозда сўради раис бува.

— Аллақачон кетди, хўжайин, — ҳар доимигидек тушкун оҳангда жавоб қайтарди Холмат.

— Падарингга лаънат, мени адои тамом қилиб кетди. Топганимни шилиб кетди. Худонинг ғазабига учрамаса, рози эмасман. Қўлимдан торт, мелисага бораман, ҳамма гапни айтиб бераман, апирис мени алдаганга ўхшайди. Ўғлимнинг суратини компьютерда чиқартириб, ортига турли манзараларни қўйдириб олиб келган. Юрагим сезиб турибди. Ўғлим тирик эмас. У алақачон ўлиб кетган! Тирик бўлганда ўзи хабар берарди.

— Мелисага учраб нима қиласиз, раис бува?! Ўлган илоннинг бошини қўзитганингиз билан у аперис алақачон қишлоқдан чиқиб кетган. Тутишнинг иложи йўқ. Яхшиси жонингиз соғ қолганига шукр қилинг.

— Сен палиднинг ҳам бунақада тилинг бурро бўлиб қолади. Бошимга бало келганда, бойликларимни талаётганда нега жим турдинг, қари кўппак?! Бошига бирорта таёқ билан солмадинг-ку!

— Қўлидаги қуролни кўриб индаёлмадим хўжайин. Мен-ку қариб колган одамман, беш кунлигим борми,

йўқми худога аён, аммо сизнинг жонингизга ачиндим. Ўқ тегиб шаҳид бўлсангиз жонингизга ким қайгуради. Ортингизда отамлаб йиғлайдиган болангиз бўлмаса. Майли, худога солинг. Жонингиз омон қолдику, яна астойдил ишласангиз йўқотган бойликларингизни тиклаб оласиз.

— Тиклаб оласиз, — паст овозда такрорлади раис бува. — Мана, тиклаб оламан, — у икки бармоғи орасидан башмолдоғини чиқарди. — Ҳаммаёқни сотиб бўлдим. Колхознинг сотадиган буюми қолмади. Энди сенга ҳам рухсат, тўрт томонинг қибла, кетишинг мумкин.

Холмат бошини эгди. У хўжайиндан бундай таклифни кутмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Бу унга қаттиқ таъсир қилди. Раис буванинг бир сўзлигини яхши биларди.

— Ўн йил эшигингизда қул бўлдим. Нон-тузингизни едим. Буюрган ишларингизни қилдим. Ҳожатхонангизгача тозаладим. Йиртқичларингизни боламдек боқдим. Қилган меҳнатимга бир танга талаб қилмадим. Бола-чақа, невараларим учун битта хўрозқанд сотиб олишга ҳам пул бермадингиз. Энди хайрлашадиган бўлсак, ҳисоб-китобимни қилинг, раис бува!

Раис бува қўлига тиралиб, ўрнидан турди. Унинг қонгалаш кўзлари олайиб, косасидан ирғиб чиққудек катта-катта бўлиб кетганди.

— Пул, менда қанақа ҳақинг бор, нон кўр қилгур?! Шунча йил уйимда яшадинг, тўрт маҳал овқатимни единг, яна пул сўрашга уялмадинг-а, қон қусгур! Менга раҳматингми бу — !

— Худодан қўрқинг раис бува. Аввал аҳдлашганимиздек ойига минг сўмдан ҳақ тўлаб туришингиз лозим эди...

— Сенга ҳеч қачон ойлик ваъда қилмаганман! Тур, тезда бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол. Исинг ҳам қолмасин!

Холматнинг ғазаби кўзиди. Вужудини ёмон хаёл эгаллади. Оёқлари титради.

— Кечалари уйингизни, сизнинг тинчлигингизни пойлаб ухламадим, раис бува, ҳеч бўлмаса бедор ўтган тунларим учун ҳақ беринг!

— Мени қўриқладингми?! Қўриқлаган бўлсанг нега анови қароқчидан ҳимоя қилмадинг? Нега бойликларимни асраб қололмадинг?! Балки сен ҳам ўшанинг шеригидирсан а?! Бойликларимни қаерга яширганим ҳақида унга сигнал бергандирсан?! Ҳу онангни... Тур йўқол, кўзимга кўринма, ит эмган қари тулки!

— Ҳакимни бермасангиз уйдан бир қадам ҳам чиқмайман. — Қариянинг жони ҳалқумига келганди. Хўжайиннинг обрў-эътибори унинг учун қолмаганди.

— Сен кўппакни тилинг чиқиб қолибдими? Омбур билан суғуриб олайми?! Ёки мени талаб кетган мана шу каззоб, деб мелисага тутиб берайми?! — раис қария билан ади-бади айтиб ўтиришни лозим топмади. Энди унинг учун буларнинг ҳаммаси ортиқча эди. У Холматни таёқ билан савалаб, аламини олмоқчи бўлди. Хуморидан чиққунча калтаклашга, ерга ётқизиб, дўппослашга аҳд қилди. Зора шу билан юрагида ёнган ўт босилса. Зора шу билан ўзини енгил ҳис этса. У таёқни ердан олди ва чақнаб турган кўзларини қариядан узмай ўшқирди:

— Иззатинг борида уйимдан чиқиб кет!

Унинг ўдағайлаши, қўлидаги таёқни силкитиб пўписа қилиши Холматни чўчитмади. Раиснинг кўзларига тик боқиб, яна ҳақини талаб қилди.

— Пулимни беринг раис бува, олтин берсангиз ҳам кейин уйингизга қайтиб келмайман!

Ҳазаб ва нафрат раиснинг ҳиқилдоғига қадалганди. Таёқни боши узра кўтариб, қарияга ташланди. Таёқ қариянинг елкасига келиб тушди. Суяклари зирқираб кетди. Кўзларидан ўт чиқди. Ҳақ талаб қилиб, таёқ ейиши унга офир ботди. Ҳамиша одамларнинг дилига озор беришдан қўрқадиган, ҳамиша ўзидан катта-

кичиклар ҳурмат қиладиган, ўзгаларнинг кўзига тик боқмайдиган Холматнинг қалбида исён уйғонди. Тилига заҳарли сўзлар келди. Ҳозирги важоҳатини, ҳолатини кўрган одам уни илгариги Холмат эканлигига асло ишонмасди, танимасди, билмасди. Хўрлик, адолатсизлик уни ўз хўжайинининг кўзларига тик боқишга мажбур қилганди. Олтмиш йиллик ҳаёти давомида ёшларни ҳам сизлаб гапирадиган Холмат ҳаётида илк бор ўз бошлиғини сенсираб гапирди.

— Худонинг қаҳридан қўрқсанг-чи! — у шу сўзи билан яна соҳибини инсофга, дин-диёнатга чақирмоқчи бўлганди. Аммо Баҳодир унинг ёлворувчан оҳангда айтган сўзини эшитмади. Эшитган бўлса-да, аҳамият бермади. У қўлидаги таёққа эрк берди. Ёвузларча уни ишга солди. Иккинчи зарба қариянинг белига тушди. Холматнинг қадди ёйдай букилиб, кесилган дарахт мисоли ерга қулади. Ялангбош боши тошга тегди. Бу орада ёмон сўзларни оғзига олиб келаётган раис қариянинг думбасига бир-икки бор тепди.

— Бу уйдан ўз ихтиёринг билан чиқиб кетмадингми, энди бола — чақаларинг ўлигингни ҳам кўришмайди. Гўштингни майдалаб, махлуқларга ташлайман. Улар суюгингни ҳам қолдиришмайди. Одам гўштининг таъми қандайлигини бир умрга унутмай юришади. Биров ҳидингни ҳам тополмайди!!

Қариянинг кўзига ширин жони кўринди. Раиснинг ғазабга минганда, жаҳли чиққанда қандай ҳолга тушишини Холмат яхши биларди. «У ҳар қандай ишга қодир. Ҳатто одам ўлдиришдан ҳам қайтмайди», ўйларди ерда чўзилиб ётган қария. Ихтиёрсиз олдинга чўзган қўллари дастаси қирқилган болтанинг сопидан тутди. Чаққонлик билан чалқанчасига ўтирилди. Бу пайтда раис негадир орқа ўтириб олганди. Қафасда типирчилаб, бошини темир симларга уриб наъра-тортаётган йўлбарслардан кўз узмасди. Холматнинг назарида раис ҳозир қафас олдига боради-да, эшигини очиб, тириклай қафас ичига

ташлаб юборади. Йўлбарслар чорасиз, нимжон бу одамнинг гўштини нимталаб ташлайди. Даҳшатли ва қўрқинчли бу манзара қариянинг кўз олдидан яшин тезлигида ўтди. У сапчиб ўрнидан турди ва қўлидаги болта билан раиснинг елкасига солди. Болтанинг тиғи унинг кўкраги орасига санчилиб қолди.

— Мени единг-ку, қари кўппак, — ерга беҳол йиқилаётган раиснинг қуруқшаган лабларидан шу сўз учиб чиқди.

Оқ яктагига қон сачраган, яланг оёқ, бошидаги дўпписини қаердадир тушириб қолдирган Холмат туман ички ишлар бўлимининг идорасига кириб келди. Идора олдидан ҳеч ким кўринмасди. Ходимлар ҳали ишга келишмаганди. Холмат қора ойна ўрнатилган эшикни оҳиста итариб очди. Бошини суқиб, ичкарига боқди. Навбатчи зобит нигоҳини эшик томон бурди.

— Кирсам мумкинми? — дея сўради. Чолнинг овозида қўрқув ва таҳлика сезилиб турарди. Навбатчи ранги-рўйи докадек оқариб кетган қарияни хушламайгина ичкари киришига рухсат берди.

— Хўш, хизмат, кимда ишингиз бор?! — дағал ва кўпол муомаладан қариянинг қўрқуви баттар хуруж қилди. Яланг оёқлари титраб, ўзини ичкарига урди.

— Менга бошлиқ керак эди ўғлим? — худди йиғлаётгандек сўзлади қария.

— Бошлиқ ҳали ишга келганлари йўқ, нима ишингиз бор эди?

Холмат титраётган қўлларини қаерга яширишни билмай сочлари патила-патила бўлиб кетган бошига кўйди. Шунда зобитнинг кўзи Холматнинг яктагига сачраган қон-қушга тушди.

— Мен одам ўлдирдим ўғлим, — паст овозда деди қария.

Навбатчи ўрнидан турди.

— Нима? Нима дедингиз? Одам ўлдирдим? Кимни?

— Баҳодирхонни, минғирлади чол ва ўкириб йиғлаб юборди.

— Қайси Баҳодирхонни? — сўроқ қилишда давом этди навбатчи.

— Раис Баҳодирхонни, — зўрға тилга кирди суюқлари ирғиб чиққан, озғин елкаси силкиниб-силкиниб йиғлаётган чол. Юрагини эзфилаётган нарса ниҳоят портлаганди. Навбатчи шеригига юзланди.

— Рашид, ановининг қўлига кишан сол, тез бўл!! — қария худди қочиб кетадигандек типирчилаб қолди. Навбатчи ёнидан қуролини олиб, учини Холматга тўғрилади.

— Қимирлама!!

— Рашид столни айланиб, ташқарига чиқди. У ошиғич бориб, танаси япроқдек титраб турган қариянинг қўлларини орқасига қайирди ва саксовулнинг томирини эслатувчи озғин, нимжон, қорайиб кетган билакларига кишан солди. Кишанни шу даражада қаттиқ қисдики, қария оғриққа чидаёлмай инграб юборди. Титраётган, қон қочган ва кўкариб кетган лабларини тишлади. Рашид қарияни девор ёнига судраб борди.

— Юзингни деворга ўтир!

Эшик очилди, бошлиқ ўринбосари Каримжон Юсупов кириб келди.

Навбатчи ўрнидан турди.

— Ким бу? — сўради ўринбосар.

— Қотил ўртоқ бошлиқ! «Победа» колхозининг раиси Баҳодирхонни ўлдирибди!

— Ким олиб келди?

— Ўзи келди ўртоқ бошлиқ!

— Воқеа жойига тезкор гуруҳ жўнатилдими?

— Хабарни ҳозиргина қотилнинг ўзи айтди!

— Зудлик билан гуруҳни раборинглар!

— Хўп бўлади ўртоқ бошлиқ!

— Отахоннинг қўлидаги кишанни еч! — буюрди Юсупов Рашидга. — Айбига иқроп бўлиб, ўз оёғи билан келган одамнинг қўлига нега кишан солдинг?!

Ўринбосар Холматни бошлаб, хонасига кўтарилди. Қария ҳамон титрарди. Қилган ишидан надоматлар чекарди. Ҳар қадам ташлаганда худонинг муборак

номини тилга олиб, ундан раҳм-шафқат сўрарди, тавба тазарру қиларди. Ичкарига киришгач Холмат бўлиб ўтган воқеани бир бошдан ҳикоя қилиб берди.

— У мени қаттиқ ҳақоратлади ўғлим, калтаклади. тириклай қафасдаги шерлар ичига ташламоқчи бўлди, «Сени шу ҳайвонларга едираман, суюгингни ҳам биров тополмайди», деб айтди. Нафсониятимга тегди. Қўрқдим, болам! Қафаснинг эшигини очаётганда оёғим остида турган болтага кўзим тушиб қолди. Қўлимга олиб, унга оттанимни ўзим билмайман. Палакат босиб болта раиснинг кўкрагига санчилиб қолди. Айб қилдим ўғлим. Ёшим улғайиб, невараларимнинг тўйини кўраман, деганимда бировнинг хунини тўқдим. Икки дунёда кечириб бўлмас гуноҳга қўл урдим, — Қария тутилиб-тутилиб сўзлар, ора-сира юзларини ювиб тушаётган кўз ёшларини енги билан артиб қўярди.

— Баҳодирхоннинг бойлигини олиб кетган қароқчинини танийсизми? — сўради Каримжон Юсупов қарияга бир пиёла иссиқ чой узатар экан.

— Кўрсам танийман ўғлим.

— Исмини, қаердан келганлигини айтмадими?

— Уларнинг суҳбатида мен-иштирок этмадим-да... — Бошини эгиб жавоб қайтарди чол.

— Ўша йигит илгари ҳам Баҳодирхоннинг уйига келганмиди, эслаб кўрингчи?

Қария ўйга толди, сўнг бошини чайқади.

— Йўқ.

Ўринбосар тортмадан бир даста расм олиб, стол устига ёйди.

— Диққат билан қаранг, шошилманг, сиз кўрган йигит мана шу суратдаги одамлар ичида бўлиши керак!

Холмат суратларни бирма-бир кўздан ўтказди. Бироқ қароқчинини суратдаги одамларнинг ҳеч бирига ўхшатолмади. Қария ўзини ғалати ҳис этди. Бошлиққа

ёрдам бергиси келганди. У афсус ва надомат билан бош чайқади.

— Бу суратдаги одамларнинг бирортаси унга ўхшамайди.

— Ўша йигитнинг юз-кўзини тасвирлаб бера ола-сизми?

— Ҳа, худди ҳозиргидек кўз олдимда турибди.

Ўша куни Холмат фоторобот ёрдамида Шарифнинг юз қиёфасини тасвирлаб берди. Ҳатто сочларини қайси томонга тараганигача айтди. Сурат тайёр бўлди. Бу Шарифнинг фото суратидан фарқсиз эди. Эртаси куни сурат барча вилоят ва туман ички ишлар бўлимига жўнатилди. Шарифни кўрган-билганлар зудлик билан ички ишлар идораларига маълум қилишлари сўралди.

- 7 -

Эртаси куни барвақт от-аравани сошлаб йўлга тушдим. Икки кундан бери Зебони кўрмаганим учун юрагимда соғинч уйғонганди. Нима қилиб бўлса-да, уни кўриш ва суҳбатлашишни ният қилдим. Қизга боғланиб қоламан, деб ҳеч қачон ўйламагандим. Юрсам ҳам, турсам ҳам хаёлимдан кетмасди. Шу ерлик жангариларнинг қўлидан қутқариб қолганлигим учун у мендан мамнун эди. Зебо бу ҳақда акасига айтган бўлса керак, Валий менга бошқача қарайдиган бўлди. Дарҳақиқат балоғатга етган қизни кимсасиз ҳовлида ёлғиз ташлаб кетиш хатарли эканлигини Валий кечроқ бўлсада тушуниб етганди. Ҳар гал қизнинг қўлидан сув идишни олганимда, Зебонинг нигоҳларида ўзимга нисбатан меҳр уйғонганини сезардим. Ўша кунги бахтли дақиқаларни дилим кўмсаб, қизнинг кўча эшиги олдида отнинг тизгинини тортдим.

Гилдиракларнинг шарақлаган овозини эшитиб, ичкаридан қиз чиқиб келди. У одатдагидек эшикни хиёл очганича остонада турарди. Бошидаги дурраси эпкин-да ҳилпирар, қўнғир сочлари яноқларини ўпиб турарди. Аравадан тушдим. Тизгинни ўтирғичига боғлаб, ўзимни ичкарига урдим. Остонада Зебо билан юзмаюз бўлдим. Иккимиз ҳам нигоҳларимизни бир-биримиздан узолмай туриб қолдик. Қизнинг қайноқ нафаси кўксимга уриларди. Рўмоли хиёл бир томонга оғиб кетган, қоп-қора сочларининг ярмидан кўпи очиқ қолган бошидан сирғалиб тушарди. Рўмолини тўғри-лаш мақсадида қўлимни узатдим. Сочларини силаб, қўйдим. Юрагим кўксимни ёриб чиққудек патилларди. Зебо бирдан бошини кўтарди. Унинг кўзларида лойқаланган ёш томчиларини кўрдим. Қандай қилиб уни бағримга тортганимни ўзим сезмадим. У қучоғимга сингиб кетди. Юрагининг гурсиллаб уришини эшитдим..

- Кечадан бери йўлингизга кўз тикаман...
- Сени соғиндим...
- Ёлғиз қолишдан кўрқаяпман!
- Ташвишланма, тирик бўлсам сени ҳеч кимнинг қўлига топширмайман!
- Толибонлар қишлоқдан кетишмаётганидан юрагим ғаш. Эшик тиқ этса, ичимдан бир нарса узилиб тушгандек бўлади. Қачон келасиз, деб йўлингизни пойлайман...

Қизнинг юрагига далда бериш учун тилимга келган барча сўзларни айтдим.

- Акам Саманганга ишлагани кетмоқчи, – деди ниҳоят Зебо менинг сўзларимни тинглаб бўлгач.
- Қачон? – сўрадим ундан.
- Уйимизда егулик овқат қолмади. Асраб қўйган донимиз ҳам тутади. Даладаги буғдой ёниб кетганди...
- қиз бунинг учун ўзи гуноҳқордек бошини эгди.
- Валий билан гаплашиб кўрай-чи, балки у ерга боришига ҳожат йўқдир. Ўзи қаерда?

— Яқинда гузарга чиқиб кетди. Қайтишингизда гаплашарсиз.

Мен Зебо билан хайрлашдим.

Жангарилар тўдасига қўшилганимдан бери улардан икки маротаба ҳақ олдим. Абдуғаффор билан Неъмат ўлиб кетгандан кейин кўпчилик қатори пулсиз қолдим. Бирорта одам Одиловдан ваъда қилинган ҳақини талаб қилишга юраги бетламасди. Маблағ билан таъминлаб турган хорижий мамдакатлардаги ҳомийлар ундан юз ўгиришганди. Олдига кўнгил сўраб, маслаҳат берадиган бирор кимса ташриф буюрмасди. Пул топиш ва одамларини озиқ-овқатлар билан таъминлаш Эргашбойнинг ўз зиммасига тушганди. Тожикистондаги жангариларнинг мағлубияти ҳомийларнинг саъй-ҳаракатларини пучга чиқарганди. Шундай бўлгач кимдан ва қаердан ҳам маблағ топарди. Ҳатто қўл остидаги жангарилар кун-тунларни очликда ўтказа бошладилар. Ички вазият секин-аста издан чиқар, жангарилар ўртасида бошлиққа нисбатан ишончсизлик уйғона бошлаганди. Бир вақтлар катта ваъдалар эвазига бу ерга келган жангарилар қандай қилиб бўлса-да, юртларига қайтишни, ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ихтиёрига топширишни ўйлашарди. Бундан ташқари жазодан озод қилинган йигитларнинг тақдири уларга аён эди.

Эргашбой кутилмаганда боши берк кўчага кириб қолганлигини сизди. Четдан ёрдам келишидан умидини узганди. Қочиш тўғрисида бош қотирарди. Бироқ қаерга, кимнинг паноҳига яширинишни билмасди. Қучоғини очган, илиқ сўзлар билан шаънига олқишлар ёғдирган кимсалар сувга чўккан тошдек ғойиб бўлишди. Эргашбой ёлғиз яшашга қўрқиб қолди. Руҳи тушган одамларини яна алдашга, уларни ёлгон ваъдаларига ишонтиришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди.

— Булар биз учун катта синов, — дерди бошлиқ

дамларини тўплаб. — Қўллаб-қувватлаб турган биродарларимиз бизларни ёлғизлатиб қўйишмайди. Андак сабр қилинлар. Яқин кунлар ичида раҳномоларимиздан катта миқдорда озиқ-овқат, пул, кийим-кечак қабул қилиб оламиз. Ҳақларингизни икки баробарга ошираман!

Бу ёлғон ваъдалар жангарилар ўртасида қўзғалаётган ўзаро низоларни барҳам топишига сабаб бўлди. Сўниб бораётган қалблардаги умид ва ишонч чироғига мой сепди.

Крамаренко берган пулларни алақачон ишлатиб бўлгандим. Бир қисмини Лайлога берган бўлсам, қолган қисмини Валийнинг оиласига ёрдам тариқасида сарф қилдим. Сўнгги пулларим эса Фотхуллохоннинг дори-дармонларига ишлатилди. Валий сингисини ташлаб кетадиган бўлса, Зебонинг тақдири хавф остида қолиши мумкин эди. Яқин атрофда изғиб юрган турли гуруҳдаги жангарилар кечалари аҳолининг уйига бостириб кириши эҳтимолдан узоқ эмасди. Улар озиқ-овқат, бойлик излаб қолмай балки, ёш-ёш қизларни ўғирлаб кетишарди. Мен шундан қўрқардим. Сув олиб қайтаётганимда ёдимга Умар келди. Балки пули бордир. Қарзга бериб турар.

Лагерга келганимда қош қорайганди. Қанчалик ҳаракат қилмай яна кеч қолдим. Жангарилар от-аравани кўришлари биланоқ бақир-чақир қилиб мени кутиб олишди.

- Яна кеч қолдинг-ку, қора ялоқ!
- Сени ишдан бўшатмасак бўлмайди!!
- Дўппослаш керак, шунда эси киради!!

Кимдир мени туртди, кимдир тупигини сачратиб ўшқирди. Бошқа биров афтини буриштириб, муштини пешонамга тиради. Одиловнинг соқчиси келмаганда улар мени ур калтак қилишарди.

- Сени хўжайин сўраяпти, тезроқ юр!

Хўжайиннинг номини эшитган жангарилар йўл

бўшатишди. «Умар сотиб қўйган бўлса-я», деган кўрқинчи фикр ҳаёлимдан ўтди. Эшик қия очик қолганди.

— Хўжайин, аравакаш келди, нима қилай?!

— Бир паст ташқарида кутиб турсин? — бошлиқнинг овозида ғазаб ёки қаҳр сезмадим. Ичкарида ўтирган Умарга кўзим тушди. Белимдаги «Кобра» тўппончасини олишга қулай бўлсин деб, белбоғимни пастроққа туширдим.

- 8 -

Контрразведка ва диверсия ишлари буйича катта мутахассис бўлган Башир жаноблари Тожикистондан дилгир кайфиятда қайтганини ҳисобга олмаганда, ўзининг бу мамлакатга қилган ташрифидан мамнун эди. Гарчи бошлиқлари томонидан берилган топшириқни бажармаган, Одилов билан аниқ тўхтамга келмаган бўлса-да, қачондир уни ўз томонига оғдириб олишга ишонарди. Башир жанобларининг мақсади Тожикистондаги уруш мамлакатлараро урушга айланиши керак эди. Дунё харитасида «ёғли луқма» бўлган Ўрта Осиё уни ва бошқа хорижий мамлакат махфий хизмат маҳкамаларининг иштаҳасини қитиклаганди. Баширнинг фикрича Ўрта Осиё давлатлари янги геосиёсий уюшмага, янги империяга қўшилиши лозим эди. Унинг кўрсатмаси ва топшириғи билан ақидапарастлар орасида тарғиботчилар гуруҳи тузилди. Улар нафақат Тожикистонда балки Ўрта Осиё мамлакатлари бўйлаб «Динсизларни, худосизларни, коммунистларни, ёлланганларни ва уларнинг атрофидаги малайларни аёвсиз ўлдирилинг! Худо хоҳласа сиз мусулмон биродарлар кофирларга қарши жиҳодда ҳормагайсизлар. Бизлар адолат ва поклик йўлида кофирларга қарши муққаддас урушда сизларга ҳар томонлама кўмак беришга, ҳамкорлик қилишга тайёرمىз», дейилган битиклар ёзилган варақаларни тарқата бошлашди.

Башир Тожикистондан ўз ватанига қайтгач бошлиғига бу ердаги вазият ва Одиловнинг бироз бўлсада иккиланиб қолганлигини сўзлаб берди!

— Ҳечқиси йўқ, бундан ташвишланманг — деди Файзуллоҳ жаноблари, — Эргашбой энди бизнинг кўлимизда. Уни истаган куйимизга ўйнатамиз. Ай-фоқчиларимизнинг хабар беришича у танг аҳволда. Лагерда очарчилик, одамлари норози. Унга зудлик билан озиқ-овқат, кийим кечак жўнатиш!

— Биз-ку озиқ-овқат, кийим-кечакларни аямаяпмиз, бироқ, натижа йўқ, Файзуллоҳ жаноблари. Бўш идишга кўлингизни тиксангиз садо чиқади. Эргашбойдан эса садо чиқмаяпти!

— Сабрли бўлинг, мухтарам Башир жаноблари! Эргашбой талаб қилган нарсаларни етказиб беришдан чўчиманг. Сарф қилган пулингизга куйиб қолмайсиз. Қарздорлик ботқоғига ботган сайин у бизга тобеъ бўлади. Чўкаётган одамнинг аҳволини кўз одингизга келтиринг-а!

Башир орзулари ва умидларини саробга айланганлигини сизди. Кўз одига кўкка совурилган миллиард-миллиард пуллар келди.

— Маълумотларга қараганда қочоқлар кўпаймоқда кўплари ўпка, зотилжам касалига чалинган. Улар бизга қандай наф келтириши мумкин? Қачонгача текин овқат еб, боқиманда бўлишади?

— Ўлимини билган одам бир кун бўлса ҳам тўйиб овқатланишни истайди, — деди Файзуллоҳ жаноблари. — Оч одам тушида овқат кўради. Сиз айтган ўша хасталарни яхшилаб парвариш қилиб, юртига жўнатамиз. Ўзингиз ишлаб чиққан «Гул» операцияси шуларнинг кўли билан амалга оширилади. Улар ўлимдан қўрқишмайди, Башир жаноблари. Покистондан ўтадиган энг тажрибали йўриқчиларимиз, Европадан келадиган ноёб руҳшунослар айнан сиз айтган хасталар билан ишлашади. Уларни жиҳод камарини белга боғлашга тайёрлашади. Қуроллар, портловчи мосламалар нима бўлган?

— Уларни алақачон чегара чизифига келтириб қўйганмиз. Одамларим сизнинг ишорангизни кутишмоқда, жаноб!

— Уларга айтинг, бугундан бошлаб ўша ишорани қабул қилишсин. Насиб айласа, биринчи ўн кунлик ичида камекадзияларни тайёрлашга киришамиз!

— «Гул» ўтқазिशни қайси шаҳардан бошлаймиз? Файзуллоҳ жаноблари бир сония ўйга толиб, жавоб қилди.

— Албатта, аҳоли зич яшайдиган шаҳардан!

— Демак Тошкентдан!

— Ақлингизга қойил, муҳтарам Башир жаноблари. Ҳамма нарсани пойтахтдан бошлангани маъқул. «Гул»ларимиз ишга тушган заҳоти бошқа шаҳардаги одамлар саросимага туша бошлайди.

Баширни қувонтирган бу режа амалга ошмади. Ҳаракат бошланаётган бир пайтда Тожикистондаги вазият ўзгарди. «Гул» операцияси кейинга қолдирилди. Ҳукумат қўшинларининг қўли баланд келди. Тоғларга қочиб кетган жангариларнинг кўпи ҳукумат билан яраш шартномасини тузиб, ҳукумат тарафига ўтиб кетганлигини эшитганда Башир аламига чидаёлмай, дод солиб юбораёзди. У Одиловни ҳам унутмади. Ундирадиган нарсалари бисёр эди. Унинг тақдири нима бўлди? Қаерда колди?.

Мамлакатда жангарилар фаолияти тугатилгач Одилов Помир тоғларининг совуқ ғорида одамлари билан ёлғиз қолди. Уларни бағрига тортадиган, иссиқ жой берадиган, озиқ-овқатидан хабар оладиган кимса топилмади. Энди у қаёққа боришни ва қаерда жон сақлашни, кимлардан кўмак сўраш ҳақида ўйларди. Ўзбекистонга қайтишни, ҳукумат билан яраш шартномаси тузишни хоҳларди-ю, бироқ ҳукумат унинг талабини қабул қилмаслигидан кўрқарди. Ўзини ҳукуматга топширишни истамаган айрим маҳаллий қочоқлар Тожикистон билан Афғонистон чегарасидаги Помир тоғлари томон чекиниб, яхшигина жиҳозланган, инже-

«Берлик, алоқа воситалари билан таъминланган ҳамда, ёррол-яроқлар, ўқ-дорилар, озиқ-овқат маҳсулотлари азвалдан ғамлаб қўйилган ғорларга беркиниб олиш-танди. Эргашбой уларга эргашди, аммо ғорда узоқ вақт қололмаслигини, бугун бўлмаса эртага ҳукумат қўшинлари бу ерга етиб келишларидан қўрқарди. Ҳарнинг аҳволи таранг тортилган ёйга ўхшарди. Маҳаллий жангарилар қатори Эргашбой руҳан тушқунликнинг тубсиз жарига шўнғиди. Одиллов одамларини эмас, балки ўз жонини сақлаш тўғрисида кўпроқ қайғурадиган бўлиб қолди. Ниҳоят у Афғонистонга етиб кетишга қарор қилди. Илгарилари Қуддус вилоятида кўпорувчилик ва диверсия ишлари буйича маҳсус тайёргарликдан ўтган йигитларини ишга солди. Уларни Афғонистонга жўнатди. Айғоқчилар хўжайиннинг топшириғи бўйича Башир жаноблари билан учрашиши ва Афғон ҳудудидан бошпана олиш тўғрисидаги илтимосини унга етказиши лозим эди. Аммо айғоқчилар Панж дарёсини кечиб ўтиш чоғида чеғарачиларнинг ўқиға нишон бўлишди. Дарёнинг лойқа сувлари тубиға фарқ бўлиб кетишди. Тўрт йигитнинг бири тирик қолганди. Ўқ оёғини ялаб ўтганди. Оқсоқланиб Башир жанобларининг ҳузурига кириб борди. Унга мактубни топширди. Хатда шундай дейилганди.

«Муҳтарам Башир жаноблари! Сизнинг барча талаб ва хоҳишларингизни бажаришга ўз розилигимни билдираман. Тоғли Бадахшон ўлкаси ҳам ҳукумат қўшинлари томонидан забт этилди. Мен ўз одамларим билан нафас ростлаб, куч тўплаб олгунимға қадар маълум муддат керак бўлади. Шу мақсадда ўз мамлакатингиз ҳудудидан одамларимға вақтинча бошпана беришингизни ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашда кўмаклашингизни илтимос қиламан. Худо хоҳласа ғалаба биз томонда. Сизға ҳурмат билан содиқ дўстингиз Эргашбой.

Башир жаноблари ўз раҳнамоси билан кенгашиб Эргашбойга Афғонистондан бошпана беришга розилик берди.

Ҳукумат қўшинлари Одиловдан зудлик билан воҳадан чиқиб кетишни талаб қилишди. Бу шахсан ўзини ва қўл остидаги одамларининг ҳаётини сақлаб қолиш учун берилган имконият эди. Одилов одамларини эргаштириб, қўркув ва ҳадик ила чегарага келди. Чегарачилар томонидан олдиндан махсус йўлак ажратиб қўйилган эди. Қуролсизлангирилган жангарилар юракларини ҳовучлаб чегара чизигини кесиб ўтишди. Тепадан икки вертолёт кузатиб бораётганлиги туфайли чегарачиларга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатишолмади.

Одилов олдинда борарди. Кўзлари ғазабдан чақнаб, ранги-рўйдан қон қочиб, худди ортидан биров суриб бораётгандек туюларди. У чегара чизигини кесиб ўтгач тўхтади ва келган йўлига боқди. Алам ва ғазабдан қоврилган юраги ўртанарди. Шу лаҳзаданоқ ўзининг жудоликдаги йиллари бошлаганлигини ҳис этди. Туғилиб ўсган, болалигининг ҳиди қолган, ошиқ отиб, кураш тушган қишлоғи кўз олдида жонланди. Илк бор Ватандан жудо бўлганлигини, уни қайта кўриш насиб этмаслигини тушунди. У узоқ вақт ортига боқиб турди. Пурвиқор ва салобатли тоғлар, ҳазонрезги боғлар кўз олдидан ҳозир ҳам кетмайди. Ватандан олисдаги йиллар унга бирор маротаба бўлсин яхшилиқ келтирмади. Ортидан эргашиб, ўзларининг навқирон ёшлигини бегона юртда, сарсонун саргардонликда, дарбадарликда ўтказишга мажбур бўлган одамлари бундан кейин ҳам ҳеч нарсага эришолмаслигини, тушуниб етгандилар. Шундай бўлсада, уларни тарқатиб юборишга юраги безиллайди. Ахир уларсиз у ким? Нимага эришади? Кимларни алдайди, кимларни ўз сиёсати ва фалсафаси билан лаққиллатади? Ўзининг энг содиқ ва ишончли одамларидан айрилди. Неъмат ҳам, Абдуғаффор ҳам қаро тупроқ остида ётибди. Ўзининг қанчалик умри қолган — бу ёлғиз яратганга

аён. Кейинги ҳаёти ҳақида қайғуриши, имконини топиб, дунёнинг гўзал мамлакатларидан биридан бошпана топиши, бунинг учун пул ва бойлик тўплаши лозим. Нима қилиб бўлса-да, Башир жаноблари билан яна учрашиши, унинг ишончига кириши даркор.

Чегарадан юз элик қадам олисда ўнга яқин юк автомашиналари турарди. Назорат чизигини кесиб ўтган жангарилар худди ўлим жазосидан омон қолган маҳбуслардек машиналар томон чопишди. Эргашбойнинг олдига кўк саллали, мовий кўзлари ялтираб турган, юзининг ярмини ниқоб билан тўсган нотаниш кимса келди. Ўзининг кимлигини айтмади. Унинг ёниб турган кўзлари кўрбошига кимнидир эслатди.

— Оға, ортимдан юринг! — қисқа буйруқ берди кўк кўзли кимса. Эргашбой унга эргашди. Машиналар карвони ортидан чанг — тўзон кўтариб, довонга тирмашди. Эргашбой машиналарни ойнадан кузатиб келарди. Одамларидан айрилиб қолишдан кўнгли ғаш эди. Довондан ўтишгач «Тойото» бошқа йўлга қайрилди. Уч соатча юришгач кўримсиз бино олдида тўхташди. Эшик олдида ўнга яқин қуроли одамлар туришарди. Соқчилардан бири уларни тўхтатди. Оёқларидан бошларигача текшириб чиқди. Кейин ичкарига киришга изн берди.

Тун ярмидан ўтган бўлса-да, хонадагилар қизгин суҳбат устида эдилар. Уларнинг юзларидан бир қарорга келишолмаётганини билиш қийин эмасди. Эргашбойни кўриб, ҳаммалари ўринларидан туришди.

— Хуш келибсиз, мухтарам Эргашбой!

— Пой қадамингизга ҳасанот!

Эргашбой остонадан ўтиб, ҳавотир акс этган нигоҳларини хонадигиларга ташлаб, уларнинг кимлигини ва нима мақсадда бу ерга таклиф қилишганини билди.

— Хуш вақт бўлинг, Абдуллоҳ жаноблари!

Эргашбой уларнинг номини бирма-бир тилга олиб саломлашди. Башир жаноблари қучоғини очиб, бағрига босди. Файзуллоҳ хазратлари эса меҳмонга ортиқча илтифот кўрсатмади.

— Бутундан бошлаб сиз ўзингизни оға-иниларингиз, туғишганларингиз сафидаман, деб билинг! Бу юрт сиз учун бегона эмас. Сиз билан биз парчаланиб кетган она Туркистонимизни қайтадан тиклаш йўлида жонларини тиккан курашчилармиз!

— Камина қулингиз сиздек ватанпарварлар даврасида бўлганимдан бошим осмонга етди, ҳазратим!

— Йигитларингиз шу соатдан эътиборан амалдаги афғон ҳукуматининг ҳимоясида. Биз уларнинг хавфсизлигини таъминлаб қолмай, балки озиқ-овқатини етказиб беришни ўзимизнинг оғалик бурчимиз, деб ҳисоблаймиз! — қўшимча қилди Абдуллоҳ жаноблари.

Бу гаплар йигитларининг эртанги ташвишида юраги эзилиб, ташвишлар уммонига фарқ бўлган Эргашбойнинг дилидаги зулмат пардасини кўтариб, кўзларида севинч ёшларини пайдо қилди. Ўз миннатдорчилигини қай сўз билан изҳор қилишни билмай, бисотидан сўз изларди-ю, бироқ забони айланмасди.

Файзуллоҳ жаноблари ҳам тинч туришни ўзига эп билмади.

— Сизни Тавилдарада туришингиз вақтинча. Иншооллоҳ, яқин орада одамларингизни Нангаҳар водийсига кўчираемиз! У ерда худди жанатдагидек яшайсизлар!

Эргашбой ўз иддаосини айтиш фурсати етганлигини тушунди.

— Менинг мақсадим ўзим яратмоқчи бўлган жаннатга эгалик қилиш! Юртнинг тепасига муқаддас байроқни тикиш!

— Баракалло, баракалло!

— Илоҳим ниятингизга етинг!

Олқишларди Абдуллоҳ билан Файзуллоҳ жаноблари. Баширнинг ҳам тили қичиди.

— Биз тез кунлар ичида йигитларингизни энг замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаймиз, жанг сирларини ургатиш учун тажрибали йўриқчиларни ҳузурингизга жўнатамиз!

— Ҳаммамиз энди бир оилага бирлашдик, Эргаш-

— Деди Абдуллоҳ жаноблари кўлидаги тасбеҳни эшитиб. — Бир биримизга бўлган ишонч ва садоқатни мустаҳкамлаш мақсадида, қолаберса, сиздек улуф паркардани сафимизга қўшиш учун бу ерга тўпландик! Мана шу хонадонда, Буюк Туркистон давлатини тузишни мақсад қилган гуруҳнинг қудратли одамлари орасида қасам ичишингиз керак. Зеро, бу бизларнинг бир-биримизга бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Эргашбойга бу таклиф ёғдай ёқди. Чунки уларнинг сафида бўлиш, унга кўз олайтирган ҳар қандай кучни чўчитиш қўйиши аниқ. Улар бор экан ҳеч ким ҳеч қачон Эргашбойга таҳдид қила олмайди. Булар унинг қалқони! Абдуллоҳни ҳам, Файзуллоҳни ҳам, қолаверса бутун мамлакатни ағдар-тўнтар қилишга куч-қудрати етадиган Башир жанобларининг ҳам Афғонистонда ҳурматлари баланд. Уларнинг ортида Мулла Умардек қудратли куч турибди.

— Мен розиман! — деди Эргашбой кўзлари чарақлаб, юзи ёришиб.

Абдуллоҳ жаноблари ҳамёнидан сопи кийик шохидан ясалган, қимматбаҳо дурлар ўрнатилган, икки тигли олмосдан ясалган ханжарни Эргашбойнинг олдига қўйди. Меҳмон уни кўлига олди ва лабига босиб, билганича қасамёд қилди.

— Бутундан бошлаб, ўзимни шу гуруҳнинг аъзоси деб биламан. Гуруҳга хиёнат қилсам, ўз оғаларимнинг сирларини бегоналарга фош қилсам, берилган топшириқларни бажаришдан бўйин товласам ўзимни ҳар қандай жазога лойиқ деб биламан. Сўнги қоним қолгунча гуруҳ олдига қўйган мақсад йўлида курашаман!

Эргашбой ханжарни яна бир бор ўпиб, қўйнига солди.

Ўша учрашувдан сўнг Абдуллоҳ жаноблари ўз ваъдасини унутиб қўйган бўлса керакки, айтган нарсаларини жўнатмади. Башир айтган йўриқчилар ҳам келма-

ди. Эргашбой эса ичган қасамини унутмади. Ҳозир ҳам худди кечагидек эсида турибди.

Тешиқдан ташқарига тикилиб, ўзининг Тавиддарадаги аччиқ-аламли кунларини кўз олдидан ўтказиб, хотирлаб ўтирган Эргашбойнинг қулоғига эшикнинг охиста тақиллаган товуши чалинди ва хаёлларини тўзғитиб юборди.

— Кир!!

Эшик очилди. Бир тутам қуёш нури Одиловнинг соқол босган, қорайиб кетган юзига тушди. Қоронгуликка ўрганиб қолган кўзлари нурдан қамашди.

— Хўжайин, Червон хоним келдилар! — останада пайдо бўлган соқчи шундай хабар келтирганди. Бошлиқнинг қошлари чимирилди. Юзига енгил табассум ёйилди. Кўнглига чўккан қора рутубат тарқалди ва унинг ўрнини шодлик эгаллади. Маъноли бош силкитгач соқчи йигит ортига ўтирилди-да, ташқарига чиқиб кетди. Зум ўтмай атлас кўйлак кийган, атир-упалардан юзлари ял-ял ёниб турган Червон хоним мастона-мастона қадам ташлаб ичкарига кирди. Ўзи билан эркак хирсини қўзғатадиган ёқимли исни ҳам олиб кирганди. Эргашбой кўпдан буён димоғидан кўтарилган таниш ва ёқимли исдан боши айлангандек бўлди.

— Салом дўмбоғим!!

Хўжайиннинг томоғига нимадир қадалди. У илдам қадам босиб келди-да, хонимнинг елкасидан қучиб, бағрига тортди.

— Сизни менга худо етказди хоним, — дея унинг қулоқларига лабини босиб шивирлади Эргашбой. — Фурбатда юрган ғарибни йўқлаган бу кунингиз ҳаётимдаги унутилмас кун бўлиб қолади.

— Мени қувонтириб юбордингиз-ку, амирим! Ўзим олисда бўлсам ҳам ҳамиша ёнимдасиз!

Аёл ҳар бир сўзини тилини буриб, шаҳарликлар шеvasида чиройли қилиб сўзлардики, бундан Эргашбойнинг қулфи-дили очилиб, ўзини қўлга ололмай хонимнинг белидан қучди. Червон хоним шу заҳотиёқ ўзини унинг ихтиёрига топширди...

Тан ярим бўлсада улар ухлашмади. Кўнгилхушлик
 ташлаб, ўринларидан туришди. Кийиниб, ёғоч кур-
 ва ўтиришди. Эргашбойни хаёли қишлоғига кетди.
 Қўқур хўрсинди, оғирлашиб қолган бошини аста
 титирди... Фам-ғусса чўккан кўзига олам қоронғу
 тинди.

Ватанни ташлаб чиққанимдан кўп бор пушай-
 ман, хоним. Ёв қочса ботир кўпаяди, деганларидек
 менинг танишларим, ёру-дўстларим ортимдан бўх-
 лаш тошларини отадиган бўлишди. Қандай қилайки,
 ватандан олисдаман. Туғилиб ўсган қишлоғимни ҳар
 ким эслайман. Болаликдаги оғайниларим кўз олдимга
 келади. Қанотим бўлса-ю, учсам. Юрган йўлларимни,
 қамилган анҳорларимни, мева териб еган боғларимни
 эрсам. Худо билади, менинг жоним узилганда жаса-
 дам қаерга қўйилади? Қабримнинг тайини бўладими,
 отам йироқ деб, жигарим, деб бирор кимса қабримга
 келиб, бир калима қуръон тиловат қиладими?! Одам
 эшонки Ватан қадрини Ватандан йироқ юрганда ҳис
 слар экан. Отам болалигимда бир ривоятни айтганди-
 лар. Эсимдан чиқиб кетган экан, шу ерда хотирамга
 келишди. Каттагина бир саҳрода қароқчилар ўзлари
 учун қўрғон қуриб олишган экан. Ўтган-кетган савдо-
 гарларни талаб, бойлигини тортиб, тирикчилик ўтка-
 ришар экан. Кунларнинг бирида қирқ туяга юк ортган
 карвон уларнинг ҳужумига дуч келибди. Савдогарлар
 қўрқиб, ҳар томонга қоча бошлашибди. Бироқ ёшгина
 бир ўспирин йигит ўтирган жойидан силжимабди.
 Буни кўрган қароқчилар сардори ҳайрон бўлибди ва
 боланинг олдига келиб:

— Шерикларинг жонини сақлаш мақсадида бойли-
 гини ташлаб, ҳар томонга тўзғиб кетаётибди, сен нега
 турган жойингдан силжимаяпсан?

— Менинг бисотимда эллик танга бойлигим бор.
 Онам уни тўнимнинг этагига яшириб, тикиб қўйган.
 Ул зот ҳеч бир одамга ёлғон сўзламасликни, кимки
 ёлғон сўзласа Аллоҳнинг қаҳрига дучор бўлишини
 тайинлаганлар! — деб жавоб берибди.

Боланинг ростгўйлиги сардорни лол қолдирибди. «Қароқчи бўлганим билан менда шу болачалик жасорат йўқ», деб надомат чекибди. Эртаси куни уламолардан бирини ҳузурига бориб, умри давомида кўплаб савдогарларни қақшатганини айтиб, қандай қилиб гуноҳларини ювиш мумкинлигини сўрабди.

— Сен саҳрода каттагина боғ яратасан, ўтган-кетган одамларга бир пиёладан сув берасан. Кўчатларнинг гуркираб ўсган кун Аллоҳ сенинг гуноҳингдан кечади, — деб жавоб қилибди уламо.

Қароқчи саҳрога қайтибди. Шу кундан бошлаб, чўлнинг ўртасига кўчат экибди. Қудуқдан сув ташиб кўчатларнинг остига қуйибди. Бироқ кўчатлар куртак чиқармабди.

Кунларнинг бирида узоқдан бир отлиқ кўзга ташланибди. Қароқчи унинг йўлини тўсибди.

— Биродар, мана шу пиёладаги сувдан ичиб кетинг. Чанқоғингиз босилсин! — дебди.

Чопар шошиб тургани учун унинг сўзига қулоқ тутмабди ва пиёладаги сувни тўкиб, қароқчини тепиб юборибди-да, отнинг яғринига қамчи солиб, йўлида давом этибди. Қароқчи ғазабланибди. Белидаги ханжарни олиб, отлиқнинг ортидан улоқтирибди. Ханжар унинг кўкрагига санчилибди ва отдан йиқилибди. Жаҳл устида қилган ишидан пушаймон бўлган қароқчи афсус ва надомат чекиб, қонга беланиб ётган чопарнинг тепасига келибди. Одам ўлдирганидан пушаймон бўлган қароқчи жони узилган чопарнинг қўйнидан чиқиб турган қоғозга кўзи тушибди, уни олиб ўқибди. Маълум бўлишича у ўзи яшаб турган мамлакатнинг махфий харитасини олиб, қўшни давлатнинг подшосига етказиш учун кетаётган сотқин экан. Шунда қароқчи ўрнидан туриб ортига ўтирилибди. Кўзи ўзи ўтқазган кўчатларга тушибди. Шу дамда барча кўчатлар гуркираб, барг ёзиб қолган экан. Ватанни, унинг сир-синоатларини сотмоқчи бўлган

инни ўлдирган қароқчининг гуноҳини Аллоҳ ўша замдаёқ кечган экан.

Эргашбой ривоятни айтиб бўлди-ю, негадир жим кетди. Хоним чуқур ўйга толганди. У ҳам бошини ёттарди. Эргашбойга далда бериш мақсадида ҳадисдан бир калима сўзлади.

— Юртни бир кеча қўриқлаган одам минг ракаат намоз ўқиганчалик савобга эга бўларкан, дўмбоғим.

-9-

Шариф Бош прокурор номига хат жўнатганидан сўнг вилоятнинг чекка бир хўжалигига жўнаб кетди. Ённинг келиши туманда фермер хўжалиklarини ташкил этиш ва ривожлантириш учун бир гуруҳ ташаббускорларнинг мурожаати эълон қилинган кунга тўғри келди. У ширкат хўжалиги раҳбарларига фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги таклифини айтди. Шариф гапга чечан, — ўз фикрини ўтказа оладиган йигит эди. Туман раҳбари Бозорбой Ҳайдаров бундай ташаббускор йигитларни ёқтирарди. У Шарифнинг сўзларини диққат билан тинглади. Йигитнинг дадил гаплари ҳокимга маъқул келди. Унга ишонди. Эллик гектар ер майдони ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқарди. Шариф раисдан тортиб олган маблағларни ерларни ўзлаштириш, экин экиш ҳамда, техника сотиб олишга сарф қилди. Ишни шўр ювишдан бошлади. Ёшларнинг кўпчилиги ишсиз эди. Қишлоқ билан туманни бир-бирига боғлаб турадиган транспорт воситасининг камлиги сабабли одамларнинг марказга бориб келиши қийин кечарди. Шариф маблағнинг қолган қисмига иккита «Дамас» русумли енгил автомашина сотиб олди ва бу машиналар қишлоқ аҳолисининг туманга бориб келиши учун хизмат қилди. Одамлар орасида Шарифнинг обрўйи ва ҳурмати ошиб кетди. Эл оғзига тушди. Келгинди бу йигитнинг пулни қаердан топаётганига шубҳаланувчилар топилмаслиги учун банкдан қирқ миллион сўм

кредит олди. Маблагни фермер хўжаликни тиклаш ва ривожлантиришга сарфлади. Қишлоққа нонвойхона, тегирмон, ошхона, қандолатчилик, чеварчилик цехларини қуриб ишга туширди. Дала ишларига ёш йигит-қизларни жалб этди.

Шарифнинг қишлоқда қилаётган ишлари тез орада вилоятга ёйилди. Туманда биринчилардан бўлиб чигит экишни тугаллади. Чорва ҳайвонларининг сонини элик бошдан ошириб юборди. Болалар боғчасини сут ва гўшт билан таъминларди. «Қулоғи узун» мухбирлар кела бошлашди. Шариф ҳақида катта-катта очерклар эълон қилишди. Республика телевидениеси ходимлари келиб, ярим соатлик кўрсатув тайёрлашди. Унинг ишлари бутун республикага ёйилди. Шариф бу ерга келганида ўз исм-шарифини ўзгартирган эди. «Прокуратура ходимлари хатни ўқиган бўлса, албатта, менга нисбатан эълон қилинган қидирув ишларини бекор қилган», деб ўйлаганди. Дарҳақиқат, прокуратура ходимлари унинг мактубини олгач, биринчи гада хатда кўрсатилган фактларни исботлаш, Муҳаммадқодирнинг суратларини синчиклаб ўрганиш, лабораториядан ўтказиш, суратларнинг сохта эмаслигини текшириб бир хулосага келиши, Муҳаммадқодир хизмат қилган ҳарбий қисм билан алоқа боғлашлари, унинг бедарак кетганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни қайтадан текшириб кўришлари лозим эди.

Шарифнинг шахсини аниқлаш муҳим эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари унинг Покистондаги разведка ва диверсия ишлари бўйича жангарилар тайёрлайдиган лагерда хизмат қилганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасди. Ҳарбий разведка бошқармасининг маълумотларида Муҳаммадқодирнинг номи кайд этилмаганди. Бу эса уни жангарилар сафида юрган, деган фикрни тасдиқлай олмас эди. Прокуратура, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари билан келишилган ҳолда Шарифнинг изига тушишни вақтинча тўхтатишди.

Шариф шуни билардики, ҳақиқатан ҳам Шариф айбини Одиловнинг оғирлигига олиб юртга келган бўлса, энди ортга қайтмайди. Уни чўчитиб қўймаслик мақсадида қидирувни таштатишни, суратларини олиб ташлашни лозим топишди.

Республика телевидениесидаги кўрсатувдан сўнг Одиловнинг одамлари Шарифнинг афти-ангоридан таниб қолишди. Уни Ўзбекистонга жўнаб кетганлигини Одилов ўзининг одамларига маълум қилганди. Айғоқчилар уни Олтинтопарлар қишлоғида кутиб ишлари лозим эди. Бироқ Шариф қишлоққа белги-лангандан икки кун кейин кириб келди. Кутиб турган айғоқчилар эса уни вақтида етиб келмаганлигидан шубҳаланишиб, орқаларига қайтиб кетишганди. Одилов ташвишга тушди. Яна одамларини Олтинтопар қишлоғига юборди. Айғоқчилар бу ерда нохуш воқеа содир бўлганлигини эшитишди-ю, ўша заҳотиёк из-ларига қайтиб кетишди. Лекин орадан шунча вақт ўтса-да, Шариф Афғонистонга - Одиловнинг хузурига қайтиб бормади. Бошлиқнинг юрагини алам ўртади. Одамларидан Шариф раиснинг жуда кўп бойлигини олиб кетганлигини эшитди. Қидирув ишлари асосан шаҳарларда олиб борилаётганди. Шарифни чўл зона-сига кетганлигини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Айғоқчилар уни телевизорда кўришгач, бу ҳақда зудлик билан Одиловга хабар йўллашди. Қиш-лоқда олиб бораётган ишлари тасвирга туширилган ментани ҳам қўшиб жўнатишди. Хўжайин кўрсатувни кўзларидан ўт ёниб томоша қилди. Баданидаги туклар тиканга айланди. Вужудидан аланга чиқиб кетаётган-дек ўзини қўярга жой тополмай қолди. Хиёнаткор Шарифни қандай қилиб бўлса-да, йўқотиш учун гал-даги буйруғини берди. Бу ишни узоғи билан бир ҳафта ичида бажариб келишни тайинлади. Ўтган ҳар бир сония унинг учун йилдек туюларди. Деярли ҳар дақиқада Ўзбекистондаги одамларидан хабар кутар, Шарифнинг тақдири билан қизиқарди. Бироқ унинг

юрагини абгор этган ўша қутлуғ хабар «ҳа» деганда етиб келмасди. Бундан у баттар алам ўтида қовурилар, сув ўрнига оғу ичаётгандек туюларди.

Ўша куни Шариф далада ишлаётган одамларидан хабар олиб қайтаётган эди. Йўлда машинаси бузилиб қолди. Уни уйда нималар кутаётганлигини билмасди. Таниш йигитлар ёрдамга келди. Бироқ машинани тузатишолмади. Суришиб уйга олиб келишди. Шариф йигитларни қуруқ жўнатгиси келмади. Сўрига жой қилди. Гўшт қовуриб, бир шиша ароқ қўйиб, уларни меҳмон қилди. Йигитлар ҳазил-мутойиба қилиб, чақ-чақлашиб ўтиришди. Бу пайтда янги қурилган молхонанинг томида икки нафар нотаниш кимса хашаклар орасида беркиниб, уларни кузатаётганини ҳеч қайсилари билишмасди. Қўлларидаги милтиқни ўқлаб, меҳмонларнинг тезроқ чиқиб кетишини кутишарди. Булар Одилонинг кўрсатмаси билан Шарифни ўлдириш мақсадида келган жангарилар эди. Уларни қишлоқда пайдо бўлганига икки кун бўлганди. Аксига олгандек Шариф даладаги ишларни тезлатиш мақсадида уйга келмаганди. Чақирилмаган меҳмонлар Шарифнинг қайтишини пойлаб, том устидаги хашаклар орасига беркиниб, ўзларининг собиқ дўстларини ўлдириш мақсадида фурсат пойлаб ётишарди. Одилон уларга нафақат Шарифни ўлдиришни, балки мол-мулкани, қурдирган молхонасининг кулини кўкка совуришни буюрганди.

— Бир йўла уччаласини тинчитамиз, — деди жангарилардан бири чарм шапка кийиб олган шеригига юзланиб. — Ортиқ кутишга сабрим чидамайди. Ҳаливери бу йигитлар ўринларидан туришни хаёлларига келтиришмайдиганга ўхшайди.

— Бақир-чақир, тўс тўполон кўтарилиши мумкин. Ўқ хато кетса, худо урди деявер. Тирик қолгани мелисага чопади, қишлоқ оёққа туради. Яхшиси кутамиз, — деди иккинчиси.

— Поезднинг келишига бир соат қолди. Топшириқ-

чи бажаришга улгуришимиз лозим. Бугун ҳам пашша-
а ем бўлиб, қолиб кетишни хоҳламайман.

— Топшириқни яхшилаб ўйлаб кўр. Агар хўжайин-
нинг айтганини қилмасак, гўштимизни нимта-нимта
қилади. Тинчгина кетай, бошлиқнинг ғазабига учра-
май десанг сабр қил!

Улар бир муддат бахслашиб, бир-бирларининг фик-
рига зид гапларни айтиб, овозлари бир баҳя кўтарилиб
кетганини сезмай қолишди. Меҳмонлар бир-икки
пиёла ароқ ичиб, кайфлари кўтарилган эди. Шариф сув
ичиш илинжида молхонанинг олдидаги қудуқ ёнига
келди. Сув ичаётганда қулоғига гўнғир-гўнғир овоз
чалинди. Бу товуш томдан келаётганини фаҳмлади.
Миясига «булар Одиловнинг одамлари», деган фикр
келди. Шариф қайтиб келгач, меҳмонлар ўринларидан
туришга изн сўрашди. Уларни кузатиш мақсадида
ташқарига чиққач, меҳмонларни яна қайтиб келишля-
рини, ўзи даладан чарчаб келганлигини, ётиб дам
олишини атайин баланд овозда гапирди. Бироқ хона-
сига қайтмади. Қасоскорларни бу ерда узоқ қололмас-
лигини биларди. Меҳмонларни кузатиш баҳонасида
қаттиқ-қаттиқ гапиргани уларда шубҳа уйғотганига
ишонарди. Дарҳақиқат шундай эди. Қизишиб кетган
қасоскорлар Шарифни сув ичаётганини кўриб, бир-
бирларига маъноли боқишиб, тезда тилларини тиш-
лашди. Улар Шариф овозимизни эшитган, деб ўйлаш-
ди. Айниқса, уйга қайтиб кирмагани уларнинг шуб-
ҳасини тасдиқлади.

— Иш расво бўлди! — деди шапка кийган жангари.
— Шариф бизни сезиб қолди.

— Ҳаммасига сен айбдорсан! — деди иккинчиси. —
Худди онангни чорбоғида юргандек баланд-баланд
гапирдинг!

— Тезда даф бўлишимиз керак. У мелисага хабар
берса, бир зумда бизни тутиб кетишади.

— Топшириқ-чи, хўжайинга нима деймиз?!

— Портлатгич мосламаларни ўрнатиб кетамиз.

Жангарилар пастга тушишганда атрофга қоронғулик чўкканди. Улар тезлик билан молхона атрофига портлатгичларни ўрнатишди. Одам ипга урилганда қўлбола миналар портлаб кетиши керак эди. Жангарилар мосламаларни урнатиб бўлишгач, зудлик билан ортларига қайтишди. Олислардан поезднинг овози эшитилди...

- 10 -

Фотхуллохон дарёдан ўтаётганда ҳушидан кетди. Катердан тушиши биланоқ уни машинага ётқизиб, ҳарбий госпиталга олиб кетишди. Шифохонага келганда бадани музлаб қолганди. Ҳеч нарсани сезмас ва идрок этмас, юзаки нафас оларди. Юрак фаолияти сустлашиб, билинар-билинемас уриб турар, лаблари кўкариб кетганди. Олиб борилган барча саъй-ҳаракатлар, қилинган дори-дормонлар наф бермади. Кутилмаганда юрак тўхтаб қолди.

Докторлар юракни массаж килиб, қийинчилик билан уни ҳаракатга келтиришди. Юрак ишга тушди, бироқ нафас олиш ўша ўшалигича қолди. Юқоридан қандай қилиб бўлса-да, Фотхуллохоннинг ҳаётини сақлаб қолиш топширилганди. Марказга унинг соғлиги тўғрисида ҳар ярим соатда ахборот жўнатилиб туриларди. Бироқ, юборилган маълумотларнинг барчаси қониқарли эмасди. Уни ҳаётга қайтариш масаласи жиддийлигича қолар, бу ҳол марказдагиларни ташвишга солаётганди. Ҳарбий самолёт орқали Термизга иккита малакали шифокор жўнатилади. Сунъий аппаратлар ёрдамида хастанинг ҳаёти маълум соатларга узайтириб туриларди. Шифокорлар қўлларидан келган ҳамма чораларни қўллашди. Уларнинг сўнгги умидлари Тошкентдан келаётган профессорларда эди. Улар келгунча беморнинг ҳаётини сақлаб туриш шарт эди. Шифокорлар бир соатга қолмай келишди. Хастани синчиклаб текширишди. Энг кучли дори-

дармонларнинг таъсир кўрсатмаганидан ҳайрон қолишди. Шунга қарамай профессорлар ажал билан олишишга бел боғлашди, қайтадан муолажа бошланди. Беморнинг қон томирига турли дорилар жўнатилди. Бу уларнинг охирги имкониятилари эди. Орадан ўн дақиқа ўтиб, хастанинг нафас олиши ва юрак фаолиятида бироз бўлсада ўзгариш пайдо бўлди. Кўкариб кетган лабларига қон югурди. Ярим соатлар ўтиб юрак ҳаракатга келди.

Фотҳуллохон гарчи ақл- ҳушдан айрилган бўлса-да, унинг томирларида ҳайрул умрнинг қони асталик билан оқарди. Кўз ўнгини қоплаб олган туман ичида гоҳ ўтмиши, гоҳ ота- онаси, ўтиб кетган авлод- аждоди намоён бўларди. Бир пайт у туман ичида Червон хонимнинг қиёфасини кўрди. Хоним бақириб чақириб Фотҳуллохонни қарғарди. Фотҳуллохон ҳам у томонга интилар, бироқ оёқларини ердан узолмасди. Қўлларини мушт қилиб ўдағайлар, аммо оёқлари ҳаракатга келмасди. У овозининг борича «мени шу куйга солган сен манжалақи», деб бақирмоқчи бўларди. Бироқ овози чиқмасди. Хоним турган томонга талпинарди. Шунда унинг қулоқларига кимнингдир овози узуқ-юлуқ чалингандек бўлар, қақшаб кетган баданига нимадир санчилиб озор етказарди. Фотҳуллохон кўзларини очмоқчи бўлди. Оғирлашиб қолган киприкларини зўрға кўтарди-ю, аммо уларни биридан ажратолмади. Шунда қулоқларига чалинаётган шовқин ичидан эркак кишининг овозини илғади. Туман ичидан оқ халатли одамларнинг сиймоси кўринди.

Фотҳуллохоннинг томиридаги қон ҳаракатга келди. Юраги боягидан кучлироқ тепа бошлади. Ҳавони симириб нафас олди. Ҳар замонда бир бор учиб турган қўллари ҳаракатга келди. Ундаги жонланишни кўриб, шифокорларнинг рангига қизиллик югурди. Ўша тун госпитал ходимлари киприк қоқишмади. Тонг ёришганда бемор ўзига келди. Қаерда ётганини сўради.

Аҳволи яхшиланган бўлса-да, хотиржамликка бери-
лиш мумкин эмасди. Фотҳуллохон яна комага тушиб
қолиши мумкин эди. Уч кундан сўнг бемор ўрнидан
турди. Оёқлари қалтираб, дераза ёнига келди. Ташқа-
рига боқиб, бошидан ўтган воқеаларни эслади. Қаро
кунларни хотирлаб, кўзларига ёш олди. Болалари,
аёли, қўни-қўшилари ва ниҳоят Бўронни ўйлади.

Фотҳуллохон ҳаётда ёмон яшамади. Одамлардан
ҳам ўзига нисбатан ёмонлик кўрмади. Сири ошкор
бўлгунча маҳалланинг катта-ю кичиги ҳурматини
қилди. Иссиқ-совуқ маъракаларда бош турди. Ўзига
ишонган, уйининг тўридан жой берган, бир бурда
нонига шерик қилган одамларга нисбатан ёмонлик
қилди. Эргашбойнинг гапига кириб, шу одамларнинг
тинчини бузишга интилди. Уларни бир-бирига қарши
қўйишга талпинди. Кимларнидир қўлига қурол берди.
Кимларнидир разил ишларни тарғиб қилишга ундади.
Эндигина мустақилликка эришган, ўз бахтини топиш
учун дадил одим ташлаётган Ватан тинчлигини
бузишга интилди. Бироқ нимага эришди, югуриб-
югуриб қаерга борди?! Хориждан паноҳ излаб Афғон-
га чопганди. Ўзининг одамлари, уни йўлдан оздирган
кимсалар нақ бўлмаса ўлдириб қўйишларига оз қолди.
Остонасидан ҳайдаб солган, бир парча ерини тортиб
олган Бўрон бор экан, корига яраб қолди. Яна Ватанга
қайтарди. Фотҳуллохон ёш тўла кўзларини катта-
катта очиб ташқарига боқар экан, ўша аламли ва
андухли кунлар энди ортда қолганлигига, бундан бу
ёғига шукрона айтиб, ўз Ватанига чин дилдан хизмат
қилишга қасам ичди. Бошига қаро кунни солган ўша
аблаҳларнинг бор кирдикорларини очиб ташлашга
қарор қилди. Орадан бир ҳафта ўтиб Фотҳуллохон
соғайиб қолди. Иштаҳаси очилиб, тўйиб-тўйиб овқат
еди. Шундан сўнг шифокорлар кузатуви остида Тош-
кентга жўнатилди. Бу ерда икки ҳафта даволанди.
Тергов-суриштирув ишлари бошланди. Қария тергов-
ни чалғитмасликка, терговчи томонидан берилган

Тарча саволларга тўғри жавоб беришга ҳаракат қилди. Унинг саёзлашиб қолган хотирасини тиклаш учун вақт керак эди. Муҳими асабларини тинчлантириш, тариктирмаслик лозим эди. У терговчиларга мамлакат ичкарисида яшириниб юрган Эргашбойнинг одамлари ҳақида билганларини гапириб берди. Уларнинг ҳаётини тузишда ёрдамлашди. Жангариларни қаерда яшашларини, улар кимдан топшириқ олиб туришларини айтди. Бу тергов ва қидирув ишлари учун ўта муҳим маълумотлар эди. Шу кунга қадар Одиловнинг мамлакат ичкарисидаги одамлари ва уларнинг олдига кетдан келиб кетувчи кимсаларнинг шахси етарли даражада ўрганилмаганди. Оғир жинойатларни содир этиб, мамлакатдан қочиб кетган жангариларни ҳамда уларнинг исми-шарифини аниқлаш мавҳум бўлиб қолаётган муаммо эди. Гиёсов ва Вилоят Ижроия кўмитасининг раиси кимлар томонидан ўлдирилганлиги ҳам тергов жараёнида фош бўлди. Фотхуллохонда маълумотлар анчагина эди.

Юрагида битмас-туганмас жароҳат қолдирган Червон хонимдан қасос олиш ниятида унинг барча кирликларини айтиб берди. Бир вақтлар унга ошиғу шайдо бўлиб, уйига келиб-кетиб юрган дамларида тасодифан қўлига дафтар тушиб қолганди. Унда хоним аждов йўллари билан ўз томонига оғдириб олган ўнлаб аёлларнинг исми-шарифи, яшаш манзиллари ёзилганди. Фотхуллохоннинг шумлиги тутиб, дафтарни ўзи билан бирга олиб кетган, ҳамда уни уйига, кўздан яширин жойга беркитиб қўйганди. Кутилмаганда шу дафтар унинг ёдига тушди. Бу ҳақда терговчига айтиб берди. Ўша куниёқ қидирув бўлимининг ходимлари Фотхуллохоннинг уйига жўнаб кетишди ва эртаси куни дафтарни олиб келишди. Тутқиннинг кўрсатмаси билан яшириниб юрган кўпчилик кимсаларнинг исми шарифи, қаерда яшаши аниқланди. Мамлакат ичкарисида Одилов тарафдорларининг пайтавасига қурт тушди.

Кўплаб жангарилар қамоққа олинди. Бу ҳолат айрим жангариларни чўчитиб қўйди. Фотҳуллохонга нотаниш бўлган ёки терговда исмини унутиб қўйган кимсалар уясига сув қўйилган чумолидек типирчилаб қолишди. Ўзларини яшириш мақсадида турли томонларга жуфтакни ростлаб қолишди. Улар ичида ўзларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг қўлига осонгина топшириб қўйишни истамайдиган қайсар кимсалар ҳам йўқ эмасди. Улар Одилов гуруҳи қабул қилган қасамёдга содиқлигини кўрсатиб қўйиш ниятида, орган ходимларининг кўзидан қочиб, хавфсизроқ жойдан бошпана иташарди. Ўша гуруҳларнинг бирига Самарахон исмли кимса етакчилик қиларди. У ҳақда кейинги бобларимизда тўхталишни лозим топдик.

- 11 -

Шариф кутилмаган меҳмонларнинг ташрифидан юраги гаш бўлиб, катта-катта одим отиб йўлнинг ўртасида кетиб борарди. Кеч кириб қолганди. Гоҳи-гоҳида рўпарасидан ўтиб бораётган одамлар Шарифга салом беришар, бир нафас қадамларини секинлатиб ортидан ҳайрон боқишарди. Одатда у шошиб юрмас, ўзгаларнинг олдидан бесалом ўтмасди. Шариф қаёққа кетаётганлигини, кейин нима қилишни билмасди. Бошида оғриқ турганди. Қандайдир даҳшатли куч ортидан суриб бораётгандек эди. Тўхтаса, ортига боқса, хўжайиннинг одамлари унга етиб оладигандек туюларди. Раис буванинг хазинасини олиб қочаётганда шундай ваҳима босганди.

Шариф Одиловнинг одамлари қасос илинжида келишини, ўйлаб кўрмаганди. У фақат ўз ишлари, ўз ташвишлари билангини яшай бошлаганди. Шу сабаб хотиржам эди, юрагига қўрқув соя ташламасди. Фақат қачондир прокуратура ёки милиция ходимлари излаб

ишларидан, уйнинг бир четини ковлаб, туника
 никага солиб, кўмиб ташлаган олтинларидан чўчир-
 Шариф илдам қадам ташлаб борар экан, рўпараси-
 дан чиққан одамнинг овозидан чўчиб тушди.

— Ака, сизни менга Худонинг ўзи етказди. Уйин-
 га излаб кетаётгандим! — велосипеддан тушган поч-
 чи сумкасини ковлаштирди. — Хизирни йўқласам
 маркан. Уйдამисиз ёки даладамисиз, деб қаерга
 ришни билмай кетаётиб эдим, — йигит конвертни
 иб Шарифга узатди.

— Сизга хат бор, ака!

Вилоят ҳокимлигидан юборилган хатни қўлга олган
 Шариф шоша-пиша очди. Юрагидаги қўрқув кўтари-
 иб, ҳаяжони босилганди. У қоғоздаги ёзувларга
 илгоҳини югиртирди.

«Мухтарам Шариф Ботиров! Сиз бошқараётган
 «Олтин булоқ» фермер хўжалиги базасида деҳқон-
 фермер хўжалиklarининг республика миқёсидаги
 семинар кенгаши шу йилнинг охирида ўтказиш режа-
 лаштирилган. Тайёргарлик ишларини кўришингиз
 ралади».

Шарифнинг қувончи юрагига торлик қилди. Қўр-
 қув ва ҳаяжонлар ғойиб бўлди. Жангариларнинг бу
 га пайдо бўлганидан таҳликага тушиб, заҳмат чекиб
 берипо этган хўжалигини ташлаб кетмоқчи бўлганидан
 вқусуланди. Қўрқоқлигидан уялиб кетди. Шариф хат-
 ни буклаб чўнтагига жойлади-да, ортига қайтди. Фер-
 мадан узоққа кетишга улгурмаганди. Анча олислаб
 отган бояги шерикларини чақирди.

— Янгилик бор, қани уйга кетдик! — деди йигитлар-
 нинг елкасига қўл ташлаб.

Жангарилар «Бизни сезиб қолди», деб ўйлашди.
 Ҳудлик билан пастга тушишди. Эшик олдига портлов-
 чи мосламани ўрнатишди. Улар шошиб ишлашди.
 имларни бир-бирига улашда хатоликка йўл

қўйилганини сезишмади. Улардан бири ичкарига кирди ва уч-тўрт нафар молни арқондан бўшатиб юборди. Моллар ташқарига чиқанда портловчи мосламага уланган симни узиб юбориши, шу тариқа портлаш содир бўлиши керак эди.

Жангарилар одамлар кўзига ташланмаслик учун девор ортидан паналаб, марказ томон йўл олишди. Шариф ишчиларни эргаштириб, ичкарига кирганда улар бу ердан ғойиб бўлишганди. Шариф чироқларни ёқди. Проекторнинг ўткир шуъласи атрофни ёритиб юборди. Моллар маърарди. Молхонанинг катта дарвозаси очиқ қолган, тепадаги чироқ дарвозанинг икки ёнига тортилган симни ёритиб турарди. Шарифнинг эътибори симга тушди. У бежиз тортилмаганлигини тушинди. Афғонистоннинг Жалобод вилоятида бир гуруҳ хорижлик йўриқчилар қўлида портловчи моддаларни ишга солиш, уларни зарарсизлантириш бўйича икки ой сабоқ олганди. Ўша билими ҳозир қўл келди. У эҳтиёткорлик билан мосламани зарарсизлантирди. Салгина эҳтиётсизлик оқибатида мослама ишга тушиб кетса, ярим гектар майдондаги молхонадан фақат хароба қолиши мумкин эди.

Жангарилар кутган бомба портламади. Шундан сўнг улар бу ердан кетишга шошилишди. Бегона жой, бегона одамлар орасида қолиш, портламаган мосламани бориб кўриш хатарли эди. Қўлга тушиб қолишса, ҳамма иш чаппасига кетиши, узоқ муддатга қамалиб кетишлари, муҳими ўз раҳнамоларини сотиб қўйишдан чўчишарди. Улар учун турмага тушишдан кўра, ўлим афзал эди. Турмада ҳам хўжайиннинг одамлари борлигини, улар «сотқин» шерикларини соғ қўймаслигини яхши тушунишарди. Шу мақсадда улар ортга қайтишни афзал билишди.

Жангарилар Одидовга қандай баҳона қилиш тўғрисида бош қотиришди. Хаёлларига жўяли фикр келмади. Улар йўловчи машиналардан бирига ўтириб, туман

марказига жўнашди. Кўчаларда одам кўринмасди. Машина уларни марказда қолдириб, тоғ томон жўнаб кетди. Жангарилар қаёққа боришни билмай йўл ўрта-сида туриб қолишди. Нотаниш ва бегона жой уларнинг бошини берк кўчага тиқиб қўйганди.

- 12 -

Катта гуруҳ мамлакатдан чиқиб кетиш режасини тузиш мақсадида Самарaxonнинг уйига тўпланишни келишиб олишганди. Гуруҳ аъзолари тиш-тирноқларигача қуролланганди. Меҳмонлар тунда келишди. Маҳаллий аҳоли уларни танимасди. Шу сабабли аҳолида шубҳа уйғотишди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ички ишлар идорасига кўнғироқ қилиб, Самарaxonнинг уйига бир нечта нотаниш одамлар тўтманишганини хабар қилди. Бошлиқ бетоб бўлгани сабабли унинг ўринбосари подполковник Ҳакимжон Ҳожиёв қолганди. У Самарxonнинг диний экстремистик гуруҳга аъзо бўлгани ҳақидаги маълумотга эга эди. Нотаниш кимсаларнинг келиши подполковникда шубҳа уйғотди. Тезкор гуруҳ ходимларини олиб, меҳмонлар жойлашган хонадонга йўл олди. Ҳакимжон Самарxonни яхши танирди. Ишга янги келган йиллари у билан бир-икки тўқнаш келган. Ўшанда Самарxonни Чеченистондан қайтиб келганидан хабар топганди.

— Савдо ишлари билан бордим ўртоқ начальник, — деб жавоб қайтарганди Самарaxon. — Ахир болачақали одамман. Уйда ўзимдан бошқа ишга ярайдиган одам бўлмаса, аёлим нафақада, болаларим ҳали ёш, қўлидан иш келмайди, — дея кўз-ёш тўкканди. Подполковник ҳақиқатни сўзлаб беришга қанчалик ундамасин Самарaxon билганидан қолмади. Шундан кейин Ҳожиёв қўлидаги маълумотларга таянган ҳолда!

— Чеченистонга сиз одамлар онгини ўз ғояларингиз билан заҳарлаш мақсадида боргансиз! — деди.

Самарахон ёқасини ушлаб, кўзларини бақрайтирганча подполковникнинг сўзларини тинглаб ўтирди. «Ё товба, ё навзамбиллоҳ, бу туҳмат ҳам бормиди менга», деган сўзларни кўп бор такрорлади. Қилган ишларини яна хаспўштлашга уринди. Бироқ подполковник бўш келмади. Айбини бўйнига қўйиш учун стол тортмасидан фото суратларни олиб олдига ташлади.

— Балки ўзингизни расмингиздан танирсиз? — деди бошлиқ.

Суратларни кўриб Самарахоннинг капалаги учиб кетди. Буни ким олган? Ичида ҳукумат одами бормиди?

— Энди, ўртоқ начальник, савдодан бўшаган пайтларимизда масжидларга кириб, тоат-ибодат қилиб, маъруза қилган бўлсак бунинг нимаси ёмон, — деб ўзини оқлашга уринди. Ўшанда Ҳожиёв ундан тушунтириш хати ёздириб олганди. Учрашувдан сўнг Самарахон ўзини кузатувда эканлигини яхши биларди. У хушёрлик билан иш тутишга, шериклари билан тумандан ташқарида учрашишга ҳаракат қилди. Тадбиркор ниқоби остида иш юритди. Бунинг устига чет мамлакатдан келаётган даста-даста пуллар уни ўзгартириб юборганди. Ўзини одамларга яхши кўрсатиш мақсадида кўпгина, «хайрли» ишларга қўл урди. Ишсиз юрган йигитларни танлаб, атрофига тўплади. Бироқ уларга гуруҳнинг вазифалари, мақсадлари ҳақида бирор сўз айтмади. Йигитлар ҳам «устоз»ларининг мақсадларини тушуниб етмаганди. Савдо ишларига қарашиб юришганидан мамнун эдилар.

Ҳожиёв Самарахонни кўз остидан қочирмади. Вақти-вақти билан унинг қаердалиги ва нима ишлар

...ан шуғулланаётганлигини сўраб-суриштирарди. Бир кент воқеалари подполковникни сергаклантириб қолди. Бир ой муқаддам юқоридан Одиловнинг одамларига яна туман атрофида ўрмалаб қолганлиги, тадбирдор ва мансабдорларни ўлдириш мақсадида юришгани ҳақиқида хабарнома олди. У ходимларига туман атрофидига келаётган нотаниш кимсаларнинг шахсини ўқималарнинг нима мақсадда келишаётганини аниқлаш ва вазифасини топширганди. Вазият мураккаб эди. Қўшқни муҳофаза қилиш идораларидан юборилган ва ҳарбий хабарномаларда ички душманларнинг, хусусан Одилов гуруҳига аъзо бўлган кимсаларни қўлатув остига олиш вазифаси топширилганди. Қўшқималарнинг мақсади халққа аён эмасди. Улар содда ва қўшқималарнинг ўз томонларига оғдириб олишга қўшқималарни фаранг бўлиб кетишганди. Эҳтиёткорлик билан қўшқималарни ишлаш лозим эди. Ҳожиёв Самарохонни яна кўз остига олди. Вазиятнинг оғирлиги учун подполковник Самарохоннасида ётиб қоладиган бўлди. Шароит куну-тун қўшқималарнинг талаб этарди. Айниқса, туман қўшқималарни қўшқималарнинг ҳудудига яқин бўлгани учун душманлар қўшқималарнинг пайтда бу ерда пайдо бўлиши ёки туман қўшқималарнинг ҳудудига йўлларни кесиб, четга чиқиб кетишлари мумкин эди. Подполковник кутаётган одамлар наҳот-наҳот Самарохоннинг хонадонига ташриф буюриб қолган бўлса. Вақт ярим тундан оғиб қолган бўлишига қўшқималармай Ҳожиёв унинг хонадонига боришга қарор қилди. Тортмадан қуролини олиб, костюмининг чўнтагини олиб олди. Тезкор гуруҳнинг йўлга чиқишига буюроқ қўшқималар эди. Самарохоннинг уйи туман марказидан олиб қўшқималар эди. Кўчалар сокин эди. Атроф-теварақда ҳеч ким қўшқималарнинг йўлини кўриб қолмасди. Машина бир зумда Самарохоннинг уйига қўшқималар ётиб келди.

Қўшқималар кўча эшик ичкаридан қўшқималарнинг эди, аммо уйнинг қўшқималарнинг қўшқималари ўчмаган, нотаниш кимсаларнинг шарпаси қўшқималарнинг қўшқималари турурди. Подполковникни қўшқималарнинг ортиди, қўшқималар кимлар? Нега бу ерга келишди?

Ҳожиёв девордан бўйнини чўзиб, ичкарига қаради. Кўча эшик олдида эски «Жигули» турарди. Давлат рақами олиб қўйилганди. Подполковник «бу ерда нопок кимсалар тўпланган», деган қарорга келди. У ёрдамчиларини яшириниб туришларини, бирор кўнгилсизлик бўлса, маълум қилишини тайинлаб, ўзи ичкарига кирди. Нима қилганда ҳам Самарахон билан таниш.

Подполковник уй эгасини чақирди. Самарахон чопонини елкасига ташлаб чиқди. Ичкарида ўтирганлар чўғни босиб олгандек типирчилаб қолишгани ойнадан кўриниб турарди. Тун сокин эди. Самарахон ҳовли ўртасида турган подполковникни таниди. Унинг ташрифидан ажаблангандек бўлди. «Нимага келди, бирортаси хабар бердимикан», деган фикр кўнглига келди.

— Тинчликми ўртоқ начальник, нима гап?! — деди гўё ҳеч нарсадан беҳабар одамдай.

— Мен бу ҳақда сиздан сўраш учун келдим, Самарахон!

— Бизда тинчлик, ўртоқ начальник. Уч-тўртта ҳам-касб меҳмонлар келишган экан, улфатлашиб ўтириб-миз.

— Шундай денг, ким экан ўша меҳмонлар? Биз ҳам танишсак бўладими?

Самарахон толмовсираб, атрофда подполковникдан ўзга ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди чоғи:

— Қўшни вилоятдан. Армияда бирга хизмат қилган қуролдош дўстларим, — деди овози титраб. Подполковник унинг ёлғон гапираётганини сезди:

— Жуда соз, қани ичкарига бошланг, улар меҳмон бўлса, биз ернинг эгасимиз. Бир танишиб олайлик!

Самарахоннинг тили калимага келмай дудуқланди.

— Қандоқ бўларкин ўртоқ начальник, улар оддий колхозчи йигитлар бўлса, хайиқишмасмикин!

— Хайқишмайди, — деди подполковник, — биз ҳам колхозчининг боласимиз, қани, йўл бошланг!

Самарахон имкон қадар уни ичкарига киритмас-чикка аҳд қилди. Кўзлари атрофга жовдираб боқарди. «Бир ўзи келганга ўхшайди, шериклари бўлганда уйни ўраб оларди», деб ўйлади. У ортга чекинди. Подполковникка йўл бўшатди. Ҳожиёв дадил қадам ташлаб уй томонга юрди. Икки қадам босганда орқа курагига нимадир ботди. Бу тўппончанинг учи эди.

— Огоҳлантириб қўяй ўртоқ начальник, ичкарига кирган одам бизнинг шартимизга кўниши шарт, акс ҳолда тирик чиқмайди. Қонунимизда шундай! Яхши-си вақтнинг борида ортингизга қайтинг, уйингизга бориб дамингизни олинг! Менинг меҳмонларим сизни, бола-чақаларингизни, қўлингиздаги беш-ўнга одамларингизни, керак бўлса бутун шаҳарни авра-астарини чиқариб ташлаши мумкин!

Девор ортидан кузатиб турган тезкор гуруҳ ходимлари уй эгасининг қўлидаги тўппончани кўриб, подполковникнинг хаёти хавф остида қолганини тушинишди. Улар бир-бирларига қарашди, аммо нима қилишни билишмади. Ичкарига кирай дейишса, бошлиқ ўзим ишора қиламан деган, кирмай дейишса, бирор кор-ҳол бўлиши мумкин. Ходимлар нима қилишини билмасди. Ёпирилиб ҳовлига киришса, Самарахон тўппончанинг тепкисини босиб юбориши, икки ўртада отишма бошланиб кетиши мумкин. Бунинг устига уй ичидагиларнинг ҳам қўлида қурол-аслаҳа бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Улар кутишга қарор қилишди.

— Ортга қайтасизми ўртоқ начальник ёки ичкарига кирасизми?

Подполковник ўз сўзида турадиган мард одам эди. Бу гал ҳам одатини тарк этмади.

— Ичкарига! — ҳарбийларга хос овозда, деди у Самарахоннинг кўзларига тикилиб.

— Мушукнинг ўлгиси келса ит билан ўйнашибди,

деганлари ростга ўхшайди ўртоқ начальник! Қани, марҳамат, юринг. Мен сизга бўлар гапни айтганимни унутманг. Кейинги пушаймон ўзингга душман деганлар- а?!

Подполковник ичкари юрди. Самарахон қўлидаги тўппончани Ҳожиёвнинг елкасига тираганча унинг ортидан изма- из ичкарига кирди. Уй ичида етти нафар кимса қўлларидаги қуролни отишга шайлаб туришарди. Уларнинг важоҳати хунук эди. Кўзларида чўғ ёнарди. Юзлари шу қадар ўзгариб кетганди-ки, ногоҳ кўрган одам, чўчиб тушиши ҳеч гап эмасди. Подполковник уларга бирма-бир кўз ташлади. Меҳмонларнинг бирортасини танимади. Қўлларидаги қуролни кўриб, яхши ниятда келишмаганлигини тушунди.

— Бу жаноб мент! Илтимос қилдим, уйингизга бориб дамингизни олинг, уйда меҳмонларим бор, десам кўнгилари бўлмади. Қонуниמידа ичкарига кирган одам ё бизнинг йўлимизга юради, ё биз қўйган шартга кўнади, иккисини бажармаса бу дунё билан хайрлашади деб, айтдим. Ичкарига киришни ихтиёр қилдилар!

— Йўлимизга юришингизни маслаҳат бераман ўртоқ начальник, — деди қурол тутган кимсалардан бири подполковникнинг ёнига келиб. — Кўринишингиздан ёмон одамга ўхшамайсиз. Биз билан тиллашиб олсангиз ўзингизга ҳам, бола — чақаларингизга ҳам яхши. Қолаверса, беш-олти ой ичида кўпикдек қалқиб турган мамлакат тасарруфимизга ўтади. Хизматингизга, содиқлигингизга қараб, керакли ловозимни беришимиз, унвонингизни оширишимиз мумкин. Албатта ҳозиргисидан юқори!

— Эгаллаб турган мансабим ва унвонимдан шикоятим йўқ, — деди Ҳожиёв пинагини бузмай. У ўзини қўлга олишга, имкон қадар бу кимсаларнинг олдида кўрқувга тушмасликка, ортиқча ҳаяжонланмасликка уринарди.

— Биз тонг ёришмай чегарадан ўтиб олишимиз лозим. Ўзингиз чегарагача кузатиб қўясиз, деган умиддамиз. Ўйлайманки биз билан тил топишасиз!

— Яхшилик қилган одамни унутмаймиз! — Иккинчи жангари подполковникнинг елкасида ятираб турган юлдузларга қўлини текказиб гап бошлади. — Бизда пул керагича топилади. — У қўйнидан бир чангал доллар олдида подполковникнинг оёғи остига ташлади. — Бунча пулни умрингиз охиргача ишлаб тополмайсиз, ўртоқ начальник! Керагини олинг!

Ҳожиёв оёғи остида сочилиб ётган долларларга қиё ҳам боқмади.

— Нима, мени пулга сотиб олмоқчимисан?!

— Ё товба! — деди жангари ажаблангандек. — Пулни менсимаган милисани биринчи кўришим.

— Бизда пулдан устун бойлик бор. Бу имон! Ватанга, халққа бўлган садоқат, Милиция сенларга ўхшаб имон-эътиқодини сотадиган одамлар эмас! Улар Ватан учун, халқ учун, керак бўлса жонларини беради!! — Подполковник бу сўзларни балаңд овозда айтди.

Ташқарида қолган ходимлар секин-аста ичкарига киришди. Улар дераза олдига яқин келиб қолишганди. Қулоқларига ичкарида бўлаётган гап-сўзлар эшитилиб турарди. Самарахон ҳамон тўппончани подполковникнинг кўкрагига тираб турарди. Бундай пайтда қурол ишлатиб бўлмасди. Ортиқча ҳаракат ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Ходимлар ичкаридаги одамларнинг қўлида нафақат тўппонча, балки автомат ва гранаталар ҳам борлигини кўриб, бошлари қотганди. Улар ўзларини сездириб қўйишди. Ходимлардан бири оёғи остидаги пақирни туртиб юборди. Тарақлаган овозни эшитиб, жангарилар чўчиб кетишди, автоматларининг учларини ташқарига тўғрилашди. Самарахон тўппончани Ҳожиёвнинг миясига қадади.

— Кучукларингга буюр, тезгина ҳовлидан чиқиб кетишсин. Акс ҳолда ўқ мияннга қадалади! — деди.

Подполковник индамади. Шунда жангарилардан бири унинг ўрнига буйруқ берди.

— Бир дақиқа муҳлат, ҳамманг бу ердан туёфингни шиқиллатиб қол! Акс ҳолда бошлиқнинг танасига мана шу автоматдаги ўқларнинг ҳаммасини жойлаб қўяман!!

Гуруҳ ходимлари бир-бирларига қарашди. Улар жангарининг талабини бажаришга мажбур эдилар. Милиционерлар фақат тўппонча билан қуролланганди. Автоматларнинг олдида уларнинг қуроли қўғирчоқ эди. Аммо йигитлар бошлиқларини ёлғиз қолдириб, ҳовлидан чиқиб кетилари келмади. Ноилож қолган Ҳожиёв йигитларига қарата:

— Булар билан ўзим гаплашаман, сизлар ҳовлидан чиқиб кетинглар!! — деди балаңд овозда.

Милиционерлар бошлиқнинг буйругига итоат қилишди. Бу орада жангарилардан бири ташқарига чиқди. Эшик олдида оёқларини кериб, қўлидаги автоматни кўча эшик томонга тўғрилаганча пойлоқчилик қилди. Подполковникнинг ўз ходимларига айтган сўзи жангариларнинг қалбига қандайдир илиқлик солганди. «Биз билан маслаҳатлашишга ва буйруғимизни бажаришга мажбур бўлди», деб ўйлашганди. Жангарилар яна уни сўроққа тута бошлашди.

— Таклифимизни қабул қилдингми?! Сенга яна бир бор айтаман. Биз билан ўйнашган одамнинг чатаноғи йиртилиб қолади. Яхшиликча айтганимизни бажар. Биз томонга ўтмасанг ўтмай қўяқол. Фақат чегарагача элиб қўйсанг бас. Сўнг тўрт ёнинг қибла. Хоҳлаган томонингга кетишинг мумкин!

Подполковникнинг яна қайсарлиги тутди. У ўзининг муқаддас касбига, она-Ватани ва халқи олдида ичган қасамёдига хиёнат қилишни истамади. Боя айтган сўзини такрорлади.

— Мени хоҳлаганингча азоблашинг, қийнашинг мумкин, аммо сенларга хизмат қилмайман! — деди.

— Ҳой кўпмак, покиза қўлимни қонга белашга мажбур қилма. Ҳаммасини яхшилик билан тугашини

истайман. Мен ҳам сенга ўхшаган одамман. Фақат дунёқарашларимиз ва ғояларимиз бизни бир -бири-миздан айириб турибди. Сўнгги маротаба айтаман, бизни кузатиб боришга розимишан!!!

— Нафақат дунёқарашимиз, ғояларимиз, балки ота-боболаримиз асраб-авайлаб келган юртга бўлган муносабатимиз, маҳуббатимиз ҳам, бизни бир-бири-миздан ажратади! — деди подполковник.

Ҳожиёв сўзини тугатолмади. Бошига автоматнинг қўндоғи тушди. Кўз олди яшин чақнагандек ярқ этдию, бирдан қоронғилик босди. Эндигина оқара бошлаган сочлари қип-қизил қонга бўялди. У муво-занатини йўқотди, ерга йиқилди. Жангарилардан бири унинг чўнтақларини титкилади. Тўппончасини олиб қўйнига солди. Энди уларнинг бу ерда қолишлари мумкин эмасди. Ташқаридагилар юқорига қўнғироқ қилса, хаш-паш дегунча теварак-атрофни милиционерлар ҳалқа қилиб ўраб олишлари, уларни осонгина таслим қилишлари мумкин. Жангарилар ҳушдан кетган подполковникни кўтариб ташқарига чиқишди. Машинага ўтиришди.

Девор ортида турган милиционерлар ўз бошлиқларининг чиқишини кутишарди. Кутилмаганда жангариларнинг типирчилаб қолиши ва бошлиқни кўтариб машинага ўтказишларидан ташвишланишди. Жангарилардан бири подполковникнинг костюмини кийиб олганди. Тезкор ходимлар уларга қарата ўқ узишга ботинишолмади. Машина бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Милиция ходимлари улар ортидан қувишди. Навбатчи шу заҳотиёқ барча милиция пунктларига ва йўл назорати бўлими ходимларига давлат рақами ечиб олинган «Жигули» автомашинасини тўхтатиш ҳамда унда кетаётган одамларнинг барчаси қуроолланганлигини, машинада гаровга олинган подполковник Ҳожиёв борлигини маълум қилди. Ички ишлар бошқармаси ходимлари оёққа туришди. Йўлларга қуроолланган милиция гуруҳлари жойлаштирилди. Чегара йўнали-

ши томон кетган йўлга миخلي занжирлар ташланди. Аммо жангарилар ўта зийрак ва ҳушёрлик билан ҳаракат қилишарди. Тўхташ ишорасини берган милиция ходимларининг устига машинани солиб юборишарди. Ер бағирлаб отилган ўқлар ғилдиракка тегмай, визиллаб ўтиб кетарди. Секин-асталик билан тонг ёришиб келарди. Жангарилар миخلي занжирларни кўриб, йўлни четлаб ўтишарди. Улар қўлларидаги автоматни машинанинг ойнасидан чиқариб, тўхташ ишорасини берган ходимларга қарата ўқ узишарди. Ўқ овозларидан подполковник ўзига келди. Боши зирқираб оғрирди. Ёрилган жойдан чиққан қон юзиде қотиб қолганди. Ҳожиёв ўзини қўлга олишга, елкасидан босиб бораётган жангариларни бир зарб билан улоқтириб ташлашни ўйларди. Иккита давангир жангари унинг устига ўтириб олганди. Подполковник ҳаракат қилолмай қийналарди. У бир амаллаб қўлини чўнтагига солди. Бироқ қуролини тополмади. Катта тезликда келаётган машина ниҳоят Кирғизистон чегарасига етиб келди. Йўлнинг ўртасига цемент блоклар қўйилганди. Йигирмага яқин чегарачилар блоклар ортига ўтиб, машинани нишонга олиб, автоматларни отишга шайланиб туришарди. Пост бошлиғи йўлнинг ўртасига чиқди ва машинага тўхташ ишорасини қилди. Жангарилар болоклар устидан ошиб ўтолмаслигига ақллари етди. Машина четга чиқиб тўхтади.

— Қуролларни ташланглар! — буюрди чегара пости бошлиғи. Машинадан биринчи бўлиб қўлидаги автоматни ерга қаратган ҳолда ҳайдовчи тушди. Жангарилар чегарачиларга таслим бўлишни хоҳлашмасди. Улар манзилга етиб келишганди. Барча хавф-хатарлар ортда қолган, деб ўйлашарди. Қолган жангарилар машинадан тушишга ошиқишмади. Улар ўзларининг галдаги ҳийлаларини амалга ошириш мақсадида бир нафас маслаҳатлашиб олишга қарор қилгандилар. Бу орада чегара пости бошлиғи жангариларга яна мурожаат қилди. Ортдан етиб келган милиция ходимлари ҳам

жангариларнинг машинасига яқин жойда тўхташди. Ингирмага яқин автоматларнинг учлари жангариларга қаратилганди. Бироқ қарама-қарши томонда турган чегарачи ва милиционерлар жангариларни чўчитолмади. Юз метрлар чамаси нарида Қирғизистон тоғлари ястаниб ётарди. Икки давлатни бир-биридан ажратиб турган ирмоқдан ҳатлаб ўтишса бас, ҳеч ким уларни ўққа тутолмайди.

— Қуролаарингни ташланглар!!! — яна бир бор уларни огоҳлантирди чегарачи зобит. У ёшгина йигит эди. Ёзда чегарачилар олийгоҳини битириб, шу постда иш бошлаган эди. Уни тажрибасиз, деб бўлмасди. Имкон қадар ўқ узмасликка, жангариларни таслим бўлишга чақирарди. Унинг мурожаатига жавобан жангарилар бирор сўз айтишмади. Бу орада яна бир жангари машинадан тушди. Қуролининг учини ерга қаратганча ўзини машинанинг панасига олди. Жангарилар машина ичидан қон-қушга беланган милиция бошлиғининг қўл-оёқларидан судраб, пастга олиб тушишди. Шу заҳотиёқ уни ўрашди. Бошидаги оғриқ қанчалик азоб бермасин Ҳожиёв ўзини қўлга олишга ҳаракат қиларди. Бир зум атрофга нигоҳ ташлади. Чегара постига келиб қолганлигини тушунди. Ногоҳ қўли жангарилардан бирининг чўнтагида турган гранатага тегди. Уни эҳтиёткорлик билан олиб, бармоқлари орасига яширди. Чегарачилар яна жангариларни таслим бўлишга чақирди. Пост бошлиғи лейтенант жангариларга жуда яқин келиб қолганди. Чегарачи терлаб кетганди. Бироқ унинг илтимослари жангариларнинг қулоғига кирмасди. Ҳаммалари подполковникни ўраб, худди қуюн мисоли бир ҳалқа бўлиб тоғ томон силжий бошлашди. Чегарани кесиб ўтишга санокли қадамлар қолганда подполковник қўлидаги гранатани боши узра баланд кўтарди.

— Ҳамманг қуролингни ташла! — қичқирди Ҳожиёв. Жангариларнинг капалаги учиб, турган жойида таёқдай қотиб қолишади. Подполковник чегарачи йигитга буюрди:

— Нарӣ кет бу ердан!!

Бироқ, лейтенант жойидан жилмади.

— Буюрарман!! — қичқирди Ҳожиев. — Орқага чекин!!

Лейтенант подполковникнинг мақсадини бирдан тушунди ва чекинди. Лекин жангарилар Ҳожиевнинг мақсадини тушунишмаганди. Унга қарата деди:

— Эссингни йиғ! Ўзинг ҳам ўласан!!

— Ватан тупроғида ўлиш — шараф!!

Жангарилардан бири автоматнинг учини Ҳожиевга тўғрилади. Буни подполковник пайқаб қолди. Жангари тепкини босишга улгурмади. Подполковник граната ҳалқасини тортиб, ўзини икки қадам нарида турган харсанг тош ортига отди. Гумбурлаган овоз еру кўкни ларзага келтирди. Қуюн кўтарилгандек қоп-қора тупроқ ва тош бўлаклари осмону фалакка сачради. Ҳозиргина бир тўп бўлиб турган жангарилар ўн қадам нарига учиб кетишди. Граната портлаган жойда чуқур ҳандак ҳосил бўлиб, қора тутун кўтариларди. Одамларнинг майда-майда бўлиб кетган таналари тупроқ ва тошларга қўшилиб кетганди.

- 13 -

Маълумингизким, биринчи китобимизда Червон хонимнинг кулбасида қолдирилган Илҳом ва сариқ сочли кимсаларнинг қисматлари ҳамда, қўрбошининг хонасига кириб борган хонимнинг Тавилдарада пайдо бўлиши тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтмоқни лозим топдик. Малла рангли бу йигитнинг исми Бурхон бўлиб, унинг номига албатта «ўғри» лақаби қўшилиб айтиларди.

Бурхон ўғри тўппончанинг тепкисини босишга мажбур бўлди. Чунки Илҳом билан келишувга хожат йўқ эди. Хоним бундан афсус ва надомат чекмади. Аксинча ҳалоскоридан мамнун бўлди. У аввал ҳам Бурхонни кўрганди, Эргашбой томонидан жўнатиладиган «совға-саломлар»ни унинг қўлидан қабул қилган.

— Бу ерда қолишингиз хатарли хоним! — деди Бурхон аёлга юзланиб. — Иккимиз ҳам зудлик билан шахардан чиқиб кетишимизга тўғри келади. Фотхуллохон сиз ҳаққингизда амиримизга ёмон гапларни етказган!

— Амиримиз ўша гўрсўхтанинг гапларига ишондими? — шошиб сўради ранги қув ўчган хоним.

— Ишонишга мажбур этди, — жавоб қилди Бурхон.

— Худо жазосини берсин ўша ювиқсизни.

— Ҳозир у жазосини олиб ётибди хоним.

— Жасадди нима қиламиз? — сўради Червон хоним.

— Уйдаги қимматбаҳо буюмларингизни олсангиз бўлди!

— Қаёққа борамиз?!

— Буни бошлиқлар ҳал қилишади!

— Қайтиб келмаймизми?

Бурхон индамади. Хоним уни тушунди.

— Энди менга юртнинг эшиги беркилибди-да, — деди афсус ва алам билан бош чайқаб хоним.

— Булар вақтинчалик хоним. Беш-олти ойдан кейин ҳаммаси изга тушиб кетади. Ҳозир сизни кўздан яширишимиз, ҳавфсизлигингизни ўйлашимиз керак.

— Нима қилишим керак, уйдан эшикка чиқмай шу ерда беркиниб ўтиришим керакми?

— Аччиқланманг, сизни вақтинча Афғонистонга жўнатишга мажбурмиз!

Червон хоним индамади... У бойликларини йиғиштирди, хонадан чиқиб кетишда Бурхон дазмолни электрага улади. Ярим соат ўтиб, уй ичида ёнғин кўтарилди. Бир неча дақиқада қасрга айланган муҳташам бино ўрнида бир ҳовуч кул қолди.

Ўт ўчириш бўлими ходимлари уй ичидан ёниб, ғўлага айланиб, қорайиб кетган одам жасадини топди. Суд тиббий экспертизаси жасадининг жинсини ва ўлим сабабларини аниқлади. У бахтсиз ҳодиса

туфайли эмас, балки отиб ўлдирилганлиги ҳақида хулоса берди. Уй эгаси қотил сифатида гумондор деб топилди. Хонимга нисбатан қидирув эълон қилинди.

- 14 -

Олма-ота шаҳридаги бизга илгариги боболардан таниш бўлган Абай кўчасидаги уйларнинг деярли барчаси четдан келган ва савдо-сотик ишлари билан машғул бўлган кишилар томонидан ижарага олинганди. Бозордан унча узоқ бўлмаган, деворлари баланд қилиб кўтарилган, қўш дарвозали 11-хонадонда Ўзбекистондан келган бир гуруҳ «савдогарлар» истиқомат қилишарди. Улар ўз юртларидан олиб келинган турли туман маҳсулотларни пуллаш билан шуғулланишарди. Бу ерга вақти-вақти билан ўспирин йигитлар ҳам келиб туришарди. Бир ой ўтиб-ўтмай улар худди ер тубига сингиб кетган сувдек бир кечада ғойиб бўлиб қолишарди. Юк олиб келган машиналар қайтишда олдиндан тайёрлаб қўйилган ун ва буғдой маҳсулотларини юклаб, Ўзбекистонга жўнаб кетарди. Ташқаридан қараган одамлар тиниб-тинчимай ишлаётган савдогар йигитларнинг меҳнатига ҳавас қилишарди. Бироқ савдогар ниқоби остидаги бу кимсаларнинг асл мақсадлари, ниятларини ҳеч ким билмасди. Тошкентда туриб Одиловнинг топшириқ ва кўрсатмаларини бажариш қийинлигини тушуниб етган террорчиларга Ўзбекистоннинг бирон-бир аҳоли пунктида ўз қароргоҳини жойлаштириш насиб этмаганлиги сабабли улар бу ердан қароргоҳ топишганди. Бундан ташқари бу уй жанговар тайёргарликка юборилаётган йигитлар учун Олма-ота шаҳрида амал қилиб турган хусусий фирма ниқоби остидаги ўзига хос доvon қўналғаси ҳисобланарди. Фирмага Одиловнинг ишончли ва садоқатли одами Маҳмуд Тўраев раҳбарлик қиларди.

Ўзбекистонда бир қатор офир жиноятларни содир этиб, жазодан қочган Чўтир ҳам бошлиғининг топши-

риғи билан шу ерга етиб келганди. Кундуз кунлари ташқарига чиқишга унинг юраги бетламасди. Қўрқув ва ваҳима ҳали уни тарк этмаганди. У фирманинг хоналаридан биридаги уйда танҳо қолиб, диққати ошиб турган кунларнинг бирида Червон хоним кириб келди. Хонимнинг ёши ўтиб, сочларига оқ оралаб қолган бўлса-да, юз-кўзларида ёшлиқдаги гўзалликнинг нафаси уфириб турарди. Чўтир хонимни кўрган заҳотиёқ унинг ёнидан кетолмай, атрофида парвона бўлиб қолди. Хоним ташқарига камдан-кам ҳолларда чиқар, кун бўйи уйда ўтириб, телевизор томоша қиларди. Ҳаётда бир бор турма азобини татиб кўргани учун иккинчи бор ўзини темир панжара ортида кўришни истамасди. Чўтир шериклари қайтгунча уйда аёл билан танҳо қоларди. Табиатан қўпол, аёлларга иштиёқманд бўлган Чўтирнинг хонимга тегажоқлик қилиши, беандиша сўзларни айтиши аввалига аёлнинг кўнглига озор етказди. Чўтирга ён бермай ўзини олиб қочишга ҳаракат қилди. Аммо кимсасиз уйда ёлғиз ўтириш унинг жонига тегиб, ноиложликдан йигит билан бирга тушлик қилар, майда-чуйда ишларга ёрдам беришга чақирарди.

— Ёшлигингизда хўп гўзал қиз бўлган бўлсангиз керак-а, опа, — дерди Чўтир аёлнинг ёнига яқинроқ сурилиб. Бекорчиликдан ойна олдига ўтириб, пардозандоз қилавериб бутун баданидан атир ва бўёқларнинг ҳиди уфириб турган хоним гўё бу гаплардан хафа бўлгандек қош-қовоғини уйиб, юзини терс буриб оларди. У чўтирнинг мақсадини тушуниб турарди. Қўйиб берса ёки табассум қилса, бу йигит қутирган қашқир мисоли унга ташланиши мумкинлигини яхши биларди. Кўп бор такрор ва такрор айтилган бу сўзларга баъзида:

— Ортимдан шаҳарнинг мана-ман деган йигитлари эргашиб юрарди. Аммо бирортасига қўлимни ушлатмаганман, — деб жавоб қайтариб қўя қоларди. Хоним ўзи ҳақида гапиришни, мақтанишни ёқтирарди.

— Ҳозир ҳам чиройлисиз, уйланмаган йигитлар изингизни ўпишга тайёр, — шилқимлик билан сурбетларча гапида давом этарди Чўтир.

Шундай кунларнинг бирида хонимнинг ажин босган, упа ва бўёқлар суртилавериб ёрилиб кетган чеҳрасида ёқимли табассум жилва қилди. Қалин қошлар керилиб, йигитга нозли боқди.

— Шўхсиз-да, — укам, — деди Чўтирнинг маккорлик ишлатиб айтган мақтовидан талтайиб.

Бу пайтда Чўтир ҳирсини жиловлай олмади. Аввалига хонимнинг момиққина қўлидан тутди. Бундан унинг бадани сесканмади ҳам. Қўлини тортиб олишга шошилмади ҳам. Йигитнинг юраги ҳаприқиб, ҳирси жўш уриб, аёлнинг қўлидан маҳкамроқ тутди. Иккинчи қўлини эса йўфон белидан ўтказди-да, офир гавдасини оҳиста қучоғига тортди. Хоним йигитнинг мақсадини тушуниб гавдасини орқага ташлади, унинг қучоғидан чиқишга ҳаракат қилди. Бироқ бақувват қўллар унинг белига чирмовуқдек ёпишганди. Чўтир ўзини жиловлай олмади. Юраги кўксини ёриб чиққудек гурсилларди. Нафаси бўғзига тикилгудек ҳанси-рарди.

— Мендан ўзингизни олиб қочманг! — Сизни... сизни яхши кўриб қолганман... Иккимизнинг ҳам ўтаётган умримиз омонат. Озодликда қанча юришимиз ёлғиз Худога аён.

Йигит шу сўзларни айтиб, гавдасини аёлнинг устига ташлади.

— Бўлди қилинг, уятсиз. Бирортаси кириб қолса, гап-сўзга қоламиз!

Хонимнинг шивирлаб айтган сўзлари Чўтирнинг вужудини мойдай эритди. Бир нафасдан сўнг аёлнинг кўзлари мошдек очилди. Қайдаги киссавур, ўғри йигитга танасини топширишни истамай қолди. Нафрати қўзиб, йигитнинг кўкрагидан итарди.

— Бўлди, ҳақдингдан ошма, тур ўрнингдан, уятсиз! Йигитнинг қулоғига хонимнинг аламли овози кир-

мади. Энди унинг учун ҳаммаси бирдек туюларди. Хонимни осонликча қучоғидан бўшатмасликка жон-жаҳти билан ҳаракат қиларди. Хоним тўлқин соҳилга улоқтириб ташлаган балиқ мисоли типирчилади. Чўтир кучли эди. Хоним унинг бақувват билаклари орасидан чиқолмади. Ҳолсизланиб ноилож ихтиёри-ни йигитга топширди. Чўтир терга ботиб кетганди. Тиккага келаётган қуёш нурлари дереза пардалари орасидан ичкарига тушиб турарди. Хонимнинг бўялган қош-киприклари тер ва кўз ёшларидан намланиб, чапланиб кетганди. Червон хоним ҳаёти давомида кўп бор турли ёшдаги одамлар билан турмуш қурди, бироқ уларнинг бирортаси билан узоқ яшаёлмади. Ортирган жазманларини дили хушламади. Ўзининг тили билан айтганда «муносиб» эркакка ёлчимади. Айни пайтда Чўтирдан ҳаётида учраган кўплаб эркаклардан кутма-ган нарчасини топганини билди.

Шу воқеадан сўнг Чўтир билан Червон хонимнинг муносабатлари яхшиланиб кетди. Улар бир-бирлари билан опоқ-чопоқ бўлиб кетишди. Эртаси куни хоним йигитнинг кароватини хонасига олиб киришга рухсат берди. Аммо бу ширин дамлар узоққа чўзилмади...

Маҳмуд бу ҳолни кўриб ғазабланди. Ўзини кўярга жой тополмай, типирчилаб қолди. Чўтирни кўрарга кўзи йўқ эди. Нима қилиб бўлсада, бу аблахнинг додини беришни юрагига тутиб қўйди. Маҳмуд бунинг чорасини топди. Ўзбекистондан нохуш хабар келганлигини, хонимнинг уйдан мурда топилганини, ҳозирда унга нисбатан қидирув эълон қилинганини, гувоҳларнинг берган кўрсатмасига таяниб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари Червон хонимни Қозоғистонга қочиб кетганлиги тўғрисидаги хабарни етказди. Червон хонимга зудлик билан Олмаотани тарк этиш зарурлигини маълум қилди. Хонимнинг юрагига гулгула тушиб, типирчилаб қолди. Маҳмуд ўзга аёлнинг паспорти билан хонимни Эронга жўнатиб юборди. Чўтир эса Олма-отада қолди. Маҳмуд нима қилиб бўлсада, душманидан қасос олиш

режасини тузди. Ярим тунда унинг хонасига кириб келди. Қаттиқ ухлаб қолган Чўтирнинг оёқ-қўлини чилвир билан боғлади. Йигит чўчиб уйғонди, тепасида ханжар ушлаб турган Маҳмудни кўриб чўчиб тушди.

— Нима гап, тинчликми? Нима қилмоқчисан?! — деди қўрқувдан овози титраб.

— Ифлос, сен кўрнамаклик қилдинг! Хонимнинг номусига тегдинг!

Маҳмуд ўзининг хонимга бўлган пинҳона севгисини ошкор қилмади. Гуруҳнинг обрўйи-хурмати йўлида гапирди. Унинг номидан қасос олмоқчи бўлди. Чўтир ўрnidан туришга интилди. Бироқ ханжарнинг ўткир тивги унинг бўйнига қадалиб, туришига имкон бермади.

— Ўйинчоғингни ол. Бўйнимни тилиб юборди, — зўрға гапирди Чўтир. — Менда бирор гапинг бўлса очиқчасига айтавер.

— Сенга айтадиган гапим тутаган. Озгина ҳисоб-китобим бор. Ўрнингдан қимирлама, қўлимдаги пичоқ бўғзинга санчилиб кетиши мумкин!

— Мен хонимни мажбурлаганим йўқ. Унинг ўзи шуни хоҳлади, — деди Чўтир ўзини оқлаш мақсадида.

Унинг қимирлашга мадори қолмаганди, баданини совуқ тер босганди.

— Маҳмуд, менга озор берма, жонимни қийнама, истаган нарсангни сўра, топиб бераман. Хоҳлайсанми, сени бир ҳафта ичида миллионерга айлантириб қўяман!

— Қандай қилиб? — ҳамон ўзини босолмаган Маҳмуднинг юрагида умид уйғонди. У Чўтирни кўп нарсалардан хабардорлигини билмасди.

— Неъмат хўжайиннинг бойликларини қаерга яширганини фақат мен биламан!

— Қаерга яширган? — шошиб сўради Маҳмуд. Унинг катта-катта кўзлари совуқ ялтирарди.

— Ҳозирча айтолмайман. Агар мен билан бирга бўлсанг, сир сақлашга ваъда берсанг, иккимиз Афғо-

нистонга ўтиб, катта хазинани қўлга киритишимиз мумкин. Бойлик бутун умримизга етиб ортади. Балки унинг ярмига бирорта мамлакатдан бошпана ҳам сотиб олармиз. Маҳмуднинг вазоҳатидан қўрқиб кетган Чўтир жазодан қутилиб, қочиш учун оғзига келган сўзни тилига чиқарарди. Маҳмудга сездирмаган ҳолда оёқларидаги ипни бўшатишга ҳаракат қиларди. Аммо Маҳмуд буни пайқаб қолди. Чўтирга бўлган ишончи йўқолди.

— Аблах, сен мени алдамоқчимисан?! — у мушти билан Чўтирнинг пешонасига солди. Чўтир оғриқдан инграб, чалқанчасига ағдарилди. Йигитнинг эгнидаги кийимларини йиртиб ташлади. Шимини пичоқ билан тилди. Қўлига қандайдир латгани олиб Чўтирнинг олатидан ушлади. Нафрат акс этиб турган кўзларини юмдию пичоқ билан унинг остидан кесиб ташлади. Оғриққа чидаёлмаган Чўтир овозининг борича бақириб юборди. Маҳмуд ўзини четга тортди.

Қўлидаги пичоқ ва сочиққа ўралган буюм ерга тушди. Чўтир ҳамон гужанак бўлиб, илон чаққандек тўлғониб ётарди. Унинг йиғи аралаш овози қудуқ остидан чиқаётгандек бўғиқ ва ингичка янграрди. Маҳмуд афтини буриштириб унга қарар экан, бирдан қилган ишидан пушаймонлик туйди. Жаҳл устида қилғиликни қилдию, аммо эркаклигидан маҳрум этганидан афсусланди.

Одилов эшитса нима дейман, деган даҳшатли ўй кўнглидан кечди. Уни ўлдириш, дом-дараксиз тинчи-тиб юбориш ҳам мумкин эмасди. Кейинги икки-уч кун ичида иноқлашиб, аҳил бўлиб кетган Червон хоним Чўтирнинг бу ердалигини бошлиққа айтади. Бунинг устига уни ҳар куни кўриб турган кимсалар бор. Чўтирни бошлиқ ҳам ёқтиради. Хеч кимга айтмаган сирини унга айтади. Маҳмуднинг боши қотди.

Червон хоним Эргашбойнинг тўшагига кирган, кучоғида эркаланиб ётган бўлсада хаёли Олма-отада эди. Афғонистонга келган кунидан бошлаб Чўтирни тез-тез эслайдиган бўлиб қолганди, ҳатто тушларига ҳам кириб чиқарди. Илк бор учрашган онларини, кучоғида тўлғониб ётган дамлари хотирасидан кўтарилмасди. Йигитнинг эркалашларини, қайноқ бўсаларини кўмсарди. Бўш қолди дегунча хаёли унга кетарди. Олисда қолганидан, бу ерга қачон келишини билмасдан боши қотганди. Ичидан эзилиб, қийноқларда истироб чекарди. Нима қилиб бўлсада, Чўтирни бу ерга олиб келиш тўғрисида Одиловга айтгиси келардию, аммо нимадан гап бошлашни билмас, бирорта арзигулик баҳона тополмасдан қийналарди. Бунинг устига Одилов ҳам кўпдан бери ёлғиз яшаб, хотинсираб қолгани учун хонимни тинч қўймасди. Хоним Чўтир ҳақида оғиз очса, Одиловнинг гаши келишини биларди. Келганидан бери торгина кулбадаги тахтадан ясалган каравот устида ётибди. Жонига текканича йўқ.

Йигитларнинг феъл-атвори ўзгариб қолган. Хоним ўқдек қадалган юзлаб нигоҳларнинг боқишига бардош беролмай, ташқарига чиқишга юраги бетламасди. Уларга кўриниш берса бас, атрофдагилар худди игнани тортган магнит мисол унга талпинишарди. Йигитларнинг кўзи тегдими ёки бу ернинг об-ҳавоси таъсир қилдими, хонимнинг бот-бот мазаси қочиб, ташқарига чиқмай, уйда қамалиб ўтирадиган бўлиб қолди...

Зерикарли кунларнинг бирида хоним соқчилардан Чўтирнинг лагерга келганини эшитиб қолди. Червон хоним қанчалик қувонмасин, буни Одиловга сездирмасликка ҳаракат қилди. У ниманидир баҳона қилиб, вақти-вақти билан ташқарига чиқадиган бўлди. Кўзлари олазарақ бўлиб, теваракка жавдираб боқар, ўзига

ўқдек қадалган йигитлар ичидан Чўтирни изларди. Кутилмаганда Одиловнинг ўзи уни хонасига чақиртирди. Учрашдилар. Хоним соғинч тўла кўзларини мижозидан узмай, унга ошкора тикилиб турарди. Одилов бунга аҳамият бермади. Хўжайиннинг рўпарасида унга бирор сўз айтишга тили айланмади. Юрагидаги соғинч қанчалик кучли бўлмасин ўзини босди. Хонимнинг назарида Чўтир озиб-тўзиб кетгандек, кўзлари ич-ичига ботиб, ҳамиша қон тепчиб турган юзлари синиқиб қолгандек эди. Хоним буни соғинчга ёйди. У нафасини ичига ютиб ўтирган бўлсада, тилига бир оғиз сўз олмади.

— Сени бу ерга чақиришимдан мақсад, — дея гап бошлади Одилов. — Хабаринг бор, душманларимиз Бўрибойни ўлдиришди. Қотилни излаябмиз, ҳозирча тополганимиз йўқ. Топмагунимча қўймайман. Йигитлари ёлғиз қолишган, йўлбошчи йўқ. Бир ойдан бери бекор юришибди. Мирюнус бошқа ишлар билан банд. Четга кетсам ўрнимни босади. Йигитларни жангга тайёрлаш, ҳарбий тактикадан сабоқ бериш лозим. Кўпчиликнинг руҳи тушиб кетган. Бундан ичимиздаги фитначилар ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишлари мумкин. Қишдан чиқиб олсак, Ўзбекистонга юриш бошлаймиз. Озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб турган ҳомийларимиз биздан жангни кутмоқда. Шартнома муддати ҳам тугаб қолди. Бўрибойнинг ўрнини бидирма, йигитларни бошқар!

Чўтир жим қолди. Унинг олдинга ирғиб чиққан пешонасига ажин из солди. Кўзлари қисилди.

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, хўжайин, — деди бироздан сўнг. — Эплоймайман. Бунинг устига кўпдан бери тобим йўқ. Рухсат берсангиз, шу ерда майда-чуйда ишларни бажариб юрсам.

— Сендан бу гапни кутмагандим! — Қовоқ солди хўжайин. — Сен суйган йигитларимдан бирисан. Оғир дамларда елкадош бўлмасанг мен кимга суянаман. Бу ердагиларнинг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмайди.

Кўпчилик жиноят қилиб, жазодан қочиб ичимизда юрибди. Истаган пайтда бизни сотиб, ҳукумат томонга ўтиб кетиши мумкин. Ишонган йигитларимнинг кўпи ўлиб кетди. Шер юракли Абдуғаффорим қани, тиниб-тинчимас Неъматим қаерда? Ақли томонга дониш, мулоҳазали Бўрибойимчи?! Уларнинг ҳаммаси қора тупроқ тагида ётибти. Улар тирик бўлганда ҳозир муродимга етардим!

Хўжайиннинг юзи қизариб, қўллари мушт бўлиб тугилди. Чўтир индамади. Бошини эгди. Эҳ, унинг юрагини нималар кемираётганини кошки хўжайин билса. Ўз дарди ўзи билан. «Мен нима қайғудаю у нима гамда. Тани бошқа дард билмас, деганлари шу бўлса керак-да». Айни пайтда Червон хонимнинг хаёлидан бошқа фикр ўтарди. Чўтир Одиловнинг таклифига кўнишни жуда-жуда хоҳларди. Шунда унинг бу хонадонга кириб чиқишига имкон туғиларди. Олмаотадаги ширин қийноқлардан дили яйраб қучоғида тўлиб ётармиди?!

— Ҳўзирок йигитларни қабул қил, машғулотларни бошла! Собиқ десантчисан, маҳоратингни кўрсат! — Одилов гап тамом дегандек кафтини столга урди.

Чўтир хонадан хомуш чиқди. Кўнглига қил сизмасди. Олам кўзига қоронғу кўринарди. Чотининг ораси ачишиб оғритарди. Шу сабабли оёғини икки ёнга кериб босарди. Червон хоним Чўтирнинг бетоблигига ишонди.

Эртаси куни Одилов қандайдир юмуш билан Қобулга кетди. Ўзи билан соқчиларни ҳам олиб кетганди. Кулбада хонимқолганди. Уошиғини чақиртирди. Чўтир хонимнинг ҳузурига кирмади. Йигитларни эргаштириб тоққа чиқиб кетди. Эртаси куни яна йўқлатди. Чўтир чодирга киришга мажбур бўлди. Тахта сўрида ўтирган хоним йигитни кўрди-ю, ўрнидан турди.

— Софинмадингизми?! — хонимнинг юрак тубидан отилиб чиққан бу сўз йигитнинг қулоқлари остида ўзгача оҳангда жаранглади. Қўллари беихтиёр аёлнинг белига югурди. Хоним йигит кўксига бош қўйди.

— Жоним, ишқингизда ёниб адо бўлдим. Излаб келишингизни билардим...

Аёлнинг сўзлари жавобсиз қолди. Чўтир қандай жавоб қайтаришни билмасди. У йигитнинг қўлидан тутиб, каравот томон судради. Чўтирнинг юраги титради.

— Ҳозир мавриди эмас хоним. Ташқарида Эргашбойнинг одамлари юрибди. Бирортасининг кўзи тушса, гап-сўзга қоламиз.

— Қўрқманг, мен шу ерда эканман, сизга ҳеч ким бармоғини теккизолмайди.

— Иккимиз ёлғиз қолганимиз хўжайиннинг қулоғига етиб бориши мумкин.

Хоним йигитнинг ялинишига аҳамият бермади. Каравотга чойшаб солинганди. Чўтирни чақиришдан аввал жойни тайёрлаб қўйганди. У йигитнинг қўлидан тутиб каравотга судради. Чўтир Олма-отадаги воқеани унга сўзлаб беришни истамади. Бунга ғурури йўл қўймади. Қандай қилиб гапирсин?! Ўз айбини ўзи фош қилармиди?!

Олатини кесилганлигини лагердагилар билса, устидан кулишади-ку! Ўзини қурбон қилишга мажбур бўлади. Жон ширин экан. Ўшанда Маҳмуддан ўлдирмасликни ўтиниб сўради. Ялиниб ёлворди. Бир шарт билан Маҳмуд рози бўлди. Бўлиб ўтган ишни ҳеч кимга айтмасликка қасам ичирди. Қўлига муқаддас китобни тутқазди.

— Ичган қасамимни бузсам, Аллоҳнинг нафратига учрай, икки кўзим оқиб тушсин, тилларим кесилсин, юзим пахтадек оқариб кетсин! — деди.

Олма-отани ташлаб, юрагида дард билан

келди. «Вақти келар, сен хунагани ҳам шундай азобга гирифтор қилайки, ўла-ўлгунча унутолмай, виждон азобида қийналиб, шарманда-ю шармисор бўлиб яшайсан», деб қасамёд қилди. Хонимнинг бу ердалигини билса-да, «Мени унутиб юборган, эсламаса керак», деб ўйлаганди. Кутилмаганда қаршисига чорлади. Йўқ, қаршисига эмас, тўшакка судрамоқда. Хонимнинг ҳирс ўти ёнган кўзлари йигитга сирли ва жозибали туюлди. Ўзини унинг устига ташлагиси келди-ю, аммо...

— Бошқа пайт хоним, — деди кўйлагини ечаётган хонимга ёлворувчан оҳангда. Аёл йигитнинг сўзларини эшитишни истамади.

— Ҳеч бўлмаса қучоғимда ётинг, асалим. Ишқингизда ёниб, адо бўлган қалбим ором олсин. Аёл йигитга мўлтираб боқарди. — Ўтинаман, йўқ деманг, раъйимни қайтарманг, сизни соғинганман. Хўжайиндан қўрқаётган бўлсангиз, жоним қурбон. Ўрнингизга ўзимни у қонхўрнинг пичоғига тутиб бераман. Фақат бир нафас қучоғимда ётсангиз бас!

Маст одамдек боши айланиб, кўзига ишқий муносабатдан ўзга нарса кўринмаган хонимнинг бу сўзлари Чўтирнинг бағрини баттар тирнарди. Ҳаво етишмаётгандек бўғиларди, ўзини қўярга жой тополмай типирчиларди. Раъйини қайтаришга арзигулик баҳона тополмасди. Хонага бирор кимсанинг кириб қолишини, ҳеч бўлмаганда ташқаридан оёқ шарпаси эшитилишини жуда-жуда истарди.

— Бу гал менинг узиримни қабул қилинг хоним. — Ялинди чорасиз қолган йигит.

Чўтирнинг ноалари хонимнинг қулоғига етиб бормасди. Гап эшитишни истамасди. Йигитни тезроқ тўшакка келишини, нафсини қондиришни ўйларди.

— Соғинганман, тандирдей ёнаётган вужудимни

бўсаларингиз, эркалашларингиз билан босинг!

Хоним кўйлагини ечиб ташлади. Оппоқ бадани бироз силиққан ва осилиб турган сийналари туйнукдан тушиб турган қуёш нурида жилваланарди. У йигитнинг бўйнига қўлларини арқон қилиб ташлади. Қучоғига тортиб, юзини намсиз ва титраётган лабларига босди. Кейин эҳтиросли энтикишлар билан уни тўшакка тортди. Чўтир кўрқиб кетди. Аёлнинг қўлларини бўйнидан олиб ташлади.

— Истагингизни қондиролмаيمان! — деди. Унинг кўзларида ёш ялтирарди.

Бу сўз хонимнинг юрагига ханжар бўлиб санчилди. Чаён чаққан одамдек ранги-рўйи кўкариб, безгак тутгандай қалтираб кетди. Алам ва нафрат ила Чўтирнинг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Афтинг қурсин, тўнғиз. Мен сенга қучоғимни очдим-у, сен мендан ҳазар қилдингми, сассиқ така!

Чўтир орти билан тисарилиб, қўлларини кўксига кўйиб эшик томон юрди. Хоним унга еб қўйгудай қаради-ю, бироқ йигит бечоранинг кўзларидан чиқаётган ёшларни пайқамади. Ичидан вулқондек отилиб келаётган нафратни босолмади.

— Илоҳим сени ер ютсин, қашқирлар гўштингни ражиб ташласин!!

Хонимнинг балаңд овоздаги ҳақоратлари Чўтирга калтакдай таъсир қилди. Аёл қутириб кетганди. Бундай пайтларда ўзини босолмасди. Олов ичида қолгандек жазавага тушарди. У ит мисол йигитга ташланар, юз-кўзларига панжалари билан чанг солар, гоҳ кўйлагини йиртар, гоҳ оёғи билан шўрликнинг дуч келган жойга тепарди. Овозининг борича оғзига келган сўзлар билан ҳақоратларди.

— Хотинсирамай ўл жувонимарг, бетинг чирисин!! Оғзингдан лахта-лахта қонинг келсин!!

Йигирма чоғли йигитлар кулбадан унча узоқ бўлмаган ерда наша чекиб ўтиришарди. Улар хонимнинг

бақирганини эшитиб қолишди. Бу пайтда юз-кўзлари шилиниб, қонга беланган Чўтир ташқарига чиққанди. Хоним ҳамон аламидан тушмасди. Қўлига илинган нарсани олиб йигитга улоқтирарди. Жангарилар аввалига ҳайрон бўлишди, кейин хонимнинг оғзидан чиқаётган сўзлардан кулба ичида кўнгилсизлик бўлганлигини тушуниб етишди-ю, ўринларидан туриб, чопиб келишди.

— Оғзингдан лахта-лахта қора қонинг келсин!! Онанг тенгги хотинга ишқ изҳор қилгани уялмайсанми, ер ютгур! Мени ким деб ўйловдинг? Бу ерга ўзимни сотгани келганим йўқ. Кўчада қолган бузуқ аёлмидимки, сен хотинбозга қошимни учуриб, кўзимни сузган бўлсам. Ҳу, бетинг гўрда чирисин! Бошлиқ келсин, тириклай терингни шилдириб, гўштингни бўриларга едирмасам отимни бошқа қўяман!!

Бутун вужуди қўрқувдан қалтираб турган Чўтир нима бўлаётганига ақли етмай, бошидан ҳуши учган одамдек гаранг бўлиб қолганди. Хонимнинг бу қадар жазавага тушиб кетишини хаёлига келтирмаганди. Ноқулай аҳволда қолди. Ўзи томон худди денгиз тўлқинидек ёпирилиб келаётган, кўзлари ғазабдан ёниб турган жангариларни кўриб, уларнинг важоҳатидан қўрқиб кетди. Бунча одам ичидан тирик чиқиб кетишига ишончи йўқолди. Наша чекавериб, қизариб кетган кўзларда фақат ўзига нисбатан нафратни сезди. «Мени ўлдиришади», деб ўйлади. Чўтир Бўрибойнинг ўрнини эгаллаганидан бери қўл остидаги йигитларга кўп озор етказганди. Маҳмудга бўлган нафрат ва ғазабини улардан олаётганди. Уларни кўпроқ ишлашга, тиним билмасдан югуртиришга мажбур қилганди. Қутириб келаётган одамлар орасида ўз йигитларини ҳам кўрди. Уларнинг кўзларида ўзига нисбатан қасос борлигини тушуниб етди.

- Онанг тенги аёлга тегажоғлик қилдингми, исқирт!!
- Уялмадингми, виждонсиз!!!
- Зўрлаш қанақалигини сенга кўрсатиб қўямиз!!

— Буни тошбўрон қилиш керак!!

— Ўзини зўрланглар!!

Бу овозлар унинг қулоқлари остида момоқалди-роқдек гумбурларди.

Ёнига етиб келган йигитлар Чўтирни гоҳ туртар, гоҳ дуч келган жойига тепишарди.

Ари уясига чўп суққан хоним вазиятнинг бу қадар кескин тус олишини ўйламаганди. У қўрққанидан индамай ортига бурилиб, кулбасига кириб кетди. Бироқ кўнгли тинчимади. Қутирган жангарилар энди уни соғ қўймаслигини яхши биларди. Хоним туйнук олдига келиб, ташқарига боқди. Бу пайтда жангарилар Чўтирни копток мисоли тепкилашарди. Беш-олти барзанги йигитлар унинг оёққўлларидан кўтариб, пастликка-жар томон олиб кетишди. Эргашбой келса нима дейди? У Чўтирга қандай жаззо бераркин?! Ишқилиб эркакларга қўшиб қўймасмикин?! Бу ҳақда кейин...

- 16 -

Эшикдан унча йироқ бўлмаган тош устида ичкарига кириш учун Одилонинг ишорасини кутиб ўтирардим. Соқчиларнинг қиёфасидан бу ерда кўнгилсиз воқеа бўлмаганлигини билиш қийин эмасди. Улар менга аҳамият беришмади. Синиққан кўзларини ерга қадаб, йиртилиб кетган этикларининг учи билан майда тошларни тепиб, айланиб юришарди. Юрагимдаги ҳаяжон ҳали-ҳануз босилмасди. Ва ниҳоят Одилонинг овози қулоғимга чалинди.

— Зори Бозорга бориб келишинг учун қанча муддат керак?

— Икки-уч кунда бориб келамиз, хўжайин, — деди Умар.

— Ҳозир у ерда Дўстум билан Маъсуд Шоҳнинг одамлари юришибди. Қўлга тушиб қолишларинг мумкин, қолаверса, сенинг бегоналигингни ҳамма билади.

— Хўжайин, муҳими хазина жойида турганми-йўқми, қаерга яширилганлигини аниқлаб келишимиз лозим.

— Фикринг тўғри. Ярамас Неъмат муғомбир эди. Хазинани бошқа жойга беркитиб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Ҳозир маблағ менга ҳавадай зарур. Ўзинг кўриб турибсан, лагерда озиқ-овқат, кийим-кечак етишмаябди. Йигитларим оч қолиши, совуқда шамоллаб, касалликка чалиниши мумкин.

— Унда бизга рухсат беринг. Ҳеч бўлмаса Зори Бозордаги қабристонни кўриб келайлик?!

— Яхши, аммо эҳтиёткорлик билан иш тутинглар. Сен ишга аралашма, анави аравакашга қўйиб бер. Одамлардан шу йили ўлганларнинг қабрини аниқласин. Ўзларингча қазиб юрманглар. Аниқласаларинг, ўзим ишончли одам жўнатаман, бирга бориб қазийсизлар.

— Яхши фикр айтдингиз.

— Аравакашни чақир!

Умар ичкаридан чиқди. Мени хўжайиннинг хонасига бошлаб кирди.

Қўрбоши менга бир дақиқа тикилиб турди-да:

— Умар билан Зори Бозорга борасан! — деди. — Кечки пайт йўлга тушасизлар! Аравангни Шокирга топшир!

Мен унинг сўзларига жимгина қулоқ тутар эканман, хаёлимда қишлоқдаги қабристон жонланди. Қалбимда ҳамон яшаб келаётган Лайло, унинг кекса отонаси гавдаланди. Бўйнимга осиб олган Лайлонинг қалампирмунчоғини беихтиёр ушладим. Қабрга яширилган хазина ҳақида менга Лайло сўзлаб берган. Хатто қайси қабр ичида ётганини ҳам биламан. Адашмаслик учун қабр тепасига сопол идишларнинг синигини ташлаб қўйганман. Ҳозир ҳам ўша қабрни топи-

шимга ишонаман. Бироқ у ерга боришим шартмикин?! Бориб нима қилардим?

Биз лагердан чиққанимизда қуёш ботиб, атрофга қоронғулик чўкканди. Қош қорайганда қишлоқларда, қир-адирларда юриш хатарли. Одиловни қўлаб юрган толибонлар бизни ҳимоя қилишига ишониб бўлмайди. Одамлар кундуз кунлари бир-бирлари билан апоқ-чапоқ бўлиб суҳбатлашиб, чакчақлашиб ўтиришса-да, қош қорайгандан сўнг душманга айланишади. Вақт кеч бўлиб қолгани учун уларнинг тузоғига тушиб қолишимиз ҳеч гап эмасди. Бизнинг кимлигимизни билишса тирик қўймасликларини Умар ҳам яхши тушинарди. Биз икки кунни Валийларнинг хонадонидан ўтказишга қарор қилдик. Қирлик оша қишлоқ томон борар эканмиз марказ томонидан берилган топшириқ ёдимга тушди. Бу ердаги ишлардан, қолаверса, собиқ иттифоқ республикаларида пинҳона ҳаракат қилаётган Одиловнинг гумашталари ҳақида Умардан сўраб суриштиришнинг фурсати келганди. Мақсадимни яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди.

— Эшитишимча Олма-отада Эргашбойнинг ишончли одамлари бор экан? Сенда бу ҳақда бирор маълумот борми?

— Тўда бошининг ишончли одами Маҳмуд ўша ерда яшайди. У ердаги гуруҳни ўша бошқаради. Вазифаси Эргашбой учун одам топиш. Алдов ва қўрқитиш йўллари билан Олма-отага келтирилган ёшлар аввалига уч-тўрт кун у ерда турли вазифаларни бажариб юришади. Сўнгра уларга қалбаки паспортлар топширилади. Шу кундан бошлаб улар ўзларининг дарбадарлик кунларини бошлашади. Гуруҳга кириб олган йигитларнинг ортга қайтишга, бўйин товлашга ҳақлари йўқ, — деди Умар паст овозда.

— Маҳмудга юборилган пуллар йигитларга тарқатилади. Улар истаганча кўнгилхушлик қилиб, сўнгра белгиланган жойларга жўнаб кетишади. Албатта, бир-варакайига барча йигитларни алдаб бўлмайди. Улар

орасида жангариларнинг мақсадини тушуниб етган, эртага ўзларини нималар кутаётганлигини билган йигитлар ҳам бўлади. Улар Маҳмуднинг таклифини очиқчасига рад этишади. Бундай пайтларда Маҳмуд уларни алоҳида гуруҳларга ажратишга буйруқ беради. бошлиқнинг таклифини рад этишганидан мамнун бўлиб, уйларига жўнашга тайёргарлик кўришади.

Машинага ҳаммаларини ўтказишади. Тоғда эса ўша машина афдарилиб ёки портлаб кетади.

— Қолганлари-чи? — шошиб сўрадим ундан.

— Алданган йигитлар турли мамлакатларда жойлашган махсус ҳарбий лагерларда ўқ отар қуролларидан тортиб зенит қурилмаларигача бўлган турли хил қурол-яроғларни ишлатишга, қўл жангига, портлатиш сирларига, айфоқчилик ишларига ўргатилади. Ҳозирги пайтда Чеченистонда ўн нафардан зиёд ёш йигитлар Одиловнинг топшириғини бажаришмоқда. Одиловнинг қўлидаги маълумотта кўра, ҳозирда Тожикистон, Чеченистон ва Афғонистондаги жангарилар лагерларида жами икки юз нафардан зиёд ёшлар бор.

— Уларнинг рўйхатини қўлга киритиш мумкинми? — сўрадим Умардан.

— Мумкин, — деди бир дақиқа ўйланиб. — Лекин ҳозир бунинг иложи йўқ. Сабаби Одилов тузган рўйхат ўта ишончли ва ҳеч ким билмайдиган жойга яшириб қўйилган.

— Балки сен уларнинг айримларини исм-фамилиясини, яшаш жойларини, бундан ташқари, Чеченистон ва Олма-ота шаҳрига кимлар бориб-келишини, жангариларни пул билан таъминлаб турувчи шахсларни биларсан?

— Биламан-у, аммо уларнинг кўпчилигини унутиб юборганман. Лагерга қайтганимиздан кейин ишончли одамларимдан бу ҳақда етарли маълумотлар олиб беришим мумкин. Ҳозирча мен билган одамларнинг

исмларини эслаб қол. Руслан Негматулин, Уфа шаҳрида истиқомат қилади.

— Руслан қандай топшириқни бажаради?

— У фақат қора дори билан шуғулланади!

— Дориларни кимларга элтиб беради?

— Исмлари ёдимда йўқ. Аммо Россиялик каттагина мафия бошлиғи айнан Эргашбой томонидан юборилган қора дориларни қабул қилиб олади.

— У дори эвазига Эргашбойга нима беради?

— Фақат пул беради. Лекин кейинги бир йил ичида Эргашбойнинг одамлари унинг олдига бормай қўйди.

— Сабаб?

— Аниғини билмайман. Тахминимча Эргашбой улар тўлаётган пулдан норози.

— Чеченистондаги одамларни ким бошқаради?

— Уларни Ҳаттоб ўз қанотига олган. Пул ва бошқа керакли нарсалар билан ўзи таъминлаб, рағбатлантириб туради.

— Жангариларни тайёрлаш дастури нималардан иборат?

Умар бу саволимни бир муддат жавобсиз қолдирди. Бир вақтлар хотирасига ўрнашиб, эндиликда унутилиб бораётган воқеаларни эслашга уринаётганлиги кўзларидан сезилиб турарди. Биз лагердан анча узоқлашиб кетгандик. Ой нурида улкан тоғлар ён бағридаги чўзилиб кетган қишлоқ уйлари, милтираб турган чироқ шуълалари кўзимизга ташланиб турарди. Атроф-теварак худди даҳшатли воқеани кутаётгандек сирли сукунат қўйнига чўмганди.

— Асосан қирғин воситалари, заҳарловчи моддалар, бактериологик қурооллар, ёқилғи аралашмаларидан фойдаланиб қўпоровчилик, террорчилик ҳаракатларини ўтказиш дастур қоидаларига киради. Бундан ташқари, террорчиларга сохта ҳужжат тайёрлаш, қўлга тушган вақтда ўзини қандай тутиш каби кўникмалар берилади. Лагерда бўлган ҳар бир йигит машина ҳайдашни ўрганишга мажбур. Сабаби портлатгич

моддалар сақланган автомашиналарни кўприкларнинг устида, турар жой биноларининг олдида қолдириб кетиш усуллари ҳам ўргатилади.

— Жангарилар Ҳаттобнинг лагерида қанча муддат бўлишади?

— Узоғи билан икки ой. Улар ўзлари учун етарли сабоқни олишгач юртларига қайтишади. Олма-отада эса уларнинг ўрнини босувчи иккинчи гуруҳ тайёр туради. Ҳаттобнинг таълимини олган йигитлар ўз шаҳар ва қишлоқларига қайтишгач, Одиловнинг топшириғини кутишади.

— Ҳаттобнинг лагерида «тарбия» олган йигитларни танийсанми?

— Уларни хўжайиннинг ўзи ҳам танимайди. Ҳар икки томоннинг ўртасидаги топшириқларни бир-бирларига етказиб турувчи алоқачилар бор. Одилов ана шу алоқачилар ёрдамида ўз ишини бажаради.

— Алоқачилар кимлар? Улардан бирортасининг исмини биларсан?

— Улар ўз исми шарифлари билан эмас, лақаби билан чақирилади. Ошкор бўлган алоқачи ўша куниёқ ўртадан олиб ташланади.

— Террорчилар ичида адашганини англаган ва юртига қайтмоқчи бўлганлар ҳам бордир?

— Жуда кўп!

— Унда нега қайтишмайди?

— Қандай қилиб қайтишсин?!

— Агарда кимда-ким бу йўлдан қайтмоқчи эканини ошкор этса, уни ўша куни қатл этишади. Шу боис ҳам жангарилар орасида ошкора қайтиш истагидагиларни топиб бўлмайди.

— Уларнинг мақсади нима?

— Мақсадини ўзинг яхши биласан.

— Яқин ўртадаги режалари?..

— Янги йилдан бошлаб ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари биноларига бир вақтнинг ўзида 50 дона «гул» жойлаштириш. Бу режа бир неча йил аввал Башир ва унинг бошлиғи Файзуллоҳ томо-

нидан ишлаб чиқилган бўлсада, шу кунга қадар амалга оширилмаган.

— «Гул»ни қачон ва қаерга жойлаштириш тўғрисида бирор гап борми ёки бу операциядан воз кечишганми?

— Одамларни тайёргарликдан ўтказишган, улар ҳозир ҳам шу ерда юришибди.

— Уларни танийсанми?

— Бир-иккитасини танийман.

— Ҳаммасининг рўйхатини олишни иложи борми?

— Ўн олтинчи палатадаги одамларнинг ҳаммаси ўз-ўзини портлатишга тайёр кишилар.

Ўн олтинчи палатани кўз олдимга келтирдим. Улар бошқаларга нисбатан икки баробар кўп овқат билан таъминланар, кун бўйи чодирдан чиқмай тоат-ибодат қилишарди.

— Ахир улар диндор одамлар-ку?! Ислонда мусулмон мусулмонга қўл кўтариши, қон тўкиши гуноҳ ҳисобланади. Шу нарсани била туриб, нега белларига граната боғлаб, бегуноҳ одамларнинг қонини тўкмоқчи?

— Уларнинг мақсади ўзларини диндор кўрсатиб, ҳокимиятни эгаллаш, холос. Бу йўлда ҳеч нимадан қайтишмайди. Ҳатто ака-укалари, опа-сингиллари, ота-оналари қарши чиқишса, уларни ҳам аяшмайди.

— Бу ахир қонхўрлик-ку!

— Сен нима деб ўйловдинг?! Мусулмончилик уларнинг тилида. Диллари мол-дунё ишқида ёнади. Улар оғир шароитга кўниколмай, очликка чидолмай жонларини катта пул, озиқ-овқатга сотишган. Эргашбойнинг ҳомийларидан бўйинларигача қарз. Қайси томонга қарашса фақат ўлимни кўришади.

— Демак, улар портлатишни кўзлаган жойлари ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари дегин?

— Худди шундай.

— Бу ҳақда аниқ режа борми?

— Бор, у Эргашбойнинг қўлида!

– Ўша маълумотни Эргашбой қаерда сақлайди?

– Буни ўзинг аниқлайсан! Мен билганларимни, гуноҳкор қулоқларим билан эшитганимни айтдим холос!

– Ўша маълумотлар менга сув билан ҳаводек зарур!

Умар бир неча дақиқа жим қолди. Кўзларидан, босаётган қадамидан саволимга жавоб излаётганини сездим.

– Лагерда Ривожиддин исмли йигит бор. Лақаби «жаноб» Эргашбойнинг писири. Сени қизиқтираётган маълумотлар ўшанинг қўлида бўлиши мумкин.

Эргашбойнинг яқин одамларини кўз олдимга келтирдим. Афсуски «жаноб»ни эслай олмадим.

– Ҳеч эслай олаяпман! – дедим Умарга.

– Борганинга кўрсатиб қўяман.

– Жаноб нимага қизиқади?

Умар кулди.

– Қизларга, интим воқеаларни эшитишни ёқтиради.

Иккимиз бир муддат жим кетдик, лагер олисда қолганди. Умарни яна гапга солдим.

– Одилонинг раҳнаомлари кимлар, улар қаерда яшайди?

– Улар Туркияда. Истамбул шаҳри, Техрон кўчасида яшовчи Мэхмет Чегчи исмли шахс. Моддий рағбатни ўшандан ва Амирий исмли раҳнамосидан олиб туради. Асли хоразмлик бўлган Мэхмет Одилонинг энг ишонган одами. Хорижда яшаётган ватангадолар, террорчи ва босқинчилар унинг уйида бўладиган йиғилишларга таклиф этилади. Бу ерда ҳокимиятни қўлга олиш режалари ишлаб чиқилади. Одилонинг бир ойдан кейин Туркияга – ўз раҳнамоси Мэхмет Чегчи хонадонига бўладиган йиғинга жўнаб кетмоқчи.

– У ерда қандай масалалар кўрилади?

– Бу ҳақда ҳеч ким билмайди.

– Бошлиқнинг бир ўзи кетадими?

– Ёнида ишончли одами билан!

– Ким?

— Аниқ айтолмайман.

Биз қишлоққа кириб келгандик. Ҳозиргина Умардан эшитган гаплар тинчимни ўғирлаганди. Чеченистонда қўпоровчилик ва диверсия ишларидан сабоқ олиб қайтаётган террорчилар, Одилонинг Истамбулга жўнаши, Мэхмет Чегчининг идорасида ўтказиладиган йиғилиш ҳақида зудлик билан марказни огоҳлантиришим керак эди.

Одиров томонидан бизга ажратилган икки кунни Валийниқида ўтказишга қарор қилдим. Бошқа борадиган қўналғамиз йўқ эди. Тун ярмида уйга етиб келдик, уй эгаси ухлаб қолган бўлса керак, деб ўйлагандим. Эшикни икки бор тақиллатганимда Валийнинг «ким», деган овози эшитилди. Уни чўчитмаслик учун исмимни айтдим. Валий бемаҳал келганимдан ташвишланди. Ичкарига кирдик. Ташқари совуқ бўлса-да, сўрига жой қилишини илтимос қилдим. У эътирозимга қарамай қумфонга чой қўйиб, олдимизга дастурхон ёзди. Бир пиёладан чой ичганимиздан сўнг танамиздаги чарчоқ ёзилди. Кўзларимиздан уйқу қочиб дадиллашдик. Хаёлимдан Умарнинг гаплари кетмасди. Олма-ота шаҳрида «Тадбиркор» ниқоби остида ҳаркат қилаётган ва террорчи гуруҳларнинг базасига айланиб қолган Маҳмуднинг гуруҳи фаолиятига якун ясаш мен жўнатишим лозим бўлган маълумотга боғлиқ эди. Агар Олма-отадаги гуруҳ фаолияти ошкор этилса, Чеченистон, Афғонистон, қолаверса ҳамдўстлик мамлакатларидаги Одиров одамларининг фаолиятига нуқта қўйилган бўларди. Умарни Валийнинг хонадонига қолдириб, ўзим булоққа жўнадим. Алоқа воситаси ўша ерга яширилганлиги боис маълумотларни шу ердан жўнатардим. Тонг ёришмай булоққа етиб келдим. Умардан олган хабарларни Зокирга айтдим. Оёқларим толиқиб, узилиб тушгудек оғриётган бўлишига қарамай ортимга қайтдим. Йўлда Ғофурни эсладим. Бир ойдан бери лагерда кўринмай қолганди. Қаерга ва нима мақсадда кетганлигини ҳеч ким билмасди. Умар-

дан бу ҳақда сўраганимда Фафурни разведка ва диверсия ишлари бўйича бошлиқ бўлиб тайинланганидан бошқа ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини айтди.

Биз икки кун Валийнинг хонадонида меҳмон бўлдик. Бу вақт орасида ташқарига чиқмадик. Қайтиб борганимиздан сўнг Одиловга нима дейиш кераклиги ҳақида жиддий ўйладик. Гапимиз бир жойдан чиқиши лозим эди. Ким билсин, балки синаб кўриш мақсадида Одилов биз билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашар. У ўта айёр ва маккор одам. Ҳар қандай хавфнинг олдини олиш учун одам руҳан тайёр туриши керак. Менинг хаёлимдан кечаётган ўйлар Умарнинг ҳам кўнглидан ўтаётганлиги сезилиб турарди.

— Хўжайин бизга ишонармикин? — сўради Умар йўлга чиқиш олдиан.

— Сен унга Зори Бозорга кечаси етиб бордик. Бўрон мени танишиникида қолдириб, қабристонга ўзи кетди дейсан, — дедим унга. — Шундай иш тутсак балки яхши бўлар.

— Хўжайин маккор одам. Сен унинг феълини билмайсан.

— Ишонтиришга ҳаракат қиласан. Бизнинг бундан бошқа иложимиз йўқ. Агар иккимиз хазина кўмилган қабрни кўрдик, десак ишонмаслиги, қайта-қайта тергов қилиши мумкин.

Валий билан хайрлашганимизда вақт кеч бўлиб қолганди. Тинимсиз йўл босганимизда ҳам лагерга тун ярмида кириб борамиз. Жўнаш олдиан Зебо билан хайрлашмоқчи бўлдим. У эшик ортида турарди. Негадир қизнинг чеҳраси кўзимга қайғули ғуссага ботган кўринди.

— Кетяпсизми? — қизнинг кўзларида мунчоқ-мунчоқ ёш айланди. Кўнглим бузилди.

— Икки кундан сўнг қайтаман, — дедим бўғзимга қадалган аламни ютиб.

— Балки икки кундан сўнг мен бу ҳовлида бўлмасман... — маънос оҳангда шивирлади Зебо. Қиз бу гапни шунчаки араз учун айтган бўлса керак, деб ўйлагандим.

— Мендан хафамисан Зебо, — унинг кўнглини кўтариш учун бисотимдан бошқа сўз излаб тополмадим. У бошини эгди-ю, индамади.

Қиз билан хайрлашиб ташқарига чиқдим. Қуёш ботиб, секин-аста қоронғулик чодирини ташлаётган пайт эди. Кўчаларда одамларнинг оёғи тинган. Уйларнинг мўрисида кўкка тутун ўрмаларди. Лагерга элтувчи адир ёнбағридаги сўқмоқдан юрдик. Ҳали узоқ йўл босмасимиздан оқ қулоғимизга милтиқларнинг гумбураши, одамларнинг бақир-чақирлари эшитилди. Бу жойлар Абдурашид Дўстумнинг қўл остидаги ҳудуд ҳисобланади. Бостириб киришга уринаётган толибонлар вақти-вақти билан милтиқлардан ўқ узиб, одамларнинг тичини бузиб, қий-чув кўтариб туришарди. Бизга эшитилаётган ўқ овозлари толибонларнинг автоматларидан таралаётганди.

Мен хаёллар уммонига фарқ бўлиб, ёнимда келаётган Умарни унутиб қўяёзгандим. У ҳам ўзича нима ҳақиқадир ўйлаб келаётганди.

— Умар, — дедим бироздан сўнг. — Балки сени Ўзбекистонга жўнатиб юборишга тўғри келар. Назаримда иккимиздан биримиз бу ерни зудлик билан тарк этишимизга тўғри келадиганга ўхшайди. Одилов иккимиздан биримизни ўйиндан чиқаришга ҳаракат қилади. Аниқроғи мени. Чунки мен шу ерликман. Сен эса ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан.

— Менинг кетгим йўқ, — жавоб қилди Умар. — Хўжайин билан ҳисоб-китобли ишим бор.

— Нега ундай деябсан, Ватанни соғинмадингми?

— Соғиндим, қани энди қуш мисоли қанот қоқиб, учиб кетсам. Аммо, мен кетсам сен қийналиб қоласан!

Биз лагерга тун ярмида кириб келдик. Кираверишда бизни соқчилар кутиб олишди. Улар худди киноларда-

гидек автоматларини кўксимизга тирашди.

— Кимсанлар?

Умар соқчиларни таниди.

— Олим, бу бизмиз! Хўжайиннинг топшириғи билан Мозори Шарифга боргандик, қайтиб келяпмиз! — деди.

Пойлоқчилар бизни ичкарига қўйишди. Жангарилар уйқуда эди. Кўпчиликни йўтал тутганди. Кейинги пайтда бу ерда ўпкасини совуққа олдирганлар сон кун сайин ортиб борарди. Ётоққа кириб, жойимизга чўзилдик. Умарни-ку билмадим, аммо мен бошим ёстикқа тегиши биланоқ ухлаб қолдим. Эрталаб одаттагидек ғала-ғовурдан уйғондим.

Хўжайин келганимизни эшитиб, ҳузурига чақиртирди. Иккимизни алоҳида-алоҳида қабул қилди. Ҳаммаси мен ўйлагандек бўлди. Умарни биринчи бўлиб сўроқ қилишди. Улар нима ҳақда суҳбатлашаётганлиги менга қоронғи эди. Эшик олдида бир соатдан кўпроқ туриб қолдим. Умарни гапдан чалғимаслигини жуда-жуда хоҳлардим. Ниҳоят эшик очилди. Терлаб-пишиб кетган Умар ташқарига чиқди. Юзининг ярмидан озроқ қисми қизариб, бўзариб кетганди. Соқчи мени ичкарига бошлади. Умар билан гаплашишга имконият бўлмади. Ичкарида мен кутмаган, бироқ кўпдан кўришни ихтиёр қилиб юрган одамим — Ғофурни учратдим. Муқаддас қасамёдига хиёнат қилган, кимларнидир сариқ чақасига сотилиб, порахўрлиги билан ишдан олинган бу йигит менга кўзларини бақрайтирганча тикилиб турарди. У ёғоч курсига муккасидан тушиб, қўлларини хон тахта устига қўйганча қизарган кўзларини мендан узмасди. Унинг нигоҳларидан «ичингдагини барибир биламан, мендан гап яширма», деган маънони ўқиш мумкин эди. Назаримда, ўзининг бу қарашлари билан юрагимга қандайдир ваҳима ёки кўрқув солишга уринарди. Одилов тўйнуқ олдида тик турар, қўлларини кўксига босганча нима ҳақидадир ўй суради.

— Ҳамма гапни бизга Умар айтиб берди, — деди

ниҳоят Ғофур. — Сен бизга тўғриси ни гапир. Қабристон қаерда жойлашганини, хазина қайси қабрга қўйилганини мана бу қоғозга чизиб кўрсат!

Бу мен учун синов бўлса, Ғофур учун ҳақиқатни англаш эди. Қоғозга қабристонни чизиб бериш мумкин, аммо хазина қайси қабрдалигини айтиш ҳаётимни хавф остига қўйиш билан тенглигини тушунардим.

Мен Зори Бозор қишлоғидаги қабристонни чиздим.

— Қайси қабр эканлигини аниқ чизиб беролмайман, аммо бориб кўрсатишим мумкин, — дедим.

— Нега? — ҳайрон бўлиб сўради Ғофур.

Қабристонга ярим тунда боргандик, эгаси йўқ қабирни аниқлаб, теппасига белги қўйгандим. Атрофдаги қабрларга аҳамият бермадим.

— Қабр теппасига қандай белги қўйгансан? — шошиб сўради яна Ғофур.

— Майда тош бўлақларини, — ҳозиржавоблик билан дедим. Кўзларимдан нигоҳини узмай турган Ғофурнинг рўпарасида ўйланиб қолиш мумкин эмасди. Айтаётган ҳар бир гапим ҳаётимни ҳал қилиши мумкин.

— Майда тош бўлақлари ҳар бир қабр теппасида бор...

— Лекин мен тошлардан шартли белги ҳосил қилганман.

Бу сўзим билан хатога йўл қўйганимни бирдан англадим.

— Қандай белги қўйгансан?

— Олтмиш беш рақамни.

Ғофур бирдан жим қолди. Сўнг ўрнидан туриб Одиловга юзланди.

— Оказывается он прав, — деди рус тилида.

— Что тогда будем делать?

— Надо уберать одного из них.

— Именно...

– Вот этого подлеца.

– Не надо спешить. Подождём сначала проверим.

– Если мы будем ждать, он убежит, от нас. Он сам заберёт сокровище или может открыть наш секрет талибанам.

– Если уберём этого подлеца, а кто нам покажет клад.

– Как хочеш...так и делай. Мой совет немедленно убрать.

Одилов ўйга толди. Мен бу сўзларни тушунмагандек турган бўлсам-да, оёқ-қўлимни совуқ тер босганди. Балки соқолим, ўсиб, юзимнинг ярмини яшириб турмаганда қиёфам юрагимдаги кўрқувни ошкор қилиб қўйган бўлармиди. Лекин ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим. Бундай даҳшатли хабарни эшитса-да, ўзини қўлга ола билиш машаққати фақат менинг соҳамда ишлаган кишиларгагина маълум.

– В Зари Базаре одно кладбище. Его не трудно найти. Всё таки Умар хорошо знает. Может его знакомые тоже знают. Мы будем платить хозяину много денег, может он сам будет помогать нам...

– У меня есть другая идея. Следующую неделю мы с Бураном поедем Зари Базар. Он покажет нам где находится скоровище. Мы будем копать эту могилу, возьмем богатство. А Бурана похороним в этом же месте. Ну как моя идея.

– Отличная идея хозяин, – Фофурнинг юзларида кулгу ёйилди. – Нет разговора!

– Ну ладно. Пусти его. Пусть пока погуляет.

Фофур менга юзланди. У олдимга келди. Қўлларини елкамга ташлади.

– Сен бизга садоқат билан хизмат қилдинг. Хўжайин билан маслаҳатлашиб бир ҳафта сени ишдан озод қилдик. Маза қилиб дамингни ол. Кўнглинг хоҳлаган ишни қилишинг мумкин. Ҳеч ким сенга ҳалақит бермайди.

Унинг бу гапидан ўзимни мамнун бўлгандек кўрсатдим. Ўшанда юз-кўзларим ичимдан кечаётган ўйларимни ошкор қилиб қўймадимикин, деб кўрққандим. Ахир бир пайтлар, мана шу заминда Ғофурга қон бермаганмидим. Ўшанда у менинг кўзларимга қаҳр билан эмас, меҳр билан боқмаганмиди? Мен уни ўша йиллардан бери унутмагандим. Илк бор шу ерда учрашганимизда, мана шу кўзларидан уни танигандим. Наҳотки мени унутган?! Қалбим йиғласа-да, чеҳрамни совуқ ва сохта табассум билан ниқобладим. Буни Ғофур сезмади. Мен дадил қадам ташлаб ташқарига чиқдим. Ўпкални тўлдириб нафас олдим. Оёқ-қўлларимдаги қалтироқ ҳали босилмаганди. Зудлик билан бу ердан қочайми ёки таваккал қилиб яшайверайми, деган савол бошимда айланарди. Дук-дук ураётган юрагим марказдан берилган топшириқни бажармасдан бир қадам ортга чекинишга ҳаққим йўқлигини эслатиб турарди.

- 17 -

Шу ўринда муҳтарам ўқувчиларимизга туман марказида машинадан тушиб, қаёққа боришини билмай қолган жангариларнинг кейинги ишлари ҳақида ҳикоя қилсак...

Милиция сержанти Фазлиддин Тўрабоев тунги гуруҳда ўз навбатчилигини тинчгина ўтказди. Раҳбарият бугундан уни таътилга чиқишига рухсат берганди. Сержант таътил кунларида никоҳ тўйини ўтказишни режалаштириб қўйганди. Бўлажак қайлиги Нигора олийгоҳни битириб қайтганди. Сержант шериклари билан хайрлашиб, ўзининг эски «Москвич»ида уйига отланди. Сой кўпиригидан ўтиб, чорраҳадан бурилганда икки нотаниш одам қўл кўтариб қолди. Сержант машинани тўхтатди. Улар машина ортидан югуриб бордилар-у, бирдан ҳайдовчининг елкасидаги погонини кўриб, тўхтаб қолишди.

— Йўл бўлсин, акалар, — Фазлиддин уларни тоғдан тушган чўпонлар деб ўйлади.

— Бизни район марказига ташлаб қўймайсизми, жангарилардан бири оғзига келган гапни ўйламасдан айтиб юборди.

— Ўзи район марказида турибсизлар-ку, акалар, — кулди сержант.

Жангарилар қовун тушириб қўйганларини тушундилар.

Фазлиддин нотаниш одамларнинг бирдан жимиб қолганлиги ва талмовсираб, теваракка аланглаб боқишларидан шубҳаланди. Кунини-кеча бўлиб ўтган йиғинда бўлим бошлиғи шу атрофда террорчи гуруҳ аъзолари бўлиши мумкинлиги, бу ерда пайдо бўлган нотаниш ва шубҳали кимсаларнинг ҳужжатларини текшириб кўришни буюрганди. Фазлиддин пастга тушди. Қўрқиб кетган жангарилар орқалари билан тисарилиб пастлик томонга қоча бошладилар

— Қаёққа, тўхтанглар! — уларнинг ортидан қўлини силтаб қичқирди сержант. У бу кимсалар ҳақиқатдан ҳам шубҳали кишилар эканлигини тушуниб, уларни қувиб кетди. Фазлиддин чаққон эди. Бир зумда қочоқларга етиб олди. Қўлларини чўзиб, улардан бирининг елкасидан тутди. Жангари йиқилди. Иккинчиси эса ҳамон олдинга талпинарди. Сержант йиқилган йигитнинг бўйнидан ушлади. Бу орада олислаб кетган йигит шеригининг қўлга тушганини кўриб тўхтади. Улар тирик ҳолда қўлга тушиши мумкин эмасди. Тайёргарликдан ўтишаётган пайтларда имкон қадар қўлга тушган шеригини қутқариб қочиш, чораси топилмаганда отиб ўлдириш тайинланган, хатто қасам-ёд ҳам қилдирилганди. Қочаётган кимса ортига қайтди. Йўл-йўлакай қўйнидан тўппончани олди. Йиқилган жангари ҳамон ўрнидан туришга, теппасидан босиб турган милиционернинг қўлидан чиқишга ҳаракат қиларди.

— Қўйиб юбор! — овозининг борича бақириб, тўппончанинг учини милиционернинг орқа курагига тиради жангари. Фазлиддин қўлга тушган жангарини қўйиб юборишни истамади. Уни тобора маҳкамроқ қучоқлаб, бошини орқага қайирди. Хаёлида қандай қилиб

бўлса-да, иккинчи жангарини қуролсизлантириш фикри турарди. Кутилмаганда сержант бўйнидан қучоқлаб олган жангарини қуролли шеригига рўпара қилди. Шу аснода тўппончанинг қарсиллаган овози жаранглади. Ўқ шеригининг кўксига текканини кўрган жангари бир оз талмовсираб қолди. Сержант фурсатдан фойдаланиб унга ташланди. Бироқ унинг узатган қўллари жангарининг қуролига етиб бормади. Чаққонлик билан ортга тисарилган жангари тўппончадан иккинчи ўқни узишга улгурганди. Фазлидин елкасига теккан ўқдан қалқиб, ерга йиқилди. Қуролли кимса орқа-олдига қарамай қочди. Йиқилган сержант ерда ётган жангарининг шимига қистирилган тўппончани кўриб қолди. Шоша-пиша уни қўлига олди-да, қочаётган жангарини нишонга олди. Кетма-кет узилган ўқлардан бири мўлжалга тегди. У оёғи ердан узилиб, йиқилди.

Ўқ сержантнинг елкасини тешиб ўтганди. Иссиқ қон кўйлагини қизил ранга бўяганди. У ётган жойида кўзларини осмонга қадади. Бирин-кетин сўниб бораётган юдузларга тикилди.

— Нигора тўйимиз бўлмайдиганга ўхшайди-да, — зўрға гапирди Фазлидин. — Кечир...

- 18 -

Одиловнинг одамлари Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олина бошланди. Махфий маълумотларнинг ошкор бўлаётганлиги, қолаверса, Одиловга ишонч билдириб айтилган ўта муҳим сирлар фош этилганлиги хорижий мамлакатлардаги террорчи гуруҳ раҳбарларини ташвишга солиб қўйди. Афғонистоннинг шимолида қўпоровчилик ва диверсия ишларига тайёргарликдан ўтиб, Ўзбекистонга жўнатилган айфоқчиларнинг кўпи қўлга тушганлиги ўша сирларнинг фош бўлишига сабаб бўлганди. Ўзбекистонлик чекистлар

Одилов бир нечта хорижий давлатлардаги ҳамтовоқларни томонидан мунтазам қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги ҳамда, унинг бир неча юз одамлари Қуддус ва Пешавордаги махсус ҳарбий лагерларда тайёргарликдан ўтиб, сўнгра Ўзбекистонга жўнатилаётганлигини ҳам аниқлаган эдилар. Ўзбек чекистларига Одиловнинг айғоқчилари кимлар, қандай топшириқларни бажариш учун бу ерга юборилганлиги ойдай равшан бўлиб қолганди. Хориждагиларининг тинчи бузилганди. Шу мақсадда Башир жанобларини зудлик билан Пешаворга таклиф қилишди. «Ал-Ҳаққоний» мадрасасининг қандай мақсадда иш юритаётганлигини, у ердаги одамлар қандай илм ўрганишаётганлигини сир сақлашнинг ҳожати қолмаганди. Одиловнинг мамлакат ичкарасидаги одамлари қўлга олинганидан сўнг уларни яна мамлакат ичкарасига ташлашни хатарли ҳисоблашди. Ахир қўпоровчиларни тайёрлашга улар катта миқдордаги пулларни сарфлашди. Ўша пуллар озгини эътиборсизлик туфайли кўкка совирилди. Қўлга тушган террорчилар ўзларининг сир-синоатларини тергов жараёнида сўзлаб беришганди. Хорижлик ҳомийларнинг бу ишларда қўли борлигини, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келишаётганлигини яшириб ўтиришмади. «Энди нима қилиш керак, қандай қилиб ишлаб чиқилган системани амалга ошириш мумкин. Бешўнта одамнинг қўлга тушганидан кўрқиб ҳаммасидан юз ўтириш керакми?».

Башир жаноблари билан учрашув чоғида шу саволлар ўртага ташланди.

— Одиловнинг одамлари бизни шарманда қилди, — деди хориж террорчи гуруҳининг вакили Башир жанобларига синчков нигоҳ ташлаб. — Шу пайтгача «Ал-Ҳаққоний» мадрасасининг сир-синоатларини ҳатто ЦРУ ҳам, КГБ ҳам билмасди. Ўзбеклар эса бизни фош қилишди. Бундан ташқари, уруш даврида асир тушиб,

мадрасада махсус тайёргарликдан ўтиб, бизга хизмат қилаётган одамларимизнинг рўйхати уларнинг қўлида. Биз олган маълумотларга қараганда Одилов жўнатган одам ўша ерда қотиллик содир этган. Муҳаммадқодирнинг суратларини прокуратурага топшириб фойиб бўлган. Ҳамкорлик қилаётган шерикларимиз энди бизга шубҳали қарайдиган бўлишди. Одамларимизни Ўрта Осиё республикаларидан чақириб олишдан бошқа чорамиз қолмади. Энди бошқа йўл тутмоғимиз лозим. Шундай қилиш керак-ки, ўзларининг қонии ўзлари тўкишсин. Биз жангарилар билан ҳукумат тарафдорларини гиж-гижлаш учун суяк ташлаб қўйсак кифоя.

— Яхши таклиф, — деди анчадан бери сукут сақлаб ўтирган Башир жаноблари. — Бу борада менинг ҳам ўйлаб қўйган режаларим бор. У сизларни қониқтиради. Одилов билан ҳисоб-китоб қиладиган ишим бор. Агар таклифимизга кўнмайдиган бўлса, бугунни эртага қўймай уни мамлакатдан ҳайдаб чиқараман. Дастлабки сафар мени лақиллатганда аламимни ичимга ютгандим. Икки ойдан бери йигитларини озиқ-овқатдан сиқиб қўйганман. Қиш келаяпти. Совуқ кунлар бошланади. Одамларига кийим-кечак керак. Бугун бўлмаса эртага олдимга ялиниб келиши бор.

— Унга қаттиқ гапирманг, қўрқиб кетиши мумкин. Ўзи қочиб кетса, йигитлари ҳам пароканда бўлади. Аксинча, сиз ҳеч нарсадан беҳабар одамдек ўзингизни унга яқин олаверинг. «Душманнинг сиртида эмас, ичида бўл», деган нақл бор. Биз унинг қўли билан Афғонистондаги душманларимиздан қасос олмоғимиз лозим. Шундай йўл тутайлик-ки, душманларимизни улар йўқ қилсин!

Баширнинг хаёлида Абдурашид Дўстум, ашаддий душманига айланган ва мунтазам ғашини келтириб юрган Маъсуд Шоҳ гавдаланди. Улар бор экан Баширнинг ороми йўқ. Ҳар икки қўмондонни йўқ қилиш учун қанчадан-қанча айғоқчи қўйди. Қанчалаб маблағ

сарф қилди, бироқ бирортаси на Дўстумнинг, на Маъсуд Шоҳнинг ишончини қозониб, унинг одамлари ичига киролгани йўқ. Балки улар уйда қилолмаган ишни Одиловнинг одамлари ҳал қилар. Хорижлик вакил хаёлига келган фикрни айтди.

— Одиловнинг одамларини Дўстум ва Маъсуд Шоҳнинг аскарлари ичига киритиш керак! Гўё кўнглидан кечаётган ўй-ҳаёлдан хабардор бўлгандек таклиф ташлади раҳнамо.

Башир йўлбошловчининг мақсадини тушунди.

— Бу топшириқни удалай олармикин?! — айёрона савол берди.

— Нима қилганда ҳам Дўстумнинг аскарлари ўзбеклар. Унга ҳам, Маъсудга ҳам Тавилдарада яшаётганларнинг аҳволи маълум. Сиз жўнатадиган одам Эргашбойдан зулм кўрган, азоб чекиб қийналган киши қиёфасига кириб борса, албатта уни қабул қилишади.

Башир ўйланиб қолди. Раҳнамо қўйган таклиф жиддий эди.

— Эргашбойнинг одамларидан бирини Дўстум аскарларини ичига киритса бўлади, аммо Маъсуд Шоҳ уни қабул қилмайди!

Раҳнамо ўйланиб, фикрини айтди.

— Маъсуд Шоҳнинг олдига борадиган одамни ўзим топаман! Уша куни асли қурувчи-муҳандис бўлган, кейинчалик разветка ва диверсия ишлари бўйича амалдаги Афғонистон ҳукуматининг етакчи-мутахассисига айланган Башир узоқ вақт хорижлик террорчи гуруҳ вакили билан суҳбатлашиб ўтирди. Улар Одиловнинг йигитларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишнинг янги режаларини ишлаб чиқишди.

— Эргашбойга пул жўнатманг! — деди раҳнамо. — Пулни ўзи топсин!

Башир меҳмоннинг мақсадини тушунмади. Уларнинг совуқ нигоҳлари учрашганда меҳмоннинг кўнглидан кечган гапларни кўзидан уқиб олди.

— Гапимни тушунмадингиз, мен Эргашбой пулни ўзи топсин дейишимдан мақсад, бизда қанчадан-қанча майдонларда наша, кўкнори экилган. Эргашбой ўз одамларини ишга солиб, ўша ҳосилларни йиғишти-

риб Россия, Олмония, Англия, Франция каби юртларга олиб ўтсин. Эшитишимча рус мафиясининг сардори Вадим Вольфович билан алоқаси яхши экан.

— Уч-тўрт ойдан бери улранинг муносабати узилиб қолган?

— Не сабабдан?

— Вольфович бизнинг молларимизни қимматсираб, кўпроқ Африка ва Лотин Америкасидан келтириладиётган молларга харидор бўлмақда.

— Бундан хабарим бор, — деди раҳномо мийғида кулиб. — Энди олис юртлардан келтириладиган моллар Вольфовичнинг қўлига етиб бормайди. Барча йўллarga тўғон қўяман ёки сохта дориларни жўнатиб, бозорини касодга учратаман. Қараб турибсизки, у яна афғон «мол»ларига харидор бўлади.

— Ҳозир биз Вольфовични «мол» билан таъминлай олмаймиз!

— Нечук?

Башир бунинг сабабини тушунтирди.

— Жалолобод, Мазори Шариф ва бошқа шаҳарлардаги кўкнори билан нашазорларимизга Абдурашид Дўстум билан Маъсуд Шоҳнинг одамлари ўт қўйиб юборган!

— И... ҳм! — афсус билан бош чайқади меҳмон. Мана, кўряпсизми, шу икки душман сизни ҳокимият тепасига келишингизни иташмаяпти, мулла Умар жанобларининг асосий бойлик манбаи бўлган нашазорларга, кўкноризорларга ўт қўйишибди. Фойда келадиган тармоқларингизни йўқ қилишибди. Энди қасос олишни кечиктирманг! Акс ҳолда улар сизни ҳар томондан қисиб, охир-оқибат сувдан соҳилга чиққан балиқ каби бўғиб қўйишади. Бугунни эртага қўймай Эргашбой билан учрашинг. Ўзининг айғоқчиларини Дўстумнинг ичига киритсин. Қасос олиш пайти келди биродарим!

— Мен бу ишни узоғи билан бир ой ичида ҳал қиламан!

сарф қилди, бироқ бирортаси на Дўстумнинг, на Маъсуд Шоҳнинг ишончини қозониб, унинг одамлари ичига қиролгани йўқ. Балки улар уйда қиролмаган ишни Одиловнинг одамлари ҳал қилар. Хорижлик вакил хаёлига келган фикрни айтди.

— Одиловнинг одамларини Дўстум ва Маъсуд Шоҳнинг аскарлари ичига киритиш керак! Гўё кўнглидан кечаётган ўй-хаёлдан хабардор бўлгандек таклиф ташлади раҳнамо.

Башир йўлбошловчининг мақсадини тушунди.

— Бу топшириқни удалай олармикин?! — айёрона савол берди.

— Нима қилганда ҳам Дўстумнинг аскарлари ўзбеклар. Унга ҳам, Маъсудга ҳам Тавилдарада яшаётганларнинг аҳволи маълум. Сиз жўнатадиган одам Эргашбойдан зулм кўрган, азоб чекиб қийналган киши қиёфасига кириб борса, албатта уни қабул қилишади.

Башир ўйланиб қолди. Раҳнамо қўйган таклиф жиддий эди.

— Эргашбойнинг одамларидан бирини Дўстум аскарларини ичига киритса бўлади, аммо Маъсуд Шоҳ уни қабул қилмайди!

Раҳнамо ўйланиб, фикрини айтди.

— Маъсуд Шоҳнинг олдига борадиган одамни ўзим топаман! Ўша куни асли қурувчи-муҳандис бўлган, кейинчалик разветка ва диверсия ишлари бўйича амалдаги Афғонистон ҳукуматининг етакчи-мутахассисига айланган Башир узоқ вақт хорижлик террорчи гуруҳ вакили билан суҳбатлашиб ўтирди. Улар Одиловнинг йигитларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишнинг янги режаларини ишлаб чиқишди.

— Эргашбойга пул жўнатманг! — деди раҳнамо. — Пулни ўзи топсин!

Башир меҳмоннинг мақсадини тушунмади. Уларнинг совуқ нигоҳлари учрашганда меҳмоннинг кўнглидан кечган гапларни кўзидан уқиб олди.

— Гапимни тушунмадингиз, мен Эргашбой пулни ўзи топсин дейишимдан мақсад, бизда қанчадан-қанча майдонларда наша, кўкнори экилган. Эргашбой ўз одамларини ишга солиб, ўша ҳосилларни йиғишти-

риб Россия, Олмония, Англия, Франция каби юртларга олиб ўтсин. Эшитишимча рус мафиясининг сардори Вадим Вольфович билан алоқаси яхши экан.

— Уч-тўрт ойдан бери улранинг муносабати узилиб қолган?

— Не сабабдан?

— Вольфович бизнинг молларимизни қимматсираб, кўпроқ Африка ва Латин Америкасидан келтириладиган молларга харидор бўлмақда.

— Бундан хабарим бор, — деди раҳномо мийғида кулиб. — Энди олис юртлардан келтириладиган моллар Вольфовичнинг қўлига етиб бормайди. Барча йўллarga тўғон қўяман ёки сохта дориларни жўнатиб, бозорини касодга учратаман. Қараб турибсизки, у яна афғон «мол»ларига харидор бўлади.

— Ҳозир биз Вольфовични «мол» билан таъминлай олмаймиз!

— Нечук?

Башир бунинг сабабини тушунтирди.

— Жалолобод, Мазори Шариф ва бошқа шаҳарлардаги кўкнори билан нашазорларимизга Абдурашид Дўстум билан Маъсуд Шоҳнинг одамлари ўт қўйиб юборган!

— И... ҳм! — афсус билан бош чайқади меҳмон. Мана, кўряпсизми, шу икки душман сизни ҳокимият тепасига келишингизни иташмаяпти, мулла Умар жанобларининг асосий бойлик манбаи бўлган нашазорларга, кўкноризорларга ўт қўйишибди. Фойда келадиган тармоқларингизни йўқ қилишибди. Энди қасос олишни кечиктирманг! Акс ҳолда улар сизни ҳар томондан қисиб, охир-оқибат сувдан соҳилга чиққан балиқ каби бўғиб қўйишади. Бугунни эртага қўймай Эргашбой билан учрашинг. Ўзининг айғоқчиларини Дўстумнинг ичига киритсин. Қасос олиш пайти келди биродарим!

— Мен бу ишни узоғи билан бир ой ичида ҳал қиламан!

— Худо қувват берсин, — деди раҳнамо. — Яқинда кенгашнинг навбатдаги йиғилиши Туркияда мухтарам Мэхмед Чегечи жанобларининг қароргоҳида бўлиб ўтади. Сиз бу масалани ўша ерда кўтарасиз. Йиғилишга Амирий жаноблари ҳам ташриф буюради. Таклифнинг эшитиб, каттагина миқдорда сармоя ажратишлари мумкии.

Баширга бу таклиф маъқул келмади. Энди меҳмонга мулла Умар хазратларининг талабини айтиш фурсати келганлигини англади.

— Эргашбойнинг ичига ўз одамимизни киритишимиз керак?

— Сабаб?

— Мулла Умар жаноблари Афғонистон ҳудудида ҳаракат қилаётган ҳар бир гуруҳ раҳбалари орасида миллатимизга мансуб йигитларнинг бўлишини талаб қиляптилар. Назаримда у киши лагерда бўлиб турадиган ишлардан хабардор бўлиб туришни истаётган кўринадилар.

— Бу масалани Эргашбой билан ҳал қилишимиз керак.

— Эргашбойнинг қўлида нечта йигитлар бор?

— Икки юзта!

— Уларнинг ичида ўз одамларингиз борми?

— Ҳозирча йўқ!

— Бу сизнинг катта хатоингиз Башир жаноблари! Эргашбойни бизнинг ҳудудга ўтганига бир неча йил бўлса-ю, сиз унинг сирларидан воқиф бўлиш мақсадида одамингизни киритмаган бўлсангиз.

— Биз ишонгандик!

— Ўз Ватанига хиёнат қилган одамга ишонманг!

— Талабингиз инобатга олинди, ҳазратим.

Башир уйга мамнун ҳолда қайтмади. Эртаси куни учрашув натижалари ҳақида ўз бошлиғига ахборот берди. Абдуллоҳ унинг таклифини қўллаб-қувватлади. Одиловнинг айғоқчисини Дўстумнинг аскарлари ичига киритиш осон, деган хулосага келишди.

Башир Одиловни Қобулга таклиф қилди. Эски қадирдонини хуш кайфиятда кутиб олди. Бир муддат лагердаги аҳвол ҳақида гурунглашишди. Одилов бежиз чақирилмаганини биларди. Башир муҳим гап айтмоқчилигини кўзларидан сезди.

— Маъсуд Шоҳ ва Абдурашид Дўстум сизнинг ҳам ашаддий душманингиз. Улар бор экан, сиз ҳам бу ерда хотиржам яшай олмайсиз. Биздаги маълумотларга қараганда, Дўстум Мозори Шарифни эгаллаб, узоғи билан икки ҳафта ичида сизларни бу ердан супириб ташлайди. У мамлакатимизнинг ишончли одами. Зудлик билан йўлини тўсмасангиз, сизни Ўзбекистон ҳукуматига тутиб бериши ҳам мумкин. Биз сизни ҳимоямизга олганмиз. Одамларимиз хавфсизлигингизни таъминлаб, тинчингизни кўзлаб, унинг аскарлари билан жон олиб, жон бериб, кечаю-кундуз жанг қилмоқда. Шўронинг қуроллари билан ҳимояланган Дўстум аскарлари одамларимизга қарши кескин зарба бермоқда. Оддий халқ у томонда. Бирор чора ўйлаб топмасак одамларимизни битта қўймай қириб ташлайди. Ҳозирданоқ эҳтиёт чорасини кўрмоғимиз, душманларимиздан ўч олишга киришмоғимиз лозим. Ҳар икки қўмондонни йўқ қилсак, уларнинг одамлари пароканда бўлиб, бизнинг сафимизга қўшилади. Шундагина биз кўзланган маррамизни ишғол қиламиз. Билиб қўйинг, Дўстум ҳам, Маъсуд ҳам ўта маккор одамлар. Улар ҳеч кимга ишонишмайди. Сизни чақиришдан мақсадимиз бу борада бизга кўмак берсангиз!

— Бош устига. Қандай таклиф киритасиз?

— Олдиндан бир режа ишлаб чиққанмиз. Сиз ўзингизни ўта ишончли кишиларингиздан бир-иккитасини ажратасиз. Улар ўзбек, ҳам афғон тилини яхши билишлари, имкон бўлса рус тилидаги сўзларни мутлақо ишлатмаслиги шарт. Улар сиздан зулм кўрган

кишилар қиёфасида Дўстумнинг аскарлари сафига кириб олишади. Бир ойча уларнинг ишончини қозонишади. Сўнгра бизнинг топшириғимиз билан уларни ўртадан олиб ташлашади. Ҳар икки қўмондонни мағлуб қилсак, мулла Умар жаноблари сиздан кўп миннатдор бўладилар. Аввал ваъда қилинган Нангаҳор бўйларидаги жаннатмакон гўшалар ихтиёрингизга топширилади.

— Бош устига жаноб! Мен ўзимни эмас, йигитларимнинг тинчини ўйлайман! Сизнинг душманингиз, менинг душманим! Ичган қасамимга содиқман!

Башир мийиғида кулиб қўйди. Хаёлига раҳнамо айтган гап келди.

— Вадим Вольфович билан алоқангиз узилмаганми?

— Ҳозирча алоқани узганимиз йўқ! Бироқ кейинги пайтларда ваъда қилинган дорини жўнатомай хижолатдаман.

— Ташвишланманг Эргашбой. Яқин кунларда сизга беш олти килограмм тоза дори юбораман. Бу ўрис дўстингиз билан алоқани тиклашингизга ёрдам беради.

— Кўнглимни тоғдек кўтардингиз!

— Вадим Вольфович билан ким алоқага чиқади?

— Руслан исмли йигит. Уфада яшайди. У Ғофур орқали жўнатган дориларимизни ўрис дўстимизга етказади.

— Одамларингиз ишончлими?

— Шундай, улар бизга вафодор.

— Демак, биз берадиган дорилар ўз эгаларининг қўлига етиб боришига ишонасиз?

— Ташвишланишингизга ўрин йўқ, Башир оға!

— Улар юкни қаерда қабул қилиб олади?

— Қирғизистон билан Ўзбекистон чегарсидаги «Аждар ғор»да.

Эргашбойнинг ҳар бир гапи разведка ходимининг

чўнтагидаги митти магнитофонга ёзилаётганидан лақма қўр боши беҳабар эди.

— Ўша одамнингизга биз ҳам ишонсак бўладими? — қармоқ ташлашда давом этди Башир.

— Қамбарга ҳам, Ҳикматга ҳам худди менга ишонгандай ишонишингизни илтимос қилардим Башир оға!

— Унда совғамизни кутинг!

Башир ўрнидан турди. Хайрлашиш олдидан бир гапни айтди.

— Фофурни ўртадан олиб ташланг. Одамларим унинг қўли қинғирлигини, сизга хиёнат қилаётганлигини аниқлашди.

— Бутуноқ бошқа ишга ўтказаман!

— Шошилманг. Вақти келиб асқотиб қолиши мумкин!

— Тушундим оға!

— Дарвоқе, яқинда гуруҳнинг навбатдаги кенгаши ўтказилди.

— Қаерда?

— Жойи номаълум, бу ҳақда кейин хабар қиламиз.

-20-

Одилов лагерга дилгир кайфиятда қайтди. Абдурашид Дўстум ва Маъсуд Шоҳга нисбатан қарши курашиш унинг ҳаёт шами сўнаётганлигидан далолат берарди. Афғонистоннинг жанубий вилоятларидаги халқ орасида ҳар икки қўмондоннинг обрўйи катта. Мабодо Одилов одамларини унга қарши қўйишини халқ билиб қолгудек бўлса, бу ердан насибаси узилиши ҳеч гап эмасди. Бу ҳақда Фофур билан жиддий маслаҳатлашиб олишга қарор қилди.

Одилов тушдан сўнг лагерга етиб келди. Машинадан тушар экан атрофда ёйилиб юрган одамларини кўриб баттар хуноби ошди. Димоғига нашанинг сассиқ ҳиди урилди. Кейинги пайтда бу йигитлар бекорчиликдан зерикиб наша чекишга, боччавозлик билан шуғулланишга муккасидан кетганлигидан ич-ичидан эзилиб юрарди. Аммо дори чекишни маън этолмайди. Уларни

бу ерга боғлаб турган нарсa мана шу дори. Одилов соқчилари қуршовида кулбаси томон йўл олар экан, қаршисидан эғнидаги кўйлаги йиртилиб, сочлари тўзғиб, қорайиб кетган юзлари тирналиб кетган Червонхоним чиқди. Афтодаҳол турган хоним лабларини тишлаб, ич-ичидан отилиб чиқаётган ўкирикни базўр босиб:

— Келдингизми? — деди.

Одилов хонимнинг ҳолатини кўриб беихтиёр тўхтади. Қайтатдан унинг афти-ангорига кўз ташлади.

— Сизга нима бўлди? — унинг юраги қандайдир ёмон ҳолни ҳис этганди. Хоним учун хўжайиннинг бир калима сўзи кифоя эди. Аёл қўллари билан юзини чангаллаб йиғлаб юборди. Йиғи аламли эди. Юрагида нимадир булоқ мисоли қайнаб тошар, аммо бўғзидан ташқарига чиқмасди. Одилов атрофга аланглаб боқди.

Соқчилардан нарироқда турган ўн чоғли жангарилар бошларини қуйи солиб туришарди. Улар бўлиб ўтган воқеани хонимнинг ўзи сўзлаб беришини кутишганди.

— Нега йиғлайсиз хоним? — деди Одилов аёлнинг силкиниб турган елкасига қўл ташлаб. — Сўзланг, ким сизни ранжитди?

Хоним ўзини босолмади. Баттар ўкироб, додлаб юборди. Одилов атрофини ўраб олган одамларга боқди. Унинг чўғдек ёниб турган нигоҳи Мирюнусда тўхтади.

— Хонимни Чўтир хафа қилди! — деди паст овозда шивирлаб Мирюнус. — У бадбахт сиз кетишингиз биланоқ ҳеч кимга билдирмай хонангизга кириб хонимнинг номусига тегибди.

Одилов турган жойда ток ургандек салчиб тушди.

— Қани у итнинг боласи?!

Жимжитлик чўккан лагер қучоғида бошлиқнинг овози худди момоқалди роқдек янгради. Мирюнус бир қадам олға босиб деди:

— Унинг жазосини бердик. Йигитлар ўлакса қилиб калтаклашди. Ҳозир анави жар ичида ётибди!

— Ўлдими?!

— Чалажон!

— Тириклай тошларнинг остига бостиришлар!

Одилов бошқа сўз айтмади. Хонимни бошлаб кулбаси томон юрди. Бир гала жангарилар қийқиришиб бошлиқнинг амрини бажариш учун жарлик томон кетишди.

Чўтир ҳали тирик, тепки ва муштларнинг зарбидан бир неча сонияга эс-ҳушини йўқотганди. Елкаси қаттиқ жисмга текканда оғриққа чидаёлмай инграб юборди. Кўзини очганда нигоҳи осмон бағрида сузиб юрган қуёшга тушди. Қулоқларига секин-аста тепалик сари тирмашиб бораётган сафдошларининг бақир-чақирлари чалинди. Бошини зўрға кўтариб, овоз келган томонга боқди. Сўнг бу овозлар умуман эшитилмай қолди. Чўтир қуёш нури тушиб турган кўзларини юмди. Қанча ётди билмайди. Яна қулоқларига узоқ-узоқлардан жангариларнинг бақир-чақирлари эшитилди. Кўзларини зўрға очди. Очдию ўзи томон чопқиллаб, бақириб келаётган жангариларни кўрди. Юраги патиллаб кетди. Энди ўзининг жони шу ерларда узилишини, жисми тошлар орасида қолиб кетишини, гўшги қарғаю-қузғунларга ем бўлишига ақли етганди. Энг биринчи бўлиб етиб келган жангари унинг эгнидаги шимини тортқилаб еча бошлади. Чўтир бу шимни бир ой аввал Олма-отадан сотиб олганди. Анча пишиқ матодан тикилган, қишда совуқ ўтказмасди. Иккинчи бўлиб етиб келган жангари унинг оёғидаги туфлисига ёпишди. Улар жон ҳолатда Чўтирнинг қўл ва оёқларини синдиргудек қайириб, эгнидагиларни ўзга шериклари етиб келмасдан тезроқ ечиб олмоққа ошиқарди. Қўл ва оёқлари қийноқлар азобидан қанчалик оғримасин Чўтир овоз чиқариб бақиршига ўзида куч тополмади. Унсиз ингради, бироқ заиф бу овозни эшитган жангарилар

унинг оҳу-додига аҳамият беришмасди. Бояги икки жангари тепадан тушиб келаётган шериклари етиб келгунча унинг бор-будини ечиб олишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. Шундай ҳам бўлди. Улар етиб келганда Чўтирни ечинтириб бўлишганди. Чўтир чалқанчасига, яланғоч ҳолда ётарди.

— Қаранглар, унинг закари йўқ! — овозининг бори-ча қичқириб юборди бир жангари. Шунда ҳамманинг кўзи Чўтирнинг чотидаги ярага тушди.

— Балки хоним кесиб ташлагандир! — кимдир ҳазиломуз гап отди. Кимдир қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Бу эски яра! — деди бошқа жангари. Шунда улардан бири энкайиб, ердан қуриб, қовжираб қолган чўпни олиб ярага теккизди.

— Яра эски, — деди у ҳам ҳомуш оҳангда.

Одилов хонимни эргаштириб ўз кулбасига кириб келар экан, тахта каравот устида ёйилиб, бир томони ерга тушиб кетган тўшакни кўрди. Оёғи остида сув сақланадиган сопол кўза синиб ётарди. Буни кўрган Эргашбой ҳақиқатан ҳам Чўтир хонимни қаттиқ қийнаганлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг бу ҳаракатларини ўзига нисбатан ҳақорат, деб қабул қилди. Чўтирга қаттиқ ишонганди. Қайсидир томонларини ёқтириб ҳам қолганди. Бўрибойнинг ўрнини босишига ишонганди. Бу ерга келганидан бери ёмон ишламади. Унинг тиниб-тинчимаслигини билган Одилов вақти келиб ўзига ёрдамчи қилиб олишни ҳам юрагининг бир четига тутиб қўйганди.

Аммо асраб-авайлаган, ишонган одамнинг кутилмаганда қўйнида ётган аёлга нисбатан хиёнат қилиши, нонини еб тузлиғига тупуриши Одилов учун кечириб бўлмас гуноҳ эди. Чўтирни бу қадар паст кетишига, ношукурлик қилишини ҳазм қилолмасди. Ишонган одами шундай қилса, ўзгалардан нимани кутиш мумкин? Бугун шундай қилибдими. эртага ўрнини эгаллаш учун, жонига суиқасд қилишга ҳам тайёр. Йўқ, уни тириклай тош остига бостириш керак

эмас, балки гулхан ёқиб, алангада куйдириш керак! Одиловнинг назарида Чўтир ҳар қандай жазога лойиқ эди.

Одилов Червон хонимнинг қийналганига яна бир бор ишонч ҳосил қилди-да, ачиниш ила нигоҳларини унга қаратди.

— Бу юзсиз ичингиздаги илон экан, — деди хоним ўртага чўккан сукунатни бузиб. — Аввал мени авради, ўзим билан Туркияга олиб кетаман, ўша ерда маза қилиб яшаймиз деди. Одиловнинг куни битди, одамлари ҳукумат томонига оғиб кетди. Ташқарида юрган санокди кишиларию хўжа кўрсинга уни қўлаб турган ҳомийларининг қўлидан нима келарди, деб айтди.

— Юрагим адо бўлди,! Кимга ишонишни, кимга суянишни билмай қолдим. Назаримда салгина ғафлат босса кимдир жонимни суғириб оладигандек, бу ерда юрган одамларим ҳукуматга тутиб берадигандек туюлади. Ваҳимада яшаяпман, вас-вас касалига чалиниб қолган кўринаман. Бот-бот юрагим санчийди, кўзимга олам тор кўринади. Бу дунёга сиғмай қолдимми ёки дунё мени ўз бағрига сиғдирмай қўйдими, бу Яратганга маълум.

— Бу ишларингизни ташланг, бошимизни олиб худонинг қарғиши теккан дўзахдан кетайлик, тинчроқ мамлакатга бориб беҳавотир яшайлик.

Одилов оҳ урди. Юрагини нимадир пичоқ мисоли тилди.

— Ярамни янгиламанг, хоним. Амал деб, ўзгаларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, Ватандан кетдим. Туғилиб, вояга етган юртига сиғмаган одам ўзга юртга сиғармиди? Қайга борсам изимдан кўрқув ва хадик эргашади. Болалигим ўтган, ота-онаминг, боболаримнинг хоки ётган юртнинг тупроғини хидлаб ўлсам, бу дунёдан армонсиз кетардим. Жудолик инсон бошига қандай мусибатлар солишини энди тушундим. Кимлардир менга беҳисоб бойликларни, шохона қасрларни ваъда қилди. Қани улар? Нега ёнимда эмас? Мана, ўзингиз

кўрган юртда худди дўзах ичида юргандай ўз ёғимга ўзим қовурилиб яшаяпман. Мен қўғирчоққа айланиб қолган одамман, хоним. Одам сийратида бўлсам-да, аслида қўғирчоқман. Юртга қайтай десам отишади. Оқибатини ўйламай гуноҳсиз одамларнинг қонини тўқдим, уйига ўт қўйдим, боласини чавақлаб ташладим. Ноиложки, энди мени қўғирчоққа айлантириб олган кимсаларнинг топшириғини бажаришга, ўз юртимга, ўз туғишганларимга қарши тиф кўтаришга мажбурман!

— Эгилган бошни қилич кесмас, дўмбоғим. Бош эгиб борсангиз, ҳукумат бир қошиқ қонингиздан кечар!

— Ҳукумат кечар, одамлар ҳам кечирар, аммо виждон-чи?

Одилов бўйнини эгиб хонимга қаради. Хоним унинг кўзларига тик боқидан ийманиб, кўзларини қаерга яширишни билмай довдираб қолди. Бу қарашлардан хоним, «Ўзинг-чи, ўзинг нега бу ерларда қутирган итдай дайдиб юрибсан, ҳукумат бир қошиқ қонингдан кечишини билсанг, нега ортингга қайтиб бормайсан», деган маънони уқиб олганди.

Эшик тақиллади, хўжайин бошини кўтарди. Кўзларини эшик томонга қадади.

— Кир! — деди бўғиқ овозда.

Остонада Мирюнус пайдо бўлди. У негадир хонимга қараб қўйди.

— Хўжайин, қулоғингизга айтадиган муҳим гап бор... — деди иккиланиб.

— Айт!

— Андак нозик гап-да, хўжайин...

Одилов ташқарига чиқди. Ортидан Мирюнус эргашди. Хонимнинг юрагига ғулғула тушди. Ўрнидан турди-да, оёқ учида эшик олдига борди. Аммо қулоғига овоз эшитилмади. Кейин туйнук олдига ўтди. Қўрқувдан катта бўлиб кетган кўзларини ташқарига тикди. Хўжайин боя Чўтирни улоқтириб юборишган

жарлик томонга борарди. Хонимнинг хаёлига «Чўтир ўлиб қолдимикин», деган ўй келди. Вужудини тер босганди. Оёқлари титрарди. Лаблари тинимсиз пичирлаб, «вой худойим-ей, ишқилиб шарманда қилмагин», дерди.

Одилов пастликка тушди. Йигитлар бошлиққа йўл бўшатишди. Тош устида яланғоч ҳолда, кўзларини кўкка қадаб Чўтир ётарди. У инграрди. Калтак ва тепкилар зарбидан шилиниб кетган бадани кўкариб, сизиб чиққан қонлар қорайиб, қотиб қолганди. Қуёш нурлари юзига тушиб турарди. Бошлиқ Чўтирнинг тепасига келди. Аввал унинг таниб бўлмас даражага келган юз-кўзига боқди. Нигоҳи нозик жойига тушдию, ўзини бу ерга нима мақсадда чақиртирилганлигини тушунди.

— Буни ким қилди?! — деди Мирюнусга юзланиб.

— Ўзи шу аҳволда экан хўжайин, — деди Мирюнус елкасини қисиб. — Олатининг кесиб ташланганига бир ой бўлган-ов.

— Зудлик билан докторни чақир! — деди бошлиқ қалтираб. — Чўтир ўладиган бўлса терингни шилиб оламан.

Одилов атрофда қўл қовиштириб турган йигитларга буюрди.

— Бу гап ўзгаларнинг қулоғига етиб борса, бирортанг менинг чангалимдан соғ чиқмайсан! Кўрган билганингни шу ерга кўмасан!

У яна бир бор Чўтирнинг қонга беланиб кетган юзига боқди.

У кўзларини очди. Одиловга юзланди.

— Сув...

Йигитлардан бири Чўтирнинг қақшаб, қорайиб ва ёрилиб кетган лабига сув тутди. У ютоқиб, бир-икки хўплам ичди.

— Хўжайин... хўжайин, менинг айбим йўқ, — зўрға тилга кирди Чўтир.

Одилов унинг бошини кўтариб, гавдасини бағрига босди.

— Бу кимнинг иши, иним?

Чўтир гапиролмади.

Титраб-қақшаган Одилов кулбасига қайтди. Унинг кўнгли зимистон эди. Ичидан отилиб чиқаётган нафрат-у ғазаб кўксига сиғмасди. Қўллари мушт бўлиб тугилганди. Ичкарига кириши биланоқ Червон хоним;

— Тинчликми? — деб сўради.

Одилов кескин ортига ўтирилди. Унинг кўзлари чўғ мисоли ялтирарди. Бу кўзларда акс этиб турган ғазабни хоним ўзига қаратилганлигини тушунди.

— Буни сендан сўрамоқчиман, қанжиқ!! — Бутун ғазабини икки калима шу сўзга жо қилиб бақирди хўжайин. Ўзини босишга, сирни фош этмасликка қанчалик ҳаракат қилмасин иложини қилолмади. Хонимнинг юзлари қизарди.

— Нега менга бундай қарайсиз? Гуноҳим нима?

— Нима гуноҳ қилганингни яширганинг билан мана бу кўзларинг фош қилиб турибди! — Одилов икки бармоғини хонимнинг кўзлари томон чўзди. Аёл орқага тисарилди. Оёғи нимагадир илиниб, қоқилди.

— Мен ҳеч қандай тухмат қилмадим. Ўзи ёпишди. Дод солдим. Одамларингиз гувоҳ!

Ёлғон! — Бақириб юборди Одилов. — У сенга тегмаган, теголмасди ҳам!

— Қасам ичайми?!

— Қасам, нима деб ичасан ўша қасамни, сен қасамни кўп ичгансан қасам хўр! Ўша қасамлар энди сени урди. Сен қанжиқ тузимни ичиб, тузлиғимга тупурдинг! Ишонч-ли одамларимни ўлдирмоқчи бўлдинг! — Одилов илон чаққандек турган жойида депсаниб ўшқирарди. — Сен бу ерга бежиз келмагансан. Кимдир юборган. Сирларимни олмоқчи бўлгансан. Ишончли одамларимни бир-бирига душман қилмоқчи бўлгансан. Мақсадинг бу ердагиларни гуруҳга ажратиб, бир-бирига қарши қўйиш бўлган. Ким сенга бундай ишларни ўргатган, айт қанжиқ?!

Одилов қалтироқ қўллари хонимнинг бўғзи томон чўзиб кела бошлади. Йўқ, унинг узатган қўллари етиб бормади. Эшик очилиб Мирюнус кўринди.

— Дўхтир Чўтирнинг аҳволи оғир эмас, деди хўжайин!

— Бу қанжиқни йигитларнинг ичига ташла, билганларини қилишсин!

Хоним уввоз солиб йиғлади. Одиловнинг пойига тиз чўқди.

— Худо хайрингизни берсин, бундай қила кўрманг. Ундан кўра бошимни кесиб ташланг!

— Бошингни кесадиган қилич харом бўлади!! — ўшқирди Одилов.

Мирюнус кенг гавдали, полвон келбатли йигит эди. Ерга узала тушиб ётган хонимни даст кўтарди-ю, ташқарига олиб чиқиб кетди. Хонимни улоқда қолиб чиққан чавандоздек йигитларнинг олдига ташлади.

— Билганларингни қилинглар!

Йигитлар ув тортиб юборишди.

Кимдир аёлнинг оёғига, кимдир белига, кимдир кўкрагига чанг солди. Бақувват панжалар унинг нозик баданига паншахадек санчиларди. Тўрт йигит типирчилаб ётган хонимни даст кўтаришди ва жар томон олиб кетишди.

- 21 -

Тошкентдан юборилган ходимнинг вазифаси қандай қилиб бўлса-да, Маҳмуднинг гуруҳи ичига кириш эди. Чекистнинг зиммасига катта ва ўта масъулиятли вазифа юкланганди. У Маҳмуднинг олдига келаётган кишиларнинг шахсини, қайси мамлакат фуқароси эканлигини, қандай топшириқ олишини аниқлаши лозим эди. Кейинги пайтда шаҳарларда вазият мураккаблашганди. Афронистондан юборилган маълумотларга асосан кўплаб жангарилар қўлга олинган бўлса-да, гуруҳ бошлиқлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш

идораларидан қочиб юришарди. Одилов билан алоқада бўлган қўшни мамлакатлардаги террорчи гуруҳ аъзоларининг шахсини аниқлаш, уларни қўлга олиш тадбири бошланганди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўз одамларини уларнинг сафига киритишни лозим топди. Разведка бошқармаси Қурбон Ҳамидовни Олма-отага жўнатди. Бироқ разведкачи қанчалик ҳаракат қилмасин гуруҳ сафига киролмади. Маҳмуд бу ернинг одамларига ишонмасди ва уларни ўзига яқин келтирмасди.

Катта миқдордаги бойлик эвазига тирик қолган Чўтир кутилмаганда Одиловнинг чақируви билан Афғонистонга кетганди. Маҳмуд хотиржам эди. Чўтир уни сотишига ишонмасди. Агар сотгудек бўлса, Маҳмуд Одиловга «хонимнинг номусига текканлиги учун жазоладим» деса, «бошлиқ гуноҳимни кечар», деб ўйлаганди. Шундан кўнгли тўқ эди. Чўтир қачондир Маҳмуд билан юзма-юз келиши ва албатта, ундан қасос олиши мумкинлигини ҳам унутмасди. Чўтирни Афғонистонга жўнатгандан сўнг Маҳмуд у ердаги одамларига ундан кўз-қулоқ бўлиб туришни, Маҳмуд билан боғлиқ бирор оғиз ножўя гап-сўз тарқалгудек бўлса, ўша заҳотиёқ уни йўқотишни буюрганди. Кутилмаганда Маҳмуд ўз йигитларидан нохуш хабар олди-ю, таҳликага тушиб қолди. Алоқачининг маълум қилишича, Чўтир Маҳмудни ёввойиларча қийнаб, азоблаганини хўжайинга сўзлаб берган. Одиловнинг қаҳри кўзиб, уни Афғонистонга чақирмоқчи бўлганлигини ҳам маълум қилганди. Маҳмуд бугун бўлмаса эртага Одиловнинг қонхўр йигитлари, албатта, уни излаб келишини биларди. Чўтирни қандай жазолаган бўлса, бундан баттарроқ қийноқларга солиши мумкинлигини кўз олдига келтирди. Бу ҳақда ўйлаб, бош қотириб ўтиришнинг мавриди эмасди. Маҳмуд зудлик билан пулларини йиғиштирди. Қарз-

ларини ундирди. Уйда қолган буюмларини ҳам арзон гаровга сотиб юборди. Уч йилдан бери савдо-сотик билан шуғулланиб, катта маблағ тўплаганди. Бундан ташқари Одилов томонидан ва Чеченистондаги жангариларни рағбатлантириш мақсадида юборилган катта миқдордаги маблағларни ўзлаштириб келганди.

Маҳмуднинг гуруҳига қўшилолмаган чекист унинг уйдан олис бўлмаган ҳовлини ижарага олди. Унинг деразалари кўча томонга қарагани учун бу ердан Маҳмуд яшаётган хонадонни кузатиш, кимлар келиб-кетаётганлигини аниқлаш мумкин эди. Чекист келганидан бери деярли ўз бошлиқларига маълум қиладиган бирорта муҳим маълумот тўплаёлмади. Фақат ҳар куни объектнинг ўз хонадониде яшаётгани, унинг олдига эътиборни тортадиган киши келмаётганини бошлиқларига маълум қилиб турарди, холос.

Ўша куни чекист Маҳмудни учратолмади. Дереза олдидеги йўлақдан кунига икки-уч бор ўтиб турадиган Маҳмуд бирор маротаба бўлсин ўтмади. Тушдан сўнг чекистнинг юрагига шубҳа тушди. Зудлик билан эски кийимларини кийиб, иккита пақирни қўлига олиб Маҳмуд яшаётган хонадонга кирди. У кун ора уй эгасининг ҳайвонлари учун ортиб қолган озиқ-овқат ва пўчоқларни йиғиштириш баҳонасида хонадонга кириб турарди. У ичкарига кирдию кўзига ҳеч ким кўринмади. Бир-икки чақирган бўлди. Товуш бўлмагач, чекист Маҳмуднинг қочиб кетганлигини билди. Бироқ қаерга, қачон кетган бўлиши мумкин? Чекист уни тунда кетган бўлса керак, деган хаёлга борди. Зудлик билан ортига қайтиб, телефон орқали бошлиқларига бу ҳақда маълумот жўнатди. Бошқарма бошлиғи унинг изига тушишни, қаерга кетганлигини аниқлаш вазифасини топширди. Маҳмуд авто йўллар орқали қўшни давлатларга ўтиб кетолмаган. У фақат узоққа қочиб кетиши мумкин, деган қарорга келди. Афғонистондан олинган маълумотлардан Одилов ҳам

унинг изига тушгани маълум бўлди. Шу мақсадда чекистлар уни фақат хорижий мамлакатлардан бирига кетиши мумкинлигини тахмин қилишди. Қурбон Ҳомидов халқаро аэропортга жўнади. Эрталабданоқ бу ерда одамлар гавжум эди. Тўполонда Маҳмудни топиш қийин эди. Шундай бўлишига қарамай чекист йўлакларни, самолётга чиқиш бўлимларини кўздан кечирди. Кечгача у Маҳмудни излаб тополмади. Яна бошлиқларига қўнғироқ қилиб, воқеа билан уларни таништирди.

— Зудлик билан етиб келинг, — дейишди раҳбарлар. Чекист кечки рейс билан Тошкентга парвоз қилди.

-22-

Фотхуллохоннинг кўрсатмасига асосан водийнинг яна бир туманида уюшган жинойи гуруҳни қўлга олиш операцияси олиб бориларди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари шаҳардан унча олис бўлмаган маҳалладаги кўримсизгина бинони ўраб олишганди. Жангарилар дераза ва эшик тирқишидан автомат ва бошқа ўқ отар қурооларининг учини чиқариб, остонани босиб ўтган милиция ходимини ўққа тутишга шай туришарди. Овоз кучайтиргич орқали бир неча бор уларга мурожаат қилинган бўлса-да, жангарилар таслим бўлишни хоҳлашмасди. Бу ерда ўқ отиш хатарли эди. Одамлар зич яшарди. Тор ҳовлилар бир-бирига тутшиб кетганлиги боис отилган ўқ атрофдагиларга хавф туғдириши мумкин эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари шунинг ҳисобини олишганди. Шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи милиция майори Толибжон Каримов жангариларга қурооларни ташлаш тўғрисида ўзининг сўнги талабини қўйди. Улар талабни рад этишди. Милициянинг ихтиёрига ўзларини топширмасликни айтишди. «Биз қасам ичганмиз! Муқаддас қасамимизни бузиб, сенларга таслим бўлмаймиз. Мақсадимиз йўлида ўлиш бизга шараф»!, деб бақиршарди. Милиция ходимлари ҳовлига тушишди. Девор-

дан ўтишлари биланоқ жангарилар уларни ўққа тутди. Милиционерлар орқаларига қайтишга мажбур бўлишди. Толибжон Каримовнинг боши қотди. Кутилмаганда хаёлига уйнинг томига чиқиб, мўридан уч-тўртта кўздан ёш оқизувчи граната ташлаш фикри келди. Тўрт ходим томга чиқишди. Шифернинг тарақлашидан жангарилар огоҳ бўлишди. Қўлларидаги автомат ва милтиқларнинг учини тепага қаратиб ўқ узишди. Бир зумда том устидаги шиферлар илма тешик бўлиб кетди. Жангариларнинг диққат эътибори томга қаратилганда ташқаридаги ходимлар учун ичкарига кириш имконияти туғилганди. Яна ўн чоғлик милиционерлар ҳовлига тушишди. Улар ерга бағрини бериб уй томонга силжишди. Ичкарида нечта жангари борлиги Каримовга маълум эмасди. Майор кўпи билан икки жангари бўлса керак, деб хаёл қилганди. Милтиқлардан отилган ўқлардан уларнинг сони бешта эканлигини аниқлади. Жангарилардан бири ерга бағрини бериб, ўзлари томон келаётган милиционерларни кўриб қолди. Автомат тилга кирди. Икки милиционер ҳалок бўлди. Улардан бири ярим метр баландликка кўтарилиб, икки қулоч нарига учиб кетди. Иккинчиси эса ерга қапишганча қимирламай қотиб қолди. Қарши томонда турган милиционерлар ҳам автоматларни ишга солишди. Отилган ўқлар деворларни илма-тешик қилиб ташлади. Жангарилар сафида эндигига олтинчи синфни битирган Зафар исмли ёшгина йигитча бўлиб, у шу хонадон эгасининг ёлғиз фарзанди эди. Жангарилар болакайнинг қўлига ҳам тўппонча тутқазишганди. «Рўпарангдан чиққан мелисани отаверасан», деб уқтиришганди. Зафар бағрини ерга бериб ётган милиционерларга қарата ўқ узарди. У нишонга олишни билмасди. Ўқ мўлжалга тегмаётгани билан қизиқмасди. Муҳими отасининг топшириғини бажарарди. У бир неча бор қўлидаги қуролни улоқтириб, уйнинг бурчагига яшириниб ҳам олди. Бир гал отаси, иккинчи гал шериклари боланинг оёғига тепиб, қўлига тўппон-

ча тутқазиб қўйишди. Тепки зарбалари, оғриқлар, ҳақоратлар уни оёққа туришга, қўлига қурол олишга мажбур қилганди. У ўзини ҳимоя қилишни хаёлига ҳам келтирмасди. Отасининг қистови билан болакай ойнаклари синган деразадан бошини чиқариб олганди.

— Бошингни баланд кўтар!! Қўрқма, ментлар болаларни отолмайди! — бақриб, ўзларича Зафарга кўрсатма берарди гоҳ отаси, гоҳ шериклари.

— Мен отмайман! — йиғлаб дерди Зафар.

— Сен отмасанг мен сени отаман!! — ўшқирди кўзи қонга тўлган ота ўз пушти камаридан яралган фарзандига.

— Отангни айтганини қил!! — қўшилди деворга орқаларини тираб олган жангарилардан бири. — Отаннинг гапини қайтарган фарзанд дўзах ўтида ёнади!! Шайтоннинг гапига кирма!! От, мўлжалга олиб от!! Ўлсанг жаннатга тушасан!!

Бола кўзларини юмиб ўқ отар экан, овозини баланд кўтариб дод соларди. Нима сабабдан одамлар бири-бирини отишаётганини, бир-бирларини ўлдиришаётганини билмасди. Толибжон Каримов ходимларига болага қарата ўқ узмасликни бир неча бор тайинлади. Болакай деразадан бошини чиқариб олгач милиционерлар ўқ отишни тўхтатиб қўйди. Майор овоз кучайтиргични қўлига олиб, болага ўзини четга олишни айтди. Бироқ жангарилар болани турган жойидан силжитмасликка, қўлидаги қуролни ташламасликка, мелисаларга қарата ўқ отишга мажбур қилишди. Улар боладан қалқон ўрнида фойдаланишарди. Жангарилардан бири болани даст кўтариб, дераза устига чиқариб қўйди. Ўзлари унинг панасида ҳовлига кириб келган ходимларни ўққа тутишди. Гуруҳ ходимлари нима қилишни билмай қолишди. Милиционерлар бирин-кетин нобуд бўлишарди. Буларнинг ҳаммаси боланинг кўз ўнгида кинодагидек намоён бўларди. Унинг қичқирган овози дилларни вайрон қиларди. Ниҳоят бола деразадан сакраб пастга тушди. Қўлидаги тўппончани ерга

улоқтирди. Автомат ва тўппончанинг овози ўчди. Ҳамманинг кўзи болада эди. Зафар милиция ходимлари томон чопди. Ортидан отасининг «Қайт ҳароми», деган овози эшитилди. Бу орада милиция ходимларидан бири қуролини ташлаб, болага талпинди. Уй эгасининг яна «қайт ҳароми», деган овози ҳовлига чўккан жимликни бузиб юборди. Кейин отасининг гавдаси кўринди, қўлидаги автоматни фарзандига қаратиб ўқ узди. Бола ўзини дайди ўқлардан сақлаб қололмади. Улардан бири томоғини тешиб ўтди. Зафарнинг оёғи ердан узилди. Икки қадам олдинга учиб борди ва орқаси билан гурсиллаб ерга йиқилди. Бу орада жангарилар отган ўқлардан бири, болани қутқариш учун келаётган милиционернинг кўкрагини тешиб ўтди. У Зафарга яқин келиб, қўлларини чўзишга улгурганди холос.

Томга чиққан милиционерлардан бири тирик қолганди. Ўқ унинг кўкрагини ялаб ўтганди. Яраланган жойдан қон оқарди. Мадорсизланган милиционер кучини тўплаб, қўлидаги гранатани маҳкам чангаллаб, мўри томон судралиб келарди. Ўқ тегиб, қонга беланган икки милиционер шифер устида чўзилиб ётарди. Учинчи милиционер эса ўқ тешиб ўтган оёғини чангаллаганча инграрди. Кўздан ёш оққизувчи граната ушлаган милиционер ниҳоят мўрининг тепасига келди. Бутун кучини тўплаб оёққа турди-да, қўлидаги гранатани пастга улоқтирди, иккинчисини ҳам шу тариқа ташлади. Унинг кўзлари бирдан тиниб кетди. Ер айланиб кетгандек бўлди. Мўридан пастга эгилган бошини кўтаришга куч тополмай ҳушини йўқотди. Гранаталар портлаб, уй ичини қора тутун босди. Жангарилар отишмани тўхтатишди. Нафаслари бўғилиб, димиқиб, ўзларини қаерга уришни билмай сўкинишарди. Уларнинг йўталгани ва сўкингани ташқарига эшитилиб турарди. Тутунга чидай олмаган жангарилардан бири ташқарига чиқди, орти-

дан қолганлари эргашди. Улар қуролларини уй ичида қолдиришганди. Ичкарида биттаси қолганди. У ташқарига чиқишни истамасди. Тинимсиз йўталган овози эшитилиб турарди. Хона ичидаги қўрғошин тусли тутун босилганди. Қоронғу хона кўзга ғира-шира ташланиб турарди. Ташқарида турган милиционерлар яна девор ошиб ичкарига киришди. Қуролсиз жангариларни зудлик билан ташқарига олиб чиқиб кетишди. Толибжон Каримовнинг нигоҳи хона ичида қолган уй эгасида эди. Уни тезроқ чиқшини кутарди. Аммо орадан кўп ўтмай гумбирлаган овоз, осмонга учиб кетган том, бўлак-бўлакларга ажраб кетган ёғоч парчалари, қоп-қора тупроқ, ёниб бораётган хас-хашаклар ҳаммани даҳшатга солди. Уй эгаси ўзини портлатиб юборганди.

-23-

Терговнинг иккинчи куни Фотҳуллохоннинг мазаси қочиб қолди. Терговчининг саволарига жавоб беришга улгурмасданоқ йўтал тутта бошлади. Бир зумда ранги кўкариб, ўзини лоҳас ҳис этди. У палатасига етиб боролмади, йўлақда ҳушидан кетиб йиқилди. Врач зудлик билан унинг томирига дори-дармон улади, ўпка касалликлар шифохонасидан мутахассис чақиришга мажбур бўлди. Мутахассис беморни касаллик варақаси билан танишиб чиқди. Унинг ўйчан кўзлари хастанинг исми шарифида бир неча дақиқа тўхтаб қолди. У палатага кирмай қайтиб кетишни ҳам ўйлади. Ноилож беморни кўришга қарор қилди. Хастанинг ич-ичига ботиб кетган кўзларига узоқ тикилди. Суяклари ирғиб чиққан озғин чехраси, бурнининг пастки қисмидаги мошдек холчаси шифокорнинг шубҳасини оширди. Бу Фотҳуллохон эканлигига ишонди.

Иброҳим олийгоҳни тугатиб, водийда ишлаб юрган кезлари Эргашбойнинг гуруҳига тасодифан, аниқроғи бир курсдош дўстининг таклифи билан кириб

қолганди. Ўшанда гуруҳ раҳбарларидан бири уни поликлинаика бош врачлигига ишга ўтказиб қўйишга ваъда берганди. Гуруҳга қўшилган Иброҳим ўзига ажратилган маблағни айнан Фотҳуллохоннинг қўлидан олиб турарди. Қилаётган ишлари тўғрисида ахборот берарди. Унга ҳамкасблари орасидан ишончли одамларни топиб, гуруҳ аъзоллигига қабул қилиш вазифаси топширилганди. Иброҳим гарчи яхши мутахассис бўлмаса-да, яхши ташкилотчи эди. Бундан ташқари у бойликка ҳирс қўйган, пул учун ҳамма ишга ҳозир у нозир бўлган ширин томоқ йигит эди. Тез орада гуруҳга мойил одамлардан уч-тўрттасина топди. Уларни синаб ҳам кўрмай аъзоликка тавсия этди. Янги аъзоларга берилиши лозим бўлган ҳақни ҳам Фотҳуллохондан олиб, уларга етказарди. Кейинчалик Фотҳуллохон гуруҳ ҳақида хиёнат қилиб, уларга тўланиши лозим бўлган пулни баъзида бериб, баъзида бермай юрди. Орадан кўп ўтмай Эргашбойнинг топшириғи билан у пойтахтга кўчиб кетди. Марказий касалхоналардан бирига ишга жойлашди. Гуруҳнинг фаолиятини кенгайтириш, унинг сафига янги одамларни қўйиш билан шуғулланди. Ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажарди. Ҳозир ўз одамларидан бирини, аниқроғи бир пайтлар ҳаққига хиёнат қилган Фотҳуллохонни кўриб, юраги тўхтаб қолаёзди. Ахир одамлари уни Афғонистонга бориб келганини, қайтиб келгач бир йигитни бўғизлаб, бутунлай кетганини, Эргашбойнинг буйруғи билан зиндонга ташланганини ҳамда, ҳалок бўлганини айтишганди. Қандай қилиб бу ерда пайдо бўлиб қолди? Демак, у ўлмаган кимдир зиндондан қочирган. Чегарачилар уни тутиб олишган. Тузалиб қолса, уни тергов қилишади. Терговда гуруҳни фош қилади, Иброҳим ўз-ўзидан кўрқа бошлади. Уни қўлга тушганидан бошлиқлар хабардормикин, деган савол миясига урилди.

Иброҳим юзаки нафас олиб ётган Фотҳуллохоннинг ўпкаси ва юрак уришини текширди. Унинг

тузалиб кетишига, касалини даволаш қийин эмаслигини билиб, қандай йўл билан бўлса-да, қарияни тинчитиш тўғрисида бош қотирди. Қаршисида турган ҳамширага беморнинг қон томирига қирқ фоизли глюкоза улашни буюрди. Ўзи врачлар хонасига чиқиб кетди. Ҳар эҳтимолга қарши сумкасидан беш кубикли клофирин дорисини олиб, шприцга сурдирди-да, чўнтагига солди. Палатага қайтиб кирганда ҳамшира беморнинг қон томирига глюкоза улаб қўйганди, ўзи кўринмасди. Фотҳуллохон бироз бўлса-да ўзига келган, кўзларини очиб ётарди. У Иброҳимни таниди.

— Сиз... шу ердасизиз? — деди қақшаган лабларини зўрға қимирлатиб. — Қандай қилиб бу ердасизиз?

Иброҳим беморнинг нурсиз кўзларига тикилиб, нима дейишни билмасди.

— Мени кимгадир ўхшатаяпсиз ота, — деди овози қалтираб.

— Наҳотки кўзларим мени алдаётган бўлса? Ахир сиз Иброҳимсиз, дўхтир Иброҳимсиз...

Иброҳим безовталанди, хонага бегона одамнинг кириб қолишидан кўрқди. Ўйлаган режасини тезроқ амалга оширишга ошиқди.

— Мени азоблашди Иброҳимжон, тириклай гўрга тикмоқчи бўлишди. Хайрият, бахтимга Бўрон ўша ерда экан. Жонимни сақлаб қолди... Сизга насиҳатим Эргашбойга ишонманг. У бизни адо-ю тамом қилди...

— Кўп гапириш мумкин эмас сизга...

Иброҳим шоша-пиша системанинг игнага уланган бўлагини суғириб, бир дақиқа ҳаво сурдирди ва уни жойига қайта улаб, тезгина ташқарига чиқиб кетди. Бироз ўзига келган Фотҳуллохон вужудида қандайдир ўзгариш бўлаётганлигини, нафас олиши оғирлашиб бораётганини сизди. Кўкраги баланд кўтарилиб, икки-уч бор типирчилаб, сўнг унсиз ҳолда тўшакка миҳланиб, тинчиб қолди. Ҳамшира кириб келганда унинг кўзлари шифтга қадалганча қотиб қолганди:

Суд паталогик тиббий экспертизаси Фотҳуллохонни қасддан ўлдирилганлиги тўғрисида хулоса берди.

Тергов ва суриштирув органлари ходимлари бу қотилликни уюштирган кимсани топиш учун текширув ва суриштирув ишларини бошлаб юборди. Фотхуллохоннинг қон томирига юборилган суюқлик модданинг идиши ва унга уланган мосламадан олинган бармоқ излари бу ерга чақирилган Иброҳимжоннинг бармоқ изларига мос эканлиги аниқланиб, зудлик билан уни қўлга олишга буйруқ берилди. Касалхонадан чиққан Иброҳимжон ўша куниёқ уйига ҳам кирмай Қирғизистонга ўтиб, шу мамлакат орқали Афғонистонга ўзининг раҳномолари ҳузурига йўл олганди.

- 24 -

Лагерда бўлаётган ишлар Эргашбойнинг назарида кун сайин кўрқинчли тус олаётганди. Ўз одамлари кўзига шубҳали кўринар, бугун бўлмаса эртага албатта кимдир унинг жонига қасд қиладигандек туюларди. Шу сабабли тинчи бузилиб, юрагини кўрқинчли ҳиссиётлар чулғаб олган, тунлари ороми бузилганди. Уйқуси қочиб, тикон устида ётгандек тўлғанарди... Гоҳ наша чекарди, гоҳ мих қоқилган тахта устига ўтирарди. Киприклари юмилиши биланоқ кўзига боши кесилган, қонга беланиб ётган мурдалар кўринарди. Бир вақтлар бошини танасидан уздирган тўрт йигитнинг сиймоси хаёлида тез-тез жонланарди. Ўша йигитларнинг оҳу ноласи, қарғишлари ҳозир ҳам қулоқлари остида жаранглайди. Бундай пайтда Эргашбой чўчиб уйғонар, бошини қайта болишга қўйишга юраги безилларди. Анча вақтгача ўзига келолмай, совуқ терга ботиб ётарди. Айниқса, кечаги воқеадан сўнг у баттар кўрқадиган, ваҳимали тушлар кўрадиган бўлиб қолди. Чўтирнинг эркаклигидан маҳрум қилган кимсанинг кимлигини билолмай юраги ёнарди. Нега унга бундай жаззони лойиқ топишди? Қайси гуноҳи учун? Эргашбойнинг қўлидаги маълумотларга кўра Чўтир Ўзбекистондан яхши кайфиятда қайтган. Берилган топшириқни бажарган. Сўнг Қозоғистонда — Маҳмуднинг кулбасида бир ойча яшаган. Хабарчилар ҳам, Червон хоним

ҳам уни Олма-отада ёмон яшамаганлигини, Маҳмуд унга барча қулайликларни яратиб берганлигини айтишган. Шундан Эргашбойнинг кўнгли тўқ эди. Ўнинг ўзича тузиб қўйган режалари ҳам йўқ эмасди. Маҳмудни олдига чақириб, ўрнига Чўтирни қолдирмоқчи эди. Эргашбойнинг тахминига кўра бу воқеа Маҳмуднинг уйида содир бўлган. Бу ишда унинг қўли бор деган қарорга келди бошлиқ. Маҳмуднинг кейинги бир йил ичида ўзгариб қолганлиги ҳамда гуруҳ томонидан берилган топшириқларни бажаришни пайсалга солиб келаётганлиги бошлиқнинг шундай тўхтама келишига мажбур қилганди.

Эргашбой Чўтирга қаттиқ ишонарди, ёлғон гапирмаслигини биларди. Икки йилдан бери топшириқни кўнгилдагидек бажариб келмоқда эди. Тиниб-тинчимаслиги ва ҳаракатчанлиги билан хўжайиннинг эътиборини қозонганди. Эргашбой унинг яхшиликларини унутмайди. Айниқса Тожикистонда ҳукумат тарафдорлари билан бўлган жангда дайди ўқдан яраланиб, ер чангаллаб, қонига беланиб, ўзгаларнинг оёғи остида тепкиланиб ётганда жонига мана шу йигит аро кирган. Ҳаётини хавф остида қолдириб, жангоҳдан олиб чиққан.

Тун ярим бўлганлигига қарамай Эргашбой шахсий доктори Абу Толибни ҳузурига чақиртирди. У бошлиқнинг топшириғи билан Чўтирни даволаш билан машғул эди. Керакли дори-дармонларни қабул қилгач беморнинг аҳволи яхшиланиб, ўзига келди. Танасини оловдек куйдираётган иситма тушди. Ўзини енгил ҳис этиб, ўрнидан туриб ташқарига чиқа бошлади. Шундай бўлсада юз-кўзлари ва баданидаги шилинган, жароҳатланган жойлардаги оғриқ босилмаганди. Абу Толиб беморнинг аҳволи яхшиланган бўлса-да, хўжайиннинг қаҳридан кўрқиб, унинг олдидан жилмай ўтирди.

— Чўтирнинг аҳволи қандай?, — сўради Эргашбой ичкарига кириб келган доктордан.

Абу Толиб енгил нафас олди ва Эргашбойнинг уйқусизликдан қизариб кетган кўзларига боқди. Кейинги пайтда хўжайиннинг озиб-тўзиб кетаётганлигидан «бирор дардга чалиндимикин», деб ўйлаб юрарди. Эргашбойнинг синикиб кетган юзига, ич-ичига ботиб кетган кўзларига термудди.

— Кўп ташвишланманг амирим, — деди доктор бошиқлик билан. — Назаримда ўзингизни анча олдириб қўйганга ўхшайсиз. Бирор жойингиз безовта қилмаяптими?

— Юрагим сиқиладиган бўлиб қолди Абу Толиб. Кечалари уйқум келмаяпти. Ёстикқа бошим тегиши биланоқ ваҳимали тушлар кўраяпман. Кўзимга қонга беланган одамлар кўринади. Бақир- чақирлар эшитилади. Кўринмас қўллар бўғзимдан тутиб, бўғаётгандек, нафас олишим оғирлашади.

— Асабларингиз чарчаган, даволанишингиз керак амирим. Бу ҳақда илгари ҳам сизга кўп айтганман. Негадир менинг сўзларимни қулофингизга олмай қўйдингиз.

Эргашбой докторнинг ҳақ сўзларига бу гал ҳам аҳамият бермади. Унинг фикру-ёди Чўтирда эди.

— Чўтирнинг аҳволи қандай, тузукми? — бояги саволини яна такрорлади хўжайин.

— Тузалиб кетди ҳисоб, амирим. Худо хоҳласа эртаниндин ўз ишини давом эттириши мумкин.

— Гаплашдингми, қайси хунаса унинг олатини кесибди?!

— Ҳозирча бу ҳақда оғиз очганим йўқ. Аҳволи яхшилансин, бир-икки кун ўтсин, азобларни унутсин, кейин бир гап бўлар, амирим.

— Олатини ўрнига қўйса бўладими?

Абу Толиб ўйга толди. У ҳаётида ва иш таржибаси давомида бундай муаммога дуч келмаганди. Фақат олийгоҳда гистология фанидан сабоқ олган вақтида шундай воқеалар уруш йиллари содир бўлганлигини эшитганди холос. Қолаверса, олийгоҳни амал-тақал

қилиб битиргани учун гистология фанидан беҳабар эди.

— Бу ўта мураккаб иш амирим. Тиббиёт ривожлангани билан ҳали кўп касалликларни даволашга ожизмиз. Айниқса органларни кўчириб ўтказиш масаласида. Кўчириб ўтказилган аъзолар организмдаги оқсиллар билан мос тушиши лозим. Агар улар бир-бири билан келишолмаса, организм янги ўтқазилган аъзони қабул қилолмай чиқариб юборади. Иккинчидан эса кесилган аъзо ўша вақтнинг ўзида узоғи билан икки-уч соат ичида микрохирургик йўл билан операция қилиниб, тикланиши лозим. Ҳолбуки йигитнинг олати кесилганига бир ҳафтадан ўтиб қолган.

Абу Толибнинг сўзи Эргашбойни қониқтирмади. Асаблари таранглашди.

— Сен ўзи қанақа дўхтирсан, менга маъруза ўқима! Сенинг гапларингга тушунмайман. Аниқ гапни айт. Ҳозир тиббиёт даволоммайдиган бирорта касаллик йўқ. Ҳатто беморларга ўлган одамнинг юрак, жигар буйрак, керак бўлса қон томирлари кўчириб ўтказилмоқда.

Абу Толиб фикрини хўжайинга тушунтиролмаганидан хафа бўлди. Чўтирни даволашнинг иложи йўқлигини айтса, ғазабланишидан қўрқди.

— Бундай ноёб операцияларни бу ерда қилиб бўлмайди, амирим. Бунинг учун катта докторлар керак бўлади.

— Ўша докторларингни чақир. Қанча маблағ кетса, тўлайман.

— Докторларни чақириб келиш мумкин, аммо бемор микрохирургик операция қилиниши шарт. Операция ноёб асбоб-ускуналар ёрдамида қилинади. Шунинг учун уни Қобулга олиб бориш керак, амирим.

— Унда тезда ҳаракатингни қил. Чўтирни олиб Қобулга жўна. Мен ҳозироқ сенинг ташрифинг ҳақида Башир

жанобларига қўнғироқ қиламан, у сени касалхонага жойлаштиради.

– Хўп бўлади, амирим, – деди Абду Толиб хўжайиннинг аҳдидан қайтариш ва қилаётган бу ҳаракатлари фойда бермаслигини яна бир бор эсига солмоқчи бўлиб гап бошлади.

– Мен беморнинг кесилган жойини синчиклаб кўздан кечирдим. Тўқима ва хужайраларда чандиқлар ҳосил бўла бошлаган. Жароҳат бита бошлаган, унга янги аъзо топиш лозим.

– Мен бунақа аъзони қаёқдан топаман? – тўнғилади Эргашбой.

– Ўлимга маҳкум қилинган одамларингиздан бириникини кўчириб ўтказамизда амирим, – жилмайди Абу Толиб.

Эргашбой ўрнидан турди. Қўлларини орқасига қилиб хона ичида айланди, сўнг Абу Толибга ўтирилди.

– Ҳозирча менда қони тўкиладиган одам йўқ! Ёки сенинг назарингда бутун-эрта ўлиб қоладиган бирор-та касал борми?

– Касалларимнинг ҳаммасини ўпкаси тутаган амирим?

Эргашбой индамади. Нимадир ёдига тушди чоғи Абу Толибга ўтирилди.

– Анави сув ташиб юрган аравакаш болани ўзинг билан олиб кетасан! Дўхтирларга тайинла, аъзосини олиб ўтказишсин!

– Мақул хўжайин!!!

– Эргашбойнинг қошлари чимирилди, кенг пешонасига ажинлар из солди. Абу Толибга тикилиб турди-да сўради:

– Менга айтчи, сенингча бу ишни ким қилган бўлиши мумкин ва нима мақсадда бундай қилган?

– Бу аёлларнинг иши, улар Чўтирни талашиб қолишган, сўнг ичириб маст қилишганда, олатини кесиб ташлаган.

— Худди кўргандай гапирасан-а, қисталоқ, — деди Эргашбой.

Абу Толиб жилмайди.

— Чўтирнинг савили ҳам ҳаддан ташқари катта эканда хўжайин!

Эргашбой қовоқ уйди.

— Сенга рухсат. Бориб тайёргарлигингни кўр. Ҳозироқ жўнайсизлар.

Абу Толиб индамай ўрнидан турди ва секин-аста оёқларини судраб ташқарига чиқиб кетди.

-25-

Чўтир тирик қолгани учун худога мингдан-минг ҳамду санолар ўқиди. Ўзига кўрсатилаётган илтифотлардан мамнун эди. Демак, Эргашбой унинг шунча йилардан бери садоқат билан қилган меҳнатининг қадрига етган. Мана, Маҳмуднинг жазолагани ошкор бўлди. Сир тутишнинг ҳожати йўқ. Бугун бўлмаса, эртага бошлиқ чақиртиради. Маҳмуднинг бундай иш қилганига ишонармикин? Тухмат қилаяпти, деган хаёлга бормасмикин? Чўтир тўшақда хаёлига келган турли ўйлардан боши қотиб ётар экан, ташқаридан қадам товущини эшитди. У этикнинг ерга гурсиллаб урилаётганидан ҳузурига Эргашбой кириб келаётганини билди. Кўзларига илинган ёшни енгига артиб, ўрнидан туришга уринди. Эшик очилиб, бошлиқнинг қорамтир, ёқимсиз юзи кўринди.

— Қимирлама, — деди Эргашбой унинг тепасига келиб. — Аҳволинг қалай?

Чўтир жилмайди. Жилмайди-ю, бирдан кўнгли бузилди. Ўкириб йиғлаб юборди. Эргашбойнинг ҳам юрагида нимадир ғимирлади.

— Йиғлама, худо хоҳласа тузалиб кетасан. Ҳозир Абу Толиб билан гаплашдим. Машинани тайёрлашмоқда, Қобулга жўнайсизлар. Сени даволатаман!

Бошлиқнинг гапи йигитнинг кўнглини бўшатиб юборди. Юрагида сўнган умид шами ёнди. Миннатдор кўзлари билан бошлиққа ўтирибди.

— Умрингиздан барака топинг, амирим, — деди меҳри товланиб. — Олдингизда юзим ёруғ, шу пайтгача хиёнат қилмадим.

— Ким сени шу куйга солди?

Чўтир Маҳмудга бу ҳақда гапирмаслик учун қасам ичганди. Берган ваъдасига биноан уни сотмаслиги ва бутун умрга сир сақлашга келишиб олишганди. Аммо хўжайиннинг бояги сўзларидан кўнгли ийиб, ваъдасини унутди.

— Маҳмуд! — деди ва бирдан нафаси ичига тушиб, тилига келган сўзларни ичига ютди. Шу гапнинг ўзи Эргашбой учун етарли эди.

— Ит эмган тўнғиз! Мени бор-буддимни шилгани етмагандек, энди одамларимни қийнаш йўлини топибди-да. Бугун эрта олдимга келади. Тириклай терисини шилиб, пайтава қилиб оёғимга ўрамасам отимни бошқа қўяман!! Эргашбой Маҳмуднинг нима сабабдан бундай қилганини сўраб-суриштириб ўтирмади. Энди ҳаммаси унга аён эди. Чиқиб кетишдан олдин Чўтирга савол берди.

— Анови мегажин ҳам ўша ердамиди? Уни кўрган-мидинг?

— Ҳа, — деди паст овозда Чўтир қуриқшаб қолган лабларини зўрға очиб. — Сиздан илтимос хўжайин, ҳозирча уни қийнаманг, озор етказманг. Тузалиб қолсам ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Ҳамма сирни сизга айтиб бераман. Хонимнинг бунда айби йўқ.

— Гуноҳи бўлмаса нега сени жазолади? Ораларинг-да бир гап ўтганки, Маҳмуд олатингни кесиб ташлаган! Мендан ниманидир яширяпсанлар! Чўтир индамади.

Эргашбой беморга бир қаради-ю, бошқа сўз айтмади. Вазмин қадам ташлаганча хонадан чиқиб кетди.

Червон хоним ўзига келганда қош қорайганди. Қулоқлари остида арилардек ғўнғиллашиб, қийқиришиб, бақир-чақир қилаётган жангарилардан ҳеч ким қолмаганди. У шишиб кетган ва ачиштириб азоблаётган оғриқлардан изтироб чекарди. Юз-кўзлари эмас, бутун бадани шишиб кетгандек эди. Кўзларини очиб, бирин-кетин юдузлар жамол кўрсатаётган осмонга тикилди. У ҳолсиз ва мадорсиз эди. Шундай бўлса-да, кўлларини зўрға кўтарди ва кўкрагига қўйди. Ҳамиша диркиллаб турган моммалари бужмайиб қолганди. Фикри секин-аста тиниқлашиб бораётган хоним ўзининг ялонғоч ҳолда ётганини сезди, ўзи билан боғлиқ ишларни эслади. Эслаганда юраклари аламдан тўлиб-тошиб кетди. Қалтираётган лабларини тишлаб, унсиз йиғлади. У бундай ҳолга тушиб қолишини ҳеч қачон хаёлига келтирмаганди. Бир ҳафтадан бери тўшагида, иссиқ қучоғида олиб ётган Эргашбойни сўраб-суриштирмай йигитларига қўшиб қўйишини сира ўйламаганди. Бу ахир қандай надомат, қандай кўргулик?! Ҳеч бўлмаса узоқ йўл босиб, хизматини садоқат билан бажариб келганлигини ўйламади. Ахир, Чўтир унинг хонасига кирганини ҳамма кўрди-ку! Шундай бўлгач арзимаган бир оғиз сўз учун уни одамларига итдай талатадими? Бир пайтлар бағрида эркаланиб ётган Чўтирчи? Нега у индамади? Ҳимоясига олмади? Менга тўхмат қилаяпти, деб айтган гапига Эргашбой ишондимми? Шу гап учун унга бундай жазони лойиқ топдимми? Хоним лабларини тишлари билан босганча йиғларди. Энди фикр-ўйи тиниқлашиб, қулоқларига одамларнинг қийқириқлари, бақир чақирлари эшитиларди. Жангарилар қаердандир ялонғоч ҳолда ётган хонимни кўллари билан кўрсатишиб, масхара

қилишаётгандек туюлди. У бошини кўтарди. Бироқ кўзлари олисларда милтираб турган чироқлар шуъласида тўхтади. Хоним атроф-теварак бийдай дашт эканлигини, қоронғулик чўккандан сўнг бу ерда қолиш ҳаёти учун хатарли эканлигини яхши биларди. Шу сабабли бутун танасига куч тўплаб, қўлларига таяниб, ўрнидан туришга уринди. Аммо унинг ҳаракатлари зое кетди. Мадорсиз қўллари танасини кўтаролмади. Ҳаёт ва яшаш иштиёқи уни қайта-қайта ҳаракат қилишга, одамлар яшаётган қўналға томон боришга ундарди. Бу ерларда қолиб кетса, тоғдан тушган бўри ва қашқирларга ем бўлиши мумкинлигини ҳис этган ҳолда ўрнидан туришга такрор ва такрор уринди. Унинг оёқлари ҳам оғирди. Йигитлар тортқилаб, суяқларига жароҳат етказишганди. Хоним қўллари билан ерга тиралиб, тиззасининг кўзи билан тошларни босиб, чодир томон юра бошлади. Узун ва бўёқлар ҳиди анқиб турган сочлари ёйилиб юз-кўзларини тўсганди. Тошларнинг ўткир қирралари, қуриб, қовжираб қолган ўт-ўланларнинг шохлари аёлнинг юмшоқ кафтига ботарди. Оғриқдан овоз чиқариб инграрди. Ушбу оқшом ҳаётида бу қадар жабр ва зулм кўрмаган хоним ўз қисматига лаънатлар ўқирди. Бугунгидек шарманда бўлмаганди. Бугунгидек ҳаётнинг ширин неъматлари ортида азобуқубатлар борлигини ҳис этмаганди. У Афғонистонни ўз юртидан афзал, деб билганди, жаннат, деб тасаввур қилганди. Эргашбойнинг ёнида осуда ҳаёт кечираман, деб орзу қилганди. Кўнгли шу томонга талпинганди. Қўлига келиб тушаётган даста-даста пуллардан аёл шундай хаёлга борганди. Чўтирнинг сўзларига қулоқ солмаганлигидан ўзини лаънатларди. Юришга ўзида куч тополмай, тақир ерда илон каби судралиб бораётган хоним шу ҳақда ўйларди. У қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир одамлар яшаётган қўналғага етиб боролмади. Ахлат тўкилаве-

риб, сассиқ ҳид уфуриб турган чуқур ичида қолиб кетди...

Эргашбой хонасига қайтиб кирар экан биринчи галда ўз соқчисига Червон хонимни зудлик билан топиб келишни буюрди. Соқчилар жар томонга чопишди. Хоним ерга бағрини босганча ётарди. Туни билан пашша ва чивинларга таланиб, баданлари шишиб кетганди Эргашбой Чўтирнинг гапларини қайтадан мулоҳаза қилди ва нима сабабдан уни «Червон хонимни қийнаманг, унда гуноҳ йўқ», деган сўзларини хаёлидан кетказа олмасди. Ҳақиқатдан ҳам хонимда айб бўлмаса, нимага Чўтир номусимга тегишга ҳаракат қилди, деган гапининг маъзини чақолмай қийналди. Бошлиқнинг назарида бу ерда одамнинг бошини қотирадиган сир яширингандек туюларди.

Соқчилар хонимни топиб келишганини ва унинг беҳуш эканлигини маълум қилишди. Эргашбойнинг буйруғи билан у алоҳида палатага олиб кириб ётқизилди. Абу Толибнинг ёрдамчиларидан бирига аёлнинг саломатлигини тиклашни буюрди. Шундан сўнг ўзининг алоқачисини ҳузурига чақиртирди.

— Ҳозироқ Русланга хабар қил. Зудлик билан Олма-отага етиб борсин. Маҳмудни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб менинг ҳузуримга жўнатсин! Иккинчи хабарни эса Башир жанобларига жўнат. Менинг яқин одамим бетоблигини, қандай йўл билан бўлса-да, уни тузатиш шартлигини айт. Тушундингми?

Алоқачи «тушундим», дегандек бош ирғиб, хонадан чиқиб кетди. У зудлик билан бошлиқ айтган жойларга маълумот жўнатди. Гарчи Олма-отага хабар юбориш тайинланмаган бўлса-да, алоқачи ушбу маълумотноманинг керакли жойини ўз одамига йўллашни унутмади.

ИККИНЧИ ҚИСМ

- 1 -

Самолёт Саҳрои кабир чўллари устида икки бор айланиб, Қоҳира халқаро аэропортига енгилгина қўнганда қуёш ботмаганди. Ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ эди. Маҳмудни Африка қитъасидаги бу мамлакатга биринчи бор келиши эмасди. Ўн йил аввал диний таълим олиш мақсадида ташриф буюрганди. Афсуски у ўқишни охирига етказолмади. Талабаларга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари билан устозларини бир неча бор ранжитди. Буниси ҳам озлик қилгандек диний таълимга оид бўлмаган қандайдир ақидачилик ғояларини талабалар ичида тарғиб қила бошлади. Аввалига уни огоҳлантиришди, кейин гап қулоғига кирмаган йигитчани мадрасадан ҳайдашди. Унинг кетиши кўпчилик учун оддий ҳол бўлса-да, айрим кимсаларга ташвиш туғдирганди. Маҳмуд юртига қайтиб келгач унга иш ҳам топиб беришди. У савдогар ва тадбиркор ниқоби остида қўшни республикаларни айланиб, Эргашбой ва унинг раҳномолари томонидан берилган топшириқларни бажариб юрди. Эндигина шаклланиб келаётган гуруҳ фаолиятига оид хабарларни ўз эгаларига етказар ва уларнинг топшириқларини ҳам раҳномоларнинг қулоғига оқизмай-томизмай шипшитарди. Шундай қилиб у Одилонинг ишончини қозонди. Эргашбой уни савдогар ниқобида Олма-отага жўнатди. Бу ерда Маҳмуд ўзини кўрсатиши ва бошлиқнинг эътиборини қозониши учун имконият пайдо бўлганлигини тушунди. Шу сабабли туну кун-тиним билмай ишлади. Уй, чойхона, нонвойхоналарни сотиб олди. Дастан Чеченистон, Тожикистон каби мамлакатлардаги қайноқ нуқталарга жангариларни жўнатиш учун қўналға вазифасини ўтаётган бу уй кейинчалик савдо базасига айланиб кетди. Бундан бошлиқлар хурсанд бўлишди. Маҳмуд бир йўла икки то-

монлама бойиб борарди. Савдодан тушаётган пул ариқдаги сув мисоли унинг ҳамёнига оқиб келарди. Бунинг устига Ҳаттоб ва Эргашбой ёрдамчи кучларни жўнатиш учун ундан пулни аяб ўтиришмасди. Буларнинг барчаси Маҳмуд орқали ҳал этиларди. У вақти келиб қилаётган ишларининг иси чиқишини ҳис этарди. Бунга ҳамиша тайёр туришни унутмасди. Қачондир ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари унинг изига тушадиган бўлса ёки бошлиқлари берилган пулларнинг ҳисоб-китобини қиладиган бўлса, ўзи яширинадиган паноҳ топишни ўйларди. Бунинг учун унинг Қоҳирадаги қадрдон дўстлари жонига аро кириши мумкин эди. Бошлиқлардан яширинча Маҳмуд Қоҳирадаги танишлари билан алоқа ўрнатди. Улардан сирини яшириб ўтирмади. Танишлари Маҳмуд учун Абу Сенбел шаҳридан яхшигина кулба ҳам топиб қўйишганини айтишди. Бу хабар уни анча хотиржам қилиб қўйганди.

Афғонистонда жангарилар ойлик иш ҳақларини вақтида олмай раҳномоларидан норози бўла бошлаган бир пайтда Маҳмуд устамонлик билан иш тутди. Алоқачилардан бирини ўзи томонга оғдириб олди. Уни мунтазам пул билан таъминлаб туришга сўз берди. Маҳмуд билардики, Одилов ўз сирларини ва ўта муҳим маълумотларни мана шу алоқачи орқали керакли жойларга жўнатади. Бошлиқнинг ҳар бир сиридан воқиф бўлишини истаган Маҳмуд пулни аяб ўтирмади. Ойнинг ўрталарида унинг яқинларига келишилган суммадан кўпроқ миқдорда пул юбориб турди. Алоқачи ҳам ўз сўзининг устидан чиқди. Унга ҳалол ва виждонан ишлади. Маҳфий маълумотлар билан Маҳмудни хабардор қилиб турди.

Алоқачидан зудлик билан Афғонистонга чақирилишини эшитган Маҳмуднинг юрагига ғулғула тушди. Бошлиқ уни бекорга йўқламаётганлигини ўша заҳотиёқ тушунди. «Чўтир сирни Эргашбойга айтиб қўйган», деган хулосага келганди. Маълумотни олиши

биланоқ Маҳмуд уйни ташлаб, тўплаб қўйган пуллари йиғиштириб Қоҳирага учди.

Мисрга келган Маҳмуд шаҳар марказидаги «Кинг» меҳмонхонасининг тўртинчи қаватига жойлашди. Ювиниб таранди. У ўлгудек оч эди. Кеча оқшомдан бери туз татимаганди. Пастки қаватдаги ресторанга тушиб овқатланди. Қорни тўйгач ёнидаги телефонни олиб, эски таниши, бир вақтлар мадрасадан ҳайдалишига кўмаклашиб юборган Абдулҳодига қўнғироқ қилди.

– Ҳозиргина етиб келдим, «Кинг» меҳмонхонасига жойлашдим.

– Келишинг тўғрисида нега илгарироқ хабардор қилмадинг?!

– Бунинг иложи бўлмади, – Маҳмуднинг овози қалтираб чиқаётганини Абдулҳоди пайқади ва сабабини билишга қизиқди:

– Тинчликми? Бирор кўнғилсизлик бўлдимми?

– Эргашбой мени ўлдириш тўғрисида одамларига топшириқ берибди.

– Маҳмуд ўзи сезмаган ҳолда гўё қаршисида яқин дарткаш дўсти тургандек сирини фош қилиб қўйди.

Абдулҳоди Александрия шаҳрида бўлганлиги учун икки-уч соатдан сўнг етиб боришини, Ал-Гиза шаҳридаги «Саҳара Ситти» ресторанида кечки соат еттида учрашишни маълум қилди. Диний экстремистик ғояларни онгига сингдирган бу йигит нима мақсадда уни бу ерга келганлигини албатта билишни хоҳлайди. Одиловдан қочиб келганлигини айтса, иш у ўйлаганчалик осон ҳал бўлмаслигини бирдан эслаб қолди. Абдулҳодига ноўрин телефон қилганлигини тушуниб етди. Бироқ энди ғишт қолипдан кўчганди. Маҳмуд кечки учрашувга чиқмасликка қарор қилди. Абдулҳоди унинг ташрифи ҳақида Одиловга қўнғироқ қилиши ва айни пайтда унинг бу ерга келиш сабабини билишга қизиқиши мумкин эди. Абдулҳодини Эргашбой билан алоқаси йўқ дейишга Маҳмудда асос йўқ эди. Шу

сабабли у қопқонга тушган сичқон мисоли типирчи-
лаб қолди. Вақт ўтиб борарди. Ҳозир ортга қайтишга
имкон қолмаган. Лондонга самолёт эртага учади. Меҳ-
монхонани тарк этиб бошқа қаерга ҳам бориши
мумкин? Маҳмуд учрашувга чиқмасликка, ҳозироқ
хонасига кириб, кўрпага ўралиб, тонгтача дам олишга,
эрталаб Лондонгами ёки худо дилига солган бирорта
мамлакатга учиб кетишга қарор қилди.

Маҳмуд эрталаб барвақт туришга қанчалик уринма-
син бари бир ухлаб қолди. Кўзларига қуёшнинг зар-
рин нурлари тушганда уйғонди. Бир нафас ўрнидан
турмай ётди. Кўрган тушини хотирлади. Улкан илон
унга яқинлашиб келди. Маҳмуд ундан қочишга урин-
ди. Бари бир илон оёғига тишини ботирди. Илон
бойлик ва мол-дунё дея ўзича таҳлил қилди. Бу ҳақда
қариялардан эшитган. Шу сабабли, кўнглидаги ғаш-
ликни тезда унутди. Ўрнидан туриб, ювиниб таранди.
Меҳмонхона ходимлари билан ҳисоб-китоб қилиб,
пастга тушди. Элик қадамча наридаги такси тўхта-
диган бекат томон юрди. Эрталабданоқ кўчаларда
одамлар гавжум эди. Меҳмонхона ёнидаги янги бино-
да қурувчилар иш бошлаб юборишганди. Тахта шоти-
лардан тепа қаватларга фишт ва қум солинган қопларни
кўтариб чиқаётган аёлларни, болаларни кўриб, нега-
дир Маҳмуднинг хаёлидан «ҳали ҳам бу ерга техника
етиб келмабдида», деган фикр ўтди. Боя меҳмонхона-
дан пастга тушганда қўлига соябон тутиб олган, кўри-
нишидан маҳаллий аҳолига ўхшамайдиган одам йўли-
ни кесиб ўтди-да, ортидан кузатиб кела бошлади.
Маҳмуд унга аҳамият бермади. Бекатга яқинлашганда
чап оёғида худди пашша чаққанчалик оғриқ турганини
ҳис қилди. Йигит бунга эътибор бермади. Оғриқ
турган жойни қашлаб, йўлида давом этди. Шляпали
киши ундан ўтиб кетди. Маҳмуд унинг ўнг қўлидаги
соябон чап қўлига ўтиб қолганлигини, унинг учидан
отилиб чиққан кўз илғамас игна оёғига санчилганли-
гини, кейинчалик шу игна ҳосил қилган оғриқ ҳаётига
яқун ясашини билмасди.

Лондонга учиши керак бўлган самолёт саккиз соат-

дан сўнг аэропортга келиб қўниши лозим эди. У ерда ҳам Маҳмуднинг танишлари бор. Узоқ йиллар мамлакатдан чиқиб кетган яқин қўшниларидан бири истиқомат қилади. Бориб уни топса, бошпана берар. Маҳмуд вужудида нохуш сезгилар содир бўлаётганлигини ҳис эта бошлади. Иссиғи кўтарилиб, кўнгли беҳузур бўлди. У ошхонага ўтиб кофе ичди. Бироқ иситма босилмади. Шундан сўнг тиббий хизмат кўрсатиш бўлимига кирди. Докторлар истимани туширадиган дори беришди. Дорини ичгандан сўнг Маҳмуднинг иссиғи бироз бўлса-да тушди. Орадан кўп ўтмай касаллик қайта хуруж қилди. Нафаси қистаб, ҳаллослаб борар, кўнгли беҳузур бўлиб қайт қилгиси келарди. Бу гал тиббий бўлим ходимлари уни шаҳар касалхонасига жўнатишга мажбур бўлишди. Докторлар Қирғизистон республикаси паспортига эга бўлган беморни касалхонада олиб қолишди. Зудлик билан элчихонага қўнғироқ қилишди. Элчихона ходимлари ўз фуқаросига керакли тиббий ёрдам кўрсатиш учун кетадиган сарф ҳаражатларни тўлашга ваъда беришди. Докторлар беморга қанчалик шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишмасин беморнинг аҳволи яхшиланмади. Қилинган барча дори-дармонлар самара бермади. Саккиз соатдан сўнг Маҳмуд касалхонада жон таслим қилди...

Қирғизистон Республикаси фуқароси Маҳмуд Жайроновнинг ўлими тўғрисида Қоҳира марказий касалхонаси патологанатомик бўлимининг тиббий хулосаси:

Бемор ўткир юрак хуружидан вафот этган. Ўлимни келтириб чиқарувчи омил, аста-секинлик билан таъсир қилувчи заҳарли модданинг организмга кириши сабаб бўлган. Беморнинг чап оёғи, товондан 27 сантиметр баландликда терининг бутунлиги бузилмаган жароҳат мавжуд. Шу жойдан организмга таъсир қилувчи заҳарли модда киритилган. Натижада беморда иситма кўтарилган. Бу эса ўлим ҳолатини юзага келтирган.

Элчихона ходимлари ўлим тўғрисида берилган ху-

лоса билан танишиб чиқиб, ўз фуқароларини номаълум кишилар томонидан заҳарли модда билан ўлдиришган, деган хулосага келишди. Ўлим билан боғлиқ жиноятни очиш тўғрисида элчихона ташқи ишлар ва ички ишлар бўлимига ўз фикрларини билдиришди. Тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Айни пайтда фуқаро Маҳмуд Жайроновнинг ўлими ҳақида Қирғизистон Республикасига ҳам шошилишч телеграмма жўнатилди. Бироқ марҳум паспортда кўрсатилган манзилда яшамаганлиги маълум бўлди.

- 2 -

Ўша куни Виталий Дмитриевич ўз бошлиғининг Крамаренко билан Афғонистон масаласида гаплашганини эшитмаган бўлса-да, уни Қобулга бориш ниятидан қайтарганини биларди. Бу Витя учун кутилмаган қувонч эди. Модомики, Крамаренко бошлиқнинг таклифини инкор этмаган бўлса, хазина ўша ерда қолган ва уни бу ерга олиб ўтиш фикридан қайтган. Бироқ Крамаренконинг ниятини ҳам билиб бўлмасди. Дўстига берган ваъдасини эрта-индин унутиб юбориши мумкин эди. Нима бўлганда ҳам чекист Крамаренконинг афғонга бориш фикридан қайтганидан мамнун эди. Энди у бўш вақтини Ефим Егоровичнинг хонадонидан ёзиб олинган суҳбатни қайта-қайта эшитишга сарф қиларди. Хазина яширилган координатни аниқлашга уринарди. Афсуски, суҳбат айнан хазина яширилган жойга келганда нимадир сабаб бўлиб, аппарат ишламай қолганди. Иккинчи аппаратдаги ёзувни эса ҳар қанча уринмасин тиклаёлмади. Крамаренко аҳдидан қайтган бўлса, Ефим Егорович-чи? У ҳам аҳдидан қайтганмикин? Подполковник мана шу ҳақда ўй суриб юрган кезлари аввал Крамаренко сўнг Ефим Егорович бу дунё билан хайрлашишди. Энди подполковникнинг кўнгли тўқ эди. «Ҳар иккиси ҳам ўлиб кетди. Хазина эса яширилган жойда қолиб кетди. Унга мендан бошқа ҳеч ким эгалик қилолмайди», — деб

ўйларди. Бироқ уни олиб ўтиш масаласи бошини офритарди. Ниҳоят Витя координатни аниқлаш тўғрисида бош қотирди. Ўйлаб-ўйлаб охири Ефим Егоровичнинг уйига яширинча киришга аҳд қилди. Унинг фикри ёдида шунчаки бир ҳовуч қимматбаҳо бойлик эмас, балки одам тасаввурига сиғдиролмайдиган жуда катта хазина ётгандек, унинг баҳоси йўқдек туюлаверди. Витя шуни яхши билардики, Крамаренко контрразведка бошлиғи, Ефим Егорович эса қазилма ишларининг бошлиғи сифатида хизмат қилишган. Ҳар иккиси ҳам унча-мунча бойликларга эътибор берадиган одамлардан эмасди. Ефим Егорович афғон дала-даштларида қазилма ишларини олиб бораётган бир пайтда тасодифан катта бойликка дуч келган-у, уни яширган, агарда бойлик у ўйлаганчалак бир ҳовуч олтидан иборат бўлганда эди, қариялар уни олиб ўтиш тўғрисида бу қадар қайғурмаган бўлишарди. Лаънати толибонлар мамлакатни ағдар-тўнтар қилишмаганда-ку, раҳбарлардан рухсат олиб, ўзи бориб келарди ёки хизмат бурчини ўтаётган одамларини ишга соларди. Бироқ Толибонлар пойтахтни ишғол қилишгач мамлакатдан элчилар чақириб олинди. Уч-тўртта разведка ходимини ҳисобга олмаганда у ерда ҳеч ким қолмаган. Вазиятни ўрганиш учун қолган йигитардан ҳам бир ойдан бери на хабар бор, на бир шарпа. Алоқа бўлими деярли ҳар куни улардан сигнал кутади. Афтидан улар алоқага чиқиш кунларини унутиб қўйишган ёки бирор кўнгилсизлик бўлган. Йигитларнинг дом-дараксиз кетиши бошқарма раҳбарларини ҳам ташвишга солиб қўйганди. Афғонистонда қолган санокли одамлари орасида Витянинг шогирди Павел Степашин ҳам бор эди. Уни Витянинг ўзи ишга таклиф қилган. Павел Москва Давлат университетининг шарқшунослик факультетини тамомлагандан сўнг Виталий Дмитриевичнинг таклифи билан контрразведка бошқармасига ишга олинганди. Бу орада Афғонистонга чекланган Совет қўшинлари киритил-



ди. Бирин-кетин бошқарманинг пуштун ва афғон тилларини яхши, мукаммал биладиган ходимлари у ерга жўнатилди. Улар орасида Павел Степашин ҳам бор эди. Степашинни олти ойга комондировка қилишганди. У Афғонда ўзини кўрсатди. Ишлари раҳбариятга маъқул келди ва шу тариқа Павел Афғонистонда олти йил қолиб кетди. Совет қўшинлари мамлакатни тарк этишгандан кейин Павел икки йилча Москвада ишлади. Сўнг дипломатия ходимлари қаторида яна Афғонистонга юборилди. Турли гуруҳ ва жангарилар ўртасида тўқнашувлар кучайиб, мулла Умар бошчилик толибонлар Қобулни ишғол қилишгач, элчихона ходимлари Ватанга чақирилди. Аммо Павел ва унинг уч ёрдамчиси афғон заминида қолди.

Хазина ҳақида ўйлаганда Виталий Дмитровичнинг хаёлига Павел келди. У албатта бундай ноёб ва муҳим топшириқларни бажаришга устаси фаранг. Бир иложини қилиб координатни аниқлаганда Павелга бу ҳақда маълумот берса бўларди. Ҳар гал Виталийнинг хаёлига шогирди келганда у албатта координатни аниқлашни ва Ефим Егоровичнинг хонадонига кириб, тинтув ўтказишни режалаштирарди.

Ўша кун ҳам етиб келди. Ярим тунда Виталий Ефим Егоровичнинг уйига йўл олди. У ўз одамлари орқали марҳумнинг уйида ҳеч ким яшамаётганлигини, аёли эрининг маъракаларини ўтказиб, синглизиникига кўчиб кетганлигини айтишганди. Виталий тун ярмида Ефим Егоровичнинг хонадони олдида пайдо бўлди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган калит билан эшикни очди. Ичкарига кирганда димоғига сассиқ, қўланса ҳид урилди. Бу узиб қўйилган музлаткичдаги гўшт ва колбасадан таралаётган ис эди. Виталий деразанинг бир қанотини очди. Хонага салқин, тоза ҳаво оқиб кирди. Хонада бемалол иш бошлади. Ефим Егорович китоб гадоси эди. Нафақат ўз касбига оид, балки бадий адабиётларни ҳам сотиб оларди. Китоб жовонида мингдан зиёд адабиётлар мавжуд эди. Виталий

учун ана шу адабиётларни бирма-бир қўлдан ўтказишга тўғри келди. Тонг ёришиб борар, подполковник ҳамон китобларни варақлашда давом этарди. Бу ердан қуруқ чиқиб кетишни истамасди. Бутун диққат-эътибори қария яшириб қўйган қоғозда эди. Излаётган нарсасини топишига жуда-жуда ишонарди. Ва ниҳоят ўша қоғоз топилди. Подполковник увишиб қолган оёқларини уқалаб, ўрнидан турди. Қоғозни стол устига ёйиб, ундаги белгиларга разм солди. У адашмаган эди. Қоғозда Қобул шаҳри ва миллий банк биноси кўзга ташланиб турарди. Ҳатто қария қулаб тушган, ер билан битта бўлиб ётган харобаларнинг тепасига «миллий банк» биноси, деб ёзиб ҳам қўйганди. Рангли қаламлар билан банк атрофини, ер остига тушиш йўллари кўрсатганди. Подполковникнинг нигоҳини «х» белгиси жалб этди. Хазина шу ерга кўмилган, деган хулосага ҳам келди. Чунки «х» белгисининг ёнида тўғри чизиқ бўлиб, унинг учи пастга қаратилган ва 1.5 м. ёзуви бор эди.

Виталий Дмитриевич ўзида йўқ хурсанд эди. У қоғозни буклаб, чўнтагига солди-да, хотиржамлик билан уйни тарк этди. У очиқ қолган деразани ёпишни унутди.

-3-

Червон хоним кўзини очиб чодирга келиб қолганини билди. Очлик ва шафқатсизларча қийноқ бунинг устига тундаги қўрқувлар уни ақддан оздираёзганди. Хонимнинг кўзи қоп-қоронғу бўшлиқда тўхтади. Зулмат секин-аста кўтарилиб, атроф-теварак ёриша бошлади. Ичкарида ҳеч ким кўринмасди. Қулоғига ташқаридаги одамларнинг ғўнғир-ғўнғири, кимнингдир бақиргани, бошқа бировнинг шарақлаб кулгани чалинди. Хоним кечаги мудҳиш воқеани ёдга олди. Нега Эргашбой унинг сўзларига ишонмади? Эгнидаги йиртилиб кетган кийимларини, юз-кўзларидаги таталанган жойларни кўзи билан кўрди-ку. Йиғлаётганда юпатди-ку! Нега номусини топташга, худди



кўпқаридаги улоқдек йигитлар ихтиёрига ташлаб қўйишга буюруқ берди? Балки Чўтир ўзининг ҳақлигини исботлагандир? Балки биров уларни ташқаридан кузатиб тургандир, бу ҳақда Эргашбойга айтгандир?. Бу ерда ҳозирча Червон хонимга маълум бўлмаган мавҳум сир яширинганга ўхшарди. Акс ҳолда Эргашбой уни азобламасди.

Хонимнинг қулоғига оёқ товуши чалинди. Кўзини юмиб олди. Келгувчи каравот тепасида тўхтаб, аёлнинг қўлидан ушлади. Томир уришини текширди ва яна ортига қайтиб кетди. Хоним кўзини очди. Унинг хўрлиги тутди. Одиловдан бу қадар бағритошликни, бераҳмлиқни кутмаганди. Унинг гуруҳига қўшилаётганда нималар деб ваъда бермаганди? Ҳозир ҳам сўзлари қулоғи остида жаранглаб турибди. Қани ўша ваъдалар, қани ўша баландпарвоз сўзлар?! Ичилган қасамга содиқман?! «Сизни кўз қорачиғидек асраб авайлаймиз» демаганмиди? Иккимиз қиёматгача оғасингилмиз демаганмиди, ўлигимиз ҳам, тиригимиз ҳам бир, — деб кўнглини кўтармаганмиди?! Тўғри, хоним ўзининг хатти-ҳаракатлари давлатнинг қонунқоидаларига тўғри келмаслигини, бунинг учун жазолашлари мумкинлигини яхши тушунарди. Ҳаётида бир маротаба тиканли сим ортида ўтириб кўрган. Давлатга қарши фитна уюштираётган одамга қонун қандай жазо тайинлашини ўзгалар билмаса ҳам у яхши биларди. Бироқ ариқдаги сув мисоли оқиб келаётган пуллар, кимларнингдир баландпарвоз мақтовлари қонундаги жазони ўйлашга имкон бермаган. Аввалига таҳликада яшаган хоним чўнтагига даста-даста пуллар тушгач қўрқувни унутди. Гуруҳ томонидан топширилган вазифаларни сидқидилдан бажарди. Эргашбойнинг топшириғига биноан ўз атрофига хотин-қизларни тўплади. Бошлиқларнинг гапига қараганда аёллар ҳар қандай қуролдан кучли бўлган вазифани удалашлари мумкин эди. Хоним аёл ва қизларни ўз томонига осонгина оғдирди. «Тикувчилик корхо-

насини очамиз, сизлар хорижда ўқиб, малака ошириб келасизлар», деган алдов йўллари билан уларнинг қўйинини пуч ёнфоққа тўлдирди. Илондек айёр, тулкидек муғомбир хоним аёлларни ўз йўлига солишда устаси фаранг эди. Гуруҳга қабул қилинган ҳар бир аёл ва қизларнинг қўлига олтин узук тақиб қўярди. Қисқа фурсат ичида у эликдан ортиқ хотин-қизларни сафига тортди. Четдан берилган қўрсатмага асосан гуруҳ бўлиб тўпланган аёллар уч қисмга ажратилди. Ёши ўтиб қолган содда, ҳар қандай гапга осонгина ишониб кетадиган, тўғри сўз ва ҳалол аёллар бир тараф: ўйинқароқ, шўх ва гўзал қизлар иккинчи тарафга, муқаддам судланган ўзбекона шарми-ҳаёни унутган аёллар учинчи гуруҳга ажратилди. Ҳар бир гуруҳ олдиндан белгилаб қўйилган куни хонимнинг уйига ташриф буюришарди. Тўқсонинчи йиллар бошида эндигина мустақиллик шабадаси кўксига теккан давлатга Эрон, Покистон, Саудия Арабистони ва дунёнинг бошқа мамлакатларидан муқаддам қочиб кетган, ўзларини ҳақиқий ўзбек, деб кўрсатишга уринган «Ватанпарвар» кимсалар келишарди. Уларнинг аксарияти пок ният ва пок мақсад йўлида, янги давлатни мустаҳкамлашга ёрдам бериш ниятида эмас, балки ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишни мақсад қилишганди. Бундай кимсалар ўзларининг ота-юрти, деб билган қишлоқ ва шаҳарларда одамлар билан учрашиб, йўл қўйилган илгариги камчиликларни бўртириб, тўкиб-сочиб, оғизларини кўпиртириб лаънатлашарди. Одамлар қалбида дин ва имон кўтарилганлигини, ёшлар намоз ўқишни унутиб қўйишганини афсус ҳамда надомат билан ёдга олишарди. Кўчаларда юзларини очиб юрган аёлларга ғазабни нигоҳларини қадаб, — «Бу нимаси, наҳотки бу аёлларнинг эркаклари бўлмаса, наҳотки уларни шундай ҳолда кўчага чиқариб қўйишса. Бу даюсининг иши эмасми, эркакларнинг ор-номуси қолмабди. — Бу юртда ҳамма худосиз бўлиб кетибди», — дея аюҳаннос солишарди.

Қиз ва аёлларни паранжи ёпинишга, кўчага чиқмасликка чақирарди. — «Ватанпарварлар» ўз оқимини тарғиб қилиш ва бу оқимга мойил кимсаларни ўз тарафига оғдириш ниятида келишгани маълум бўлди.. Оғзига ортиқча эрк бериб, мард ўғлонларнинг ориятига қаттиқ теккан кимсалар ўзларини қандай парда ортида турганлигини, мақсадларини ошкор қилиб кўйгач қишлоқлардан шармандаларча ҳайдаб чиқарилди. «Ватанпарвар» кимсалар ичида «Червон хонимнинг узоқ қариндошимиз», деб таништирган айғоқчилар ҳам йўқ эмасди. Бу кимсалар Ўзбекистонда диний-экстремизм оқимини вужудга келтириш мақсадида хорижий мамлакатларнинг махфий хизмат маҳкамаларида тайёргарликдан ўтишганди. Уларнинг вазифаси олдиндан яшаш жойлари аниқланган шахсларнинг уйига элтиб бериш ёки почта орқали жўнатиш учун варақалар тарқатишдан иборат эди. Уларнинг рўйхатидаги кимсалар муқаддам юқори лавозимларда ишлаган, мустақиллик тузумини ёқтирмайдиган, қолаверса, юракларида амалдаги раҳбарларга адоват ўти бор кимсалар эди. Бундан ташқари диндорлар, муқаддам судланган, оғир жиноят қилишдан таб тортмайдиган, адов йўллари билан ўз томонларига оғдириб олиш осон бўлган кимсалар эди. Бу одамларни улар қаердан билишган ва қандай топишган? Саволга жавоб оддий: ўзлари яшаб турган мамлакатдаги диний-экстремистик ташкилотлар бу борада кеча-ю кундуз уларга кўмаклашарди, айрим кимсаларнинг исми-шарифи газеталардан, телефон рўйхатидан олинарди. Бундан ташқари уларнинг қўлида рўйхати бўлган одамларнинг қариндош-уруғлари, ёру дўстлари айни пайтда хорижий мамлакатларда яшашарди. Уларга диний-экстремистик варақаларни Ўзбекистонга олиб кириш ва одамларга тарқатиш нима учун керак бўлиб қолди? Жавоб аниқ: Шу йўл билан одамларнинг онгига экстремистик ғояларни сингдириш, юракларини заҳарлашдан иборат эди. «Ватан-

парварлар» ўз одамларини нафақат Ўзбекистонга жўнатди балки, кўпроқ ўзбеклар борадиган ҳорижий мамлакатларга ҳам юборди. Улар савдо ва тижорат ишлари билан бўрган сайёҳлар билан танишишга, шу йўл билан улар орқали диний экстремистик варақаларни тарқатишни ният қилишганди. Яна бир мақсадлари шу эдики, одамларнинг онгида бўшлиқ пайдо бўлганди. Халқ коммунистик партиянинг пуч ғояларидан воз кечганди. «Ватанпарвар»лар ана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида ўзлари ишлаб чиққан ғояларни тарғиб қилишган. Одамлар онгига сингдиришга бутун вужудлари билан ҳаракат қилишди. Ҳатто бу йўлда пулни аяб ўтиришмади. Бироқ уларнинг узоқ йиллар давомида ишлаб чиққан ғояларини халқ қабул қилмади. Янги давлатнинг инсонпарварлик ғоялари халқ онгига шу даражада тез сингдики, бундан айғоқчилар ёқа ушлаб қолишди. Ана шундай айғоқчилардан уч нафари Червон хонимнинг уйига ўрнашиб олишди, улар бизнесмен, тадбиркор, тикувчи бўлишга иштиёқманда аёлларга, узтозлик қилишни хоҳлаб қолишди. Бу ерга тўпланган аёлларга касб соҳасида эмас, балки уларга нотаниш ва мутлақо керак бўлмаган мавзуларда маърузалар ўқишди. Аввало аёлларнинг онгини, дунёқарашини заҳарлашга интилишди, тарихнинг ғилдирагини ортга буриб, уларнинг кўз олдига узоқ ўтмишни, охиратдаги дўзах азобларини келтириб қўйишди. Улар сеҳргардек одамга таъсир ўтказишни яхши билишарди. Кўнгли бўш, содда ва тўғри сўзли аёллар уларнинг маърузаларини берилиб тинглашарди, кўзёш тўкишарди, айримлар ўзларини қўлга ололмай хўнграб йиғлаб юборишарди.

— Сизларнинг қалбингизда сўниб бораётган имон покланмоқда, — дерди кўзёш тўкиб йиғлаётган аёлларга қарата маърузачи. — Мана энди сизлар ҳақиқий мусулмон бўлдиларинг. Аммо бу ерда эшитганларингни ўз қўни-қўшнилариингга, қариндош-уруғларингга, фарзандларингга тарғиб қилишларинг жоиз. Шун-

дагина сизлар шу пайтгача елкаларингдан босиб турган шайтоннинг юкидан ва орттирган гуноҳ ишларингдан покланасизлар! Бу дунёда қилган ишларингни ажри чин дунёда берилади. Сизлар имони покланган, руҳи тоза муслима аёлсизлар. Оила тарбияси аввало сизларнинг измингиздадир. Яшаб турган муқаддас юртни ғайри динлардан тозаласангиз ўз турмуш ўртолларингга тушунтириш, лозим бўлса, жиҳот учун жангга кирмоқни тарғиб қилмоқ сизларнинг бурчингиздир. Кофирлар қуриб берган мактабларга ўт ёқмоқлик ҳақиқий муслима ва муслим кишиларнинг Аллоҳ олдидаги қарзидир! Боғча ва мактабларга гуноҳдан ҳоли бўлган фарзандларингизни юбормоқ кофирнинг ишидир. Бу гуноҳлар ҳеч қачон кечирилмайди. Қалбимиздаги динга бўлган меҳр-муҳаббатни сўндиргувчи кинотеатр ва олий ўқув юртларини ёпмоқликка хешларингизни даъват этинг. Кимки қизини кўчага юзини очиқ ҳолда чиқарса, у бу айби учун охиратда дўзахнинг энг жирканч жойида танаси қийма-қийма қилиниб, гўшти қурту-қумурсқаларга едирилгувсидир. Сизлар жуфти ҳалолларингизни, ўғилларингизни қулоғига қуйинглар, соқолга тиф текказиш ҳаром ва кофирнинг ишидир. Эркакларимиз эмас, балки аёлларимиз ҳам телевизор, видеокассеталар кўришмоқда, радио тинглашмоқдалар. Бу ўзларининг охиратларига мой сепмоқлик билан баробардир. Шариатда сизларга мусиқа тинглаш, рақс тушиш, спорт билан шуғулланиш хатто суратга тушиш ҳам маън этилган. Гуноҳлардан ҳоли бўлишни ихтиёр этсангиз, охиратингизни обод бўлишини хоҳласангиз бугундан бошлаб бу ишларни тарк айланг. Қилинган гуноҳни ювиш учун ҳар бирингиз камида юзтадан аёлни мен юқорида айтган бидъат ишлардан қайтармоғингиз даркор. Шундагина сиз ҳақиқий мусулмон бўласиз! Жаннат сизники бўлади.

Маърузачи аёлларга жиҳод ҳақида ҳам тушунтиришга ҳаракат қиларди. Жиҳод бошлангудек бўлса,

улар динсиз кимсаларнинг милтиқларидан, калтакларидан қўрқмаган ҳолда маҳаллий ҳукумат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорларига бостириб киришлари уқтириларди. Буларнинг ҳаммаси Одиловнинг қачондир Ўзбекистонга кириб келишида, ҳокимиятни эгаллашида қўл келиб қолиши учун асқотиб қолиши мумкин бўлган ишларга тайёргарлик кўришнинг бир тури эди.

Вужуди кулоққа айланган, маърузачининг сўзларидан қаттиқ таъсирланган аёлларнинг юрагида қўрқув ва ваҳима уйғонарди. Кўз олдларида қилган гуноҳлари намоён бўларди. «Савоб» ишларни қилишга ошиқишарди. Уларнинг онгига. «Хижобга кирмаган аёллар билан бирга яшагандан кўра, уларга қарши курашда жон бериб, жаннатда яшаганимиз афзал», — деган ғоя қурғошиндек қуйилиб қолганди. Уйга қайтишлари биланоқ «устоз»ларидан эшитган гапларини, қолаверса, елкаларидаги «гуноҳ»ни соқит қилиш ва жаннат тўридан жой олиш мақсадида қўни-қўшниларига оқизмай-томизмай етказишарди. Уларнинг сўзига ишонганлар ҳам, ишонмаганлар ҳам топиларди. Бундан ташқари хорижликлар ўзлари билан олиб келган диний адабиётлар, варақалар ана шу аёлларнинг қўли билан шаҳар ва қишлоқларга тарқатиларди. Буни ўқиган кимсаларнинг қалбида турли-туман ваҳима исён кўтарарди. Хонимнинг уйига қатнаётган аёллар тез орада ўзгариб кетишди. Энди улар бошларига шунчаки оқ дока рўмол ташлаб эмас, хижобга кириб келишарди. Хонадонларда аёл ва эркаклар ўртасида жанжаллар чиқа бошлади. Кўчаларда соқолига тиф текказмайдиган эркаклар пайдо бўлди. Ажралишлар кўпайди.

Иккинчи гуруҳдаги аёллар эса биринчи гуруҳга нисбатан қарама-қарши бўлган тарғибот ишлари билан шуғулланишарди. Уларга ҳам хорижлик йўриқчи таълим берарди. Гуруҳнинг аъзолари ёш ва гўзал қизлардан иборат эди. Уларнинг хонаси ғира-шира

қоронғулатиб кўйиларди. Катта экранли, рангли телевизорда яланғоч эркак ва аёлларнинг тасвири намоёйиш этиларди. Шарм-ҳаёсиз фильмлар кўрсатиларди. Томоша қилишдан аввал уларнинг чойларига оз миқдорда қора дори аралаштириларди. Кайфлари ошган, кўнгиллари шодликдан яйраб кетган қизлар экрандан кўз узмай шармсиз лавҳаларни томоша қилишарди. Ҳузурбахш кайф улардаги уят ва шарм пардаларини кўтариб ташларди. Гуруҳ раҳбарининг мақсади гўзал ва покиза қизларда шахвоний хирсни уйғотиш, уларни бу ишга мойиллигини қўзғатишга қаратилганди. Шу мақсадда гуруҳ аъзоларига бошқа гуруҳдагиларга қараганда икки баравар ҳақ тўланарди. Маърузачининг мақсадини тушуниб қолган қизларнинг кўпи кетиб қолди. Беш-олтитагина қиз қолганди. Гуруҳ бошлиғи учун шунинг ўзи етарди. Бу қизлар орқали ўзининг қора ниятига етиши мумкин эканлигини сезарди. Муҳими юқоридан берилган топшириқ бажариларди. Қизлар ҳаёсиз фильмларни кўришдан зеркишмасди. Пул берилса, озиқ-овқат билан таъминланса, қаерга ҳам боришарди. Гуруҳ бошлиғи қизларга амалдор ва мансабдор шахслар билан қандай танишиш, шахвоний алоқа пайтида ўзларини қандай тутиш ва қандай ҳаракатлар қилиш борасида маслаҳат берарди, йўл йўриқ кўрсатарди. Мақсад — шу йўл билан амалдор ва мансабдор кимсаларнинг халқ ўртасидаги обрўйини тўкиш, уларни суратга олиб, оммага тарқатиш, шарманда қилиш эди.

Учинчи гуруҳ аъзолари эса наркотик моддаларни чекишга ва ичишга муккасидан кетган банги аёллар эди. Ўн нафар аёлнинг кўпчилиги муқаддам судланиб, темир панжара ортида ўтириб чиққан кимсалар эди. Уларнинг томирига ҳар куни бир кубикдан опин юборилар, дори таъсирида улар кўнгиллари тусаган ишни қилишар, бақириб-чақиришарди. Бу ерда улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганди. Бироз кайфи тарқаган қизлар видео кассеталарни томо-

ша қилишга таклиф этиларди. Унда чет элдаги аёлларнинг ўз «ғоя»лари йўлида хатто ширин жонларидан кечиб, белига граната ва портлатгич моддаларни боғлаб, ўзларини одамлар ва болалар гавжум бўлган жойларда портлатиб юбораётган ҳолатлари намойиш қилинарди. Уларни ҳам мана шундай иш қилишга даъват этилаётгани маълум эди. Фильм тугаши биланок маъруза бошланарди. Йўриқчилар кўрқмас ва довюрак аёллар ҳақида узоқ ваъз ўқишарди. Қадимда ва ҳозир ҳам ўз юртининг, ўз мақсади йўлида жонини тикиб, ҳаётдан кўз юмаётган аёлларнинг «қаҳрамон»-ликлари бўртириб таҳлил қилинарди. Ҳар бир маъруза амалий жиҳатдан исботланарди. Аёлларда ҳам шундай жасорат уйғотишга, керак бўлса жонларини тикишга, бедин ва кофирларга қарши исён сифатида белига «жиҳот камар»ини боғлаб, ўзини портлатиб ташлашга чақириларди. Бу гуруҳда бошқа, аммо биринчи гуруҳнинг ғоясига яқин бўлган ғоя тарғиб қилинарди. «Динсиз, имонсиз кимсаларга қарши кўтаришган курашда қурбон бўлган аёл жиҳод йўлида ҳалок бўлган жангчидек жаннатга равона бўлади», дея хитоб қилинарди. Кўрсатувларнинг таъсирига тушган аёллар қўлларини кўтариб, «йўлимизга ғов бўлаётган кимсаларга ўлим», деб бақиришарди. Бир ойга яқин хонимнинг уйида таълим олган аёллар кейинчалик ўз жойларига жўнаб кетишди. Улар ойда бир-икки келиб, Червон хонимга ўз гуруҳларига қанча одам қўшганлиги тўғрисида ҳисобот берар, уларнинг исми-шарифларини ёзиб қолдиришарди.

Ана шу аёллар ичида Барно исмли ёшгина қиз бўларди. У ўрта мактабни эндигина битириб, ўқишга кириш мақсадида шаҳарга келган ва кириш имтиҳонларидан оз балл тўлаб, ўтолмай қолганди. Барно ишлаш мақсадида шаҳарда қолди. Ишхонасига яқин жойдан ижарага уй излаб, тасодифан Червон хонимникига кириб қолганди. Хоним бир кўришдаёқ қизни ёқтириб қолди. У билан суҳбатлашиб ўтирар экан, бу

думбоқ қиздан ўз манфаати йўлида фойдаланиш ни-
 яти туғилди. Қизнинг юзларига боқиб ўзининг ёшлик
 чоғларини хотирлади. У ҳам шундай шаддод, бокира ва
 қувноқ қиз бўлганди. Агар ҳаётнинг қинғир-қийшиқ
 кўчаларига кириб кетмаганида бир уйнинг гўзал бе-
 каси бўлиши мумкин эди. Бироқ, у бошқа йўлни
 ихтиёр этди. Юрагидаги орзуларидан бойлик ва мол-
 дунёга бўлган ҳавас устун келди. Адашди. Адашганда
 ҳам ёмон адашди. Ўзининг танишлари олдида юзи
 шувут бўлиб адашди. Ўшанда хонимнинг уйига кела-
 ётган турли тоифадаги кимсалар ҳуқуқни муҳофаза
 қилиш идораларини қизиқтириб қолганди. Участка
 нозири ёшгина йигит Элмурод Червон хонимнинг
 уйи атрофида тез-тез айланиб қолди. Бундан хоним
 шубҳаланди. Бугун бўлмаса эртага уни милиция тутиб
 кетадигандек юрагини ваҳима босаверди. Нима қилиб
 бўлсада участка нозирининг оёғини бу ердан узиш
 тўғрисида ўйлади. Хорижлик меҳмонларнинг тарби-
 ясини олган гўзал қизлардан фойдаланиш истаги
 уйғонди. Бунда Барно унга қўл келиши мумкин эди.
 Хоним қизни ишга солди, бир ҳафта тарбиявий сабоқ
 берди:

— Ер ютгурни йўқотмасак, бизни тинч қўймайди-
 ганга ўхшайди — деди хоним бир чангал пулни Барно-
 нинг олдига ташлаб. — Бу ишни ўзинг удалайсан!

Олдида сочилиб турган пулларни кўриб Барно «ус-
 тоз»ининг таклифини қабул қилди. Участка нозирин-
 нинг хонасига ярим тунда кириб борди. Ўзининг
 адашиб қолганлигини айтди. Нозир қизни тонг ёриш-
 гунча хонасида қолишига руҳсат берди. Тонг узоқ эди.
 Бунинг устига нозир куни билан маҳаллаларни айла-
 ниб, одамлар билан суҳбатлашиб толиққанди. Лейте-
 нант кузда ўқишни битириб келганди. Барно ўзининг
 хатти-ҳаракатлари билан нозирнинг дилини ром этди.
 Ўчакишгандек тун ярмида чироқ ўчиб қолди. Улар
 ёнма-ён ётишди. Барнонинг уйқуси келмасди, нозир-

га тегажоқлик қилиб гап отарди. Элмурод унга яқинроқ сурилиб олди ва ўз навбатида Барно ҳам у ётган жойга сурилди. Қизнинг қайноқ нафаси ва ундан таралаётган хушбўй ис йигитнинг димоғини қитиклади. Кўзларидан уйқу қочди. Қўлини қизнинг белига чўзди. Шутини ҳаракат Барнони ҳам унга томон интилтирди. Ўзини лейтенантнинг бағрига отди. Улар бир-бирларининг қучоғига сингиб кетишди.

Эрталаб Барно кўз-ёши тўкиб уйғонди. Рўмолчадаги қонни кўрсатиб, лейтенантга дағдаға қила бошлади. Элмурод ялиниб ёлворди, уйланмаганлигини, рози бўлса бугуноқ никоҳига олишини айтди. Бироқ унинг оҳу зорларига Барно қулоқ солмади. Кўчада одамлар пайдо бўлиши биланоқ қиз қаттиқроқ дод солди. Одамлар тўпланди. «Адашиб қолган, ярим тунда қаёққа боришни билмай, милициядан паноҳ излаган бир қишлоқи қизнинг номусига текканлиги» учун лейтенант одамларнинг нафратига учради. Ўша куни қиз туман прокуратурасига борди. Участка нозири қамоққа олинди. Шу тариқа хоним милиционердан ўч олганди. Айни дамда баданидаги оғриқлардан азоб чекиб ётган хонимнинг кўз олдига ўша воқеа келди. Ҳозир Барно нима қиляпти? Унинг тақдири нима бўлдийкин? Қолаверса, хонадонида хорижлик кимсалардан таълим олган гуруҳнинг бошқа аёлларичи?! Улар қўлга тушмадимикин?, Червон хонимни сотиб қўйишмадимикин?! Ўшанда участка нозирига нисбатан ноҳақ туҳмат уюштиргани учун хонимнинг виждони азоб чекмади. Аксинча ўзини-ўзи қувонтириб юрди. «Мен билан ўйнашганнинг аҳволи шу», деб танишларига мақтанди. Мана, бугун ўша ёшгина лейтенантни ёдга олар экан негадир танаси жимирлаб кетди. Ноҳақлик инсонни қандай азоблашини билди.

Яна палатанинг эшиги очилди. Қуёш нурлари ичкарига ёйилиб кирди. Қоронғу хона ёришиб, зулмат чўқди. Хоним кўзини юмди. «Боя кўлимни ушлаб кўрган одам бўлса керак», деб хаёл қилганди. Келгувчи унинг тепасида турди-ю, бироқ кўлини ушламади.

— Оч кўзингни! — Эргашбойнинг овози қулоғига чалинди. Хоним баданига наштар санчилгандек чўчиб тушди ва қўрқа-писа кўзларини очди. Тепасида қорайиб кетган, ҳаддан ташқари соқоли ўсиб, юзини тўсган Эргашбой турарди.

— Нега Чўтирга тухмат қилдинг! Эргашбой қаҳр-ғазабини зўрға босиб турганлиги овозидан билинди. Бошлиқ ҳали ҳам унга ишонмаётганлигини билди.

— Нега ишонмайсиз дўмбоғим? — саволга савол билан жавоб қайтарди хоним. — Ахир у номусимга тегмоқчи бўлди. Сизнинг йўқлигингиздан фойдаланмоқчи бўлганди!!

— Ёлғон!! — қичқириб юборди Эргашбой, унинг овози чодир ичида худди момоқалдироқдек гумбирлади. — У номусингга теголмасди. Унинг олатини Олмаотада Маҳмуд сен қанжиқни қизганиб кесиб ташлаган!!

Хоним бошига гурзи тушгандек гангиб қолди. У бундан хабарсиз эди. Ёлғон сўзлаб сири очилганидан юраги эзилди. Ортга чекиниш ўринсиз эди. У гапириш ўрнига шилиқ-шилиқ йиғлади. Эргашбой ортиқча ади-бади айтишиб ўтирмади, айтмоқчи бўлган сўзини айтганини, хоним айбига иқроп бўлганини тушунди.

Сен мегажин тузимни ичиб, тузлиғимга тупирдинг! Қилган яхшиликларимни билмадинг! Яхшиликларимнинг уволи тутсин, икки кўзинг оқиб, кўр бўлсин! Топган аёлларингни кўпи бизни сотиб, обрўйимизни бир пулик қилди! Одамларимиз турмада ётибди. Номимизни террорчига чиқариб, юзимизни ерга қаратдинг. Энди сендек қанжиққа сафимизда ўрин йўқ!!

– Дўмбоғим, яратганни ўртага қўйиб қасам ичаман, сизнинг олдингизда юзим ёруғ! Айтган топшириқларингизни бажарганман. Жўнатган пулларингизга хиёнат қилмай эгаларига топширганман, – зўрға гапирди хоним. Аммо, ўзини оқлашга муносиб сўз тополмади. Томоғидан кимдир бўғарди. Нафаси қистарди. Хўрлиги тутиб, кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

Унинг нолаларига Эргашбой аҳамият бермади. Ортига бурилиб хонадан чиқиб кетди. Остонадан ўтгач унинг совуқ товуши яна хонимнинг қулоғини тешиб юбораёзди.

– Мирюнус, манави қанжиқни зиндонга ташла! Бургага таланиб, каламушларга ем бўлиб, сасиб-бижиб ётсин!

Хонимнинг бошидан ақли учди «яна азобми?! Қайси гуноҳим учун», деган сўз дилидан ўтди. Мирюнус ичкарига кирди ва баққуват қўлларини чўзиб, хонимни даст кўтарди-да, ташқарига олиб чиқиб кетди. Червон хонимнинг охириги умиди сўнганди. Мурдаси шу тоғу тошларда қолишига, энди туғилиб ўсган юртига қайтиш, унинг дийдорини кўриш насиб этмаслигига иқрор бўлди. Хоним Мирюнуснинг қучоғида жасад мисоли тебраниб борарди. Кўйлаклари ва лозими йиртилиб кетганди. Оппоқ бадани кўзга ташланиб турарди. Уни кўрган йигитлар қийқириб, бақириб-чақиришиб дод солишди. Аёлнинг хира тортаётган хаёлида «Мирюнус яна йигитларнинг ихтиёрига топширса керак», деган фикр учаётган пилик мисоли липилади. Аммо Мирюнус жангарилар томонга эмас, чодир орқасига ўтди.

– Панжарани кўтар, – деди у кимгадир. Темирнинг тарақлаган овози эшитилди. Мирюнус тўхтади.

– Пастга туш, – деди у бояги одамга.

Бир муддат ўтиб қучоғидаги хонимни пастда турган одамга узатди. Аёлнинг баданига темирдек қўллар ботди. Пастдаги одам унинг оёғидан, сўнг белидан ушлади. Хоним ўзини зиндонга туширишганини пай-

қади. Қолган умри йигитларнинг қийноқлари остида эмас, қуёш нури тушмайдиган қоп-қоронғу зиндонда ўтажагига амин бўлди. Кўзларини зўрға очди. Юзига-юзи тегай деб турган серсоқол кимсанинг термулиб турганини кўрди. Нотаниш кимса хонимнинг белидан қўлларини бўшатар экан, пахтадек юмшоқ, аммо кеча йигитлар мижғилавериб оғритиб юборган момасини мижғилаб қўйди. Бу хонимга аввалгидек ҳузур эмас, чидаб бўлмас оғриқ ато этди.

- 5 -

Тунда, милтиқ овозлари ухлаб ётган жангариларни палапартиш ҳолатда ташқарига ёпирилиб чиқишга мажбур қилди. Ҳамма ўзи билан ўзи андармон бўлиб турган бир пайтда Тошкент билан алоқа боғлаш имконияти тузилганди. Чодирдан чиқибоқ ўзимни жарлик томон урдим. Мен билан йигирма - ўттиз чоғли жангарилар пастликка қараб югуришди. Ўзгалар нигоҳига ташланмаслик мақсадида бошимга эски пахталикни ташлаб, алоқа аппарати яширилган, томонга чопдим. Ҳар бир одам ўз жонини сақлашга, дайди ўқларга нишон бўлмасликка ҳаракат қилиб борарди. Ўзимни каттагина тош панасига урдим. Телефон аппаратида менга икки маротаба Тошкентдан қўнғироқ қилишгани қайд этилганди. Гўшакни одатдагидек Зокир олди. Вақт тифиз эди. Олислардан ўқ овозлари қулоғимга чалиниб турарди. Зокир шошилиш хабар борлигини маълум қилди. У Фотҳуллохонни Тошкентдаги ҳарбий госпиталда ўз одамларидан бири Иброҳим исми доктор ўлдириб, мамлакатдан чиқиб, Афғонистонга ўтиб кетган бўлиши мумкинлигини маълум қилди. Иброҳим бу ерга ўтса, албатта Фотҳуллохоннинг Тошкентда пайдо бўлганлигини Одиловга сўзлаб беради. Бундан Эргашбой жазавага тушиб, Умар иккимизни тириклай дорга осиши тайин.

— Бизнинг тахминларимиз тўғри чиқса, Иброҳим икки-уч кун ичида Афғонистонга ўтиб боради, — деди

Зокир. — Эҳтиёт чораларини кўринг Зудлик билан Ватанга қайтинг!

Бу хабар менинг юрагимга қанчалик ёмон хавотир олиб киргани фақат ўзимга аён! Даҳшат алангасида ёндим. Умарни огоҳ этиш керакми, деган савол хаёлимдан кўтарилмади. Ўйлаб- ўйлаб Иброҳимни йўлда тўхтатиб қолиш чорасини кўриш керак, деган қарорга келдим. Тонг ёришгунча кўзларимга уйқу илинмади. Хаёлимдан минг турли ўйлар ўтди. Иброҳимни йўлда тўхтатиб- қолишнинг иложи йўқ эди. Чунки лагерга кираверишдаги постга бошлиқнинг садоқатли ва ишончли йигитлари қўйилганди. Икки кундан бери Умар ҳам кечалари постда тураётганди. Мозори Шарифга бориб келганимиздан сўнг Эргашбой уни постга қўйганди. Ўйлаб-ўйлаб бу ҳақда Умарга айтишга аҳд қилдим. Бир ўзимнинг қўлимдан нима ҳам келарди. Балки Умар бирор йўлини топар, деган илинжда эрталаб уни изладим. Кейинги кунлар биз учрашмай қўйгандик.

— Фотҳуллохоннинг Тошкентга етиб борганлиги тўғрисида Одиловнинг одамлари хабар топибди, — дедим Умарнинг нигоҳларига термулиб. У худди қаршисидан қашқир чиқиб қолган овчидек менга тикилиб қолди.

— Буни кимдан эшитдинг? — паст овозда сўради Умар.

— Тошкентдан хабар қилишди.

— Фотҳуллохон оғзидан гулабдими?

— Йўқ, даволаган одамларидан бири уни таниб қолибди! Сўнг, ўлдириб, ўзи биз томонга қочибди. Ҳозирча билганларим шу.

— Чакки бўлибди. Икки уч-кун ичида Эргашбой бундан хабар топади.

— Фотҳуллохонни ўлдирган кимсани бу ерга келтирмаслик керак.

— Нега, у Афғонистонга ўтмай, бошқа мамлакатга кетвориши ҳам мумкин-ку?!

— Унда иккимизга оғир бўлади. Сен айтгандек у

бошқа мамлакатдан туриб Фотхуллохонни мелисаларнинг қўлига тушгани ҳақида Эргашбойни хабардор қилади.

— Ҳозир уни бутун мамлакат бўйлаб милиция қидирмоқда. Шундай бўлгач, албатта бу ерга келиши аниқ.

— Биз уни танимасак, билмасак.

— Лагерга кираётган ҳар бир одамга эътибор бериш керак. Янги одам бўлса уни постнинг ўзидаёқ тўхтатиб қолиш мумкин.

— Қийин иш...

— Иложимиз қанча.

— Балки ўзимизнинг қочганимиз маъқулдир?

— Мени бу ерда қиладиган ишларим бор.

— Яхшиси қурол-аслаҳа омборини қўлга киритиб, Эргашбойни ва унинг одамларини портлатиб ташлаймиз, бир йўла ҳаммасидан қутиламиз.

Мен Умарнинг ўт чақнаб турган кўзларига термулдим. Кейинги пайтда у жуда ҳам ўзгариб кетганди. Нигоҳларидан бу йигитнинг ҳеч нарсадан қайтмаслиги билиниб турарди. Менинг асосий мақсадим Эргашбой билан Фофурни тириклай Ватанга қайтариш эди. Улар ўз айбларини халқ олдида тан олишлари лозим, ахир қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни ўлдиришди, қанчадан-қанча норасида гўдаклар ота-оналаридан жудо бўлди, етим қолишди. Кўплаб ёшлар алдов йўлари билан Ватандан олисда, ўз элига қарши қўлига қурол тутган. Халқ Эргашбойнинг башарасини кўрсин. Қилган гуноҳларини ўз тили билан халққа айтиб берсин. Токи «халаскоримиз», деб юрган баъзи кимсалар унинг мақсад ва ниятларини билсин. Шундагина мен халқим ва Ватаним олдидаги фарзандлик бурчимни адо этган бўламан.

Оҳ, олтин тупроқларингни гардидан ўргилиб кетай, она юртим! Сени ёдга олганимда кўз ўнгимда нелар жонланмайди. Мустақиллик шабадаси кўксингга тек-кач кимлар сенинг шонингни, шуҳратингни, иқбо-

лингпи, порлоқ келажагингни топтамоқчи бўлишди. Ўн беш кунлик тўлин ойдек балқиб турган юзларингга кимлар тош отмади. Хурофотни кўзлаган, нияти бузуқ кимсалар тарихнинг филдирагини ортга буриб, ўтмишни қайтармоқчи бўлишди. Оҳ, жисми жонингдаги яра-ларга ўзим малҳам бўлайин юртим! Сендек қудратли юрт турганда, жасур юртбошим турганда, ғурури тоғдек баланд халқим турганда мен нечун Ватан хоинларидан чўчий, нечун юрагимни қўрқув қамра-син. Оғир кунларда корингга ярамаган, бир мушки-лингни кўтаришга кифтини тутмаган фарзанд фар-зандми Ватаним!! Киндик қоним тўкилганда бир ҳимоячи ўғлоним туғилди, деб қувонмаганмидинг? Ўттиз йил қучоғингда эркалаб, кўтариб, парвариш қилмаганмидинг? Шундай бўлгач нечун мен бир қошиқ қонимни сендан қизғанай. Ўзимни четга тортсам, душманларингни кўзига тик боқолмасам, улар олдида кўрқиб, япроқ мисол титрасам сенинг фарзандингман дейишга, сенинг покиза тупроғинг устида қадам босиб юришга ҳаққим борми, эй, она Ватаним! Дилимдан шундай ўйлар кечарди. Хаёлимдан шундай сўзлар ўтарди. Бу ерда қолиш, токи ғанимларнинг сир-синоатларини билмагунча, улардан қасос олмагунча кетишга ҳаққим йўқ. Бу виждоним буйруғи, бу она-Ватанимга бўлган муҳаббатимнинг буйруғи!

Назаримда кўнглимдан кечаётган ўйларни Умар ҳам ҳис этиб турарди. Унинг ҳам қалбида аллақачонлар ўз душманларига нисбатан уйғонган чексиз нафрат ва вазаб ҳисси оловланганди.

— Ҳаммаси жойида бўлади, — деди Умар ниҳоят ўртага чўккан жимликни бузиб. — Бугундан бошлаб постда кечаю-кундуз қоламан. Бирорта одамни ичкарига қўймайман! Агар Иброҳим бу ерга келаётган бўлса, Эргашбой унинг мурдасини кўради! — деди алам билан қўлларини мушт қилиб.

Ғофур томонидан менга ажратилган бир ҳафталик муҳлат ҳам шитоб билан ўтиб борарди. Улар мени ўлдирадими, деган хавотирли савол юрагимни ўртарди. Ўй ва хаёлларим турли кўчаларга олиб кетарди. Ёнимда олиб юрадиган «Кобра» тўппончамни ҳамиша отишга шай қилиб юардим. Ҳаётим учун хавф туғилган пайтда, албатта Эргашбойни ҳам, Ғофурни ҳам аяб ўтирмай ўқдондаги барча қўрғошинни уларнинг кўксига жойлаб қўяман, деб ўйлардим.

Ўн олтинчи палата кечаю-кундуз диққатимда эди. Кимлар кириб, кимлар чиқмоқда, бу ерда яшаётганларнинг исми-шарифи, қаердан келганлиги, муқаддам қандай жиноят қилганлиги, уларни Афғонистонга ўтишига нима мажбурлаганини, муҳими ўз жонидан кечишга нима мажбур қилаётганлигини аниқлашим шарт эди. Барча саволларга жавоб олгач марказга маълум қилишни ўйлардим. Зокир билан боғланиб «Гул» операцияси тўғрисида қисқача хабар бердим. Раҳбарият мендан аниқ маълумотлар кутарди.

Икки кунки лагерда Ғофурнинг қораси кўринмай қолди. Унинг қаёққа кетганини мен ҳам, Умар ҳам билмасдик. Узун қулоқ гапларга қараганда Ғофур Россияга жўнаб кетган эмиш. Бу қанчалик ҳақиқат ёки уйдирма эканлиги менга қоронғи эди. Кунларнинг бирида тонг ёришаётган пайтда қулоғимга ғала-ғовур овоз чалинди. Ташқарида кимлардир у ёқдан-бу ёққа югуриб-елар, бақириб-чақириб, бир-бирларини нимадандир огоҳ этишарди. Тўппончани отишга шай қилиб, ташқарига чиқдим. Чодирдан ўн қадам нарида ўнлаб жангарилар доира шаклида тўпланиб туришарди. Уларга яқин бордим ва олдимда турган кимсанинг елкаси оша бўшлиққа назар ташладим. Ерда икки жасад чўзилиб ётарди. Қорли тоғларнинг чўққилари устига тирмашиб чиққаётган қуёш тафтсиз шуъласини мурдаларнинг юзига сочиб турарди. Мен қўллари

икки ёнида шалпайиб, осилиб турган, кўкрагига ури-
лаётган совуқ эпкиндан юзининг ярмини тўсган соқо-
ли хилпираб турган, кўзлари хиёл очиқ ҳолда чўзилиб
ётган Умарни бир боқишдаёқ танидим.

Унинг қўллари мушт бўлиб тугилганди. У худди
ухлаб ётган одамга ўхшарди. Юрагимга биров ханжар
санчгандек вужудим жимирлаб, ўпкам шишиб, кўзла-
римда ёш айланди. Нега, нега, бундай аҳволга тушди,
ким унинг жонига қасд қилди? Унинг ёнида ётган
мурда ким? Нега у жангариларга ўхшаб соқолли эмас?
Бегона одамнинг кўкариб кетган юзлари совуқ ялти-
раб турарди. Майин ва силлиқ таралган сочлари бироз
тўзғиганди. Мен унга қанчалик диққат билан разм
солмай барибир танимадим. Жасаднинг оёғидаги бир
пой туфлиси қаердадир тушиб қолганди. Хаёлимга
Зокир айтган Иброҳим келди. Наҳотки бу ўша бўлса?
Бироқ, нега айнан Умар иккиси вафот этди? Ким
уларни бундай аҳволга солди? Уларнинг қотили ким?,
Бу ерда мендан бошқа яна кимдир борми, деган
саволларга жавоб тополмай қийналардим. Хаёлимдан
турли ўй-фикрлар кечар экан, ёнимдаги йигитлар
типирчилаб, бир четга сурилишди. Ортимга юзлан-
дим. Елкасига чакмонини ташлаган Эргашбой мурда-
лар ётган томон келарди. Юзида ғазаб тўнғиб қолган-
ди. Ундан уч-тўрт қадам нарида келаётган Абу Толиб-
нинг чеҳрасида одатдагидек табассум балқиб турарди.
Эргашбой мурданинг бош томонига ўтди ва бироз
қадини букиб, ҳар иккисига назар ташлади. Сўнг
ортига ўтирилиб ўзидан икки метрлар чамаси нарида
турган Абу Толибга юзланди.

— Буларнинг нимадан ўлганлигини аниқла! — деди
қош-қовоғини солиб Эргашбой.

Абу Толиб мурдаларнинг ёнига борди-да, тиз чўкиб,
уларнинг бадалларини, оғиз ва кўзларини синчиклаб
кўздан кечирди.

— Хўжайин, булар заҳарланиб ўлган, — деди ниҳоят
Абу Толиб ўрнидан турар экан.

— Заҳарланиб? — бошлиқнинг кўзлари косасига торлик қилди. Абу Толибга еб қўйгудек нигоҳ ташлади.

— Ким уларга заҳар берган бўлиши мумкин? — Ҳар доимгидек одамларига шубҳа ва гумон билан боқди Эргашбой. — Тунда постда кимлар навбатчилик қилганди? — У Мирюнусга юзланди.

Тўрт нафар йигит сафни ёриб, олдинга чиқди. Уларнинг юзлари шу даражада оқариб кетган эдики, тасодифан кўрган одамнинг юраги ортга тортиб кетиши ҳеч гап эмасди.

— Буларни ким ўлдирди? — сўради Эргашбой олдинда турган йигитдан.

— Биз билмадик амирим, — деди йигитлардан бири. — Тонг ёришмай Умар ташқаридан манави одамни бошлаб кириб келди. Иккиси ёнма-ён ўтириб суҳбатлашишди.

— Нима ҳақида суҳбатлашишди?

— Шунчаки, ўзаро гаплашиб ўтиришди-да!

— Нима ҳақида гаплашишди? Менга анигини айт! — Сўроқ қилишда давом этди Эргашбой.

— Биз уларнинг сўзларини эшитмадик амирим.

— Қулоғинга пахта тиқиб олганмидинг, кар?!

Эргашбой оёқ-қўли қалтираб турган иккинчи йигитнинг рўпарасида тўхтади. Унинг кўрқувдан дир-дир титраётган афтига ғазабли кўзларини қадади.

— Улар нима ейишди?

— Ҳеч нарса. Фақат Умар икки пиёлага доғ сув қуйиб келди. Шунини ичишди халос.

— Доғ сувни меҳмон сўраганмиди? — терговчилардек жангарини сўроққа тутарди Эргашбой.

— Ҳа, меҳмон сўради, кейин Умар қумғондаги сувдан пиёлаларга қуйиб келтирди.

— Сен кўриб турганмидинг?

— У пиёлага сув қуяётганини кўрдим халос, амирим. Йигит жим бўлди.

— Сувни ичгандан сўнг нима бўлди?

— Биринчи бўлиб меҳмоннинг ранги кўкариб, кўзла-

ри ола-кула бўлиб, худди ҳаво етишмаётгандек бўғилиб ерга йиқилди. Кейин Умар ағанаб тушди.

— Демак, доғ сувга бирортанг заҳар қўшгансанлар! — ўшқирди тўда боши. — Уларнинг иккиси ҳам менга садоқатли йигитлар эди!

Атрофдаги жангариларнинг ҳам юрагини ваҳима босганди. Улар Эргашбойнинг қандай қарорга келишини кутишарди. Атрофга жимжитлик чўқди. Тўда боши олдинги сафда турган йигитларнинг кўзларига ўлжани ғажиб ташлашга шай турган қашқирдек тикилди. Бирдан хаёлига нимадир келди чоғи ортига бурилиб..

— Санжар!! — деб қичқирди. Йигитлар орасини ёриб ўрта бўй, қотмадан келган, қоп-қорайиб кетган йигит оқсоқланиб чиқди.

— Лаббай амирим...

— Ҳунарингни ишга сол, қотилни топ!

Санжар қўлини кўксига босиб, ишни нимадан бошлашни билмай бир зум талмовсираб турди-да, ерда ётган мурдаларнинг олдига борди. Тиз чўкиб, ҳар иккисининг қўлларини, димоғини ҳидлади. Кейин ўрнидан турди ва олдинги сафда оёқлари титроқдан букилиб-букилиб кетай, деб турган жангариларнинг қошида пайдо бўлди. Уларнинг кўзларига разм солди. Сўнг қўлларини ушлаб, чуқур-чуқур нафас олиб, гумон қилинувчиларнинг баданини искай кетди.. Бу ҳол уч-тўрт маротаба такрорланди-ю, аммо ҳеч нарсани аниқлай олмади. Шундан сўнг яна мурдаларнинг қошига борди. Ҳамма нафасини ичига ютганча унинг ҳаракатини кузатарди. Санжарни мен бу ерда илк маротаба кўриб туришим эди. Балки илгари кўрган бўлсам-да эътибор бермагандирман. Санжар Умарнинг атрофидан кетолмай қолди. Унинг кийимларини искар экан бирдан кўйлагининг ёқасига қўл юборди. Ерга кўмилган ўлжани пайқаб қолган тулкидек шошапиша ушлаган жойини титди. У ёқани қайта-қайта ҳидлаб, сўнг ўрнидан турди-да, бошлиқнинг ёнига келди;

— Заҳар, Умарнинг кўйлагини ёқасида бўлган, — деди. Унинг паст овозда айтган бу сўзини ҳамма эшитди. Жангарилар бир-бирларига қараб «ув» тортиб юборишди. Хаёлимга Умарнинг хонасида турган «Калий Цианид» тушди. Наҳотки ўша заҳарни шу пайтгача сақлаб юрган бўлса? Наҳотки мени Эргашбойдан ҳимоя қилиш учун ўзини ўлдирган бўлса? Унинг бир пайтлар «охирги нафасимизни Ватан учун берамиз», деган гаплари қулоғимда жаранглади.

Эргашбойнинг одамлари икки жасадни Содиқнинг мурдаси каби жарга ташлаб келишди. Кун бўйи юрагим сиқилиб, ўзимни кўярга жой тополмай юрдим. Унга шунчалик ўрганиб қолганимни шунда ҳис этдим. Ёлғизланиб қолганимга чидаёлмасдим. Юрагимда қасос ва алам ўти ёнганди.

- 7 -

Кечки пайт Эргашбой мени ҳузурига чорлади. Тушкунликка берилиб кетганим боис бошлиқ нима мақсадда чақираётганини ўйлаб, тайёргарлик ҳам кўрмадим. Қўрқув ва ҳадикни унутиб хонасига кирдим. Ичкарида Абу Толибни учратдим.

— Дўхтир билан Қобулга бориб келасизлар, тайёргарлигингни кўр!

Эргашбой менга қиё боқмай шу сўзни айтди. Эрта-лаб унинг машинасида пойтахтга жўнадик. Машинанинг олдинги ўриндиғида Абу Толиб борарди. У қошқовоғини осилтирмайдиган, ҳазил-мутоибани хуш кўрадиган йигит эди. Унинг қаерданлигини ва қандай мақсадда гуруҳга қўшилиб қолганлигини билмасдим. Орқа ўриндиқда ёнбошлаб ўтирган Чўтирнинг қошқовоғидан қор ёғарди. Эргашбой мени бунинг сафига нима мақсадда қўшиб қўйганини тушунмасдим. Узун қулоқ гаплар орқали Чўтирни Олма-отада азоблашганидан хабар топгандим.

Машина тошлар юмалаб тушган йўлдан пастлик сари тушиб борарди. Йўл ўйдим-чўқур эди.

Чўтир бетоқат бўлиб, типирчилаб сўкинар, гоҳида шофёрни «кўзингга қараб юр», деб койиб ҳам қўярди. Шофёр унинг сўзларига бош ирғаб қўярди-да, билганидан қолмасди. Мен хазина яширилган жойга кетаётганимдан хурсанд эдим. Тўғри, Крамаренко ва Ефим Егорович вафот этди. Бироқ, хазина жойида қолди. Уни олиб ўтганим билан кимга топшираман? Ким менга ваъда қилинган пулни беради? Гарчи бошлиқимнинг сўнги топшириғини бажармаган бўлсам-да, лаънати хазина яширилган жойни кўрсам, бойликни жойида турган турмаганлигини билсам кўнглим таскин топади-ку, деб ўйлардим.

Биз Қобулга яқин келиб қолгандик. Дераза ойнасига юзимни босиб, нигоҳимни ташқаридан узмасдим. Менга таниш бўлган кўчаларни, уйларни ёдга олишга ҳаракат қилардим. Ҳа, бу ерлар ҳали ҳам ўзгаришсиз ётарди. Айниқса пойтахтни толибонлар босиб олгач кўплаб бинолар ёниб, кулга айланганди. Йўл четларида бомба тушиб, ёниб кетган уйлар, мажақланган машиналар, бўлак-бўлак қисмларга ажралган танклар, буларнинг ҳаммаси толибонлар билан ҳукумат қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган даҳшатли урушни ёдга соларди. Ҳозирги вазият уруш йилларидагидан баттар эди. Вайронага айланган биноларнинг сафи кўпайган бўлса кўпайганки, аммо бирорта биноси қайта тикланмаган. Турли қабила ва элатларга бўлиниб кетган афғон халқи тинчликни эмас, балки қонли урушни кўравериб бундай ҳолга кўникиб қолгандек.

Шаҳар кўчаларига кириб борганимизда кўнглим бироз ёришди. Ўзимни эмин-эркин ҳис эта бошладим. Машина чорраҳадан ўтганда кўзим қулаб тушган кўп қаватли бинода тўхтади. Юрагим хаприқиб, ўзимни ғалати ҳис эта бошладим. Ҳаяжонимни босолмасдим. Ташқаридан кўз узмай, вайронага айланган бинога тикилиб борардим. Шофёр ва Абу Толиб мендаги ўзгаришни пайқади.

— Тинчликми, нега бесар бўлиб қолдинг? — Бу йўлга

чиққанзимиздан бери уларнинг менга айтган биринчи сўзлари эди.

— Уйимиз шу атрофда эди, — дедим қўлим билан вайрон бўлган бинони кўрсатиб, — Бузилиб кетибди. Бироз тўхтасангиз, бориб кўрардим. Ота-онам, ака-укаларим қаердайкин, қўни-қўшниларимдан сўраб билай!

— Уйингни кули кўкка соврилибди-ку, ота-онанг омон қолармиди, — иршайиб сўзлади Абу Толиб.

Шофёр йигит кўнглимни кўтарган бўлди..

— Қайтишимизда кўрарсан. Бошлиқ йўлда тўхта-маслигимизни буюрган.

Бино қандай қулаган бўлса шундай ҳолатда ётарди. Демак, Крамаренконинг сўзлари чин, хазина шу тупроқ остида ётган. Бу ерга ким ҳам бойликни ахтариб келиши мумкин, деб ўйладим..

Машина касалхона ёнида тўхтади. Абу Толиб ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай икки одамни эргаштириб чиқди. Улар Чўтирни пастга тушишини илтимос қилишди. У анча толиқиб, ҳориб қолган, ранги кўкариб кетганди. Бунинг устига машинада ўтиравериш оёқларининг томири тортиб, увишиб қолганди. Қўлларига тираниб, сирпаниб, оёқларини ерга қўйди. Касалхона ҳодимлари унинг қўлтиғидан кўтариб, ичкарига олиб кириб кетишди. Абу Толиб уларга эргашди. Қорнимиз оч эди. Йўлда енгилгина тамадди қилиб олгандик. Шофёрга мени кўздан қочирмаслик, босган қадамимни пойлаш вазифаси топширилганлиги унинг ҳаракатларидан сезилиб турарди. Бу йигитга жабр қилмаслик, ортиқча уринтирмаслик учун машинадан тушмадим. Очиққанимни айтдим.

— Мен ҳам итдек очман. Сабр қил. Ановини бу ерда олиб қолишса, қорнимизни тўйдиришларини илтимос қиламан.

— Чўтир бу ерда қоладими? — Ҳеч нарса билмаган одамдек сўрадим.

— Худо билади. Агар даволашнинг иложи бўлса олиб қолишади.

— Касали офирми?

— Сўрама, — деди шофёр ҳиринглаб куларкан. — Айтганим билан ишонмайсан!

— Нима бўлибди, — шофёрни саволга тутдим. У қулоғим остида шивирлади.

— Олатини кесиб ташлашибди.

— Ё тавба. Кўйсангчи, бундай гапга ким ишонарди, балки ҳазиллашишгандир?!

— Айтмадимми ишонмайсан, деб?! Бошлиқнинг айтишича Олма-отадаги одамларимиздан бири шундай қилибди.

Шофёр билан яқинлашиш имконияти туғилганди.

— Ёмон иш қилгандирда?

— Буёғи ўзига ва яратганга аён.

— Мени нимага бошлаб келдиларинг?

— Буни Абу Толибдан сўра.

— У сенга ўхшаган оқ кўнгил йигитга ўхшамайди, яхшиси ўзинг айтақол?

— Ҳозир эмас, кейин айтаман...

— Гуноҳим офирми?

— Бу ерда ҳаммамизнинг гуноҳимиз офир, — деди шофёр ўйчан ҳолатда.

Икки соатлардан сўнг Абу Толиб чиқди. Шофёр иккимиз унинг ҳорғин чеҳрасига тикилдик.

— Хўжайинга Чўтирни даволаб бўлмайди, деб минг карра айтгандим. Қулоқ тутмаганди. Айтганим бўлди. Икки кун шу ерда турамиз. Яраси газак олиб, йиринглаб кетибди. Даволашгач, ортга қайтамиз.

Икки кун қоладиган бўлсак шофёр ва Абу Толиб билан яқинлашиб, сирдош бўлиб қоламан, деган ўй миямга урилди..

— Унгача қаерда турамиз?

— Буни сен ҳал қиласан-да, мамлакатнинг эгаси! — деди Абу Толиб.

Икки кун касалхона олдидаги томига снаряд тушган бинода ётиб турдик. Башир жаноблари одамларига тайинлаган бўлса керак, нотаниш кимсалар олдимизга

тез-тез келиб, ҳолимиздан хабар олиб туришди. Улар билан гаплашиш бизга маън этилганди. Ниҳоят жўнайдиган кунимиз келди. Кечга яқин йўлга тушдик. Марказий банк биносининг олдидан ўтаётганимизда шофёр йигитга илтимос қилдим.

— Шу ерда тўхта. Ҳеч бўлмаса уйимизни кўрай. Қўни — қўшнилардан ота-онамни сўроқлай, — дедим.

Шофёр Абу Толибга ўғриди. У маънодор бошини ирғиб қўйгач машинани тўхтатди. Пастга тушиб, бино томонга эчкидай сакраб чопдим. Атроф-теварақда юрган одамлар менга эътибор беришмади. Қулоқларим остида собиқ командиримининг хазинага қайси йўлақдан кириш кераклиги тўғрисида айтган гаплари жаранглади. Ортимга қарашни ҳам унутиб қўйгандим. Абу Толиб менга эргашиб келарди. Диққат эътиборим пастга олиб тушадиган йўлақда эди. Тупроқлар йўлни кўмиб юборганди. Гоҳ тепаликка чиқиб, гоҳ пастга тушиб, атроф-теварақка олазарақ боқардим. Ташқаридан қараган одам мени адашиб қолган, деб ўйларди. Бомба тушиб, хандак бўлган жойда тўхтандим. Тепа кисмини ғишт ва цемент бўлаклари кўмиб ташлаган, бироқ одамнинг гавдаси сиғадиган туйнукка кўзим тушди. Қуёш нурлари пастга олиб тушувчи зиналарни ёритиб турарди. Шу ердан ичкарига кириш мумкин, деган ўй хаёлимга келди. Ўн қадам босганимда иккинчи хандак кўринди. Бу ерда офтоб тифига баданини тоблаб, ётган одамни кўрдим. У қадам товушларимни эшитиб бошини кўтарди. Разведканинги ҳаётини оний лаҳзалар ҳал қилади. Бир бора боқиш, кўз қири билан нигоҳ ташлаш ҳаёт дафтариини варақлаб ташлайди. Оний лаҳзалардан фойдалана олмаган чекист ҳеч қачон ўз касбининг устаси бўлолмайди. Нотаниш кимса билан нигоҳимиз тўқнашганда уни қаердадир учратганимни эсладим. Мовий кўзлар, сарғич қошлар таниш эди. Икки қадам юрганимдан сўнг ноаён куч мени яна ортга қарашга мажбур қилди. Ерга узала тушиб ётган бояги кимса измдан тикилиб

турарди. Унга аҳамият бермадим. Қулоқларим остида яна Крамаренконинг сўзлари жаранглади. «Йўлақдан пастга тушсанг «х» шаклидаги темирга дуч келасан. Темирнинг остини бир метр қазисанг граната яшигидаги хазинани топасан». Командирим пастга олиб тушадиган йўлакни айтгани рост, бироқ бу ерда йўлак бир нечта, уларнинг қай биридан тушмоғим керак? Нега бу ҳақда аниқ маълумот бермади? Нега йўлак харитада кўрсатилмаган?. Балки Ефим Егорович буни генералга айтишни унутгандир? Ўзимни қўлга олдим. Хаёлимдан хазианага олиб тушувчи йўлакни аниқлаш, ўн метр нарида ётган мовий кўзли йигитнинг исмини топиш кетмасди. Нега у бу ерда? Балки мендан умудини узган қария уни жўнатганмикин?

Абу Толиб чўнқайиб ўтирганимни кўриб, ота-онасининг руҳига тиловат қилаётган бўлса керак, деб ўйлади чоғи, у ҳам тиз чўкди. Ўрнимдан турдим. Бояги одам юзини терс буриб олган бўлса-да, кўз кири билан босган қадамимни кузатиб турганини сезардим. Ёнидан ўтиб кетаётганимда у хайр-эҳсон қилишимни сўради. Ҳамёнимдан пул олар эканман кўзим тиламчининг ярми йўқ бармоғига тушди. Шу заҳотиёқ уни танидим. Бу — собиқ қуролдош дўстим Павел Степашин эди!

Машина йўлга тушди. Хаёлим Павелда эди. Нега у Афғонистонда-айнан хазиана яширилган жойда пайдо бўлиб қолди, деган савол миямга тинчлик бермасди. Менинг кайфиятимни кўриб Абу Толиб кўнглимни кўтаришга уринди.

— Хафа бўлма биродар, ҳамманинг ота-онаси қазо қилади. Мен ҳам ота-онамдан ёш ажраганман. Қариндошларимнинг эшигида катта бўлганман. Амал-тақал қилиб ўқишни битирдим. Бир жононга ишқим тушиб, унинг номусига тегиб қўйганман. Отаси баджаҳл одам эди. Ҳомиладор қизини калтаклади. Мен эса унинг қаҳридан кўркиб қишлоқдан қочдим. Юртни ташлаб Эргашбой акамнинг этагини тутиб, худонинг

қаҳрини келтирган шу дала-даштларда саргардон юрибман. Тезроқ хўжайин юртга қайтса-ю, бизга тузукроқ иш берса, деб кеча-кундуз дуодаман. — Абу Толиб мен билишим лозим бўлган маълумотларни секин-аста сўзлай бошлади. У туғилиб ўсган қишлоғи ҳақида узоқ гапирди. Юртда қолиб кетган шериклари ҳақида ҳам гуллаб қўйди. Мен индамай, бошимни ҳам қилганча унинг ҳар бир гапини хотирамга ёзиб борардим.

Чўтирнинг рангига бироз қон югурганди. Энди у илгаригидек асабийлашмасди ҳам. Атроф-теваракка қизиқувчанлик билан боқарди. Дўхтирлар Чўтирнинг руҳини туширмаслик мақсадида ноёб операцияни келгуси йил қилишга ваъда берганларини билиб олдим.

-8-

Эргашбой Мирюнусга «раҳнамолар олдига бориб келмоқчиман», деб ёлғон гапирганди. Нияти бошқа эди. Йўлга чиқиш олдидан тансоқчиси Баҳодирни хонасига чақиртирди. Ўзининг пинҳон гапларини шу йигитга айтарди. Ягона дардкаши эди.

— Тайёргарлик кўр, тунда йўлга чиқамиз, — деди у Баҳодирга.

— Қаерга борамиз, хўжайин?

— Буни кейин биласан, — деди тўдабоши. — Кетаётганимизни биров билмасин. Ўзинга яқин одамларингдан бирини ёнингга ол!

— Тезда қайтамызми?

Савол тўдабошига ёқмади. Баҳодирга хўмрайиб қаради. Тансоқчи ноўрин гап айтганидан тилини тишлади.

Ярим кечада чодирдан чиқишди. Эргашбой айланма йўлга юрди. Бу сўқмоқ қаерга олиб боришини шериклари яхши билишарди. Бир кечаю-кундуз йўл босишиб, Қирғизистонни Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудига келишди. Сарбаланд тоғ остидаги ғорда тўхташди. Бу жойни «Аждар ғор», деб аташарди. Олисдан аждарга ўхшаб кетарди. Эргашбойнинг олдига бораётган ёки юртга қайтаётган одамлар шу жойда тўхтаб,

нафас ростлаб олишарди. Махфий учрашувлар ҳам шу форда ўтарди. Чўпон кийимидаги Қамбар уларни кутиб олди. У Эргашбойнинг водийдаги ишончли одами эди. Икки давлат чегарасидаги яширин ишларни бажарарди. Наркотик модаларнинг савдоси билан шуғулланарди. Эргашбойни иқтисодий жиҳатдан таъминларди. Олти ой-ки, Эргашбой унга дори жўнатмай қўйган. Боиси Афғон далаларидаги нашаларга ўт кетганди. Тўдабоши Қамбарни ишсиз қолдирмади. Бой-бадавлат одамларни аниқлашни, уларни талашни бутурди. Афсуски, Қамбар шу пайтгача бошлиғини қувонтирадиган иш қилолмади. Бугунги учрашувга ўзи билан анчагина маълумотларни йиғиб келганди.

— Ҳамид ўз одамларидан иккитасини тўдангизга киритган. Уларнинг исми Сарвар ва Хошим. Хошимнинг билагига ой шаклидаги татировка чизилган. Сарварнинг чотида чандиғи бор.

— Улар қачон боришган? — Тўдабошининг рангикути ўчиб кетди.

— Икки ойча бўлди, — қўрқа-писа жавоб қилди Қамбар.

— Нега аввалроқ хабар бермадинг, ит? — Эргашбой ўрнидан туриб кетди. — Ўтган шу икки ой ичида ўнлаб йигитларимни йўқотдим. Бўрибойдан айрирдим. Амалга оширмақчи бўлган режаларим барбод бўлди!

— Сиз билан алоқага чиқишнинг иложи бўлмади, амирим. Изимга ментлар тушганди. Бошқа шаҳарда яшадим...

— Алоқага чиқишнинг иложи бўлмаса, Олма-отадаги одамларимиз орқали хабар жўнатсанг ўлармидинг! Руслан, Олтинбек, ўлиб қолганмиди?

— Улар ҳам назоратда бўлса керак, деб ўйловдим, хўжайин!

— Гуноҳингни танангдаги қон билан ҳам юволмайсан, Қамбар!

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, амирим...

Қамбар қўлини кўксига босиб, ялинди. Бошқа пайт

бўлганда Эргашбой унинг тилини кесиб ташлаган бўларди. Ҳозир вазият бошқа. Ишонган ва суялган алоқачиси шу. Уни йўқотса, юрт билан Тавилдарани бир-бирига боғлаб турадиган, муҳим маълумотларни етказиб турадиган алоқачи қолмаслигини тушуниб, тўдабоши ўзини босди.

– Нечта одам қўлга тушди? – сўради қўрбоши.

– Ўн еттита, лекин улар бир-бирларини сотмаяпти?

– Буни қайдан била қолдинг?

– Сотишганда бизни ҳам тутиб кетишарди-да, хўжайин!

Сен янги тўда туз, жиноятчиларни аралаштирма, кўпроқ ёшлар бўлсин, уларни ўз томонимизга оғдириш осон бўлади. Кейин ментлар улардан шубҳаланмайди.

– Бир оғиз буйруғингиз амирим.

– Эҳтиёт бўл, ишларни бегоналарнинг қўли билан қил, ўзингни асра, менга ҳали кўп керак бўласа!..

– Муродингизга етинг, амирим!

– Гул топиш оғир бўлаяпти, Қамбар. Аҳволимиз ҳам яхши эмас, йигитларим оч, юпини.

– Тушунаман, хўжайин, – Қамбар қўйнидан дафтар олди.

– Бу нима, – сўради қўрбоши.

– Буйруғингизга биноан водийдаги пулнинг исига ухлаёлмаётган бадавлат бойваччаларнинг рўйхати.

Эргашбой қоғозни қўлига олиб кўз югуртирди. Унда ўттиздан ортиқ одамларнинг исми-шарифи ёзилганди.

– Шу пайтгача кимни тинчитдинг, қанча пулни олдинг?!

– Пичоғим қиндап суғрилган, фотиҳа берсангиз бас, амирим!

– Исмоил нима қилаяпти?

– Ўғиллари кучайиб кетди хўжайин, ҳаммаси ишбилармон, тадбиркор! Одамлар эътиборида. Яқинда тўй қилмоқчи.

– Қачон?

- Аниқ кунини билмайман, аммо ҳаракат қияпти!
- Аниқла, тўйга совға жўнатаман!
- Хўп бўлади амирим!
- Топшириқларни кечиктирмай бажар, ҳозир менга пул сув билан ҳаводек зарур!
- Хўп бўлади амирим! Эргашбой қўйнига қўл солди. Беш-олти килограмм қора дорини олиб, Қамбарнинг олдига қўйди.
- Тозасидан, Вадим Вольфовичга жўнат. Соққасини нақд санасин! Унга тайинла, бундан буёғига фақат сенинг одамларинг билан алоқа қилади. Дорини ўзим етказиб тураман, алдамасин!
- Фофур-чи, амирим?!
- Ундан шубҳам бор, — Эргашбой яна нимадир демоқчи бўлди-ю, тилини тишлади. Ҳамёнидан бир парча мактуб олди. Унинг қирғоқлари елимланганди.
- Бу шахсан Вадим Вольфовичнинг қўлига бориб тексин!
- Тушундим...
- Икковлари жим қолишди. Қамбар ўйлаб юрган гапини айтди.
- Қўлга тушган одамларимизни судья узоқ муддатга қамаётти, амирим. Адолатсизлик қияпти. Ҳаммаларига ўн беш йилдан тепада берди.
- Ким суд қилди?
- Очилдиев!
- Эргашбойнинг хаёлини ўй олиб қочди, кейин Қамбарнинг кўзларига тикилиб сўради.
- Барно нима иш қияпти?
- У ишончли жойда, топшириғингизни кутяпти.
- Пулдан қизғанма, сўраганини бер, бўйнигача қарзга ботир!
- Шусиз ҳам биздан беш-олти миллион қарздор, ака!
- Тез кунларда у бизга керак бўлиб қолади. Иложини қилиб, судьянинг ишончига кирсин, Барнонинг қўли билан уни шарманда қиламиз! Устимиздан кулаётган кимсалар, Очилдиевнинг қандай одам эканлигини билиб қўйишсин. Шунда унинг адолатсизлик қилаётганини халқ билади.
- Тушундим, амирим.

— Бу биринчи топширик, иккинчи топширик Сарви холанинг уйида одамларим ташлаб кетган «юк» бор. Ишончли йигитларингдан бирини жўнат. Юкни олиб, Андижонга ўтсин. У ердаги шерикларимиз билан биргалашиб янги қурилаётган заводни теккисланглар! Ишни пайсалга солманглар. Бизни қўллаб турган бошлиқларимиз «нега йигитларинг иш қилмаяпти», деб мени сўроқ-саволга тутишяпти. Сизлар иш қилмасаларинг улар менга сарик чақа ҳам тўламайди.

— Тушундим, амирим!

— Шариф ҳақида одамлар оғзида нима гаплар юрибди? — тўдабошининг хаёлига кутилмаганда қочоқ одами келди.

— Сўраманг амирим, — деди бошини чайқаб Қамбар. — У қисталоқнинг иши юришиб кетди. Сутни қайта ишлаб чиқарадиган цех қурди, кеча телевизорда кўрсатишди. Бунча пулни қайдан топаяпти билмадим. Бир қарасангиз боғча қураётган, бир қарасангиз қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизаётган...

— Бас!! — қичқириб юборди Эргашбой, — Шу боланинг ишлари ҳақида эшитсам биров устимга мой сепгандай ёниб кетаман. Лаънати йўқотиш учун жўнатган одамларимни отишди. Сенга топширик, дорининг пулидан ўн минг ажратасан.

— Нимага? — шошқалоқлик билан сўради Қамбар.

— Ўша лаънатининг боши учун!

— Аҳмоқ бошга ўн минг долларми, хўжайин?

— Ўша аҳмоқ калла қанчадан-қанча одамларимни йўлдан урди. Кўп йигитларим лагердан қочди, кўплари кўз-ёш қилиб мелисага борди. Ҳукумат уларнинг гуноҳини кечаяпти, иш билан таъминляпти. Агар Шарифни тинчитмасам одамларимнинг барчаси ҳукумат томонига ўтиб кетади.

Қамбар қўйнидан ханжар олди, бир зарб билан ерга санчди. Буни кўриб Эргашбой аввалига қўрқиб, гавдасини орқага ташлади, кейин ханжар нима мақсадда Қамбарнинг қўйнидан олинганини тушунди.

— Бир ой ичида бошини узиб, қутига солиб ҳузурингизга жўнатаман, амирим!

— Уддалай олармикинсан? — тагдор маънода сўради қўрбоши.

— Эркакнинг лафзи битта бўлади, ака!

— Баракалла иним, баракалла! Қани энди сендай шерюрак йигитларим кўпроқ бўлса, ўзга юртда, тошлар орасида беркиниб юрмасдим.

— Ташвиш чекманг, сиз айтган йигитларни ҳам тўплайман!

— Сал баланд кетмадингми? — хавотирланди тўда боши.

— Шу гапимга қиёматда ҳам ативет қиламан, хўжайин!

— Сенга яна бир топширик, — деди қўрбоши ўртага чўккан жимжитликни бузиб.

— Буюринг!

— Воҳидни жўнатаман, Сарви холанинг қизи Сорани олиб кетгани келади.

— Хизматингиздаман хўжайин.

Баҳром шериғи билан беш-ўн қадам нарида уларнинг сўзларини эшитиб турарди. «Эргашбой арзимаган топширикни айтиш учун шунча йўл босиб, азоб чекиб келибди-да», деган гапни дилларидан ўтказишди. Тўдабошининг ниятини Қамбар кетгандан кейин билишди.

Эргашбой орқага қайтишга шошилмади. Тепаликка чиқиб, юзини қиблага буриб, ўн чақиримлар йироқда қад кўтараётган баланд ва кўркам биноларга, оппоқ пахталар қийғоч очилган поёнсиз далаларга тикилиб, узоқ туриб қолди. Унинг кўз нурлари етиб борган жойлар Ўзбекистон эди. Юртни кун сайин чирой очиб, дунёга танилиб бораётганидан ичи ёниб кетди. Тунлари тушида юрт тупроғида юрар, боғларидан мева терар, сойларидан сув ичар, далаларида пахта терар, тенгу тўшлари билан ўйнаб-қувнарди. Кўзи очилганда ўзини дашти биёбонда кўрар, шунда қалби эзилиб, тутдай тўкилиб, кўзлари ёшга тўлиб, ўзини қўйгани жой тополмай типирчилаб қоларди. Бу ерга юрагини

ёндираётган юрт соғинчига малҳам истаб келганди. Йироқлардан бўлса-да, Ватанга кўзи тушганда, ўша томондан эсаётган эпкин кўксига урилганда ўзини қўлга ололмади. Кўзларидан дув-дув оққан ёшлар яноғини ялаб, ўсиб кетган паҳмоқ сақоллари орасига сингиб кетди. Кўкраги шишди, ҳаво етишмаётгандай бўғилиб, энтикиб-энтикиб нафас олди. Юрагининг қат-қатидаги соғинч деган туйғу ичини шилиб, кўтарилиб, томоғига тиқилиб, кейин бўғзини ёриб чиқди. Эргашбой ўкириб-ўкириб йиғлади. Унинг овози олис-олисларга кетди. Бирдан чаёнлиги ёдига тушди. Оёқлари остидан тошларни чангаллаб кучининг борича дуч келган томонга улоқтирарди.

— Нега?! — деди овозини баланд кўтариб, — Нега?! Ҳали бирорта мустақил давлат эришмаган ютуқларни айнан Ўзбекистон қўлга киритаяпти? Нега унинг шуҳрати ортиб бораяпти?! Нега бу юртда тинчлик, осоишталик?! Нега одамлар тўқ, хотиржам?! Йўқ, мен бунга чидамайман! Тоқат қилолмайман!! Ёндираман!! Куйдираман!! Ўлдираман!!

Шундагина тансоқчилари уни қандай ниятда бу ерга келганини тушунишди. Эргашбой кетар чоғи Баҳодирни ёнига чорлади.

— Бу сув қаердан оқиб келади? — сўради тансоқчидан.

— Ўзбекистондан! — жавоб қилди у.

Эргашбой кийимларини ечиб, анҳорга тушди. Ҳовучини тўлдириб сув ичди. Сув совуқ бўлсада узоқ чўмилди. Баданини қанчалик ишқаламасин, терисидаги моғор кетса кетди-ки, бироқ юрагидаги кир кетмади. Уни ҳеч қандай сув поклай олмасди.

- 9 -

Мирюнус зиндон тепасидаги темир пажарани ёпиб, унга қулф солиб, ҳирс ёниб турган кўзларини Червон хонимнинг яланғоч сонларига ўқдай тикди. Унинг аёл зотига яқинлашмаганига бир ярим йилдан ўтиб қолганди. Қирчиллама қирқ ёшида қисмат унинг

бошига кулфат солди. Ўз юртида, ўз хонадонида отасидан қолган ҳунар — арқон эшиб, атторчилик қилаётганди. Икки фарзандли бўлиб, болалари вояга етиб, бўйи-бўйидан ошиб қолган пайтда у даъватчилар сафига қўшилиб, диний оқимнинг таъсирига берилиб, ўзини бошқа муҳит ва бошқа инсон қиёфасида кўрди. Қалби ғазабкор туйғуларга тўлди. Ҳар бир одам, айниқса кўчаларда яланг бош, ёпинчиқсиз, эркаклар билан бир сафда ишлайдиган аёлларга нафрат билан боқадиган бўлди. Даъватчилар сафида туман ва қишлоқларга чиққанда аввало ҳаммадан кўп у гапирарди. Гапирганда ҳам берилиб, ёниб, тутақиб сўзларди. Ҳаттоки ўзини қаерда ва кимлар орасида ўтирганини ҳам унутиб қўярди. Одамлар унинг сўзларига эмас, балки ўзини тутолмай, тутқаноғи тутган хастадек талвасага тушиб жаврашига ҳайрон қолишарди. Тез орада у Эргашбой гуруҳининг етакчилари сафидан жой олди. Тўдабошига шундай фидойи, жонсарақ кимсалар зарур эди. Ярим йилдаёқ Мирюнус каттагина гуруҳнинг етакчисига айланди. Бошқаларга ўзини ибрат қилиб кўрсатиш мақсадида оиласида ҳам қаттиққўл эди. Аёлини кўчага чиқармай қўйди. Қўни-қўшнилари баджаҳл бу одамнинг ғазабли нигоҳига ташланмаслик учун бошларига ёпинчиқ ташлайдиган бўлишди. Унинг хонадонига бегона эркак тугул ҳатто қариндошлари ҳам юрак ютиб киролмасди. Эркаклар билан муомалани фақат ташқарида қиларди. Бир гал Мирюнус шамоллаб касалхонага тушиб қолди. Даволаётган икки дўхтирни хонасига тез-тез таклиф қилиб, гапга солиб, фикрларини билишни, шу йўл билан уларни ўз гуруҳига оғдиришни ниятлаб қўйди. Кечки пайт дўхтирлардан бири навбатчиликда қолди. Мирюнус унинг кўнглига қўл солди.

— Шу дўхтир ука, касалхонангизда хотин-қизларни ишлатиш ноўринда. Хаста эркакнинг иштонини тушириб, орқасига игна санчиш бизнинг мусулмончиликка тўғри келмайди-да!

Дўхтир йигит беморнинг мақсадини тушунмадию, аммо аччиқланди.

— Амаки, — деди босиқлик билан, — касалхонада хотин-қизларни ишлатмасак янгам касал бўлсалар уларнинг думбаларига эркаклар игна санчса мусулмончиликка тўғри келаверадими?!

Мирюнуснинг юзи шолғомдек қизарди, дўхтир йигитдан иш чиқмаслигини билиб, уни хонасига таклиф қилмай қўйди.

Ниҳоят Мирюнус қўлини қонга белади. Ўша куни у Қўқондан қайтганди. Сотиб олган ипларини қайта тарозидан ўтказаётганда ўғли ишдан келди. Ўртоқларидан бирининг тўйига боришга тараддудланди. Кун эрталабданоқ борлиқни тандирдек қиздирарди. У душга сув тўлдирди. Маза қилиб чўмилди. Артинаётиб уйда майкасини унутиб қолдирганини эслади. Онаси Олима опа ташқарида иш билан андармон бўлиб юрганди. Йигит оёқ шарпасидан уни шу атрофдалигини сезди.

— Ойижон, — деди йигит душнинг очиқ қолган жойидан бошини чиқариб. — Уйдан майкамни олиб чиқиб беринг!

— Она ўғлининг сўзини эшитди-ю, ичкари кириб кетди. Мирюнуснинг бу гапдан ғаши келди. Аввал ўғлига, сўнг ичкарига кириб кетаётган аёлининг ортидан хўмрайиб қараб қўйди. Кўп ўтмай она қўлида майка кўтариб чиқди. У душ томон юрди. Майкани илгичга илиб, яна ишига овуниб кетди. Аёлини ялонғоч ўғлининг чўмилаётган жойига борганлигини кўриб, Мирюнуснинг ғазаби аланга олди.

— Бу ёққа кел! — буюрди у аёлига. Олима эрининг овозидан оёғи қалтираб, олдига борди.

— Нега сен ялонғоч болангни олдига бординг? — ўшқирди Мирюнус.

— Кийимини элтиб бердим, — қўрқа-писа жавоб қилди аёли.

— Шариат ургур, ахир ўғлингнинг ялонғоч баданига кўзинг тушди-ку, — боягидан қаттиқроқ ўшқирди эр.

— Вой, нима деяпсиз, дадаси, ахир ўз фарзандим-ку, — Олиманинг ранги оқариб кетганди.

— Ҳаққинг йўқ! Ўғлингни ялонғоч баданини кўриш сенга ҳаром, касофатинг ўзингга ургур!!

— Тўққиз ой қорнимда кўтариб, кўкрак сутимни бериб боққан болам нега менга номаҳрам бўлсин?! — кўз-ёш тўқди аёл.

Мирюнуснинг жаҳли чиққани кўкариб кетган юзидан маълум эди. Аёлининг гап қайтариши унинг асабларини баттар қақшатди. Қўлидаги тарозининг икки килограмми тоши билан Олиманинг пешонасига солди. Аёлнинг оқ оралаб қолган, қатиқ ҳиди уфириб турган сочлари шу заҳотиёқ қип-қизил қонга бўялди. Оқариб кетган юзини эри томон бурди. Бир дақиқа уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Мирюнус йигирма йил бирга яшаб шу пайтгача хотинининг кўзларига бу қадар эътибор бермаганлигини ҳис этди. Нур кетган, мунг чўккан, ич-ичига ботиб кетган бу кўзлардан лойқа ёшлар оқиб тушарди. «Менинг гуноҳим нима эди, дадаси», — деган сўзлари худди биров бўғзидан юлиб олаётгандек эшитилди. Ҳаммаси бир нафасда содир бўлди. Танаси қизиб кетган Мирюнус ўзини босолмади. Қулоғи остида кимдир «Яланғоч ўғлининг баданига кўзи тушган аёлнинг гуноҳини кечириб бўлмайди, бундай аёлни тош бўрон қилиш керак», деяётгандек туюлди. Жуда ҳам олисдан эшитилаётган бу овоз эгасини Мирюнус таниди. Бу пирим, деб этагини ушлаган устози Қобулий домланинг овози эди. Унинг юмалоқ, ҳамиша лоладек қизариб тургувчи юзи кўз ўнгида жонланди. У кўлларини бигиз қилиб, бу аёл энди сенга номаҳрам, унинг жазосини бермоғинг керак», дерди. Устознинг амри вожиб, Мирюнус ҳамон қаршисида ҳайкалдек қотиб, ёрилган бошидан қип-қизил қон сизиб, сочлари, ингичка бўйнига, сўнгра эгнидаги ўн йилдан бери кийилавериш ранги ўчиб кетган кўйлагига оқиб тушаётган аёлининг мурданикидек оқариб кетган юзига боқди. Йўқ, унинг қалбида шўрлик бу хотинга нисбатан меҳр, ачиниш ҳисси уйғонмади. Аксинча қалбидаги ғазаб ва қаҳр жунбушга келди. Кўзларига кўриниб турган, қулоқлари остида шивирлаб турган пирининг амрини бажаришга ошиқди. Қўлидаги қонга беланган тош тобора вазминлашиб борарди. Пир яна унинг қулоқлари остида шивирлаб, шайтон йўлдан оздирган бу

аёлнинг гуноҳини икки килограмми тош билан эмас, балки тоғни бостирганда ҳам ювиб бўлмаслигини таъкидлаб турарди. Қасос ва алам, кўзга кўринмас жойда туриб, қулоғига шивирлаб турган Қобулийнинг даъвати Мирюнуснинг қўлига эрк берди. У ёнғоқ чаққандек Олиманинг бошига уч маротаба ургач, аёли гурсиллаб йиқилди. Мирюнус хотинининг йиқилганини, ўз қонига ўзи беланиб ётганини кўриб, шариат йўлида қасос олганлигидан, пирнинг амрини бажарганидан кўнгли кўтарилди. Зулмат босган қалби ёришиб кетгандек бўлди. Виқор билан атрофга қаради. Боя кўз ўнгида номоён бўлган ва қулоқларига шивирлаб турган устози ғойиб бўлганди. Қани у, қаёққа даф бўлди? Энди унинг кўз ўнгида бошқа қиёфадаги одамлар гавдаланди. Улар орасидан икки нафар милиционер чиқиб, қўлларига кишан солмоқчи, елкасидан туртиб ташқарига судрамоқчи бўларди. Жимжитликни ўғлининг фарёди бузганди. Ўғли ерда ётган онасининг совуқ танасини кучоқлаганча дод соларди.

— Онамни нима қилдинг, онамни нима қилдинг!! — йигитча шу икки оғиз сўзни айтиб бўзларди.

Йигитнинг додини эшитиб, қўни-қўшнилар чиқишди. Бу ҳақда милицияга хабар беришди. Мирюнус шариат ҳукми билан эмас, балки Давлат қонунлари олдида жавоб беришини ўйлади. У кўчага чопди. Кўчада ўтиб кетаётган таниш-билишлар қўли қонга беланган Мирюнуснинг ортидан ҳайратлангандек қараб қолишарди. Мирюнус ортига қайтмади. Таниш-билишларини, ёру-биродарларини ишга солиб, уларнинг кўмагида Олма-отага жўнаб кетди. Афсуски бу ерда ҳам хотинининг арвоҳи уни тинч қўймади. Боши ёстиққа тегди дегунча унинг озғин чеҳраси кўз олдида намоён бўлар, қулоқлари остида, «Менинг гуноҳим не дадаси», деган сўзлари жарангларди. Олиманинг руҳи уни таъқиб қила бошлаганди...

Мана шунга ҳам беш йилдан ўтиб қолди. Босқинчилик ва талончилик қилганда қанчадан-қанча аёлларнинг номусига тажовуз қилди, зўрлади, қучоғига кирмаганларни урди, тепди, ҳатто бўғзига пичоқ ҳам тортди. Тавилдарага келгандан буён бирорта аёл билан бирга бўлгани йўқ. Аёлнинг ҳиди димоғига урилганда қалтираб қолади. Червон хонимни зиндонга олиб кетаётганда ундан анқиб турган қўланса ис танасида кўзфалаётган эркаклик ҳирсини кўзғаб қўйганди.

Мирюнус зиндон теппасидан қайтар экан ўзига-ўзига шундай деди: Ўлмасанг, бугун-эрта ёнингга тушиб, бир кеча кучоғимда олиб ётаман.

- 10 -

Лагерга қайтганимизда Эргашбойнинг чодирини олдида янги «Тойота» автомашинаси турарди. Соқчилар Абу Толиб билан Чўтирга ичкарида меҳмон борлигини айтишди. Шунда Чўтирнинг хаёлига Червон хоним келди. Соқчилардан хонимнинг қаердалигини сўраб-суриштирди. Танишлари уни зиндонда ётганини айтишди. У зиндонга чопди.

— Қаёққа, қаёққа кетаяпсан?! — унинг ортидан қичқирди Мирюнус.

Чўтир индамади.

— Қани, қайтчи!! Қайт!! — захархандалик билан яна қичқирди Мирюнус.

Чўтир қулоқ солмади. Мирюнус унинг йўлини тўсди. Бир-бирлари билан юзма-юз туриб қолишди.

— Зиндонни оч!! — деди Чўтир секин ва жаҳл билан зиндонбоннинг юзига пишқириб.

Қайсар зиндонбон бошлиқдан ўзганинг сўзига итоат этмасди.

— Амиримиз, «мендан рухсатсиз зиндонни очмагин», деб буйруқ қилганлар, ўзларидан рухсат олиб чиқ, хўп десалар зиндонни очаман, — деб жавоб қилди.

Бу гап Чўтирга алам қилди. Зиндонбоннинг юзига

ўқрайиб қаради. Уларнинг ғазаб ва нафрат ўти чақнаб турган кўзлари бир дақиқа учрашди. Улар бир-бирларининг ўнг келган жойини ғажиб ташлаш пайида ириллашиб турган сиртлонларга ўхшаб кетарди. Чўтир унга ялиниб, ёлвориб, ҳурматини тўкишни хоҳламади. Оёғидаги кирза этикни судраб, зиңдон тепасидаги темир панжара устига тиз чўқди. Қоп-қоронғу ерда узала тушиб ётган Червон хонимни кўриб юраги ҳаприқиб кетди. Чўтир юзини темир симга босиб астагина «Хоним», дея овоз қилди. Аёл кўп ёш тўкканидан ачишиб, оғриётган кўзларини зўрға очиб, тепага боқди. Бироқ ёруғликка ўрганмаган кўзлари бир муддат тепада турган кимсанинг кимлигини таниёлмади. Юраги гурсиллаб тепаётган Чўтир яна овоз қилди.

— Хоним...

— Азизим, бу сизми? — шодликдан юраги ҳаприқиб кетган хонимнинг овози ер остидан ғалати эшитилди. Мадорсиз қўлларига суяниб ўрнидан турди. Заҳ деворга елкасини тираб, Чўтирга тикилар экан кўзларидан оқиб тушаётган ёш ёноқларини ювиб, тўзғиб кетган сочлари орасига сингиб кетарди.

— Сизни нега...нега бу ерга ташлашди хоним? — ўпкаси шишиб кетган Чўтир гапиролмай дудуқланди. — Ахир амиримизга айтгандим-ку, хонимда гуноҳ йўқ, деб.

— Мени кечиринг азизим, сизга туҳмат қилдим. Шу туҳматим эвазига Аллоҳнинг қаҳрига учрадим.

— Азият чекманг. Сиз менга туҳмат қилганингиз йўқ, балки соғинчингиз, муҳаббатингиз олдида бошимга тушган кулфатни сизга очиқ айтолмадим жоним... Сизни шу қуйларга солиб қўйган менман!

Бу сўзларни эшитиб, хонимнинг кўнгли бузилди.

— Илк бор уйқудаги юрагимга чўғ ташлаб уйғотган кимса сиз бўлдингиз азизим.

— Йиғламанг, мен изтироб чекаман!

— Мени бу ердан олиб чиқиб кетинг, азизим, акс ҳолда ўлиб қоламан...

— Қобулдан ҳозир келдим. Хўжайиннинг ҳузурига кириб, жонимни гаровга қўйиб бўлса-да, сизни бу зиндондан қутқараман?.

— Ўлгунимча сиз билан биргаман. Сизга хиёнат қилган куним ўлганимдир. Эллик йил яшаб, кўп ёмон ишларга қўл урдим, бировларга туҳмат қилдим. Ўзгаларнинг оиласини буздим. Мен учун оддий бўлиб кўринган бу ишларнинг қандай азоб-уқубат келтиришини мана бугун бошимга бало ёғилганда англаб етдим. Қолган умримни сиз билан хоҳлаган жойингизда ўтказаман. Иккимиз ҳам Аллоҳга чин кўнгилдан истиффор қиламиз. Унга мусаллам нигоҳ билан қараймиз!.

— Мен ҳам сиз билан бирга бўлишга сўз бераман хоним. Юрагимга худди баҳор эпкинидек кириб келдингиз. Сизни йўқотиб қўйганимдан бери бу дунёда ёлғизланиб қолдим.

— Тўғриси сўзланг, мени соғиндингизми, азизим?

— Буни сўз ила баён қилолмайман!

— Ишонаман азизим, ишонаман! Қани энди тезроқ бу ердан чиқсаму, олов бўлиб ёнаётган бағрингизга бошимни қўйсам.

— Андак сабр қилинг хоним! Мен ҳозир амиримизнинг ҳузурларига кираман. Гуноҳингизни кечишларини илтимос қиламан!

Юзини терс буриб олган Мирюнуснинг вужуди қулоққа айланганди. Бу сўзларни тинглаб гоҳ кулгиси қистар, гоҳида ғижинарди. «Сен мегажин қариганда худони эслаб колдинг-ми? Нега унинг борлигини аввалроқ ўйламагандинг? Зиндонда ётибсанки, бошинга офир савдо тушганки, худо ёдинга тушган. Билиб қўй, гуноҳларингни ювишга дарёнинг суви ҳам етмайди. Эртага бошқа бировнинг қучоғига кирганинда, «вой акажон, дунёга келиб сиздай йигитни кўрмаганман», деб бу дийдиёларингни унута-

сан. Сен учун дунёда ундан яхши одам бўлмайди. Яна бир-икки кун ўтсин, ўзим бағримга босиб, бўйнимдан кучоқлатиб, «акажон», дедирмасам исмимни бошқа қўяман. Чўтирни энди бошингга урармидинг. У сенга муносиб эмас, ҳидингни искагани билан истакларингни қондиrolмайди. Уни худди қўчқор қўй каби пичиб қўйишган, хезалак қилиб қўйишган. Аёлдан фарқи қолмаган. Эркакман дейишга, биз билан бир сафда туришга ҳаққи йўқ. Қутирган қўтосдек кучга тўлган йигитлар ўзларига бачча қилиб, ҳар кеча биттаси кучоғида олиб ётади. Сен нодон кампир бундан беҳабарга ўхшайсан чоғи».

Бу орада соқчилардан бири югуриб келди.

— Сени амиримиз чақираяптилар, — деди у Чўтирга.
— Тезроқ юр!

— Айтинг, менга сув билан нон келтиришсин, — Чўтирнинг ўрнидан тураётганини кўриб деди Червон хоним. — Икки кундан бери туз тотганим йўқ.

— Бир муддат сабр қилинг хоним. Ҳозир ўзим келтираман.

Чўтир ўрнидан турди ва соқчига эргашиб Эргашбойнинг кулбаси томон кетди. Мирюнус зиндон тепасига-келди. Ҳамон кўкка термулиб турган хонимга қараб иршайиб қўйди. Белига қистирилган сувдонни олиб, унинг оғзини очиб фулт-фулт қилиб сув ичди. Қолганини зиндон ичига тўқди. Хонимнинг термулиб турганини кўриб, қўйнидан бир бурда нонни чиқариб оғзига солди. Оғзини тўлдириб чайнай бошлади.

Шундан сўнг оёғидаги этик билан панжара олдидаги тупроқни титиб, бир сиқимини ичкарига тушириб юборди. Қуриқ ва майин тупроқ ёйилиб пастга тушди. Хонимнинг кўзлари тупроққа тўлди.

- 11 -

Толибонларга қарши курашаётган учлик аскарлари қаршиликка учради. Мулла Умар тарафдорлари мамлакат ичкарисига юриш бошлашди. Уларнинг мақсади Жалолобод, Ҳирот ва Мозори Шариф каби йирик

вилоятларни ўз қўлларига олишдан иборат эди. Жалободда Усама бин Ладеннинг одамлари ҳукумронлигини аллақачон ўрнатиб олганди. Улар Мулла Умарга қарши турган кучларни тор-мор қилишга шай туришарди. Бундан ташқари Усама бин Ладеннинг кўрсатмаси билан куёви мулла Умар ҳар томонлама қуроласлаҳа, ўқ-дори ва жангарилар билан таъминлаб туриларди. Хорижда ҳарбий тайёргарликдан ўтган, жанг тактикаларини яхши ўзлаштириб олган йўриқчилар унинг аскарлариға бошчилик қилишарди. Мамлакатнинг илгариги тузумидан жабр кўрган кимсалар толибонлар таркибига келиб қўшилاردи. Шу сабабли уларни мамлакатнинг йирик вилоятларига қараб юриши, қишлоқ ва туманларни босиб олиши ҳеч қандай қийинчиликсиз амалга ошарди. Толибонларнинг разведка бошқармаси Аҳмад Шоҳ Маъсуд, Раббоний ва Абдурашид Дўстум кўшинлари сафига ўз одамларини киритиш режасини ишлаб чиққанди. Учлик ўртасида ўзаро низоларни келтириб чиқариш, аскарларни толибонларнинг ғалабасига ишонтириш, сотқин ва хоин кимсаларни ажратиб олиш, шу йўл билан парокандаликни вужудга келтириш мақсад қилинганди.

Қобулни босиб олган Мулла Умарни олқишлаш учун юборилган Эргашбойнинг одамлари пойтахтдан софасалом ва шахсан ҳазратнинг миннатдорчилигини олиб келганди. Бу қутлов Мулла Умар билан Эргашбойнинг бир-бирига бўлган дўстлик риштасини қаттиқроқ боғлади. Мамлакатнинг жанубида, Маъсуд Шоҳ ва Абдурашид Дўстумга, Гулбиддин Ҳикматёрга қарши кураша оладиган Эргашбойдек содиқ одамнинг борлиги Мулла Умар ҳазратларини қувонтирди. Разведка бошқармаси бошлиғи Абдурашид Дўстумдан қасос олиш учун Эргашбойдан фойдаланиш лозимлигини яна айтди.

— Нима қилса ҳам Эргашбой бизнинг юртимизга мусофир. Унга ишониб бўлмайди, — деди разведка

бошлиғи. — Агар рози бўлсангиз менда бир таклиф бор
— Қандай таклиф? — қизиқиш билан сўради Мулла Умар.

— Ҳозир Эргашбойнинг ёрдамчиси йўқ. Ўшанинг ўрнига ўз одамларимиздан бирини қўйишни таклиф қиламан.

— Кимни назарда тутаяпсиз? — бу таклиф Мулла Умарга ҳам маъқул келгани билиниб турарди.

— Мен четдан одам олиб бориш фикридан йироқман. Қўлимдаги маълумотларга қараганда Эргашбойнинг одамлари орасида бизнинг миллатимизга мансуб йигитлар бор. Улар турли ишларда ишламоқда. Ўшалардан Эргашбойнинг ўзига маъқул келганини танласак! У лагердаги ишлардан, Эргашбойнинг сирларидан бизни огоҳ қилиб туради.

— Рағбатга лойиқ таклиф!

Ҳазрат бу таклифни маъқуллади ва зудлик билан айғоқчилардан барини Эргашбойнинг олдига юборишга қарор қилди. Эргашбой меҳмонларни самимий кутиб олди.

— Биз Гулбиддин Ҳикматёр жаноблари билан келишолмадик. У бизга душманлик қилди. Кутилмаганда Раббонийнинг тарафига оғиб кетди, — деди разведка ходими.

— Башир жаноблари ҳам бизга берган ваъдасининг устидан чиқмади. У жанобга ишониб одамларимиз оч ва юпун қолди.

— Энди кўнглингиз хотиржам бўлсин жаноб Эргашбой. Худо хоҳласа пойтахтни қўлга олдик. Ғалаба биз томонда. Қўлимиздан келганча сизнинг одамларингизга ёрдам берамиз. Эртагаёқ озиқ-овқат маҳсулотларини, кийим-кечакларни, қурол-аслаҳаларни қабул қилиб оласиз. Бу Мулла Умар жанобларининг сизга ва йигитларингизга бўлган ҳурматларининг рамзидир.

— Илтифотингиздан миннатдорман жаноб. Ҳазрат томонидан биз бажарадиган қандай топшириқ бўлса жонимизни фидо қилишга шаймиз!

— Ўзингизга аён, жаноб Эргашбой, каттагина кучга

эга бўлган ғанимларимиз Мозори Шариф вилоятига ўрнашиб олишган, улар бизга қарши зарба беришга тайёргарлик кўришмоқда. Уларнинг бошини янчиб ташламагунча ҳазратим тинч яшай олмайдилар. Кечая кундуз шу ҳақда бош қотирмоқдалар.

— Ҳазрат учун жоним қурбон! — деди Эргашбой меҳмоннинг кўнглини кўтариш мақсадида.

— Қуллуқ жаноб Эргашбой, — разведка бошқармаси ходими бу такаллуфдан дили яйраб, ўтирган ўрнида қимираб қўйди.

— Қўл остимда беш юздан зиёд йигитлар бор. Уларнинг кўпи Тожикистонда жанг кўрган, хорижлик биродарларимиз қўлида таълим олган, катта тажрибага эга бўлган шоввозлар! Шу кундан эътиборан одамларим ҳазратнинг ихтиёрида эканлигини амирул уламога маълум қилсангиз! — Бу сўз қандай қилиб оғзидан чиқиб кетганини Эргашбой сезмай қолди. Ахир қўлида қанча одам борлиги бугун бўлмаса эртага аён бўлиб қолиши мумкинлигидан чўчиди.

— Таклифингиздан бошим осмонга етди. — Меҳмон қўлини кўксига қўйиб Эргашбойга миннатдорчилик изҳор қилди — Бу хушхабарни бугуноқ ҳазратга етказаман. Иншооллоҳ сизнинг бу мурувватингиздан у зотнинг бошлари осмонга етади. Ҳаққингизга дуода бўладилар.

Мақтовдан тўда бошлиғи ялтоқланиб кетди. Хаёлига Башир жанобларининг Абдурашид Дўстумнинг одамлари ичига жангариларни киритиш тўғрисида билдирган таклифи келди. Буни ўз тилидан гапиришга ва шу йўл билан ўзининг Мулла Умарга бўлган садоқатини кўрсатиб қўймоққа шошилди.

— Агар рози бўлсангиз менда бир таклиф бор жаноб, — деди Эргашбой ўйчан қиёфада. Ва айтадиган гапини нимадан бошлашни билмай хаёлга толди.

Разведкачини ҳам у айтмоқчи бўлган таклиф қизиқтирганди, шу мақсадда унга яқин сурилди.

— Хўш, хўш қулоғим сизда жаноб Эргашбой.

— Ҳзимнинг содиқ йигитларимдан бирини Дўстумнинг одамлари ичига киритсам. Улар гўёки мендан озор чекан ва ул кишидан нажот кутган киши қиёфасида борса, ишончига кирса, шу йўл билан ҳазратимнинг душманларидан ўч олсак! — Эргашбойнинг айтadиган гапи қисқа бўлганидан юзи қизариб кетди..

Толибонлар разведкаси ходими мақсадлари муштарак чиққанидан, қолаберса бу таклиф айнан Эргашбойдан чиққанидан мамнун бўлиб, сирли жилмайиб қўйди.

— Ажойиб таклиф, қарангки бундай гўзал фикр бизнинг хаёлимизга келмабди. Бироқ, бу ўта қалтис ўйин. Худо кўрсатмасин одамингиз қўлга тушиб, оғзидан гуллаб қўйса...

— Уруш бехатар бўлмайди. Бирламчи мен оғзи бўш йигитларимни у ерга юбормайман. Гуллаб қўйган чоғида ҳам бизни Дўстумдан қўрқадиган жойимиз йўқ, — разведка ходимининг қитиқлаб қўйганидан беҳабар Эргашбой ўз мақсадини оча бошлади. Бундан мамнун бўлган разведкачи жилмайиб қўйди. «Хом — калла, одаминг оғзидан гуллайдиган бўлса ва мақсадинг Дўстумга аён бўлса, у бир ҳамла билан сени Тавилдара тупроғига қўшиб, кулингни кўкка созуриб юборади-ку. Уни ким деб ўйлаяпсан?! Сенинг кўзингта пашша кўринаётгандирда», деган фикр кўнглидан кечди.

— Бироқ бу ишга бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўқлигини одамларингизга уқтиринг!

— Хотиржам бўлинг жаноб, албатта бу фикр шахсан мендан чиққанини айтаман.

— Ҳазратимнинг муҳим бир топшириғини сизга етказиб қўймоқчиман!

— Қулоғим сизда.

— Жаноблари ерлик йигитлардан бирини ўзингизга ёрдамчи қилиб олишингизни буюрдилар.

— Сабабини билсам бўладими?

— Сизнинг хавфсизлигингизни таъминлаш мақ-

садида, қолаверса, жанобларининг сизга бўлган ҳур-матларининг буюклиги сифатида. Шундай йигитлар топиладими?

Эргашбой мақтов ва олқишлардан ийиб кетди. Хазрат айтган одамни ўзига ёрдамчи қилиб олса, лагердаги муаммолар хал бўладигандек туюлди. Бу ерда юрган олти нафар аффон йигитларини кўз олдига келтирди.

— Ишончли йигитлардан бор, — деди тўда боши разветка ходимига қараб.

— Хўш, ким экан у?

— Бўрон!

— Неча йилдан бери сиз билан ишлайди?

— Уч йил бўлди?

— Нима иш қилади?

— Сув ташийди.

— Уйланганми?

— Шу қишлоқдаги қизлардан бирига илиқиб юрибди.

— Уйланишига имкон беринг!

— Тушундим!

— Уйи қаерда?

— Қобулда!

— Қандай қилиб қўлингизга тушиб қолган?

— Йигитларим тутиб келишганди.

— Қобулга бориб турадими?

— Келганидан бери уйини эслагани йўқ!

— Яхши, — деди разветка ходими. — Сиз танлаган одам бизга маъқул. У билан суҳбатлашинг. Яқинда Истамбулда йиғин бўлади. Агар бошлиқлар унинг номзодини маъқул топишса, йиғилишга таклиф қиламиз.

— Бу ҳақда уни огоҳлантиришим керакми?

— Кенгаш тасдиғидан ўтгандан кейин айтамиз.

— Дўстумнинг хузурига борадиган одамимиз билан учрашасизми?

— Албатта, уни ҳозироқ чақиртиринг!

Эргашбой Чўтирни назарда тутганди. Боя чой олиб кирган соқчилардан бири уни Қобулдан қайтганини қулоғига шипшитганди.

Эргашбойнинг лагердан чиқиб кетганини ҳамма билдию, аммо тез қайтади, деб ҳеч ким хаёлига келтирмаганди. «Амиримиз биз учун озиқ-овқат, кийим кечак келтиргани бошлиқларнинг ҳузурига кетган», деб ўйлашганди. Бироқ у лагерга қуриқ қўл билан, ранги синиққан ҳолда қайтганини кўришиб, ҳафсалалари пир бўлди. Тўда боши хонасига қайтиб, Мирюнусни чақиртирди.

— Тинчликми, хўжайин?

— Йигитларни тўпла! — деди аламли овозда.

Мирюнус бошлиқнинг кайфияти не сабабдан бузилганини билмай ташқарига чиқди. Ўн дақиқалар ўтиб, қайтиб кирди.

— Ҳамма тўпланди, амирим, — деди.

Эргашбой ташқарига чиқди. Саф тортган йигитларга қаради ва кутилмаганда.

— Ҳамманг ечин!! — деб буйруқ берди. Жангарилар ҳайрон бўлиб, кийимларини ечишди. Эргашбой биттама-битта уларнинг баданларига, айниқса, қўл ва оёқларига нигоҳ ташлади.

Ҳамиднинг одами сафнинг охирида турарди. У тўдабошининг мақсадини кейин тушунди. Қочишнинг иложи қолмаганди. Эргашбойнинг кўзи Сарварнинг чотидаги чандиққа тушганда ток ургандай бадани сесканиб кетди. Фазабдан ўзини босолмай унинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Ҳамид хунаса, сени яхшигина ниқоблаб жўнатибдию, лекин чотинг орасидаги чандиқни йўқотишни ўйламабди-да!

Эргашбой йигитнинг билагидан ушлаб, ўртага олиб чиқди.

— Мен ҳозиргина чегарадан қайтдим. Одамларимиз билан учрашдим. Уларнинг гапига қараганда ашаддий душманимиз Ҳамид йигитларимизни ментларнинг қўлига тутиб бераётган экан! Мана бу хунаса

ўшанинг айфоқчиси. Ичимизга суқилиб кирган газанда! Мақсади ҳаммамизни заҳарлаб ўлдириш бўлган. Бўрибойни ўлдирган ҳам шу!

Жангарилар ув тортишди. Кимдир улоқтирган тош Сарварнинг пешонасига тегди. Эргашбой қўйиб берса, улар қутирган қашқирдай йигитни ғажиб ташлашарди. Аммо тўдабошининг нияти бошқа эди.

— Сен имонсиз кофирларнинг топшириғи билан бизларни йўқотмоқчимидинг?! Сен диндан чиқдинг, динсизлар қаторига кирдинг!! Осийсан!!

— Эргаш!, — деди тош ёриб юборган пешонасидан қон оқаётган Сарвар тўдабошига юзланиб. — Диндан чиққан сенми, менми?! Қанчадан-қанча одамларнинг қонини тўқдинг!! Муқаддас динимизнинг қайси қонунида мўмин-мўминнинг қонини тўксин дейилган. Аллоҳ ўзининг муқаддас китобида «Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанглар», деб, ёки «Ҳаммангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг», деган марҳаматини унутдингми? Яна бир ояти Каримада «Бирор жонни ўлдирмаган ёки бузғунчилик ёки қароқчилик каби фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган, ўлимдан қутқариб қолган одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир» дейилмаганми? Сенинг устозларинг наҳотки бундай қутлуғ ва муборак сўзларни ўргатишмаган бўлса? Қурол билан Ватанга қарши боришнинг ўзи кофирлик эмасми?

— Бас!! — Аланга ичида қолган одамдай қичқирди Эргашбой.

— Нима иш қилаётган бўлсам мен дин йўлида ҳаракат қиляпман!!

— Муқаддас динимизга тил теккизма!! — Сенинг ғояларинг, қарашларинг; мақсадинг бизнинг динимизда йўқ. Кофир ҳам сен тутган йўлдан бормайди. Дин — бу поклик, дин — бу тинчликдир! Дин — бу одамларнинг бир-бирига бўлган меҳру муҳаббатидир!!

Юртга хиёнат қилиш, қурол билан унинг туپроғига кириб бориш, олий жазога лойиқ жиноят ҳисобланади. Сен ва сенинг гунаҳкорларинг шу жазога лойиқ!

Эргашбой чидаёлмади. Шаънига айтилаётган ҳақ гаплардан шарманда бўлишни истамасди. У йигитларига қараб

— Бундайлар қандай жазога лойиқ?! — деб қичқирди.

Жангарилар жавоб қилишди.

— Тириклай ўтда ёқиш керак!

— Тош бўрон қилиш керак!

Уларнинг овози боягидан анча заиф эди. Кўпчилик тилини тишлаганди.

— Йигитларимнинг ҳукмини эшитдингми? — Эргашбой тутқинга қараб сўради.

Сарвар ўзини қандай жазо кутаётганини биларди ва айни пайтда Эргашбойнинг одамлари ўқиган ҳукмдан чўчимасди.

Тўдабоши Мирюнусга юзланди.

— Бу динсизнинг жазосини ўзинг бер! Охиратга динсиз, имонсиз кетсин! — ўзича ҳукм ўқиди тўдабоши.

Мирюнус қандай жазо беришни ўйлаб қўйганди.

— Турсун! Қозонга ўт ёқ! — буюрди у ортида турган йигитга. — Маҳам, сен хонамадаги қўрғошинни олиб чиқ!

Қозонга ўт ёқилди. Мирюнус қўрғошинни қозонга солиб, эритди. Кейин ханжар билан ерни ўйди.

— Сарварни келтиринглар! — буюрди йигитларига Мирюнус. Унинг оғзини пойлаб турган йигитлар шу заҳотиёқ Сарварнинг қўлларини қайириб, оёғини ерга теккизмай қозон тепасига олиб келишди.

Мирюнус хоч шаклидаги чуқурчага эриган қўрғошинни тўқди. Сарвар ерда типирчилаб, чалқанча ётарди. Кимдир бошидан, кимдир қўл-оёғидан босиб турарди. Мирюнус унинг тепасига келди. Иршайиб унга қаради.

— Сени охиратга жўнатишдан олдин кўкрагинга ҳоч

босамиз, у дунёда мусулмончиликини даъво қилмаслигинг учун!

Сарвар унинг юзига тупириб юборди.

— Динини сотган имонсиз!!

Мирюнус қутирди. Этиги билан йигитнинг оғзини мижғилаб эзгилади, тепди. Тутқиннинг оғиз-бурнидан қон келди.

— Онангни... итдан тарқаган!

У Сарварни тепиб, урар экан бирдан чуқурчадаги кўрғошин совиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, бас қилди. Эргашбой ўзини четга олиб, Мирюнус ўйлаган жазони кўриш иштиёқида турарди. У йигитнинг кўйлагини йиртиб ташлади.

— Маҳкам босинглар!! — буюрди йигитларига.

Ўзи қайноқ ҳочни олиб келиб, Сарварнинг ялонғоч кўкрагига қўйди. Сарвар душманлари қаршисида ғурурини сақлаш, бақириб юбормаслик мақсадида лабини тишлади. Ҳоч кўксига қўйилганда кўпчилик юзини ўгириб олди. Икки йигит қўл-оёғини босиб туришган бўлса-да, Сарвар типирчиламади. У худога нола қилди, ёлвориб сўради. «Ўзинг раҳмдилсан Аллоҳим. Жонимни олсанг розиман, аммо бу юртфурушлар олдида шарманда қилмагин, сабр-бардош ато этгил».

Қайноқ кўрғошин тегиши биланоқ йигитнинг териси шилиниб, баданидаги ёғлар жизиллаб, гўшти чиқиб кетди. Ҳавога сассиқ ис кўтарилди. Оғриқ қанчалик кучли бўлмасин Сарвар инграмади. Кўрғошин баданини ўйиб, куйдириб, гўшгларини титиб, танасига чуқурроқ ботарди. Йигит лабаларини тишлаганча Аллоҳга нола қилишда давом этарди.

«Тангрим, мўъжизангни, кароматингни кўрсат, азоблардан халос эт. Шундай куч бергилки, шу ғаламислар олдида дод солмай, типирчилаб, уларнинг раҳм қилишларини сўрамай. Ўзинг куч бергувчисан, ўзинг асрагувчисан». Бутун диққат эътибори билан Аллоҳга муножот қилаётган Сарвар кўкраги устида қайноқ кўрғошин эмас, қандайдир совуқ нарса турганига ўзини-ўзи ишонтирарди.

Ҳамманинг кўзи ерда чўзилиб, кўксида бир парча хоч шаклидаги қўрғошинни кўтариб ётган Сарварда эди. Нега у инграмаяпти, нега дод солмаяпти, нега типирчиламаяпти?! Қўрғошин совуб қолдимиз? Тафтини ҳис этмаяптими, деб ўйлашарди. Охир Мирюнус чидамади. Қўлини қўрғошин устига қўйди. Бармоқлари жиз этиб куйди. Нихоят Сарварнинг кўкрагидан совуб қолган, тафти босилган қўрғошинни олишди. — Қорайган, куйган, гўшти титилиб кетган кўкрагида хоч муҳрланиб қолганди. Йигит ҳаммани ҳайратга солиб қўйди. Шу дақиқаларда у Худо билан яшади, тангир уни азоблардан халос этди. Қўрғошин олинганда кўзларини очди. Ичи ёнарди. Жуда-жуда сув ичгиси келарди. «Қани энди бир қултум сув бўлса, ичардим», деб хаёл қилди у. Ёш тўлган кўзлари билан атрофга қаради. Меҳрибон бир дўст излади. Тепасида турган одамлар унга ҳам ачиниш, ҳам ҳайрат билан қараб туришарди. Мирюнус афсусда эди.

Сарвар бошини қиблага бурди. Чўққисида ям-яшил ўтлоқлар, ён бағрида болдан ширин мевалар фарқ пишган боғлар ястаниб ётган тоғни кўрди. У улкан ва қудратли тоғ. Унинг ортида эса жаннат билан ҳусн талашган Ватан. Ҳеч ким, ҳеч қачон ёмон ниятда бу тоғни босиб ўтолмайди. Бу — ўз халқи учун, ўз юрти учун кўксини қалқон қилган қудратли тоғ! «Сенлар бу тоғдан ҳеч қачон ошиб ўтолмайсанлар, у халқимнинг қалқони», деди йигит овозини чиқариб. Бу сўз кўпчиликнинг қулоғига етиб борди. У яна ниманидир айтмоқчи бўлаётганини сезишди. Нафасларини ютуб, оғзини пойлашди. Сарварнинг лабларидан учиб чиққан сўнгги сўзни ҳамма эшитди: «Ватан, кечир, азиз тупроғингга бошимни қўйиб ўлолмадим».

Чодирга кириб кетаётган Эргашбойнинг оғзидан паст овозда чиққан сўзни Баҳодирнинг қулоғи илғаб қолди. «Гуноҳларимиз учун, тўккан қонларимиз учун, олган жонларимиз учун бу дунёда одамлар, охиратда тангри кечирмайди».

Шу ўринда мавзудан бир оз чекиниб Червон хонимнинг шогирдларидан бири Барно ҳақида тўхталиб ўтмоқни жоиз топдик.

Хонимни ўз уйида қотиллик содир этиб, жазодан қочиб кетганлиги Барнонинг ҳам қулоғига етиб борганди. Шум хабарни эшитиб, танаси музлаб кетди. Қуюндек юрагини кўрқув чўлғади. Уни ҳам милиция тутиб кетадигандек яшириниб юрди. Кўчага чиққани юраги бетламади. Аммо уни қидириб ҳеч ким келмади. Секин-аста кўрқувни унутиб, тез-тез шаҳарга тушадиган бўлиб қолди. Ишратпарастликка мойил кўнгли вақтихушликни, йигитларнинг суҳбатини ихтиёр айларди. Кўчага чиқишдан аввал соатлаб ойна олдида ўзига оро берарди. Эгнига тор ва калта юбка киярди. Табиат ундан гўзалликни аямаганди. Пардоздан сўнг янада очилиб-сочилиб кетарди, ёнидан бирорта йигит безътибор ўтмасди. Бир вақтлар хорижликлардан олган сабоқлари ҳозир ҳам қулоқлари остида жаранглаб турарди. Устозлари унга қандай кийинишни, ўзига қандай оро беришни, йигитларнинг кўнглини қандай ром этиш сирларидан яхшигина сабоқ беришганди. Изидан эргашганлар, у билан бир кеча бўлиш учун бор бисотини тикишга тайёр бўлган ошиқлар анчагина эди. Тўғри, у амалдор ва мансабдор кимсалар билан бирга бўлишни, шу йўл билан уларнинг амалларидан жудо қилишни, халқ орасида обрўсизлантиришни унутиб қўймаганди. Бироқ унинг яшаши ва тирикчилик ўтказиши учун пул ва бойлик ҳаводек зарур эди. У борадиган жойини тез-тез ўзгартириб турарди. Бир пайтлар ёшгина милиционер йигитга нисбатан қилган тўхмати бот-бот юрагини кемириб турарди. Шунини эслаганда Барно ноқулай аҳволга тушиб қоларди. Негадир унга ачинарди, раҳми келарди. Бироқ энди орқага қайтолмаслигини ҳам тушунарди. Барно ресторан, барлар ва хилват жойларда пайдо бўлиши била-

ноқ, айрим шилқим йиғитлар изига тушарди. Офати-жон бу аёл кўпчиликнинг эътиборини магнит мисоли ўзига тортарди.

Кунларнинг бирида нотаниш эркак унга илакишиб қолди. Одамлардан холироқ жойга борганда қизга гап отди.

— Бир соатдан бери орқангиздан эргашиб, очиқиб кетдим яхши қиз, агар қаршилиқ кўрсатмасангиз сизни тушликка таклиф қилмоқчиман!

Барно йиғитга ўтирилди. Кўринишидан бойваччага ўхшаб кетадиган бу олифтанинг таклифини рад этишни истамасди. Ўзининг ҳам қорни оч эди.

— Ошхонагами ёки ресторангами? — қувлик билан сўради Барно.

— Сиз хоҳлаган жойга хоним..

— Мен ошхонанинг овқатларини хушламайман.

Улар ресторанга йўл олишди. Кам гап, содда кўринган йиғит ҳирс ўти ёниб турган кўзларини Барнодан узмасди. Қизнинг кўйлаги орасидан туртиб турган кўкракларига, қалам тортилган ингичка, қоп-қора қошларига ва бу қошлар остида чаросдек ялтираб турган шаҳло кўзларга ўғринча боқиб қўярди. Овқатланиб бўлишгач Барно йиғитни қаерга таклиф қилишини кутди. Кутилмаганда у қизнинг қулоғига яқин келиб шивирлади.

— Сизга Червон хонимдан салом!

Барно ўтирган ўрнида сапчиб тушди.

«Ким бу, милисами ёки хонимнинг одамлариданми», деган уй хаёлидан ўтди.

— Кимдан дедингиз?! — йиғитнинг гапини эшитмагандек қошларини чимириб сўради Барно.

— Червон хонимдан! — такрорлади йиғит. — Нима, сиз у кишини танимайсизми?

— У кишини шаҳардан чиқиб кетганларига бир ой бўлди-ку!

— Ҳозир Афғонистондалар, — деди йиғит оқариб кетган Барнога тасалли бериш учун.

— Шундай денг, хонимнинг менда қандай юмушлари бор экан? — шоша-пиша сўради Барно.

Йигит бир сония жим қолди.

— Ҳозирча ҳеч қандай ишлари йўқ. Аммо сизни кўргилари келяпти.

— Нима, мен Афғонистонга ўтишим керакми?

— Унчалик шарт эмас. Хоним бир ишда бизга ёрдам беришингизни илтимос қилдилар...

— Қандай иш экан?

— Ўзингизга маълумки, ментлар бизнинг одамларимизни қамоққа олишмоқда. Уларнинг бўйнига турли айбларни қўйишмоқда. Кўпларни қийнашмоқда. Бу борада шаҳар суди уларга нисбатан адолатсизлик қилиб, йигитларимизни офир жазога ҳукм қилмоқда.

— Мени суд идораларида танишим йўқ. Буни хоним яхши биладилар.

Йигит ҳамёнини кавлади. Бир пачка доллар олиб Барнонинг тиззасига қўйди.

— Бу сизнинг ҳаражатларингиз учун, ишлатиб турасиз, шахсан хоним бериб юбордилар..

Барно пулни олди ва тезгина сумкасига жойлади.

— Нима иш қилишим керак? — Барно анча дадиллашиб қолганди.

— Буни сизга тушунтириб ўтиришим шарт эмас. Муҳими бир ҳафта ичида шаҳар судининг судяси Очилдиев ишдан кетиши керак. Кетганда ҳам шармандали ҳолда.

— Ундан қасос олиш керак денг?

— Тушунганингиз учун қуллук.

— Яхши, бу ишни бир ҳафтага чўзиб ўтирмаймиз. Иложи бўлса икки-уч кун ичида Очилдиев ишдан кетади.

— Мени ғоят хурсанд қилдингиз.

— Телефон номерингизни қолдирсангиз, топшириқ бажарилганлиги тўғрисида сизга хабар қиламан.

— Ҳожати йўқ. Буни ўзимиз билиб оламиз.

— Ўзингизнинг менда ишингиз йўқми, — юз-кўзларида айёрони табассум пайдо бўлган Барно йигитга

сузилиб бокди. Йигит қизнинг лорсиллаб турган сонларига кафтини босди. Аста-секин силади.

— Бу кеча менинг азиз меҳмоним бўлишга вақтингиз борми?

— Бир кечага холосми? — шивирлаб сўради Барно. Ҳамон сонларига кафтини босиб турган йигитнинг қўлларини силаб.

Бу сўз йигитнинг қалбини кўрғошин мисоли эритиб юборди. Томирларидан ҳирснинг қони жунбушга келди. Лабларини чўзиб қиз томон интилди. Хушбўй ҳид уфириб турган юзидан чўлп этиб ўпди-ю шивирлади.

— Кетдикми?..

- 14 -

Ўрнимга сув ташиб юрган йигит кутилмаганда бетоб бўлиб, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганди. Бундан қанчалик қувонганим фақат ўзимга аён. Ўша куни тонг ёришмасданоқ йўлга отландим. От менга ўрганиб қолган экан, яқинлашишим биланоқ буғ чиқиб турган оғзини чўзиб, тилини чиқариб эғнимдаги кийимларимни ялади. Унинг юзларидан силаб қўйдим. Ерга қор тушганди. Изғирин қор учқунларини тўзғитиб эсарди. Лагер тоққа яқин бўлгани учун бу ерда совуқ кучли бўларди. Қуруқ ўт-ўланларни еб, анча озиб кетган от жонивор оғзидан иссиқ ҳовур чиқариб, ўзи қатнаб турган манзил томон лўкиллаб борарди. Хаёлимдан Зебо кетмасди. Уни кўрмаганимга бир ҳафтадан ўтиб қолганди. Ғофур берган муддат тугади. Умар вафот этгач хазина яширилган жой фақат менга аён бўлиб қолгани учунми ёки Абу Толиб Қобулдаги уйим вайрон бўлиб, ота-онам ўлиб кетганлигини айтгани учунми ҳайтовур кўрбоши мақсадини ўзгартирган бўлса ажаб эмас. Нима бўлса-да, ширин жоним омон қолди.

Умарнинг ўлими менга ёмон таъсир қилганди. Ҳаётимни сақлаш мақсадида жонидан кечди. Фотҳул-

лохонни ўлдирган кимсани лагерга киришига йўл қўймади. Менинг кейинги ишларимни ўйлаб, атайлаб шундай қилгани маълум эди. У қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатиб, ўз жонидан кечди. Бу ҳақда марказга маълум қилдим. Энди менинг бу ерда ишонган ва суянадиган одамим қолмаганди. Яккаланиб қолгандим. Умар жанобни кўрсатиб қўймоқчи бўлганди. Бунга ҳам улгурмади. Уни ўзим излашга қарор қилдим.

Зебо мени остонада кутиб олди. У арава товушини эшитган заҳоти кўчага чиққанди. Отнинг тизгинини тортиб, пастга тушдиму ўзимни ичкарига урдим. Остонада Зебо билан юзма-юз туриб қолдим. Сарвқомат, хипчабел, бўта кўз, қорачадан келган юзларида шодлик ва қувонч барқ уриб турган бу қизни кўрган заҳотим бошдан ақлим учди. Унинг юзларига тикилиб, жонимга ўт тутади. Гўё осмондан тушган фариштага ўхшарди у. Қандай қилиб қучоқлаб олганимни ва бағримга тортиб, ёш тўлган юз-кўзларидан меҳр муҳаббатим билан сўриб-сўриб ўпа бошлаганимни ўзим ҳам билмасдим. Қиз менга қаршилик кўрсатмади. Аксинча у ҳам менинг қучоғимга сингиб кетганди. Вужудимда қандай куч ҳукмронлик қилаётганлигини билмайман, лекин Зебони қайта-қайта қучоқлагим, сабрсиз юрагим ҳоврини босгим келарди. Қиз қучоғим остида ёмғирдан кейин яшнаб кетган гулдек жудаям очилиб кетганди. Оҳ, у нозу истиғнолар!

— Келишингизни билардим, — деди у иккала қўлимдан ушлаб олганча худди ёш қизлардек хурсанд бўлиб.

— Мени лагердан чиқармай қўйишди Зебо, — дедим унинг ўт чақнаб турган кўзларидан нигоҳимни узмай.

— Кечаю кундуз хаёлим сенда бўлди. Юрсам ҳам, турсам ҳам кўз ўнгимдан кетмадинг!

— Мен адо бўлдим, — аразлагандек сўз қотди Зебо. — Агар яна бир-икки кун келмай турганингизда ўзимни ўлдирардим, уволимга қолардингиз.

— Энди ҳар куни ёнингда бўламан.

Бир-биримизга соғинч ва меҳр билан тикилишиб, суҳбатлашдик. Ҳатто чидамаслик қилиб қўлларимизни қаттиқроқ сиқишиб ҳам қўйишдик. Муҳаббат икки инсон учун бирдек лозим бўлган ҳис-туйғу эмасми, дастлаб учрашган кунларимиздан бери юрагимизда сақлаб келаётган, аммо бир-биримизга айтишдан истиҳола қилаётган сўзларни бугун ҳеч қандай хижолатсиз тилимизга чиқаргандик.

Қайтишимда Валий билан учрашишим кераклигини, Зебо иккимизнинг бундан кейинги тақдиримиз хусусида у билан суҳбатлашиб олишимни қизга тайинладим. Булоққа қандай етиб борганимни ва идишга сув тўлдириб ортга қайтганимни ўзим ҳам сезмадим. От гўёки менинг шошилаётганлигимни тушунгандек қадамни илдам ташлаб, олға интилар, мўрт бўлиб қолган арава филдираклари ғичирларди. Идиш эскириб қолганлиги учун орқамга тинимсиз сув сачрарди. Сувнинг ярми йўлда тўкилиб кетди, қилган меҳнатим зое кетди. Йўлда ҳам, булоқдан сув олаётганимда ҳам Зебони унутмадим. Унинг чиройли чеҳраси кўз олдимдан кетмасди. Тафтли бўсаларидан ҳамон юзим чўғдек қизариб, ловуларди. Зебо менинг юрагимга худди баҳор эпкинидек кириб келганди. Уни унутиш ва эсдан чиқариш мумкин эмаслигини тушуниб етгандим. Бундан бу ёғидаги ҳаётимиз, албатта боғланиши, турмуш қуришимиз лозимлигини, бунга кечиктириб бўлмаслигини яхши тушунардим. Валийларнинг кўча эшиги олдида аравани тўхтатдим. У уйда экан. Анчадан бери кўришмаганимиз боис бир-биримизни бағримизга босиб омонлашдик.

Мен ўзимнинг мақсадим ва ниятларимни Валийдан яшириб ўтиришни истамадим. Ҳамма гапни унга рўйи-рост айтишга ўзимда куч топдим. Зебонинг ўзи ҳам мен келгунча акасига бу ҳақда оғиз очган бўлса керак, Валий сўзларимга жимгина қулоқ тутиб ўтирди. Аммо фикр билдиришга ошиқмади. Катталардек бошини қуйи солиб, узоқ хаёлга толди. Ниҳоят,

менга юзланди. Илк бор ундан нигоҳларимни олиб қочишга, унинг кўзларига тик боқишга ўзимда куч тополмадим.

— Иккаларингга бахт тилайман, — деди ниҳоят Валий. — Бироқ уйимиздаги шароит сизга ҳам маълум. Эртага пешин намозидан сўнг имом ҳазратларини чақириб келаман. Никоҳ ўқитамиз.

Эртаси куни тонгда от-аравани сошлаб, таъмир талаб бўлган ғилдиракларни ростлаб йўлга чиқдим. Бутун Зебо иккимизнинг тақдиримиз бирлашадиган, ўзимни оила деган муқаддас даргоҳнинг остонасига қадам босишимдан дилим яйраб кетди. Бахт деган қувонч юрагимга сиғмасди. Лагердан чиқиб кетаётганимда кутилмаганда хаёлимга Лайло келди. Бошимга тушган ташвишлар туфайли уни кўпдан бери эсламай қўйгандим. Отнинг тизгинини тортиб, Лайлонинг қабри томонга боқиб, ўзимча унинг руҳи-покидан кечирим сўраган бўлдим. Ҳанузга қадар ўзим билан бирга олиб юрган қалампирмунчоқни ҳидлаб қўйдим.

Мен Валий айтган мuddатдан вақтлироқ келгандим. Зебо мени кўриб рўмолини юзига парда қилди. Унинг чиройли ва кулимсираб турган чехраси мисоли юпқа булутлар ортидан кўриниб турган, тўлин ойни эслатарди. У эгнига оппоқ либос кийиб олганди. Бу эса қизни янада латофатли ва барно қилиб кўрсатарди. Унга яқинлашганимда бобокалонимиз ҳазрат Бобур мирзонинг бир байтлари хаёлимда уйғониб, қизнинг қулоғи остида шивирладим.

Кўрай десам жамолингни,

Қўлингни юзингга пардалар қилдинг.

Қиз қоп-қора қошларини чимириб, нимадир демоқчи эди, кўча эшик очилиб остонада имом ҳазратлари кўринди.

- 15 -

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг биноси шаҳар марказида жойлашганди. Барно бу ерга кун ёйилганда келди. Яхши кайфиятда Очиддиевнинг

қабулига кириб борди. Стол устига муккасидан тушиб, бошини осилтириб ўтирган судья Барнонинг саломига бош ирғаб қўйди ва;

— Келинг синглим, марҳамат ўтиринг! — деди.

Барно тортиниб ўтирмади. Судьянинг ёнидаги курсига чўқди. Очилдиев бошини кўтариб, аёлнинг чиройли юзларига, ёниб турган кўзларига суқланиб боқди. Унинг кўзлари аёлнинг калта юбкасидан пастдаги лорсиллаб турган сонида тўхтади.

— Хизмат — худди бир нарсадан чўчигандек паст овозда сўради Очилдиев.

— Эрим билан ажрашгандим. Мерос тўғрисида келдим. — Судьянинг кўзларида ишқий ва ҳирсий ўт чақнаб турганини, юраги хапприқиб ураётганини Барно сезди.

— Болалардан борми?

— Уч ойгина турмуш қурганмиз.

— ЗАГС ни бекор қилиш керак денг? — қизнинг мақсадини тушунгандек деди судья.

— Шундай. — Ийманиб сўз қотди Барно.

— Буни ЗАГС идоралари ҳал қилади синглим, лекин сиз умид билан остонамизни босиб, биздан ёрдам сўраб кирибсиз, албатта ёрдамимни аямайман.

— Вой, минг раҳмат, бошим осмонга етди, бу яхши-лигингизни унутмайман.

Судья пиёлага чой қуйиб Барнога узатди. Чой баҳона Очилдиев қизни гапга тутди. Ора-сира унинг чиройли, келишган сумбатига, тез-тез кўз ташлаб қўярди. Барно унинг ҳар бир сўзини маъқулар, ношуд турмуш ўртоғидан нолиб қўярди.

— Сизни кечки овқатга таклиф қилсам — юзлари қизариб кетган судья шундай дедию негадир қизнинг рад жавобини беришидан чўчиб жим қолди.

— Қандоқ бўларкин. Кеч қолсам уйдагилар хавотир олишармикин?

— Ўзим машина топиб бераман, уйингизга ташлаб қўяди.

Очилдиев ўзида йўқ хурсанд эди. Аёли бир ҳафта

муқаддам Сурхондарёга — ота-онасининг олдига кетганди. Уйда ёлғиз қолганди. Судьянинг хаёлидан Барнони уйга олиб кетиш фикри ўтди. Улар ресторанда узоқ ўтиришди. Очилдиев атайлаб вақтни ўтказишга ҳаракат қиларди. Қизни ҳуркитиб қўймаслик учун унга қўл теккизмади. Барно бир-икки қадаҳ коньяк ичди. Боши айланиб, ўзини сархуш сезарди. Вақт алламаҳал бўлганда улар ресторандан чиқишди. Барно Очилдиевнинг машинасига ўтирди. Ўн беш дақиқидан сўнг ҳашаматли бино олдига етиб келишди. Судья Барнонинг билагидан ушлаб ичкарига бошлади. Қиз уйқуси келаётганидан шикоят қилди. Судьянинг танасини тандирдек қиздираётган ҳирс тобора қаттиқроқ аланга оларди. Юрагини қуршаб олган эҳтирослар уни ечинишга ундарди. Қизнинг белидан қучоқлаб бағрига тортди. Очилдиевнинг қучоғида эшилиб, тўлғониб ётган Барнонинг, «Ў, жоним, шириним, асалим», деб шивирлагани Очилдиевнинг қулоғига худди мусиқа овозидек ёқимли эшитиларди. Борлиқни унутди. Вужудини чулғаб бораётган қувонч янада мавж ураётгандек туюларди. Судьянинг қалби ўртаниб бораётибдими, ёниб бораётибдими ўзи ҳам билмасди. Эҳтирослар қанчалик ширин ва лаззатли бўлмасин Барнонинг хаёлидан ўч олиш фикри кетмасди. Судья ечиб ташлаган ички қўйлагини бош томонига қўйганди, уни керакли пайтда ишлатишни, эртага тўполон кўтариш учун, прокуратурага берадиган аризасига далилий ашё бўлиши учун тайёрлаб қўйганди. У Очилдиевнинг ёғ босган, хом семиз гавдасини маҳкам қучоқлаб, тўлғаниб, эшилиб, ширин ва ёқимли овоз чиқариб, қулоқлари остида шивирлаб, бояги сўзларини такрорлаб ётар экан, бадани қирсиллаб, озор чекаётганига аҳамият бермади. Барнонинг бадани жозибадор эди. Очилдиев унинг юм-юмолоқ, олмурут-анор каби учлари диккайиб турган кўкракларидан гоҳ сўриб-сўриб ўпар, гоҳ қўллари билан худди анорни мижғилагандек эзгиларди.

Судья ҳолдан кетиб ёнбошига ағдарилди. Барнонинг устидан тоғ қулагандек бўлди. Иккиси ҳам ҳансирарди. Бироздан сўнг қиз ёнбошига ўтрилди ва судьянинг тўзғиб кетган сочларини силаб-сийпалади. Бундай пайтларда ҳирси қониб, оғзидан шалоғи оқиб қоладиган кишиларнинг ҳирсини уйғотишни у жуда яхши биларди.

— Чарчадингизми азизим, — деди Очилдиевнинг сизнинг елинидек қизариб, бувриқиб кетган юзидан ўпиб. Судья ҳолсиз ва мажолсиз қўллари билан жонининг белидан қучоқлади, баданини силади. Яна танасида ғайритабиий куч уйғонди. Қаддини ростлаб, қизнинг сийналаридан ўпа бошлади. Барнонинг қопқора қуюқ, сарсара сочлари оқ жилдли ёстиқ устида ёйилиб, кишининг ҳавасини келтирадиган даражадаги ажойиб, ақиқ лабларини сал очганча, кўзларини шифтдан узмасдан ётарди. Судьянинг вужудига ҳарорат югуриб, аёлнинг таранг тортилган юзларидан яна ва яна сўриб-сўриб ўпа бошлади.

Яна судья ҳолдан кетди ва бу гал чалқанчасига ағдарилиб ётди. У қўлларини икки томонга ёйиб олганди. Нафаси бўғзига тиқилиб қолгандек ҳаллослаб, энтиқиб нафас оларди. Ҳаво етишмаётгандек бўғиларди. Боши айланиб кетаётгандек кўзларини юмиб олди. Юрагининг дуккиллаб уриши қулоқларига эшитиларди. Барно ҳам толиққанди. Кўпдан бери бугунгидек тўшақда узоқ ётганини эслаёлмади. Очилдиев бирдан ўзини нохуш ҳис этди. Баданини совуқ тер босаётгандек туюлди. Кўнгли беҳузурланди. Кўкрагида оғриқ ўйғонди.

— Менга сув бер, — деди у ҳамон бўғзига тиқилиб турган нафасини ростлай олмай.

Барно ўрнидан турди. Ошхонага ўтиб, косада сув олиб кирди. Судья ундан икки ҳўплам ичди. Гурсиллаб ураётган юраги ҳамон босилмасди. Тўши атрофида оғриқ турганди.

— Сен уйингга кетавер, — деди у Барнога. — Менинг тобим қочиб қолди.

— Доктор чақирайми? — Барно ранги оқариб кетган Очилдиевнинг кўзларига тикилиб сўради. У ҳам негадир қўрқиб кетганди.

— Керак эмас, ўтиб кетади.

Барно бош томонига қўйган, мижғиланиб, ёқимсиз ис уфириб турган ички кўйлагини олиб, сумкасига жойлади. Тезда кийиниб-уйдан чиқиб кетди.

Очилдиев ўзига келолмади. Баданини ҳамон совук тер босиб, юраги соҳасидаги оғриқ кучайганди. Оғзини катта-катта очиб нафас олмоқчи бўлар, аммо ҳаво етишмаётгандек туюларди. У бир амаллаб ўрнидан турди ва телефон томонга қўл чўзди. Бироқ етолмади, ерга гурсиллаб йиқилди.

- 16 -

Мафия отаси Вадим Вольфович жўнатилган «мол»-ни хурсандчилик билан қабул қилди. Олти ойдан бери Эргашбойнинг одамлари билан узилиб қолган алоқа қайта тикланганидан ва бу алоқа риштасини узмаслик мақсадида тўланадиган ҳақни пайсалга солиб ўтирмай, ўша пайтнинг ўзидаёқ хурсандчилик билан ҳисоб-китоб қилди.

— Эргашбой бизни унутиб юбордими, деган ташвишда эдим, — деди у дори олиб келган Ҳикматга. — Олти ойдан бери ундан «юк» кутамиз.

— Ўтган йили Афғонистонда ҳаво қуриқ келди, кўплаб нашазорлар сувсизликдан қуриб-қовжираб қолди. Бу йилги ҳосил яхши!

— Айни мудао, — Ҳикматнинг сўзини қувватлади дорифуруш. — Демак, ишни қайтадан бошлар эканмизда!

— Хўжайин сиздай мард савдогар билан ҳамкорлик қилишга тайёр!

— Унда Эргашбойнинг қулоғига етказинг, тез кунлар ичида менга катта миқдорда «мол» жўнатсин. Хориждан харидорлар топиб қўйганман. Туркиядаги ҳамкорларимиз билан алоқамиз узилди. Улар жўнатган дориларнинг сифати яхши эмас. Африкадан келаётган «мол»ларга ишонч қолмади. Улар соҳталаштириб юборилган. Ҳозирги кунда қора бозорда фақат афғон «моли»га талаб кучли!

— Бу илтимосингиз икки кун ичида хўжайиннинг кулоғига етиб боради.

Вадим Вольфович Эргашбойни Афғонистонда қандай яшаётганидан хабардор эди. Пул ва озиқ-овқат билан таъминлаб турган кимсалар ундан юз ўтирганини ҳам эшитганди.

— Ва айтингки, дори учун мен унга олдиндан ҳақ тўлашим мумкин, — деди.

— Эргашбой жанобларининг мақсади ҳам шу! — деди бошлиғига пул ҳаводек зарурлигини билган Ҳикмат.

— Мен унинг талабини истаган пайтда бажаришга тайёрман!

— Тахминан қанча дори олмоқчисиз? — қизиқиш билан сўради Ҳикмат.

Вадим Вольфович сандиғидаги пулларнинг ҳисобини олиб жавоб қилди.

— Камида беш юз килограмм!

Беш юз килограмм дори учун тўланадиган пулни Ҳикмат тасаввурига сиғдиrolмади. Юзига енгил табассум ёйилди. Бу шубҳаланиш аломати эканлигини кекса дорифуруш пайқади.

— Сўзларимга гумон қилмаслигингиз учун ўрта-мизда шартнома имзолаб, ҳозироқ пулларни сиз орқали бериб юборишим мумкин!

Ҳикмат бу таклифга нисбатан шундай жавоб қилди.

— Вадим Вольфович, Эргашбой сизга худди ўзига ишонгандай ишонади. Ҳозирги кунда унинг бошига бироз ташвиш тушган.

— Қандай ташвиш экан, балки бизнинг ёрдамимиз тегиб қолар? — муғомбирлик билан сўради қария.

— Унинг одамларини ментлар таъқибга олган, қанотингизга олсангиз?

Рус мафиясининг отаси Одиллов одамлари қандай иш билан шуғуланишидан хабардор эди. Шу сабабли таклифни қабул қилмади.

— Мени афу этинг Ҳикматбек, бу иш қўлимдан келмайди. Сабаби изимга ментлар тушишган. Қора рўйхатга киритиб қўйишган. Истаган пайтда уйим-

ни, дала ҳовлимни тинтишлари мумкин.

— Вадим Вольфович ўрнидан турди ва темир сандиқнинг олдига бориб, унинг эшигини очди. Ичкарида аллақанча хорижий валюталар, тилла буюмлар тахланиб ётарди. — Агар бошлиғингизга пул керак бўлса, асло тортинмасин, оғзидан чиққанини беришга тайёрман!

Ҳикмат ўйланиб қолди. Юрагида шум ният уйғонганди. Орадан бирор ҳафта ўтказиб, «Эргашбой бир миллион доллар сўраяпти», деб келса, Вольфович уни куриқ қайтармаслигига ишонди. Ахир бундан бу ёғига у икковларининг ўртасидаги ягона кўприк. Бирига наша олиб келса, иккинчисига пул ташийди. Ишонч бор. Ҳикмат кўнглини ёриштирган режадан мамнун бўлиб:

— Ўйлайманки, бу таклифингиздан Эргашбойнинг кўнгли тоғдек ўсади! — деди.

Вадим Вольфович меҳмонни кузатиш олдидан режасини айтди.

— Биз одамларимизни ишга солиб, ўн беш кун ичида Тожикистон ва Қозоғистондан ишончли ҳамкорларни топиб, хавфсиз йўлак очамиз. Сиз ҳам ўз одамларингизга тайинланг, Ўзбекистондан юкни олиб ўтиш учун йўлак очишсин. Пулнинг юзига борманглар, ҳар қанча қаражат кетса, ўзим тўлайман.

Бу таклиф Ҳикмат ўйлаган режани амалга ошириш учун кўприк эди.

— Таклифингизни Эргашбой қабул қилди, деб ҳисобланг! — деди.

Ҳикмат ҳамёнидан тўдабошининг махфий мактубини олиб мафия отасининг қўлига топширди. У хатда нима ёзилганлигини билишни жуда-жуда истаган, йўлда ўқиб кўришга уринган, аммо маҳкам елимланганлиги сабабли очишнинг иложини қилолмаганди. Вадим Вольфович мактубга аҳамият бермади. Уни стол устига ташлаб қўйди. Меҳмон уй эгаси билан хайрлашди. У чиқиб кетгач, қария дорини қўлига олиб, искаб кўрди. «Ҳақиқий тозаси», деди ўзига ўзи. «Мен буни истаган нархимда пулламан!»

У тутмачани босди. Хизматкор кирди.

— Кутузовни чақир! — деди уй соҳиби унга. — Зудлик билан етиб келсин!

Кутузов ярим соатда Вадим Вольфовичнинг хонасида пайдо бўлди. Мафия отаси дорини унинг қўлига тутқазди.

— Зудлик билан Англияга жўна, буни шахсан жаноб Карлсоннинг қўлига топшир! Айтгинки, шу ойнинг охирида камида эллик килограмм дори жўнатаман. Пулини олдиндан тўлаш шарти билан дегин!

Кутузов дорини олиб чиқиб кетди. Шундан кейин Вадим Вольфовичнинг хаёлига Ҳикмат қолдирган мактуб келди. «Қадрдоним Вадим Вольфович, ўтган йили сизга жўнатган дориларимнинг қолган пулларини (назаримда беш юз минг доллар) тез-кунлар ичида жўнатиб юборсангиз, ҳозир танг аҳволдаман. Назаримда Фофур ўртамиздаги олди-бердига хиёнат қилган кўринади. Салом билан дўстингиз Эргашбой». Қария хатни ўқиб, сочлари хурпайиб кетди.

«Мени сендан сариқ чақа ҳам қарзим йўқ, ҳисобкитобни вақтида қилганман», деди ўзига ўзи. Икки йил ичида у Эргашбойга айнан Фофур орқали икки миллион доллар жўнатганини кечагидек эслайди. Демак, ўртадаги муносабатнинг бузилишига Фофур сабабчи эканда. Қария тугмачани босди.

— Понамарёвни топ! — деди хизматкорга.

— У шу ерда! Кирсинми?

Понамарёв кекса дорифурушнинг яқин маслаҳатчиси эди. Эргашбойнинг одами келганидан огоҳ эди.

— Фофур қачон келади? — сўради қария Понамарёвдан.

— Мен ҳозиргина у билан алоқада бўлдим, — деди Понамарёв. — Душанба куни шу ерда бўлади.

— Жуда яхши! Энди у бизнинг ишларимизга аралашмайди!

— Сабаб?

Вадим Вольфович Эргашбойнинг мактубини маслаҳатчининг қўлига тутқазди.

— Бўлиши мумкин эмас! — деди ранги оқариб кетган Понамарёв. — Ахир биз Эргашбойнинг ҳақиқага ҳеч қачон хиёнат қилмаганмиз!

— Фофур бизни лақиллатган. Берилган пулларнинг

ярмини унга топширмаган. Эргашбой бизни дори билан таъминламай қўйганининг ва олдимизга бошқа одам юборганининг сабаби шунда!

— Демак, келгандан кейин у билан ҳисоб — китоб қилиб, орани очик қиларканмизда.

— На фақат орани, — деди Вадим Вольфович ва негадир гапининг давомини айтишни истамай жим қолди. Понамарёв унинг мақсадини тушунди ва сўради.

— Уни қаерда кутиб олмоқчисиз?

— Ўрмонзордаги кўлда, — жавоб қилди қария.

Вольфович кўл бўйида қандай одамларни кутиб олишини Понамарёв яхши биларди. Унинг кўз олдига тансиқ таомга урганган тимсоҳлар келди.

- 17 -

Воҳид шаҳарга келганда энди тонг ёришганди. Учрашадиган одамни саҳарда безовта қилишни истамади. Чойхонага кириб, тамадди қилди. Ватанни ташлаб кетганига беш йилдан ўтганди. Шаҳардаги ўзгаришларни кўриб, ҳайрон қолди. Паст-балаңд пахсали уйлар ўрнида замонавий бинолар қад ростлаганди.

Воҳид чой ичиб бўлгач, ташқарига чикди. Излаб келган одамнинг уйига жўнади. Келгувчини уй эгаси танимади.

— Эргашбой жўнатди, опа, — Воҳид орқа-олдига қараб, аёлнинг қулоғига шивирлади.

— Қайси Эргашбой? — аёл бу саволни хушёрлик мақсадида берди.

— Амиримиз, — боягидан пастроқ овозда жавоб қайтарди Воҳид.

— Ичкарига киринг.

Воҳид остонани босиб ўтди. Ҳовли супираётган қизчага кўзи тушди. У бегона одамни кўриб, ўзини уй ичига урди. «Хўжайин айтган қиз шу бўлса керак», деган ўй келгувчининг кўнглидан ўтди.

— Қандай хушxabар олиб келдингиз, иним? — ишком остидаги сўрига ўтиришгач сўради аёл.

— Тинчлик опа, хўжайин салом айтдилар.

— Саломат бўлсинлар.

— Айтганингиз келсин.

— Йўлларига кўз тикиб ўтирибмиз, қачон қайтадилар?

— Оз қолди опа, хўжайиннинг ҳаракатлари ҳам шу! Воҳид қўйнидан бир даста доллар олиб, аёлга узатди.

— Хўжайин бериб юбордилар, санаб олинг, ўн минг!

— Ишондим, ука! Илоҳим муродларига етсинлар! — аёл пулни қўйнига солиб, юзларига фотиҳа тортди.

Воҳид қўлида кўтариб келган сумкани аёлнинг ёнига суриб қўйди.

— Бирор жойга яшириб қўярсиз, одамларимиз келиб олиб кетишади.

Аёл сумкада нима борлигини билди.

— Бир ой илгари шерикларингиздан бири ҳам сумка ташлаб кетганди. Уйда турибди.

— Эҳтиёт қилинг, яқин кунларда олиб кетишади.

Уй эгаси сумкани зўрага кўтариб ичкарига кириб кетди. Бир оз фурсатдан сўнг қайтиб чиқди.

— Энди мен турай, опа.

— Дастурхон солай, йўл босиб келгансиз?

— Ишларим кўп, бутун қайтишим керак.

— Вақт эрта, улгурарсиз?

— Хўжайинга атаган нарсангиз бор экан?

— Ҳозир олиб кетасизми?

— Албатта.

Уй бекаси овоз қилди:

— Сора! Ҳув, Сорахон!

Уй ичидан қиз чиқди.

— Кийин, қизим, оканг олиб кетарканлар!

Қиз изига қайтди. Онаси унинг ортидан қараб турди-да, меҳмонга юзланди.

— Эргашжон шу ердалигида қулоғини тишлатиб қўйгандим. Ўтган йили жўнатмоқчи бўлгандим, опектадиган одам келмади. Насиб экан, мана, сиз келдингиз. Қиз болани бўйи чўзилгандан кейин уйда сақлаб ўтириш ноқулай-да!

— Албатта, опа, қиз бола бировнинг хасми дейишадими-ку!

Эгнига чопон, бошига чиммат ташлаган Сора чиқди. Воҳид қизни кўриб ҳайрон қолди.

— Опа, қизингизни бу аҳволда олиб кетиб бўлмайди. Кўчага чиқсак ҳамма бизга қарайди. Замонавий қизлардек кийиниб олсин!

— Вой, Воҳиджон, Эргашбой қизимни очиқ кўрсалар уришадилар-а. У кишига атаганимдан бери Соракон остона ҳатлаб кўчага чиққани йўқ!

— Чегарадан ўтсак майли, сиз айтгандек кийиниб олсин, аммо ўзимизда бундай аҳволда олиб кетиб бўлмайди, опа!

Уй эгаси ноилож қизига буюрди:

— Кийимларингни алмаштир!

Сора кийимларини алмаштириб чиқди. У Воҳиднинг кўзига бошқача кўринди. Йигитнинг юрагида нимадир жиз этди.

— Мана бу бошқа гап, боракансиз-у. Ака-сингилдек етаклашиб кетаверамиз, биздан ҳеч ким хитланмайди ҳам. Қани, опа, фотиҳа беринг!

— Илоҳа омин, икки ёш қўшгани билан қўша қарисин, ували-жували бўлиб ўзидан кўпайсин! Аллоҳу акбар!

Улар шаҳарда тўхтамай қўшни Қирғизистонга ўтиб кетишди. Эргашбой Воҳидга қизни олиб тезда орқага қайтишини тайинлаганди. Келишда бир кун Қирғизистонда ушланиб қолди. Берилган топшириққа биноан у эртага Лагерда бўлиши лозим. Шунинг учун шошиларди. Қирғизистонга келганда бу ердаги одамлари доvonдаги йўлга қор кўчкиси тушиб, вақтинча берклигини айтишди. Бирдан бир чора сўқмоқ орқали чегарани кесиб ўтиш эди. Эргашбойнинг одамлари уларни сўқмоққача кузатиб қўйишди. Ҳаво исиб қолганлиги сабабли қорлар эрий бошлаганди. Бу юришни қийинлаштирарди. Бунинг устига тошдан тошга сакраб ўтиш, кўчкилар олиб тушган харсанг тошлар устидан ўтиш лозим эди. Воҳид бу йўлдан кўп қатнаганлиги боис унчалик қийналмади. Эчки сингари тошлар устидан сакраб ўтарди. Бироқ Соранинг тинка-мадори қуриганди.

Кичкинагина тошни ҳам четлаб ўтарди. Қиз толиқди. Ҳансираб, юришга ҳолсизланиб қолди.

— Чарчадим, ярамэйман, — деди ниҳоят тош устига беҳолгина ўтириб.

— Ҳализамон қоронғу тушади. Кўзимиз ҳеч нарсани кўрмай қолади, қийналамиз, — деди Воҳид қизнинг тепасига келиб. У ҳансираб, нафас олаётган Соранинг кўлидан тутди. — Қани, яна бир ҳаракат қилинг, қолиб кетсак бўриларга ем бўламиз.

— Юролмайман, — деди Сора бошини чайқаб. — Оёқларим худди ўзимники эмасдек туюлаяпти.

Қизнинг ранги оқариб кетганди.

— Агар рози бўлсангиз кўтариб оламан!

Қиз индамади. У ҳам қоронғуда қолиб кетишдан чўчирди. Шу пайт қаердадир чиябўрининг увиллаган овози қулоқларига чалинди. Воҳид қизнинг совуқ кўлидан тутиб турарди. Кўзлари ёқалари очилиб, каптарнинг тўшидай диркиллаб турган оппоқ кўкрагига тушганди. Ички бир куч уни бағрига тортишга ундарди. Вужудини хирс чўғи ёндирарди. Йигит Соранинг кўлидан тортди. Қиз унга интилди. Шунда Воҳид бир кўлини қизнинг белидан ўтказиб, даст кўтарди-да, елкасига олди. Сора ингради. Унинг сочлари, чўғдек ёнаётган яноқлари йигитнинг юзига тегиб турарди. Қизнинг баданидан ўтган ҳарорат йигитнинг танасини жунбушга келтириб юборди. Сора йиқилиб тушмаслик мақсадида унинг бўйнидан кучоқлаб олди. Воҳид кўп юрмади. Толиқиб қолганидан эмас, вужудини куйдираётган ҳирснинг кўпириб тошганидан тўхтади. Қизни ерга қўйди-ю, аммо белидан кўлини тортиб олмади. Нигоҳлар бир зум учрашди. Қиз рўпасида турган Воҳиднинг кўзларидаги маънони уқиб, мақсадини тушуниб етганди.

— Чарчадингизми? — шивирлаб сўради қиз.

Унинг қайноқ нафаси йигитнинг юзига урилди.

— Сиз-чи, сиз чарчамадингизми? — бошини қизнинг юзи томон чўзиб сўради Воҳид.

— Бир зум дам олайлик, майлими? — Йигит бу сўзни не мақсадда айтганини тушунган қиз индамади. Бошини силкитиб қўйди. Улар бир-бирларининг қўлларидан ушлаганча зайтун дарахти остига ўтиришди. Тоғнинг энг баланд чўққисига тирмашиб чиқишганди. Бу ерда ҳаво совуқ эди. Қиз қалтирарди. У бировнинг

хасми эканлигини Воҳид унутганди. Унинг кўлидан тутгани у ёқда қолсин, яқинлашганини Эргашбой билиб қолса, бошини узиб, ёғочнинг учига илиб, лагернинг ўртасига ўрнатиб қўяди. Ҳозир Воҳид бу ҳақда ўйлашни хоҳламасди. Хаёлида биргина ўй айланарди. Нима қилиб бўлса-да, қонини жунбушга келтираётган ҳирсни қондириш. Шу мақсадда у тиззасини қучоқлаб ўтирган қиз томон юриди.

— Яқинлашманг!

— Жоним.

— Яқинлашманг!

— Қочманг!

— Дод соламан! — кўзлари ола-кула бўлиб кетган қиз ортга чекинди.

— Сизни қийнамайман, — Воҳид унинг кўлидан тутди.

— Нарӣ кетинг!

Сора йигитнинг кўкрагидан итарди. Елкаси нимагадир тегди. Баданига тошлар ботди. Энди чекинадиган жой қолмаганди.

— Тегманг ака, мени бузиб қўйсангиз Эргаш акам иккимизни ўлдирадилар!

— Қўрқманг, сизни унинг кўлига топширмайман. У ёмон одам, иккимиз бошқа томонга кетамиз, ҳеч ким тополмайди!

Йигитнинг қайноқ нафаси Соранинг юзига уриларди.

— Мен унга хиёнат қилмайман, нари кетинг, йўқса дод соламан!

Воҳид қизни алдаб йўлига сололмаслигини тушунди.

— Тентак, қаерда турганингни унутдингми? Ахир биз тоғдамиз-ку! Дод солганинг билан мана бу ўлик тошлар овозингни ютиб юборади-ку, ундан кейин бу ерда сенга ёрдам берадиган одамнинг ўзи йўқ.

Сарбаланд тоғларнинг алақаерида бўри увилади. Унинг овози шу яқин атрофдан келаётгандек туюлди. Бу ўша — жангарилар томонидан ошёнидан қувиб ҳайдалган автодаҳол кулранг бўрининг аламли ноласи эди. Одамлар дастидан ҳамон ўз кулбасига қайтиш ниятида гоҳи-гоҳида шу атроф-теварақда пайдо бўлиб

қоладиган бўри яна туғилиб ўсган ошёнени соғиниб, дард-аламдан эгилган бошини қайга уришни билмай дайдиб келганди бу ерларга. Ватандан айрилиш унга шунчалар алам қилгандики, охири чидаёлмай ўзини ўзи тишларди, ерни, тошни тишлаб, тирнарди. Кўк кўзларидан алам қонли жала бўлиб ёғиларди.

— Эшитаяпсанми, бу бўрининг овози! Шу атрофда ўзига емиш излаб юрибди. Одатда оч қолган бўрилар шундай аламли увиллайди. Агар кўнмасанг, сени шу ерда қолдириб, ўзим қочиб кетаман! Хў жайинга жарга йиқилиб, нобуд бўлди, дейман!

Қизнинг қулоқларига бўрининг овози аниқ эшитилди. Ҳақиқатан ҳам шу атрофда юргандек туюлди.

— Кел ёнимга, бир пас қучоғимда олиб ётай, сен ҳам, мен ҳам исиймиз, кейин кетамиз. Ахир, совқотиб қолгансан-ку, бағримда исиниб ол! Кела қол, кўрқма!

Воҳид қизнинг қўлларидан тутиб, бағрига тортди. Хипча бел, нозиккина Сора унинг қучоғига сингиб кетди.

- 18 -

Суд раисининг ўлими юрагини зулмат босган Эргашбой учун байрамга айланди. У яна бир ғанимидан ўч олганидан хурсанд эди. Зудлик билан ўз раҳномоларига хабар жўнатмоққа ошиқди. Бундай янгилик учун улар тўлайдиган чойчақадан умидвор эди.

— Озиқ-овқат юкланган машина эрталаб лагерга етиб боради, — деди раҳномо хушxabарни эшитиб. — Менинг хисобимдан йигитларингизга зиёфат беринг!

— Марҳаматингиздан бошим осмонга етди, — ялтоқланди Эргашбой. — Ўйлайманки, йигитларим сизнинг бу совғангизни хурсандчилик билан қабул қилиб, ҳаққингизга дуо қилишади.

— Буни совға, деб қабул қилманг, иним, — деди Абдуллоҳ жаноблари. — Йигитларингизни кийинтириш, озиқ-овқат билан таъминлаш каминанинг бурчидир! Совға эса алоҳида жўнатилади.

— Бизга бирни берсангиз, Аллоҳ сизга ўнни берсин, оға!

— Сизга нозик бир гапни айтмоқчиман, Эргашбой.

– Буюринг жанобим? Қулингиз бир оғиз амрингизга жонини қурбон қилади.

– Гапимни буйруқ, деб қабул қилманг, жаноб Эргашбой, – Абдуллоҳ атайин сукут ичида қолди. Кейин мулойим, бироқ аламли оҳангда гапида давом этди. – Сиз бизнинг энг яқин дўстимиз ҳам биродаримизсиз. Сизга отилган данакдай тош бизнинг юрагимизга ботади. Оёғингизга зирапча кирса, танамизни зирқиратади.

Эргашбой бу мақтовдан ийиб кетди.

– Албатта, албатта, – деди шошиб.

– Одамларим куни кеча қўлимга рўзнома ташлаб кетишди. Салкам икки бетда сиз ҳақингизда аччиқ ва аламли сўзлар битилган. Сизни ифвогар, юрт хоини, босқинчи ва қароқчига чиқариб қўйишган. Ўқиб, бетоқат бўлдим.

– Рўзнома қўлингиздами? – Эргашбойнинг овози қалтираб чиқди.

– Сизга жўнатмоқчи эдим, аммо раҳномоларимиз ўша рўзнома билан қизиқиб қолишгани боис уларга юбордим.

– Мақолани ким ёзибди? – сўради руҳи тушиб кетган Эргашбой.

– Андак сабр қилинг, – деди Абдуллоҳ жаноблари ва бир муддатдан сўнг муаллифнинг исмини баён қилди.

– Илм даргоҳининг профессори Фарҳод Жамол экан.

Эргашбой бундай номни эшитмаганди. Танаси чугундек қизиб кетди. Абдуллоҳ жанобларининг бу хабарни бўртириб ва айна дамда ёлғон айтишидан муроди ўзгача эди. Аслида мақола Эргашбой ҳақида эмас, балки Абдуллоҳ жаноблари бошчилик қилаётган оқим тўғрисида эди. Унинг кўнгли мақола муаллифидан Эргашбойнинг қўли билан қасос олишда эди.

– Сиз у кишини танидингизми? – сўради Абдуллоҳ Эргашбойни жим қолганидан хавотирланиб.

– Афсус, танимадим, устоз, аммо мен борганимда уни бўхтон ёзган қўлларини синдираман!

– Бу даражада ғазабланманг муҳтарам Эргашбой. Шу ерда туриб ҳам ундан қасос олишингиз мумкин.

– Йўл кўрсатинг устоз?

— Одамларингизга буюринг, улар рўзнома чиқаду-
гон идорани ўраб олишсин, ўша тўхматчи ёзувчини
топиб, ноўрин мақола ёзгани учун айнан шу рўзно-
мада бизлардан кечирим сўрасин!

— Ҳақ гапни сўзладингиз, устоз, — Эргашбой учун
Абдуллоҳнинг маслаҳати маъқул бўлди. — Мен ҳози-
роқ одамларимга хабар жўнатаман. Улар, албатта
эрталаб бунг кўтаришади.

— Бўш келманг иним, бўш келманг! — деди муродига
етган Абдуллоҳ.

Эргашбой зудлик билан Қамбарга хабар йўлади.

— Одамларимизга айт, эрталаб газета идораси олди-
да тўпланишсин. Намойиш ўтказинглар, биз тўғри-
мизда мақола ёзган одамни топиб кечирим сўрашга
мажбур қилинглар!

Қамбар топшириқни бажаришга сўз берди.
Эрталаб шаҳар газетасининг биноси олдида эликка
яқин одамлар тўпланди. Аммо, улар нимани талаб
қилишни билишмасди. Ўзларича бақириб-чақирин-
шарди. Муҳими ўзларини одамлар кўзига адолатпар-
вар кишилар қилиб кўрсатишга уринишарди. Бироқ
Қамбарнинг тўдасига ҳеч ким келиб қўшилмади. Ўт-
ган-кетганлар уларга нафрат билан қараб қўйишди.

Эргашбой кечки пайт хонасидан чиқмай, «Озо-
дик» радио станциясининг эшиттиришини тинглаб
ётди. Янгиликларда эликка яқин одамлар шаҳар газе-
тасининг биноси олдида намойиш қилишганлигини
шаҳар прокурори безорилик қилган уч нафар намой-
ишчини қамоққа олиш ҳақида санкция берганини
айтиб ўтди. Абдуллоҳ жанобларига шу керак эди.
Эргашбойнинг қўнғироғини кутмай ўзи сим қоқди.

— Хабарингиз бўлдим Эргашбой, — деди у аянчли
овозда, — прокурор одамларингиздан икки- учтасини
қамоққа олибди. Бу қандай адолатсизлик!

Эргашбой бу хабарни эшитгани учун ташвишга
тушмади. Муҳими ўзининг нималарга қодирлигини
кўрсатиб қўйганидан хурсанд.

— Бу менинг ғалабам устоз, юртда бўлмасам ҳам
тарафдорларим борлигини, қўлимдан қандай ишлар
келишини ғанимларим билишди.

– Сиз уларни бунданда кўпроқ ташвиш ва қўрқувга солишингиз мумкин, иним Эргашбой. Бўш келманг! Одамларингизни қамоққа олган прокурор жазосиз қолиши мумкин эмас. Уни жазоламасангиз эртага бошқа одамларингизни ҳам қамоққа тикади. Ҳукумат одамларининг юрагига гулгула солинг! Уйлайманки, сиз бунга қодирсиз!

Эргашбой шанига билдирилган мақтовли гаплардан талтайиб кетди.

– Бу ишни узоққа чўзиб ўтирмайман, йигитларимга бир оғиз айтсам прокурорни гўмдон қилишади.

– Мени прокурорда адоватим йўқ, Эргашбой жаноблари, фақат сизнинг содиқ ва вафодор йигитларингизни ноҳақ қамоққа олганига тоқат қилолмаяпман!

Абдуллоҳнинг мақсадини тушунмаган Эргашбой бу гапни ўзига нисбатан ачиниш, деб қабул қилди.

– Бир ҳафта ичида ўша ярамас прокурорни бошига итнинг кунини соламан! Шундай жазолайманки, ўлими олдидан одамларимни қамоққа олганига минг бор пушаймон ейди. Керак бўлса бутун дунё олдида уларни ноҳақ қамаганини, адолатсизлик қилганини, менинг йигитларим қонунни бузмаганини айтиб, кечирим сўрайди!

– Бу ҳақиқий ўз йигитларига жонини фидо қиладиган қасоскор, эр йигитнинг гапи бўлди, иним, баракалло! – олқишлади Абдуллоҳ.

– Қуллик, устоз!

Эртаси кун Эргашбой Қамбарга шундай топшириқ берди.

«Сим» операцияси амалга оширилсин.

- 19 -

Барно ваъда қилинган пулнинг қолган қисмидан умидвор эди. Ўша кун судьянинг хонасидан чиқиб кетди-ю, бироқ ўлиб қолишини хаёлига келтирмаганди. Уйига боргунча Қамбарнинг одами «топшириқ нега бажарилмади», деб сўраса не дейман, деган совуқ ўй хаёлидан кетмади. Топшириқни бажармагунча кўринмасликка қарор қилди. Кечки пайт маҳаллий телевиденияда суд раисининг инфаркт билан вафот

этганлигини эшитгандан сўнг миясини оғритган саволлар юки елкасидан қулади.

Эрталаб айтилган манзилга борди, аммо ваъда берган одам келмади. Пул қизнинг юрагига тинчлик бермасди. Шу сабабли ҳар куни манзилга келар ва пул бериши керак бўлган одамни кутарди.

Қамбарнинг одами Барнони кўздан қочирмаганди. Изидан соядек эргашиб юрарди. Кунларнинг бирида бола кўтарган аёл ёнига келиб, садақа сўради.

— Яхши тушга ҳам садақа, деганлар, ҳайр қилинг синглим!

Барно ҳурпайиб кетган сочларига тароқ тегмаган, кўйлагининг тутмалари узилиб, қорайган кўкраги кўриниб турган тиланчининг раъйини қайтармади. Сумкасидан юз сўмликни олиб узатди.

— Илоҳим муродингизга етинг, синглим, — тиланчи аёл дуо қилди. Бирдан Барно хушёр тортди. Унинг овози қулоғига таниш туюлди. Қиз унинг ортидан қараб қолди. Икки-уч дақиқа ўтиб, олдига ўспирин йигит келди.

— Кечки пайт олдингизга одамларимиздан бири келади. Шу ерда кутинг! — деди-да, кетди.

Барно айтилган вақтда келди. Сарик «Жигули» ёнида тўхтади.

— Машинага чиқинг!

Аёл ҳайдовчини таниди. Топшириқ берган одам шу эди.

У орқа ўриндиққа ўтирди. Машина силжиди.

— Топшириқни аъло даражада бажарибсиз, бошлигимиз хурсанд бўлдилар! — деди нотаниш кимса.

— Бундай бўлишини кутмагандим, — деди Барно.

— Нима, сиз уни ўлдирмадингизми? — хайрон бўлди ҳайдовчи.

— Ярим тунда мазаси қочиб қолди. «Тезда уйдан чиқиб кет», деб мени чиқариб юборди.

— Сиз уни қийнаган бўлсангиз керакда? — жилмайди ҳайдовчи.

— Умрида аёл зоти билан ётмаган эканми, ўша тун холи жонимга қўймади.

— Аниқроқ гапиринг? — қизикди ҳайдовчи.

— Нимасини гапирай, — Барно Ҷиринглаб кулди ва тўшақдаги воқеани очикчасига сўзлаб берди.

— Сени адабингни берай деб, хирсни кўзғатадиган доридан тўрттасини сувга аралаштириб ичириб юборгандим. Наша чеккан одамдай маст бўлиб, ёнимдан силжиёлмай қолди...

— Ҳунарингизга гап йўқ! Бундан ортиғи бўлиши мумкин эмас. — Олқишлаб қўйди ҳайдовчи.

— Сиз ваъдангизни унутмадингизми? — бироз жимликдан сўнг сўради Барно.

— Унутиб бўладим, фариштам, бизда гап битта бўлади! — Ҳайдовчи тортмадан бир боғлам доллар олиб, аёлнинг тиззасига қўйди. Барно пулни сумкасига жойлади.

— Биздан олган қарзингиз қанча бўлди? — сўради ҳайдовчи.

— Нима, буням қарзга ётқизмоқчимисиз?

— Буниси ваъда қилинган хизмат ҳаққингиз, бироқ орамизда олди бердимиз бор. Ҳисобли дўст айрилмас, деганлар, шунга сўраяпман-да!

Барнонинг қарзи эсида эди.

— Олти миллион! — деди бироз хижолат тортиб.

— Раҳмат, унутмабсиз!

— Бошлиқ сўраяптими?

— Сўраганлари йўқ, аммо қарзим бор, деб сиз хижолат тортманг, пул лозим бўлса айтаверинг!

— Энди, мени шу ерда қолдирсангиз, бир дугона билан учрашмоқчиман. — Барно уйга қайтишни истаб қолди.

— Ўша учрашувни бошқа кунга қолдирасиз, — деди ҳайдовчи.

— Сабаб!

— Бошлиғимиздан янги топшириқ олдик. Шунинг учун этишингиз керак.

— Қандай топшириқ экан?

— Буни ўзлари айтишади.

— Ишқилиб аввалгидек эмасми?

— Кўнглингизга урдими?

— Сўрадимда, — жилмайди аёл.

— Буниси нозикроқ, — жиддийлашди ҳайдовчи.

— Айтингда-нозланди аёл.

— Бошлиқлар айтишади дедим-ку. — Ҳайдовчи аччиқлангандек бўлди.

Барно каттароқ улишдан умидвор бўлди.

— Ишқилиб, тўлайдиган пулингиз меҳнатимга арзийдими?

— Сизни ранжитмаймиз, агар айтилган топшириқни бажарсангиз, хўжайин қарзингизни кечиши мумкин!

Барно бажарадиган топшириқни билишни жуда-жуда истаса-да, ҳайдовчи айтмади. Машина тўрт қаватли бино олдида тўхтади.

— Етиб келдик! — деди ҳайдовчи ойнадан аёлга қараб.

Барно пастга тушди. Икковлари тепага чиқишди. Тўртинчи қаватдаги темир эшикни тақиллатишди. Узун бўйли одам чиқди.

— Келдиларингми?

Ичкари киришди. Барнонинг димоғига ёқимсиз ис урилди. Хона ўртасидаги дастурхон безатилганди. Таомларга кўзи тушган Барно очиққанини эслади.

Овқатга ўтиришганда Қамбар кириб келди.

— Сизни Покистонга жўнатмоқчимиз? — деди Қамбар қизнинг олдида ўтирар экан.

— Покистонга, нега? — ҳам ажабланиб, ҳам қувониб кетди Барно.

— Тижорат ишлари билан ўтиб келасиз.

— Бир ўзимми?

— Иккита шеригингиз бор!

— Менда маблағ йўқ!

— Қарз берамиз, қайтганингизда узасиз!

— Бориб келишим учун қанча маблағ кетади?

— Наридан борса беш-ўн минг доллар.

— Катта пул экан, бунча пулни топиб узишга ақлим етмайди!

— Узишнинг йўли бор, буни бориб келганингиздан кейин айтаман. Мухими қарзни ўйламанг, ҳали ёшсиз, маза қилиб ўйнаб олинг!

— Қачон жўнашимиз керак?

— Шу ҳафта ичи биз қўлингизга самолётга чипта берамиз. У ерда одамларимиз сизни кутиб олишади. — Ҳозирча бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очманг!

— Розиман, — деди Барно.

Аммо юртидан чиқиб кетаётганидан юраги ваз эди.

Қамбар Россияга жўнатган дўппидай наша, бир чамадон пул бўлиб қайтди. Даромаднинг бир қисмини ўзида олиб қолиб, қолганини Эргашбойга юборди. Бу пулларга одам топиши, «сим» операциясини амалга ошириши керак эди. Қолаверса, ўзи ваъда қилган бош учун ҳам одам ёллаши зарур. Вақт кутиб турмайди. Яна йигирма кундан кейин Эргашбой калла солинган кутини кутади. Ўйламай айтган гапи учун Қамбарнинг ичини ит тирнарди. Кундуз кунлари ҳаловатини, кечалари эса уйқусини ўғирларди. Нега ваъда бердим? Ким мажбур қилди мени? Бу иш қўлимдан келмайди, десам бўларди-ку, дерди ўзига ўзи. Фикри-ўйи бошни узиб келадиган одамни топишда бўлди. Кутилмаганда Ҳамдам каллани эслаб қолди. Бу топшириқни ўша бажаради, деди ўзига ўзи. Пул деган савилга шу қадар кўнгил қўйган-ки, бир мири учун ҳар қандай қабих ишларни қилишдан жирканмайди. У бир пайтлар Эргашбойнинг хизматида бўлган. Одам ўлдириб, қўлни қон қилмаган бўлсада, ундан баттароғини қилган. Эргашбой тўдасига қўшилмаган, ўзи ёқтирмаган ёш йигитларни, бой бадавлат кишиларни тадбиркор ва фермерларни одамларига айтиб тутиб келтирарди. Колхознинг эски биносидаги ер тўлага олиб тушар, шу ерда уларни сўроқ-савол қиларди. Пул бермаган ёки унга қўшилишни истамаганларнинг қўл-оёғини темир занжирга боғлаб, шифтга осиб қўйишарди. Уларнинг ярим яланғоч баданига дарра билан уриларди. Бу ишларни ялпоқ юзига ниқоб таққан, калласи ҳаддан ташқари катта бўлган Ҳамдам калла бажарарди. У йигитларнинг дод-войларига, оху зорларига қулоқ солмасди. Занжирга осиб қўйилган бандини хушдан айрилгунча қум тўлдирилган дарра билан саваларди. Эргашбой мамлакатдан қочиб кетганда Ҳамдам каллани эсламади. У нима қилишини билмай қишлоғида қолди. Шу одам кутилмаганда Қамбарнинг хаёлини ўғирлаганди. Ўзининг яқин одамларидан бирини унинг олдига жўнатди. Эртаси куни топиб келишди.

— Менга қандай хизмат, бой бола? — сўради Ҳамдам калла ичкари киришганда. — Ҳар қалай мени бекорга эслаб қолмагандирсан?!

— Муҳим топшириқ бор.

— Хўш? — юзига кулгу ёйилган Ҳамдам калланинг кўз олдига пул келди.

— Чўлга борасан, Шариф деган фермер бор, унинг калласи бошлиққа керак бўлиб қолди..

— Калласи? Умримда қўлимни қонга беламаганман, бой бола!

— Лекин сен дарра билан урган одамларнинг кўпини ўпкаси, жигари тугаб алақачон ўлиб кетишганини унутма! Калла узиб ўлдирдинг нима, уриб ўлдирдинг нима? Иккиси ҳам қотиллик, шундай эмасми?

— Берадиган пулингни айт? — Ҳамдам калла пачакилашиб ўтиришни истамади.

— Ўн минг доллар? — Қамбарнинг чеҳраси бироз ёришди.

— Бу камлик қилмасмикин, бой бола? Чўлга боришнинг ўзига камида икки минг доллар кетади!

— Нима, сенга пул топиш осонми?

— Пул топиш сендек бой йигитга чўт эмас, бизга ўхшаганларга азоб, бой бола!

— Қанча сўрайсан, — Қамбар у билан савдолашиб ўтиришни истамади.

— Яна ўнга қўшасан, бой бола!

Қамбар унга хўмрайиб қаради. Ақлинг жойидами, демоқчи эди, кўз олдига Эргашбой келди, унга айтган гаплари қулоғида жаранглади. Ҳамдам калла аҳдидан қайтса, яна кимни излайди. Вақт эса тифиз. Рози бўлса, келгуси ҳафтада чўлга жўнаши керак.

— Каллани мен айтган жойга элтиб бориш шарти билан!

Ҳамдам калла қўлини кўксига қўйди. Бу билан ўзининг розилигини билдирди.

— Қачон ишга киришаман?

— Келгуси ҳафта шу ерда учрашамиз!

— Қамбар темир сандиқдан беш минг доллар олиб, Ҳамдам калланинг олдига ташлади.

— Чой-чақа қилиб, турарсан.

Қамбар бошлиқнинг топшириғига асосан эски одамлари билан учрашувни тўхтатганди. Атрофига янгиларини йиға бошлади. «Шундай қилсам изқуварлар мендан хитланмайди», деб ўйлаганди. Бироқ «Сим» операциясини янгилар бажаролмаслигини ўйлаб, эски танишларидан воз кечмасликка қарор қилди. Улардан уchtасини чақиртирди.

— Шаҳар прокурорини тинчитиш керак? — деди у танишларига — Хўжайиннинг буйруғи шундай!

— Ахир уни эски уйдан бошқа ҳеч вақоси йўқ. Пора олмайди!

— Бизга унинг бойлиги эмас, жони керак. Пулни эса ўзим тўлайман!

Қамбар темир сандиқдан уч почка юзталиқ долларни олиб, стол устига ташлади. Хонадагиларнинг кўзи ўйнади. Яқин орада бундай катта пулни кўришмаганди.

— Хўжайин шуни истаган эканлар, бутуноқ, есть қиламизда, — деди улардан бири.

— Бир ўзини жони керакми? — сўради иккинчиси.

— Гувоҳ қолмаслиги шарт!

Ўтирганлар бош ирғашди.

Қамбар сандиқ олдиға борди ва уч дона йигирма беш сантиметрли симни олиб, уларнинг олдиға қўйди. Симларнинг учи олмосдай ўткир эди.

— Мақсадимни тушунгандирсизлар? — деди уларнинг кўзларига боқиб. — Бирорта ўқ узилмасин, из ҳам қолмасин!

Уччаласи симларни қоғозга ўраб, чўнтакларига жойлашди. Бу симлар билан прокурорни қандай жазолашни яхши билишарди.

— Ишни бажариб бўлганларингдан кейин шаҳарни тарк этасизлар. Бир-икки ҳафта қўшни давлатда яшаб турасизлар! Ойнинг охирида — сен Маъсуд олдимга келасан. Сизларга бошқа топшириқ бор. Келганларингда айтаман!

Ёлланган кимсалар пулларни ҳамёнларига уриб, хонадан чиқиб кетишди. Қамбар қўшни хонага ўтди. Эшик ортида юзини сепкил босган, бадбашара одам топшириқ олган кимсаларни кузатиб турганди.

— Снайпер! — деди Қамбар унга қараб. — Ановиларни изига туш, қаёққа боради, кимлар билан учрашадим — аниқла. Шубҳали одам билан кўришса, тинчит!

Снайпер диван остидан мусиқа асбоби солинадиган сумкани олди.

— Бошқа топширифингиз йўқми хўжайин?

Қамбар бир сония ўйланиб турди-да, снайпернинг қонсиз юзига тикилиб деди:

— Қорасувни кечиб ўтишлари билан ҳунарингни ишга сол! Уларнинг афти-ангорини бошқа кўрмай!

- 21 -

Вадим Вольфович олисдан келган меҳмонни кўл бўйида кутарди. Шом қоронғулиги тушганди. У бир ойдан бери бу жойга келмаган, тимсоҳларини соғиниб қолганди. Яқиндагина бўғизланган қўй гўштини ним-талаб тимсоҳларга едириб ўтирарди. Улар этни ҳаводаёқ илиб олишар, ўзлари билан сув остига олиб кириб кетишарди. Сув тиниқ бўлганлиги учун ҳам хўракни талашиб-тортишиб ейишаётгани кўриниб турарди. Тимсоҳларнинг овқатланишини хуш кўрадиган Вольфович қўйнинг этини едириб бўлди. Бироқ меҳмондан дарак йўқ эди. Овқат тутаган бўлса-да, тимсоҳлар қирғоқдан кетишмади. Шишадай юмолақ кўзларини Вольфовичга тикиб туришарди.

Машина келиб тўхтади. Понамарёв билан соқчи йигитнинг қуршовида Ғофур тушди. Улар хўжайиннинг рўпарасида тўхташди. Вольфович сир бой бермади. Меҳмонни бағрига босди. Ғофурнинг хаёли ўзида эмасди. Нега уни дала ҳовлида эмас, ўрмонда кутиб олаётганидан хавотирда эди.

— Ўтир десам афсуски, курси битта, — деди Вольфович меҳмонга. — Хўш, ишлар қандай кетаяпти қароғим? Эргашбой жаноблари бизга қанча дори тайёрлаб қўйди?

— Бу йилги ҳосил айтарли яхши эмас Вадим Вольфович, — деди Ғофур. Бу гапи билан қариянинг кўнглидаги шубҳани кучайтирди. Ҳикмат ҳосил мўл

бўлганлигини, Эргашбойни керагича дори билан таъминлаши мумкинлигини айтганди.

— Шундай де, — ғазабини ютиб жилмайди Вольфович — Демак, сен бизни дори билан таъминлай олмас экансан-да?

— Бундай демоқчи эмасман, Вольфович, дори кам бўлгани учун унинг нархи кўтарилиб кетди. Пулига чидасангиз бўлди!

— Ақлинг кириб қолибди, — деди қария кўзларини бақрайтириб турган тимсоҳларга қараб. — Эргашбой биз жўнатган пулларнинг ҳаммасини олганми?

— Олган! — дадил жавоб қилди Ғофур.

— Назаримда у биздан хафа. Дорини жўнатмай қўйганининг сабаби шунда..

— Бундай бўлиши мумкин эмас Вольфович. Ахир сиз унинг ягона ва ишончли ҳамкорисиз!

— Эшитишимга караганда у жўнатган пулларимнинг ярмини олганмиш холос!

— Бўлиши мумкин эмас, — деди кўнгли қандайдир нохушликни сезган Ғофур шоша-пиша.

— Шундай де, сени ишонч билан бундай дейишинг мени шубҳалантиряпти, қароғим!

— Ахир пулларингизни унинг қўлига ўзим топширганман-да! — бўш келмасди Ғофур.

— Хиёнат қилмагансан, шундайми?

Ғофурнинг юраги патиллади. «Наҳотки қария хабар топган бўлса? Кимдир бу ерга келиб кетдимикин», деган ўй кўнглидан кечди. Аммо сир бой бермади.

— Вадим Вольфович, мени биринчи кўришингиз эмас-ку. Икки-уч йилдан бери сизни дори билан таъминлаб келаяпман.

Вольфович Эргашбойнинг мактубини Ғофурга узатди. Хатга кўзи тушиши биланоқ унинг ранги оқариб кетди. У Эргашбойнинг дастхатини танирди. Шу сабабли «бу хўжайиннинг хати эмас», деёлмади.

— Кимдир ўртамизга нифоқ солиш ниятида бу мактубни сизга жўнатган кўринади, — деди ўзини қўлга олишга уриниб.

Вольфович ўрнидан турди.

— Ўзинг биласан, — деди у меҳмонга юзланиб. — Мен

сендан кўра кўпроқ Эргашбойга ишонаман. Бизнинг ишимизда хиёнаткор ва сотқин одамларга раҳм-шафқат қилинмайди. Қандай жазо беришимизни ҳам биласан!

Ғофур бу жойга бежиз олиб келишмаганини тушунди. Унинг қўрқув акс эган кўзлари сувдан бошларини чиқариб турган тимсоҳларга тушди. Ортида турган соқчилар қуршовини ёриб ўтиб қочишни ўйлади. Ғофур ораликдаги масофани хаёлан ўлчади. Бир ярим қадам. Ғофур орқага қадам ташлади. Шу заҳотиёқ иккинчи қадамни ён томонига қўйди. Соқчига яқин келди, аммо унга қайрилиб қарамади. Ғофур бармоқларининг учини тутиб, билагини орқа томонга букиб, соқчининг кўкрак қафасини мўлжаллади. Зарб билан муштини соқчининг ошқозонига, тирсақини эса жағига солди. Ўзидан анчагина баланд бўйли бўлган соқчининг оёғи ердан узилиб, тўнтарилиб йиқилди. Лекин Понамарёвга зарба беришга улгурмади. У чаққонлик қилиб ўзини четга олди ва Ғофурнинг орқа томонидан қучоқлаб қолди. Ғофур қимирлашга чорасиз қолди. Соқчи ўрнидан турди ва Ғофурнинг юзига мушт туширди. Вадим Вольфович бас, дегандек қўлини кўтарди. Соқчилар меҳмоннинг қўлларини қайириб туришарди.

— Мен сенга ўзимнинг адолатли ҳукимини ўқидим, чироғим! Ижросини эса сувдаги махлуқларим бажаришади. Улар анчадан бери одам гўштини соғиниб қолишган, қара, ўлжа келармикин, деб бизга термулиб туришибди. Шу пайтгача сенга ўхшаган олтига хиёнаткор бу махлуқларнинг қорнига жой бўлган! Ментлар уларни бедарак йўқолганлар қаторига киритиб қўйган. Ахир тилсиз бу жониворлар ўзларининг ишлари тўғрисида ҳеч кимга оғиз очишмайди.

Ғофур нима дейишни ва нима қилишни билмай қолди. Кекса дорифурушнинг қўлида ўлишни сира истамасди.

— Меҳмонни тимсоҳларимга совға қилинглар! — деди мафия отаси одамларига ва ўзи машина томон юриб кетди.

Соқчилар меҳмоннинг қўлтиғидан кўтариб, қирғоққа олиб келишди. Тимсоҳлар безовталаниб, типирчилашди. Соқчилар Фофурнинг қўл-оёғидан кўтаришиб, бешикдай тебратишиб сувга улоқтиришди.

Фофур органда ишлаб юрган кезлари фақат кечалари сув остида спортнинг қўл жанги билан мунтазам шуғулланганди. Сув тубида беш дақиқагача қолиб кетарди. Бундан ташқари чапдаст ва чаққон эди. Сувга тушгунгача бўлган сонияларда у шимининг этагини кўтариб, пойпоғига қистирилган ҳанжарни олишга улгурди. Сувга тушганда тимсоҳлар бирданига ўлжага ташланишмади. Узун думларини қайириб, биринкетин сув тубига шўнғишди. Улардан бири ўлжага аҳамият бермади, тўқ эди. Одамга яқин келдию, оғзини очиб, сувни шимириб ортига қайтди. Иккинчи тимсоҳ емиш ортидан қувди. Фофур уни кўрди. У баҳайбат оғзини очиб, сузиб келарди. Бир ҳамла билан белидан тишлаб, ғажиб, гўштини нимта-нимта қилиб юбориши мумкин эди. Фофур баликдай буралиб, ён томонга ташланди. Катта тезликда келаётган тимсоҳ ўтиб кетди ва яна шиддат билан ортга қайтди. Фофур ҳанжарни унинг елкасига санчди. Қип-қизил қон сув юзига отилиб чиқди. Тимсоҳ яна ўлжага отилди. Ҳанжар елкасида қолиб кетганди. Фофур чап беришга, тимсоҳни ўтказиб юборишга иложи қолмаганди. У яқин келиб қолганди. Баҳайбат оғзини очиб келарди. Фофур унинг жағини икки томонга қайирди. Ҳолсизланиб қолган йиртқич бир амаллаб Фофурнинг қўлидан чиқиб кетди ва қайта ҳамла қилишга ботинолмай қочди. Сув қизил ранга бўялганини кўрган соқчилар бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб қўйишди.

Вадим Вольфович орқа ўриндиқда ўтирарди. Машина жойидан кўзгалганда Понамарёв соҳилнинг нариги томонида турган одамни кўриб қолди.

— Хўжайин! — деди у худди ажинани кўрган одамдай ажабланиб. — Қаранг!

Вольфович машинадан тушди. Соҳилда Фофур турганини кўриб, кўзларига ишонгиси келмади. У тирсагини киндигига тираб, мушт бўлиб тутилган қўллари ни силкитиб шундай дерди.

— Вольфович, ўзингнинг гўштингни тимсоҳларингга едирмасам, эркак эмасман!

У бошқа сўз айтмади ва ўрмон ичига кириб кетди. Ортидан қувиш фойдасиз эканлигини билган соқчилар нима қилишларини билмай қолишди.

-22-

Кечга яқин Эргашбой Мирюнусни ҳузурига чақиртирди. Ичкарига кирганда Чўтирга кўзи тушдию, нима гаплигига ақли етди.

— Хонимни зиндондан чиқариб юбор. Йигитларингга тайинла, уни тинч қўйишсин. Икки-уч кун Абу Толибнинг хонасида даволансин, кейин унга алоҳида хона ажратиб берамиз, — деди.

Мирюнус кўзларининг қирини Чўтирга ташлаб қўйди.

— Энди сенга оқ йўл иним, Яратган эгам йўлингни очсин, — деди Эргашбой Чўтирга юзланиб. — Ўзингни эҳтиёт қил. Дўсту-душман олдида тилингга ортиқча эрк берма. Топшириқни бажариб изингга қайт. Худо хоҳласа Олма-отадаги ишларни ўз қўлингга оласан. Маҳмуд жазосини олди. Кимки тузимни ичиб, тузлугимга тупурса бошига итнинг кунини соламан. Эшитишимча Олма-отадаги одамларимизнинг бошини қовуштирадиган қаттиқ қўл одам даркор. Акс ҳолда улар тарқаб кетади. Иложи борича тезроқ топшириқни бажариб қайтгин. Аллоҳ бизларни яна учраштиради деган умиддаман!

— Дуода бўлинг амирим, сизнинг тинчлигингиз, осойишталигингиз, обрўйингиз ҳурмати қўлимдан келган барча ишларни қиламан!

— Сендек мард, қўрқмас йигитларим борлигидан фахрланаман иним!

Чўтир ўрнидан турди. Эргашбойни бағрига босиб ташқарига чиқди. Хиёл ўтмай машинанинг гуриллаган овози эшитилди. Бошлиқ туйнуқдан ташқарига боқиб, сўнг Мирюнусга юзланди.

— Хонимни зиндондан чиқар, қорнини тўйдир. Биз унга ортиқча зулм ўтказдик чоғи.

Эргашбой камдан-кам ҳолда ўз хатосини тан оларди.

Мирюнус аччиқланди.

— Амирим, хонимни ташқарига чиқаришнинг ҳожати йўқ. Ҳозирча зиндонда ўтиргани маъқул, — деди томоқ қириб.

— Нега? — ҳайрон бўлди Эргашбой.

— Боя Чўтир иккисининг гаплари қулоғимга чалинди.

Эргашбой қаршисида қўл қовуштириб турган зиндонбонга ялт этиб ўтрилди.

— Тушунмадим.

— Хоним ҳам, Чўтир ҳам бизга дўст бўлмайди.

— Нега бундай қарорга келдинг, ялоқ?!

— Хоним Чўтирга «Эргашбой бизнинг яхшилигимизни, садоқатимизнинг қадрига етмади. Мени тезда бу ердан қутқариб олинг, бошимиз оққан юртга кетайлик. Қолган умримизни Аллоҳга ибодат билан ҳалол ва пок яшаб ўтказамиз», деди.

— Чўтир нима деди? — шошиб сўради Эргашбой.

— Чўтир ҳам унинг гапини маъқуллади. «Ҳисобкитобли ишларим бор, бир-икки ҳафта сабр қилиб туринг, ўзим сизни хоҳлаган томонингизга олиб кетаман. Бу ерда юрсак номимиз қаро бўлади. Ҳамма бизни босқинчи, террорчи, деб атайди», деди.

Эргашбой бир сакраб Мирюнуснинг рўпарасида пайдо бўлди. Паншахадек бармоқлари билан ёқасидан тутди. Қисилган кўзларида ўт чақнарди. Фазабланганидан жисми титрарди.

— Ёлғон гапираяпсан итнинг боласи!!

— Тепамда худо, зиндонда бандаси ётибди, сўроқлашингиз мумкин амирим!

— Нега бунга вақтлороқ айтмадинг?!

Мирюнус индамади. Нафасини ичига ютди. Уни ўз сўзларига ишонтирганидан мамнун бўлди.

— Лаънати, қанжиқ Чўтирни йўлдан урмоқчи бўлиб авраган. Ҳозироқ бориб зиндоннинг қопқоғига иккинчи қулфни ос. Шариат ургур ўша ерда ўлиб, чириб кетсин!

— Бир оғиз буйруғингиз амирим, — қўлини кўксига



босган Мирюнус орти билан тисарилиб хонадан чиқиб кетди.

Заҳ ерда ўтирган хонимнинг елкалари ҳорғин эгилган, ориқлаган, қони қочган юзи пастга тўлқинланиб ёйилган узун, оқимтир сочлари билан чўлғанган эди. «Сув бўлса ичсайдим», — деб ўйларди у. Болалигида, уйларининг шундоқ ёнида шарқираб оқадиган ирмоқни кўз олдига келтирди. Сув ерни чўлп-чўлп ўпиб, майса, гиёҳларни силаб-сийпалаб оқиб борарди. Қулоқларига сувнинг шалдирагани чалингандек бўлди. Хоним ташналигини унутиш мақсадида яна хаёлини бошқа томонларга олиб қочди. Чўтирга айтган сўзларини такрор ва такрор ёдга оларди. Умрининг қолган қисмини у билан ўтказишга, яратган эгамга ҳамду санолар айтишга, йўл қўйган гуноҳлари учун тавба тазарру қилишга, бу қоронғу зиндондан соғ-омон чиқса, қолган умрини дунёнинг қайсидир бурчагида осуда ўтказишни ниятларди. Болалигида ота-онаси қулоғига қўйган ҳамда муқаддас китобларни ўқиб, ёд олган дуоларни такрор ва такрор дилидан ўтказарди. Тавба айларди. «Ё, Аллоҳим, ё отингдан айланиб кетай парвардигорим! Сенинг муборак ва қутлуғ номингни ўртага қўйиб онт ичаманки, бундан бу ёғидаги умримни, ҳаётимни, ҳар бир олаётган нафасимни фақат ва фақат сенга ҳамду санолар ўқиш, бандаларинга яхшилик қилиш билан ўтказаман. Эй раҳм қилувчиларнинг раҳм қилгувчиси, сен ҳар ерда, ҳар жойда ҳозирнозир бўлгувчи улуғ зот, сен эшитгувчи, сен кўргувчи, сен билгувчисан. Сенга, Сенинг расулинга, муқаддас китобларинга, фаришталаринга имон келтираман. Сенинг улуғ сифатларинг, сенинг муборак исмларингни ўртага қўйиб сўрайман, бундан бу ёғига ўз йўлингдан ўзинг адаштирма. Шайтон макридан йироқ қилгил. Билиб билмай қилган беҳисоб гуноҳларимни мағфират айлагин. Қалбимдаги эзгу ҳожатларимни ўзинг равон қилгил. Юртга, элга қилган хиёнатимни кечиргил, жоним чиқар чоғида, руҳим ҳузурингга кетар пайтида Ватан дийдорини бир кўрмоқни насиб айлагил, танам бегона юртда қолиб кетишидан асрагин. Майли, гуноҳларимни кечма, майли жис-

мимни дўзах оташида ёндир бироқ жонимни туғилиб ўсган уйимда олгин! Ё Раҳмон, Ё Ғоффор, Ё Раҳим!»

Червон хоним бу дуоларни тилидан қўймасди. Бош-лаб ниҳоясига етказиши биланоқ яна ва яна уни қайтадан ўқишга тутинарди. Ҳар гал ўқиб бўлганидан сўнг бадани енгиллашиб бораётганини ҳис этар, қоронғу қалбига қандайдир ёруғлик инар, ўзини зиндон ичида эмас, гўзал кошонада ўтиргандек ҳис этарди. У ёлғиз эмасди. Кўз олдида ҳурлар, малаклар ўтиргандек туюларди. Улар билан ғойибона суҳбат қуради, кемтик юраги таскин топарди. Яратганга яна ва яна илтижо қиларди. Хоним бир неча кундан бери танасини кемириб, азоблаётган очликни унутган, қақраб қолган томоқлари кўзи уйқуга илинганда мўъжиза туфайлими ёки Аллоҳнинг қудрати, инояти биланми намланиб қоларди. Тушларида парилар, ҳурлар унга ошно бўлар, ширин таомлар келтириб тутишарди. У очликни, овқатни, қақраб қолган томоғига ором бергувчи бир томчи сувни хаёлига келтирмасди ҳам. Бутун вужуди билан фақат ва фақат яратганга тавалло қиларди.

Эргашбойнинг кулбасидан чиққан Чўтир зиндон тепасига келди-ю, хонимга зарур иш билан кетаётганлигини, тезда қайтишини, бошлиқ ҳозир уни зиндондан озод қилишини айтди.

— Оҳ, ёнимда сиз бўлмасангиз озодлик менга татир-миди азизим. Яхшиси сиз келгунча шу ерда ётганим дурустмиди? — деди Червон хоним кўзларини ёшлаб.

— Бундай сўзларни сўзламанг хоним, — зорланди Чўтир. — Агар сиз ташқарига чиқишни инкор этсангиз мен бу ердан ҳеч қаёққа силжимаيمان.

— Йўқ, йўқ азизим, асло бундай қила кўрманг, Эргашбойнинг дили оғрийди. Ахир у киши сизга ишонадилар. Мен сабаб бормаслигингиздан огоҳ бўлсалар ул зотнинг қахрларига учрайман!. Сиз қайтгунча кўзларимга уйқу пардасини ташлатмай, сафарингизни бехатар бўлишини, соғ-омон қайтишингизни, яратган тангри таолодан илтижолар қилиб сўрайдирман азизим! Ахир тангримнинг: «Эй бандаларим, менга дуо қилинглар, мендан сўранглар, мен дуоларингизни

ижобат қиламан. Мен кечирувчи ва раҳмдил зотман», деган улуғ ваъдаси бор! Мен бу моборак оятни қайт-гунингизча тилимдан қўймасман, азизим. Сизни Аллоҳга топширдим, паноҳида ўзи асрасин, бало-қазолардан сақласин. Сизга ёмон кўз ила боққан кимсаларнинг ҳам қалбига меҳр солсин!

Хоним гапириб, йиғларди, зорлашиб йиғларди. Зиндон ичини ёритиб турган бир чимдим қуёш шуласи юзига тушиб турарди. Чўтир ўзини тутолмади. Ҳўп-си шишиб кетди. Хонимнинг дилни ўртовчи сўзларидан қалби эриб, кўзларига ёш келганди. Яқин орада ҳеч кимдан бундай хуш каломни эшитмаганди.

— Сизни шу кўйга солиб қўйганимдан дилим ўрта-надир хоним! — деди ютиниб.

— Озор чекманг азизим. Сиз айтганингиздек майли, мен ташқарига чиқай, Қиблага юз тутай, қўларимни дуоларга кўтарай, келгунингизча тоат-ибодатда ўлтирай!

— Мени кутинг, албатта қайтаман!

Чўтир ўрнидан турди. Ўстар-истамас қадам ташлаб зиндондан йироқ кетди. Хоним қўлларини дуога кўтарди.

Қишнинг дастлабки кунлари, икки кундан бери майдалаб ёғаётган қор тинганди. Эпкин осмон устидаги қўрғошин тусли булутларни суриб ташлаганди. Кеча ойдин эди. Юлдузлар марварид мисоли чарақлаб, ёниб турарди. Тиззасини қучоқлаб, совуқдан дилдираб ўтирган Червон хоним тунни бадор ўтказмоқда эди. Унинг қуруқшаб қолган лабларидан дуоларнинг муборак сўзлари учиб чиқарди. Ўзи билган ва хотирасига ўрнашиб қолган оятларни такрорлаб, Чўтирнинг омон қайтишини яратгандан сўрарди. Бирдан тиккага келган ва ўзининг кумуш ранг шуъласи билан зиндон ичини ғира-шира ёритиб турган ойнанинг юзи тўсилди. Хоним ҳушёр тортди ва бошини кўтариб тепага боқди. Темир панжара устида оёқларини кериб, «сени бир кеча қучоғимда олиб ётмасам, вой акажон, дедирмасам отимни бошқа қўяман», деб қасам ичган Мирюнус турарди. Зиндонбон унга бирор сўз айтмади. Бир муддатдан сўнг панжара кўтарилди. У арқонга осилиб

пастга тушди. Мирюнус ҳирс ўти ёнган кўзларини аёлга қадади. Червон хонимнинг юрагига қўрқув оралади. Увишиб қолган оёқларини зўрға ҳаракатга келтириб, ўрнидан турди.

— Сизга не керак, эй Аллоҳнинг яхши бандаси? — сўради аёл қаршисида пишиллаб нафас олаётган Мирюнусдан. — Бемаҳалда нечук ёнимга тушдингиз?

— Сизни қутқариш учун тушдим хоним, — зиндонбоннинг юзида совуқ табассум ялтирарди.

— Тушишингиз шартмиди, арқон ташласангиз кифоя эди-ку? — Хоним унинг мақсадини тушуниб етганди.

— Ташқарига чиқиш олдидан иккимиз шу ерда бир шакаргуфторлик қилайлик, дедимда хоним!

— Мен шакаргуфторлик қиладиган ёшдан ўтиб кетганман, эй яхши одам. — Юзини терс бурди хоним.

— Бу ердан чиқиб кетишнинг битта йўли бор, ё менинг шартимга кўнасан ёки ажалинг битгунча шу ерда қолиб кетасан! Танла, қай бири сен учун афзал?

— Мени тинч қўйинг эй, Худонинг мўмин бандаси. Зинокор сўзларни тилингизга олманг, Аллоҳнинг нафратига учрайсиз, унинг ғазабидан қўрқайлик! — хоним ўзини четга олди.

Мирюнус қотиб-қотиб кудди.

— Қачондан бери сен зино ҳақида ўйлаб қолдинг, қачондан бери эркак зотидан юзингни яширадиган бўлиб қолдинг?!

— Яратган эгам кўнглимни ўзининг нурлари билан нурафшон қилган кундан бошлаб, — деди хоним қаршисида турган зиндонбонга қарамасдан.

— Нима, шу ерда ўлиб кетмоқчимисан? Ширин жонингнинг қадрига етмайсан чоғи, дўндиқ?

— Менинг жоним фақат яратган эгамнинг ихтиёридадир. У биздан сўраб ўтирмас, пешонамга ёзилган кун омонатини олади, ўз даргоҳига қабул қилади, эй яхши одам!

— Бу ерда ўтириб дурустгина отин буви бўлиб қолибсан-да. Қўшмачи қариса отин бўлар, деган гап чин эканда. Илгари ҳаммани пул билан қўрқитардинг, энди бизларни нариги дунёю, гуноҳлар билан

кўрқитмоқчимисан, алвасти? Чучварани хом санабсан. Мени лаққилатолмайсан!

— Тавба қилинг, Аллоҳга шак келтирманг, эй Худонинг бандаси!

— Нима бало, ҳақиқатдан ҳам ақлдан озиб қолганга ўхшайсан чоғи! Кел, бу гапларни бир четга суриб турайлик. Ҳозир у нозиримизни ўйлайлик. Беш кунлик фоний дунёда ишрат қилайлик, давру даврон сурайлик. Ишимизни битирайликда, тезгина бу қоронғу зиндондан чиқиб кетайлик. А, нима дединг, розимисан, асалим? Қани, берироқ келчи. Кексайиб, ёшинг ўтиб қолган бўлса ҳам фаришталардек чиройлисан. Ҳар қандай одамнинг ақлини шоширасан. Хотин зотини кўрмаганимга ҳам анча бўлди. Мазасини унутиб қўйганман. — Мирюнус тўнини ечди, зах ерга тўшади, қўлларини олдинга чўзиб, хонимнинг белидан тутмоқчи бўлди. Бироқ хоним унинг кўкрагидан итариб ташлади.

— Эй Аллоҳнинг нафратидан кўрқмаган банда. Мени тинч қўйинг, сиздан ўтиниб, ёлвориб сўрайман. Мени гуноҳ ва зино ишларга тортманг. Акс ҳолда бақираман. Тепамга одам тўплайман. Шарманда бўласиз!

— Сен алақачонлар зинонинг гуноҳига ботиб бўлгансан. Денгизнинг сувида чўмилсанг ҳам ортирган гуноҳингни юволмайсан!

Мирюнус ўз муродига етолмаслигини тушунди. Чопонини қайта кияр экан яна ғазабкор кўзларини хонимга қадади.

— Кўрамиз, бу ерда яна неча кун очлик ва ташналикка чидаб ётаркинсан. Халоскоринг кетди. Қачон қайтади — Худога аён. Балки қайтмас. Билиб қўй, энди сенга мен керакман. Ёнимда юрсанг ҳеч ким сенга қўл теккизмайди. Иккимиз битта палатада маза қилиб яшаймиз. Подшоҳнинг маликасидек керилиб юрасан! Хизматингда одамларим бўлади!

— Сизнинг шоҳона ҳаётингиз менга керак эмас, эй яхши одам.

— Очликдан шишиб ўласан алвасти. Бир томчи ҳам сув бермайман!

— Яратгандан куч, сабр-бардош тилайман!

— Унутма, бу ерда сенинг оху нолаларингни фақат мен эшитаман!

Мирюнус хонимнинг суяклари ирғиб чиққан елкасидан ушлаб, уни ўзига қаратди.

— Қўлингизни олинг, — заиф овозда шивирлади хоним. — Тезда бу ердан чиқиб кетинг! Мирюнус ўзининг жирканч муроди ҳосил бўлмагунча зиндонни тарк этишни истамасди. Хонимнинг «қўлингизни олинг», деган сўзи унга ҳақоратдек туюлди.

— Қўлимни олмасам нима қиласан! — жеркиб ташалади хонимни Мирюнус. — Бақирсанг бақиравер. Одам тўпласанг тўплайвер. Мени бундан қўрқадиган жойим йўқ. Мени алдаб пастга туширди, ишрат қиласанми, деб бўйнимга осилди, дейман. Хўш, одамлар менинг гапимга ишонадими ёки сенинг чўпчагингами? Яна бир бор айтаман, монелик қилма, буларнинг ҳаммаси фойдасиз, оқибати ёмон бўлади!

— Тепамизда ҳаммасини кўриб тургувчи Аллоҳ бор, пешонамга битганини кўраман. Кеч бўлсада эссим кирди! Яратган эгам ўзининг пок нури билан дилимни нурафшон айлади!

— Қани, ўша нурафшон бўлган қалбингни кўрайчи, ҳақиқатдан ҳам беҳисоб бўйдоқларнинг назари тушиб, суви чиқмас анордек мижғиланавериб, моталоқ бўлган моммаларинг покмикин?

Червон хоним иршайиб, қўларини сийнаси томон чўзган Мирюнуснинг кўкрагидан итариб юборди.

— Нима, ҳали сен менга ноз қилдингми, қанжиқ? Бит босиб, аҳлат иси уфириб турган сендек алвастига ишим тушибди-ю, фироқ қиласан. Кошки сенинг кимлигингни билмасам. Бир фар эдинг, бир мегажин эдинг. Ўтган-кетганнинг тўрт тангасини шилиш пайида кўчада ўзингдан ўттиз ёш кичикларга ҳам қошингни учириб, кўзингни сузиб ўтирардинг, кексайганинга отинбуви бўлиб қолдингми? Аллоҳни таниб қолдингми, уни ўйлайдиган бўлиб қолдингми? Унинг номи билан бизларни қўрқитмоқчи бўляпсанми? Йўқ, сен қанчалик таоат-ибодат қилмагин Худо гуноҳингни кечмайди? Тавбаларинг инобатга ўтмайди! Сен

ҳали шошмай тур, ўзим сенга гуноҳлардан қандай пок бўлишни ўргатиб қўяман. Сени кўзлари ўт бўлиб ёнган, ғунажин кўрмаган буқадек бўкириб юрган йигитларимнинг ихтиёрига ташлайман? Биласанми, улар сени нима қилишади. Аёл бўлиб туғилганингга минг бора пушаймон едиришади. Менинг йигитларимнинг кимлигини билмабсан! Ха...ха...

Мирюнус бисотидаги энг ёмон сўзлар билан хонимни ҳақорат қилди, нафсониятига ботадиган сўзларни сўзлади. Бу билан юрагидаги алам ўти босилмади. Ҳирсининг амрига бўйсуниб, зиндонга тушганидан надоматлар чекди. Ширин орзу истаклар ўрнини ўч олиш истаги эгаллаганди. У индамай арқонга тирмашди.

Хоним енгил тин олди. Ҳолсизланиб ерга ўтирди-да, қўллари билан юзини беркитиб, гўё боши танасидан қулаб тушиб, тарс ёрилиб кетгудай қаттиқ сиққанча бутун вужуди билан дард, алам, хўрлик, камситишлардан ва айрилиқдан зор-зор йиғлай бошлади. Йиғлаганда ҳам жон азобида, ларзага келиб, ўзига эрк бериб йиғлар, чексиз қайғуга берилганидан чўкиб борарди.

Эртаси куни ҳам Мирюнус икки-уч бор зиндон тепасида пайдо бўлди. Хонимнинг ақли кириб қолгандир, инсофга келгандир, кечаги беҳаё сўзлари учун, узр сўраб, таклифимга рози бўлар деган ўйда эди. У бир қўлида нон, иккинчисида сув идишни кўтариб олганди. Афсуски, хоним уни кўриши биланоқ худди ифлос нарсани кўргандек юзини терс буриб олди. Қорни оччиққан, томоғи қаҳшаган бўлса-да, ундан на сув, на бир чимдим овқат сўради. Нафси йўлида ўз ғурурини топтамади. Аксинча хотинсираб қолган Мирюнус хонимнинг бир ишорасига, бир оғиз сўзига ҳамма нарсани муҳайё қилишга тайёр эканлигини яхши биларди. У қўлидан бирор иш келмагач, кеча хаёлига келган ишни бажаришга киришди.

Афғон дала-даштларида заҳарли илонлар анчагина топиларди. Бироқ ер бетини қор босганлиги сабаб, улар ўз инларига кириб кетишганди. Илонларни излаб топиш амри маҳол эди. Аммо қора қуртларнинг қаерда яшашини билса бўларди. Илонларга нисбатан уларни

топиш осон эди. Мирюнус қора қурт топишга аҳд қилди. Эрталаб адирга чиқиб, куни билан қорни суриб, қора қурт яшайдиган тешикларни ахтарди. Икки соатдан кўпроқ вақтини шу ишга сарф қилди. Ниҳоят карахт ҳолда ухлаб ётган икки дона қуртга дуч келди. Уларни идишга солиб бағрида илитди. Баданига иссиқ югурган қуртлар кечга яқин ҳаракатга келиб қолишди. Мирюнус ярим тунда жонланиб қолган қуртларни зиндон ичига ташлади. Кўзларини юмган ҳолда тоат-ибодат қилаётган хоним буни пайқамади. Пастга тушган қуртлар ўзлари учун иссиқ ин излаб қолишди. Бирин-кетин улар хонимнинг лозимига тирмашиб, сўнг қўйнига кириб кетди. Червон хоним баданида юрган қуртларни пайқамади. Фашини келтиргач, қўлини қўйлаги ичига суқди. Бироқ, танасига ёпишиб олган қуртлар ўша заҳотиёқ хонимнинг кўкрагидан қаттиқ тишлади, баданига заҳарини сочди. Аёл овозининг борича қичқариб юборди. Унинг овозини Мирюнусдан ўзга ҳеч ким эшитмади. Ўз режаси амалга ошганидан мамнун бўлган Мирюнус мийиғида кулиб қўйди-да, яна бошини тошга қўйиб уйқуга кетди. Червон хоним оғриқ азобида тўлғаниб жон олиб, жон бериб ётар экан хаёлан Чўтирни эслади.

— Қайдасиз, азизим?..

-23-

Шаҳар прокурори Жамолиддин Маҳмудов доимо ишдан кеч қайтарди. Ўша куни тоби қочиб вақтлироқ қайтди. Ўғли билан келини қишлоққа кетишганди. Уйда аёли ва беш ёшли набираси қолганди.

— Мени ҳеч ким сўрамадими? — сўради Маҳмудов аёлидан.

— Сўрашмади, — деди Ханифа. — Электросетдан келишди. Ҳисоблагични янгилаш керак экан, шуни айтиб кетишди.

Прокурор очиққан бўлса-да, овқатланишни истамади, ётоқхонага ўтди. Набираси Гулноза ухлаб қолганди. Маҳмудов унинг пешонасини силаб, жойига чўзилди. Ёстиққа боши тегиши биланоқ ухлаб

қолди. Аммо аёли ухламади. Алламаҳалгача идиш-товоқ ювиб, ошхонани тозалади. Эшик тақиллаганда тун ярим бўлганди. Ўғли Жаҳонгир «иложини қилсак қайтиб келамиз», деб кетганди.. Ханифа опанинг хаёлига фарзанди келди.

— Ким? — сўради эшик олдига келиб .

— Биз келдик, — паст овозда жавоб эшитилди.

Ханифа опа эшикни очди. Очдию, бадбўй ис уфириб турган латта офиз-бурни аралаш юзига босилди. Аёл овоз чиқаролмади. Беҳуш йиқилди. Ичкарига кириб келган ниқобли кимсалар эшикни беркитишди. Улардан бири аёлнинг тепасида қолди. Иккитаси хоналарни айланиб, ётоқхонага ўтди. Прокурор набирасининг ёнида ухларди. Маъсуд чўнтагидан симни олиб, прокурорнинг юзига босди. Маҳмудов чўчиб уйфонди. Ниқобли одамларни: кўриб, юраги орқага тортди.

— Кимсизлар? Нима керак сизларга?

— Сени жонинг керак? — ниқобли кимсалардан бири қўлидаги симни унинг кўзига яқинлаштириб деди. Прокурор буларни куни-кеча газета биноси олдида тўполон кўтарган кимсларнинг шериклари эканлигини билди.

— Жоним керак экан, нега уйимга бостириб кирдинг? Нега болаларимни қийнаяпсан? Айтган жойинга борардим-ку! Жамолиддин мард ва жасур инсон эди. Унинг дадил гаплари жангариларни доводиратиб қўйди.

— Юрагингга гап йўқ, прокурор, аслида шундай қилсак ҳам бўларди, лекин ўзинг биласан, ҳар ишда эҳтиёткорлик даркор!

— Аёлимни қийнама, истасанг ҳозироқ айтган жойингга бораман!

Маҳмудов ўрнидан турмоқчи эди, жангарилардан бири унинг елкасидан босиб, бунга имкон бермади.

Ханифа ўзига келди. Тепасида турган кимсани кўриб, қичқириб юборди. Кафгирдай кўл офзига урилди. Аёл босқинчининг биллагини тишлаб, иккинчи қўли билан ниқобини юлиб олди. Шунда уни таниди. Электросетданман , деб келган ва бир пиёла чойини ичиб кетган чап кўзи филай кимса эди. Босқинчи

Ханифанинг юзига мушт солди. Аёлнинг кўзларидан ўт чиқди ва ерга йиқилди. Прокурор унинг олдига бориш учун ўрнидан турмоқчи бўлди. Маъсуд бунга имкон бермади. Иккала қўли билан аёлнинг елкасидан босди.

— Жонинг керак бўлса қимирлама! — деди қўлидаги симни кўзига яқинлаштириб.

Ғала-ғовурдан Гулноза уйғонди. Бобосининг елкасидан босиб турган бегона одамни кўриб, чинқириб, унга ташланди.

— Арзандангни овозини ўчир! — буюрди Маъсуд.

Прокурор ҳамон ўрнидан туришга, йиғлаётган аёлига ёрдам беришга уринарди. Шу пайт ғилай Ҳанифани сочидан судраб ичкарига олиб кирди. Унинг юзи қонга бўялганди. Гулноза бувисига қараб интилди.

— Бувижон...Бувижон!! — дея бақирди.

Ғилай қизчанинг йўлини оёқлари билан тўсди.

— Димингни чиқарма!! — Босқинчи аёлнинг кекиртагига симни қадади. Тиф терисини шилиб юборди. Қон чиқди. Ҳанифа бунга парво қилмади, набирасига ташланди.

— Гулноза, болам!

— Бувижон!!

Босқинчи боланинг оғзига оёғини қўйди. Қизча деворга тиралиб, ўтириб қолди. Ханифа чидаёлмади. Ўрнидан турмоқчи бўлди, Маъсуднинг шериги аёлнинг юзи ерга теккунча елкасидан босди. Ханифа дод соларди. Шерикларидан бири ғилайга юзланди.

— Овозини ўчир!

Ғилай Ҳанифанинг бошини қайириб, сочлари тўсиб турган қулоғини очиб, зарб билан симни тикди. Сим аёлнинг қулоқ пардасини йиртиб, иккинчи қулоғидан бир парча қонли эт билан оқ суюқликни олиб чиқди. Энди унинг овози чиқмасди. Аёлнинг боши гир айланиб, ғилайнинг оёғига йиқилди. Прокурор тоқат қилолмади. Босқинчини улоқтириб ташлади. Иккинчи босқинчи Маҳмудовнинг кўкрагига тепди. Бурнидан қон келган прокурор тўнтарилиб тушди. Жангари яна унга ташланди. Маҳмудовнинг кучи етмади. Босқинчилар прокурорнинг қўлини қайиришди.

— Нима учун уйингга келганимизни биласанми? — сўради улардан бири прокурорнинг бошини орқага қайириб. — Сен бегуноҳ одамларимизни қамоққа тикдинг! Адолатсизлик қилдинг!

— Адашдинг! — деди прокурор, — Мен қонун доирасида иш тутдим. Шерикларинг шу жазога лойиқ эди!

Гулноза ҳамон чинқираб, бобосига талпиниб йиғларди.

Ғилай қизнинг елкасига оёғини қўйиб, ерга босиб;

— Йиғласанг, бобонгни ҳам ўлдирамиз, овозингни чиқарма! — деди. Қалтираб, дилдираб турган қизча бегона одамлар бобосини ўлдириб қўйишларидан қўрқди. Қулоғидан қон оқаётган бувисини қучоқлаб, гоҳ увилаб, гоҳ хўрсиниб йиғларди.

Прокурор босқинчининг чоти орасига мушт солди ва бутун гавдаси билан набирасига ташланди. Уни ғилайнинг оёғи остидан тортиб олди ва бағрига босди. Отабола бир-бирини қучоқлаб йиғларди. Ниқобли кимсалар яна прокурорга ташланишди. Улар олишиб кетишди. Ғилай Гулнозанинг қўлларидан тортиб, уни прокурорнинг бағридан юлиб олишга жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Қизчанинг қўллари оғриқдан узилиб кетай дерди. У балад овозда чинқирарди.

— Бобожон!! Бобожон!!

— Қизим!!

Маҳмудовнинг асаблари чидамади, набирасининг қўлларини қўйиб юборди. Бобо билан набира бир дақиқа бир-бирларига кўзларига термулиб қолишди. Ғилай қизни юлиб олди. Босқинчилар яна уй эгасининг қўлларини қайириб, сочидан тортиб ерга тиз чўктиришди. Маъсуд оғзи-бурни қонга бўялган Маҳмудовнинг юзига мушт солди. Прокурор орқаси билан йиқилди. Учинчи босқинчи шу заҳотиёқ унинг қўлтиғидан олиб тиз чўктирди.

— Ўзингга қийин қилаяпсан адолат посбони! — деди сочидан чангаллаб олган Маъсуд. — Биз кўпчиликмиз! Бу ерда бизнинг қонунимиз ҳукмронлик қилади. Сен қонунларимизга итоат этишга мажбурсан. Ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, қонун ҳам ўшанинг қўлида, шундай эмасми?! Одамларимизни ноҳақ қамаганингни тан ол! Уларда айб йўқ де! — У қўлидаги диктафонни

прокурорга яқин тутди. — Агар айтганимизни қилсанг, сени қийнаб ўтирмаймиз!

— Улар жиноятчи эди, муқаддас қонунларимизни оёқ ости қилишди. Мен уларга нисбатан адолат юзасидан чора кўрдим!

Прокурор юзига тушган муштдан йиқилди.

— Айтганидан қайтмайдиган қайсар одам эканлигини билардим. Сени жазоинг ўлим! — ўзининг ҳукмини ўқиди босқинчи.

Гулноза ғилайнинг билагидан тишлаб, бобосига отилди.

— Бобомни урма!! Қўйиб юбор!!

— Овозини ўчир! — буюрди Маъсуд шеригига.

У қизни диванга улоқтирди. Қиз ўрнидан турди ва яна бобосига талпинди. Ғилай унинг кўз ёшдан намиққан юзига тарсаки туширди. Кейин босшини чангаллаб тикилиб турди-да, хаёлига келган ўйдан ғазаб тўнғиган юзи ёришди. Шимининг тасмасини ечди.

— Овозингни ўчир!! — ўшқирди Маъсуд.

— Хўш, биз айтган гапни айтасанми?! — сўради Маъсуд прокурордан.

— Улар жиноятчи эди, қонунларимизни оёқ-ости қилишди. Мен уларга қонун доирасида адолатли чора кўрдим! — бояги гапини яна такрорлади прокурор.

Маъсуд прокурорни тепди. Гулноза яна додлаб юборди.

— Бобомни урма!

Прокурорнинг кекиртагига сим тираб турган барзанги шеригига юзланди.

— Нафасини ўчир дедим, кармисан!!

Барзанги ғилайни туртиб юборди ва ўзи қизнинг олдига отилиб борди-да, пешонасига мушт туширди. Гулноза беҳуш йиқилди. Босқинчи қўлидаги симни қизнинг икки қоши ўртасига тиради.

— Хўш, адолат пасбони, сендан сўнги бор сўрайман! Бизнинг топшириғимизни бажарасанми?!

— Прокурорнинг гапи битта бўлади, сен ўз саволингга жавоб олдинг!

Гулнозанинг сим тилган пешонасидан қон чиқарди. Прокурор набирасига ёрдам бериш учун ўрнидан туришга уринди, аммо Маъсуд унинг белига тепиб юборди.

– Набирангни яхши кўрмас экапсан, айтганимизни қилмадинг, сенга сўнги имконият , намоишчиларпи беайб қамадим, уларда гуноҳ йўқ эди де!! Учгача санайман! Бир...икки...

Прокурор босқинчиларга эгилишни ор деб билди, номус деб билди, Ватан байроғини ўпиб ичган қасам-ёдига хиёнат, деб билди.

– Сен қайсар эмас, меҳрсиз ота экансан!! Хотинингга, набирангга ачинмадинг! Энди ўзингдан кўр!

– Маъсуд шундай деб, Гулнозанинг пешонасига сим тираб турган шеригига қаради. Қарашнинг маъносини тушунган босқинчи қўлидаги симни қизнинг зулукдек қоп-қора қошлари ўртасига бир зарб билан санчди. Сим унинг мўрт суякларини қирсиллатиб синдириб, орқа миясидан тешиб чиқди. Жон олиб жон бераётган пайтда «Бобо», деган сўзни айтди. Кейин бир-икки типирчилаб таёқдай қотиб қолди. Прокурор эс-хушини йўқотаёзди. У бирдан қутириб кетди ва шаҳд билан ўрnidан туришга уринди. Маъсуд унинг устига гавдаси билан ташланди. Иккинчи барзанги етиб келди ва ғилайнинг қўлидаги симни олиб прокурорнинг юрагига санчди. Маҳмудов ҳамон қулоғидан қон ва суюклик оқаётган аёлининг ёнига йиқилди.

Босқинчилар топшириқни бажариб бўлишганди. Улар хонадан тезда чиқиб кетишди. Юрагига сим санчилган прокурор ҳали жон таслим қилмаганди. У судралиб, иш столига келди. Бир парча қоғозни олди, қалам тополмади. Юрагига санчилган симни суғириб, қон билан «ғ» ҳарфини ёзиб, йиқилди...

Иккинчи китоб пайонига етди.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм.....	3
Иккинчи қисм.....	121

Муаллифдан

«Афгон шамоли» сериали асосида чоп этилаётган «Сўнги топшириқ» романи қисқа мугдат ичуда ўқувчилар қўлига етиб борди. Сериалнинг кейинги китобларини сўраб мактуб битган, телефон орқали боғланган, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган, айниқса Андижон, Фаргона, Қўқон, Самарқанд, Тошкент шаҳридаги мухлисларимга, Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталигини қўриқлаётган «Н» қисм асқарларига беҳисоб миннатдорчилигимни изҳор қиламан.

Асарнинг иккинчи китобини «Тўданинг тугатилиши», деб номлаган эдик. Китобни ;;ашрга тайёрлаш ва қайта ишлаш жараёнида, қолаверса, ҳурматли мухлисларнинг қимматли фикрларини ҳисобга олиб, қўшимча боблар киритдик. Оқибатда янги китоб яратилди. Уни «Қасам» деб номладик. Бу «Сўнги топшириқ» романининг узвий давомидир. Яқин кунлар ичуда «Қасос» «Тўданинг тугатилиши» «Ватангадолар», «Бегона одам» «Қора маржон», «Махфий квадрат», «Қашқирлар жанги» асарлари ҳам чоп этилиб, қўларингизга етиб боради, деган умидда, сизларга ҳурмат ва эҳтиром билан муаллиф:

Ҳомийлик қилиш истагида бўлган саҳий, саховатли, мурувватли инсонларга ҳисоб-рақамимизни маълум қиламиз: Наманган вилояти Тўрақўрғон шаҳар, «Миллий банк» бўлими Ҳисоб рақами: 20206000799961932001 МФО: 00891 «Афгон шамоли» китоби учун ҳомийлик тўлови. Олувчи И. Нишонов.

Фикр мулоҳазалар учун телефон рақами:
(+99869) 574 -18 - 03.

Адабий-бадий нашр

Исҳоқжон НИШОНОВ

АФҒОН ШАМОЛИ

ИККИНЧИ КИТОБ

ҚАСАМ

Детектив роман

<i>Масъул муҳаррир:</i>	Боқий МИРЗО.
<i>Нашр муҳаррири:</i>	Умиджон ЖАББОРОВ.
<i>Тех. муҳаррир:</i>	Ғанижон МУЛЛАБОЕВ.
<i>Ком. оператори:</i>	Исмоилхон ТОШХОЖАЕВ.
<i>Мусаҳҳиҳ:</i>	Султонхон ХОЖАЕВ.

Теришга 10.04.2009 й. берилди. Босишга 16.09.2009 й.
рухсат этилди. Газета қозиги офсет усулида босилди.

Бичими 60x84. 1/16. Ҳажми 15,5 босма табоқ.

Адади 3000 нусха. Буюртма № 183

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Фарғона» нашриёти.

Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ,

Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.



- Бу нонкўр нафсининг гапига кириб қил
бузган!

- Гапингизда жон бор, амирим!

Тезкор вакиллар меҳмоннинг олдига я
келиб қолишганди. Меҳмон кўрқиб кетди
қўлидаги гранатанинг ҳалқасини у
ташлади.

**-Йўқ, ҳали у тантана қилмади. Биз ўзимизни
оқлашимиз керак, иним! Унинг кимлигини
фош қилишимиз лозим!**

- Чўтир тилини тишлари орасига одди
бутун кучини тўплаб, тилини чайнаб уз
ташлади. Бир парча қонли этни Эргашбойни
юзига тупурди.

**Аёл белига бовлаган "жиҳот камари"нинг
ипини маҳкам ушлаганча ўзидан ўн қадам
нарида турган милиционернинг олдига
яқинлашиб келарди.**

**- Оёғимга тиз чўк! -Ўшқирди жангарилар
бошлиғи.**

**- Мен фақат онамнинг пойига, Ватанимнинг
муқаддас байроғига тиз чўкаман!**

**Жангарилар тўрт нафар қирғиз ҳукумати
раҳбарларини тутиб келишди.**

**- Ўзбекистонга киришимиз учун бизга йўлак
очиб берасанлар!!**

**-Биз ўзбек халқига хиёнат қилмаймиз! Улар
бизнинг оға-иниларимиздир!**

**Санжар ғор ичидан
сасиб, қуртлаб кетган
жасадни судраб чиқди.**

ISBN 978-9943-347-59-5



9 789943 347595

**Исҳоқжон
Нишонов**нинг
шу кунга қадар
турли нашр-
ларда чоп этил-
ган китоблари
хақида маълумот.
"Марадона",
"Оролга саёҳат",
"Ирода", "Тер-
говчи хотира-
лари" (Олимжон
Долимов билан
хамкорликда),
"Тўққизинчи ўк",
"Қабр ичидаги
жиноят", "Беда-
зорда отилган
ўк", "Агентнинг
хатоси".

Нашриёт шу
кунларда муал-
лифнинг "Му-
ҳаббатнинг ши-
рин ёлғонлари"
китобини чоп
этишга тайёр-
ламоқда.